

Н.Мажисов УМУМИЙ
НЕВРОЛОГИЯ

(Асаб касалликлари
пропедевтикаси)

Тошкент
Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт
нашиёти,
1995

Махсус мухаррир Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор А. РАҲИМЖОНОВ

М 15 Мажидов Н. Умумий неврология (Асаб касалликлари
пропедевтикаси): Тиббиёт институтлари учун дарслик.—2—
тўлдирилган нашри. — Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиб-
биёт нашриёти, 1995. — 296 б.

56.12я73

Уқув нашри
Наби Мажидович Мажидов,

Овруцо ва Осиё медицина фанлари академиясининг академиги, Ўзбекис-
тонда хизмат қўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор'

УМУМИЙ НЕВРОЛОГИЯ

Абу Али ибн Сино номидаги тиббиётти,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Мухаррир *Маърифат Орифжонова, М. Қодирова*, мухаррирнят мудирин *Б. Мансуров*, бадиний мухаррир
М. Эргашева, техник мухаррир *В. Мешчериқова*, мусаххих *Ҳамидулла Исматов*

ИБ № 1967

Босмахонага 12.05.93 да берилди. Босншга 24.02.95 да рухсат этилди. Биичими $60 \times 90^1 /_6$.
2-босмахона қофози. Адабий гарнитура. Офсет босма. Шартли босма табок 18,5+вкл. 3,5. Нашр. босма-
табок 19,44+вкл. 3,81. Шартли бўёк-оттиски 38,5. Жами 15000 нусха. 144 ракамли буюртма.
Бахоси шартнома асосида. 40—92 ракамли шартнома.

Ўзбекистон республикаси Давлат матбуот кўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида
чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-йй.

4108090000—012
M ————— 70—95
M 354(04)—95


SBN 5—638—00788--1

© Тошкент, «Медицина» 1973.
© Абу Али ибн Сино номидаги
тиббиёт нашриёти, 1995.
тўлдирилган 2-нашири.



НЕВРОЛОГИЯ ТАРИХИ

НЕРВ ТҮҚИМАСИННИГ
МИКРОСКОПИК ТУЗИЛИШИ



ОРҚА МИЯ



ПЕРИФЕРИҚ НЕРВ
СИСТЕМАСИННИГ ПАТОЛОГИЯСИ



БОШ МИЯ



ТИББИЕТ ГЕНЕТИКАСИ АСОСЛАРИ



ДИАГНОЗ (ТАШХИС) УСУЛЛАРИ ВА
ҚАСАЛЛИҚ ТАРИХИНИНГ СХЕМАСИ

**УМУМИЙ
НЕВРОЛОГИЯ**

**(АСАБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ПРОПЕДЕВТИКАСИ)**

ИККИНЧИ НАШРИГА СҮЗ БОШИ

Профессор Н. М. Мажидовнинг тиббиёт институтларининг талабалари учун 1973 йилда 10 000 нусхада чоп этилган «Умумий невропатология» дарслиги врачлар тайёрлаш ишида катта аҳамиятга эга бўлди. Дарслик факат талабалар учун эмас, балки ёш невропатолог врачлар ва илмий ходимларга ҳам шу фанни ўрганишда ва ўзлаштиришда катта ёрдам берди. Хозирги вактда бу қўлланмага эҳтиёж жуда катта.

Китобнинг янги нашрига Ўзбекистон неврология илмининг тарихи, олий нерв системаси фаолияти, вегетатив нерв системаси ва янги диагностика усулларига оид янги боблар киритилди. Китоб шу соҳадаги замонавий маълумотлар билан тўлдирилди, аввалги нашридаги жузъий ноаниқликлар ва камчиликлар бартараф этилди, янги расмлар билан бойитилди.

Маълумки, мустақил жумҳуриятимизда тиббиёт олий билимгоҳларининг сони кўпайди, бинобарин, бу хилдаги дарсликларга эҳтиёжнинг тоборақ ортиб бориши табиийdir. Дарсликнинг янги нашрига ўз муносабатини билдириб, таклиф-мулоҳазаларини юборадиган ҳурматли китобхонларга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

КИРИШ

Атрофимизни ўраб турган бутун борлик — майда зарралардан тортиб улкан, осмонўпар тоғлару, замину-замон, бутун жонли ва жонсиз мавжудотларнинг ҳаммаси она табиатимиз маҳсулидир. Инсоннинг асаб системаси, айниқса бош мияси шу табиат маҳсули бўлиб, ўзининг тутган ўрни, вазифаси, тузилиши жиҳатидан энг олий дараҷадаги материя хисобланади.

Инсон мияси шундай бир галактикаки, таркиби миллиард сайдералар каби сон-саноқсиз нейронлардан иборат бўлиб, табиатнинг энг улуғ сирларини ўзида сақлади. Унда қандай ҳодисалар рўй бермоқда, фаолияти ишлаш тартиби қандай? Бу саволлар неча асрлар давомида инсониятни қизиктириб келмоқда.

Асрлар давомида олимларимиз табиатнинг тенгсиз ва ниҳоятда мукаммал такомиллашган мўъжизаси хисобланмиш одамзод бош миясининг хусусиятларини ўрганиб келмоқдалар.

Инсон улуғ. Инсоннинг улуғворлиги эса унинг бош миясининг маҳсули бўлмиш онгидадир. Шу боисдан одамзод қолган бутун тирик мавжудотдан фарқ қиласди.

Инсон ҳаракат килиш, кўриш, эшитиш, сезиш, фикрлаш, хисоблаш, мулоҳаза қилиш, мусикани тушуниш каби қобилиятларга эга. Бўйга олий нерв фаолияти дейилади. Илм-фанинг ҳозирги тараққиёти ва ютукларига қарамасдан бош мия олий фаолияти тўғрисида кишилар онгига инкор этиб бўлмайдиган куйидаги тушунчалар ўрнашиб қолган. Кулок — эшигади, кўз — кўради, оғиз — таъмни сезади, бурун — ҳид билади каби тушунчалар бир қарашда инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатга ўхшайди. Ваҳоланки кўз ўзи кўрмайди, кулок эшийтмайди, оғиз таъм билмайди, бурун ҳидни ажратолмайди. Бу сезгилар факатгина бош мия орқали рўй беради. Чунончи, кўзимиз, қулоғимиз қанчалик соғлом бўлмасин, агар бош миядаги кўриш, эшитиш марказлари жароҳатланган бўлса, инсоннинг кўзи ожиз, қулоғи эса қар бўлур эди. Ҳеч қандай жарроҳлик усуллари бундай кўзни ҳам, кулокни ҳам оча олмайди.

Табиат инсонга шундай бир бебаҳо неъмат инъом қилганки, бу бизнинг нутқимиздир. Нутқ жараёни жуда мураккаб бўлиб, у ўз ичига нутқнинг бир неча турларини қамраб олади. Булар автоматик нутқ, сухбат нутқи, сенсор нутқ, мантикий-грамматик нутқ ва ҳоказолардир.

Шу ерда яна бир муаммо бор. Одатда гапириш жараёни тил билан бошқарилади, дейилади. «Тили ўткир», «тили равон», «тили аччиқ», «тили ширин» деган ўхшатишлар бор. Тилнинг фикрни сўз билан изҳор қилишда иштироки бор, албатта. Лекин «ўткир тил», «аччиқ тил», «ширин тил»нинг тилга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Тилнинг «аччиғи» ҳам, «ширини» ҳам, «равони» ҳам мия ҳосилотидир.

Бош мия айрим кисмларида шундай нутқ марказлари мавжудки, бири гапириши вужудга келтирса, иккинчиси гапнинг мазмунини тушунишни таъминлайди. Ҳар бир шахснинг ўзига хос чехраси бўлгандай, ҳар бир одамнинг ўзига хос тили бордирки бу унинг нутқ моҳияти, ўша шахснинг зоти, одоб ва ахлоқи, билими, маданияти ва бошқа инсоний фазилатларига боғлик бўлади.

Шу хил нутқларнинг ҳаммасини тил эмас, бош мияда жойлашган нутқ марказлари ижро этади. Агар бош миядаги нутқ марказлари жароҳатланган бўлса тилимиз лол қолади ёки ҳар қандай сўзни она тилими, чет тилими, тушуниш кобилияти йўқолади.

Ҳаммага маълумки, жозибали мусиқа ёки ашула юрагимизни тўлқинлантиради, ҳаяжонга солади, хузур-ҳаловат бағишлайди. Агар бош миянинг тепа кисмидаги мусикани мушоҳада қиласиган кичкинагина митти марказ заарланган бўлса-чи, жозибали мусиқанинг оддий шовқиндан фарқи қолмайди. Бундай одам табиатнинг бундай улуғ эҳсонидан маҳрум бўлади. Бу маркази заарланган созанда ҳам, хонанда ҳам бу гўзал касбидан маҳрум бўлади.

Бош миянинг олий фазилатларидан яна бири — гнозис ҳодисаси. Гнозис — бу билиш, сезиш, англаш маъносини билдиради. Бу ҳодисанинг бузилиши агнозия деб юритилади. Кўриш, эшитиш, ҳид билиш ва бошқа агнозиялар мавжуд.

Инсон ўзининг ҳаёти давомида жуда кўп оддий ва мураккаб ҳаракатлар қиласики, бунинг айримларини бажариш одат тусига кириб қолган. Масалан, кийим кийиш, тумани қадаш, сочни тараш, пианино чалиш каби мураккаб ҳаракатлар шулар жумласига киради. Агар бош мия тепа кисмининг бир бўлаги заарланган бўлса, гарчи фалаж бўлмаса ҳам бундай ҳаёт учун зарур бўлган ҳаракатлар бузилади, натижада киши ўз-ўзини бутунлай эплаб ололмайди.

Энди ички аъзолар фаолиятини олайлик. Масалан, бизнинг юрагимиз суткасига 100 минг марта кисқариб, 9 минг литр қонни худди митти насосдек ўзидан ўтказиб, бутун организмга ҳайдайди, аммо ҷарчаш нималигини билмайди. Организмнинг беминнат захматкашлиги сири-асрори ҳам унинг бош мия орқали бошқарилганидан. Асабийлик, хис-ҳаяжон вактида юрак гупиллаб уриб кетиб, «қинидан» чиқиб кетгундай бўлишини ким билмайди, дейсиз. Бу ҳам асаддан.

Бир томондан караганда, бош мия тўғрисида кўп нарса билгандаймиз, аслини олганда эса бу муъжиза шунчалик

сирли ва мураккабки, ҳозирги замон илм-фан тараққиёти ҳам буни тушунтириб бериши анча мушкул. Хотира, ўта сезувчанлик, дахолик сирлари ва шунга ўхшаган юзлаб ҳодисаларнинг маркази қаердалигини, уларнинг қай тарзда ишлашини билмаймиз. Қаерда илм фан чегарасию, қаерда илоҳий кудрат?

Морфологлар, физиологлар, биохимиклар бош мияни «кора кути»га ўхшатишади. Уларнинг фикрича, «кора кути» ўзига тушган ахборотларни тахлил қилишга қодир. Лекин бу жараён кай йўсинда боришини аниқ билмаймиз.

Бу муаммоларни ҳал қилишда олимларимизга ҳар битта нерв ҳужайрасининг кўзғалишини сезувчи ва рўйхатга оловчи сезгир электрон хисоблаш машиналари ёрдамга келиб, сирли «кора кути»нинг сирларини очмоқда.

Ҳозирги замон тасаввурларига биноан бош миянинг пўстлоқ қаватида 14 миллиарддан зиёдроқ нерв ҳужайралари ва 100 минг миллиард ҳужайраларро алоқалар мавжудки, булар инсоннинг аклий ва маънавий моҳиятини белгилайди. Бош мия ниҳоятда кўп нейрон занжиридан иборат бўлиб, 25 ваттгача бўлган энергияга эга. У ўзининг энергияси билан 1 соатда 6,2 грамм глюкозани, 3 литр кислородни кўйдиради ва ўзида 1 триллиард-бит маълумот сақлаш қобилиятига эгадир. Ҳолбуки ҳозирги замон компьютерлари факатгина 80—100 млн-бит ахборотни саклашга қодир. Ҳозирги пайтда хотира, оғриқ, ҳис-хаяжон, кувонч каби жараёнлар асосида ётадиган ўзгаришлар тўғрисида анчагина билимга эга бўлмоқдамиз. Бу билимлар бизга асаб касалликларида юз берадиган биохимик жараёнларни чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Олимларимизнинг илмий изланишлари давом этмоқда. Ҳеч иккиланмасдан шуни айтиш мумкинки, яқин йиллар ичida бош мия ва марказий асаб системасининг ҳужайралар сигнализацияси ва турли номаълум механизмларининг фаолияти тўғрисида янги маълумотлар оламиз. Айниқса бош мия тўғрисида катта аҳамиятга молик бўлган фан ихтироси XXI асрнинг бошларида кутилмоқда. Шунинг учун асримиз фанининг 1990—2000 йиллари жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таклифига кўра дунё бўйича бош мия 10 йиллиги деб аталган.

Неврология мураккаб фан, уни ўз-ўзидан хоҳлаган вактда ўрганиб олиш қийин; бунинг учун айрим бирламчи фанлар — нерв системасининг нормал, топографик ва патологик анатомияси ва физиологияси, мия биохимияси тўғрисида маълумотларга эга бўлиш талаб этилади.

Неврология икки — умумий ва хусусий бўлимдан иборат. Умумий неврология марказий ва периферик нерв системасининг заарланиши натижасида келиб чиқадиган синдромларни, уларни текшириш усувларини, топик диагнозини (жараён қаерда жойлашганлигини аниқлаш) ўрганади. Хусусий неврология эса ўзига хос нозологик усувларни, яъни алоҳида асаб

касалликларини ўрганади. Биз бу китобда умумий неврология асослари тўғрисида фикр юритамиз.

Асаб касалликларини аниқлашда терапевтик клиникаларда қўлланиладиган текширув усувлари — аускультация, пальпация ва перкуссия камдан-кам қўлланилади. Бош ва орқа мияни чертиш, эшлиш ёки ушлаб кўриш билан текшириб бўлмайди. Чунки улар бош суюги ва умуртка пофонаси билан ўралгандир. Аммо мутахассисдан беморга ёрдам бериш учун биринчи навбатда патологик жараён марказий ёки периферик нерв системасининг қайси қисмида жойлашганини аниқлаш талаб этилади.

Асаб касалликларини аниқлашда ўзига хос усулдан фойдаланилади. Неврологиянинг асосий текшириш усули — функционал диагностика усулидир. Функционал диагностика усули деб, ўзгарган функцияларга қараб нерв системасининг патологик жараён жойлашган қисмини аниқлаб олишга айтилади. Нерв системасининг турли қисмлари муайян бир функцияни бажаришга мосланганлиги учун шу бўйлимнинг заарланиши ўзига хос ўзгаришларни келтириб чиқаради. Агарда врач нерв системасининг тузилиши ва функциясини яхши билса, функционал диагностика усулидан осонгина фойдалана олади ва патологик жараён мия қутисининг қайси қисмида эканини тезда топиб олади. Шундай қилиб, бош ва орқа мия ҳамда периферик нерв системасининг анатомияси ва функциясини билиб олиш бу усулдан унумли фойдаланишининг гаровидир. Шунинг учун китобда нерв системасининг патологияси тўғрисидаги маълумотлар билан бир қаторда унинг тузилиши ва функциясига ҳам алоҳида эътибор берилган. Неврологияда патологик жараён жойлашган қисми ва унинг хусусиятини аниқлаш учун қўшимча параклиник усувлардан ҳам фойдаланилади. Рентгенология, электрофизиология, ликворология, ультратовуш ва изотопларни қўллаш усувлари шулар жумласига киради

Кейинги йилларда неврологияда кўпгина янгиликлар юз берди, янги текширув усувлари пайдо бўлди. Электроэнцефалография, реоэнцефалография, электромиография, эхоэнцефалография, бош мияни скеннер қилиш ва ҳоказолар клиникаларда қўлланишга тақдим этилди. Охирги йилларда эса неврология фанига медицина генетикаси курси ҳам кўшилди.

Китобнинг ҳамма боблари олий тиббиёт ўкув юртларининг талабалари учун белгиланган невропатология фани дастурига (программасига) сўнгги йилларда киритилган ўзгаришларга мувофиқлаштириб тузилган. Талабаларнинг мавзууни ўзлаштиришини осонлаштириш мақсадида нерв системасининг ҳар бир бўлими: анатомияси, функцияси, патологияси ва текширув методлари тўғрисидаги маълумотлар билан бир жода берилди.

Нерв системасида кечадиган асосий жараёнлар тўғрисида яхши тушунча ҳосил қилиш учун китобнинг биринчи бўлимида нерв хужайраси ва нерв толалари тўғрисида маълумотлар

берилган. Бу бўлим ҳам дастурга тўла мувофиқлаштирилган. Нерв ҳужайраси, нерв толаси ва синапсларнинг электрон-микроскопик тузилиши ва сўнгги йилларда аникланган янги физиологик хоссалари тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилган.

Орқа мия ва периферик нервларнинг тузилиши, функцияси ва патологияси бўлимида периферик нерв системасининг зарарланиши натижасида пайдо бўлувчи синдромлар мукаммал ишлаб чиқилган. Бу бўлимида электромиография тўғрисида кўшимча маълумотлар ҳам берилган.

Мия устуни бўлимида ҳам кўпгина янгиликлар бор. Гипоталамик соҳа ва тўр формация анатомияси, функцияси ва патологияси тўғрисида янги лавҳалар берилган.

Мияча системаси ва пўстлоқ ости тугунлари тўғрисида ҳам бир қанча янги маълумотлар келтирилган.

Бош мия пўстлоқ қаватига тегишли бўлиmlар дастурга мослаштириб ишлаб чиқилган ва кўпгина янги маълумотлар кўшилган.

Китобда нейропсихологик усуллар ёрдамида бош мия пўстлоғи олий нерв фаолиятининг ҳозирги замон назарияларига асосланган патологияси ва текшириш усуллари тўғрисида маълумотлар берилган. Бу бўлими ёзишда клиникамизнинг тибиёт фанлари номзоди Н. А. Акбарова фаол қатнашди. Бу бўлимида электроэнцефалография ва реоэнцефалографияга оид янги материаллар ҳам берилган.

Ихтиёрий ҳаракат ва сезги системаси тўғрисидаги материалларни бош мия пўстлоғи бўлимида беришни мақсадга мувофиқроқ деб топдик.

Китобда медицина генетикаси тўғрисида ҳам маълумотлар беришини лозим деб топдик. Бу бўлими ёзишда клиникамиз доценти, тибиёт фанлари номзоди Н.Т. Икромова фаол қатнашди.

Касаллик тарихи схемасига тегишли бўлимида ҳам нейропсихологик текширув усуллари ва айрим насл касалликларини аниклаш усуллари каби янги маълумотлар берилган.

НЕВРОЛОГИЯ ТАРИХИ

ҚАДИМГИ ЗАМОН НЕВРОЛОГИЯСИ

Асаб системаси, унинг тузилиши, касалликлари ва уларни даволаш ҳақидаги дастлабки маълумотлар қулдорлик тузуми даврининг тиббий манбаларида учрайди. Бу маълумотларда асаб касалликларининг ташки белгилари эмперик тарзда тасвирланган. Кўйида келтирилган неврология тарихи бўйича маълумотлар қадимги Миср, Юнонистон, Рим империяси, араб табобати, Ўрта аср, уйғониш даврларини ҳамда ҳозирги замон табобатларини ўз ичига олади.

ҚАДИМГИ МИСР НЕВРОЛОГИЯСИ

Мисрлик кохинлар табиб сифатида тан олинган эдилар. Улар асаб системасининг баъзи касалликлари, масалан, бош мия чаноги жароҳатлари, мия шикастланиши билан боғлиқ бўлган фалажлар, юз нервининг фалажи ва бошқалар ҳақида билишар эди. Геродотнинг таъкидлашича (эрамиздан аввалги V аср), Мисрда айрим табиблар фақат кўзни, бошқалари — бошни, учинчилари — тишларни, тўртингчилари — корин касалликларини даволашар, бешинчилари эса, айрим ички аъзоларни даволашга ихтинослашган эдилар.

Фивин мақбарасида тонилган, эрамиздан аввалги XVI асрга тааллуқли бўлган Эберс папирусида турли касалликлар, шу жумладан, асаб касалликларини даволашда қўлланиладиган 900 та рецепт ва кўрсатмалар келтирилади. Даволаш воситалари сифатида турли ўсимликлар (пиёз, саримсоқ пиёз, салат, нилюфар, зиғир, ловия, укроп, кўкнори, хурмо, анор, узум), неорганик моддалар (олтингугурт, темир, сурма, лой, кўргошин, сода, селитра) ва хайвонот маҳсулотлари (қон, сут, тананинг ишлов берилган қисмлари, турли ҳайвонларнинг экскрементлари ва бошқалар) келтирилади. Уларни сут ёки асал билан, дамлама сифатида тайёрлашган. Эдвин Смитнинг жарроҳлик папирусида бош чаноги ва бош мия жароҳатлари ҳақида сўз юритилади.

ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОН НЕВРОЛОГИЯСИ

Қадимги ҳинд табибларининг асаб системасига доир маълумотлари Сушрутанинг «Аюр-Веда» китобида келтирилган. Баъзи тадқиқотчилар бу китобни эрамиздан олдинги VI

асерда ёзилган деб тахмин килишса; бошқалари бу асар IX-III асрларга мансуб деб уқтирадилар.

«Аюр-Веда»да ёзилишича, одамда 24 та нерв ва 9 та сезги аъзолари бор.

Сушрутанинг айтишига кўра киндик асосий ҳаёт манбаидир, барча нерв ва томирлар киндиқдан бошланар экан.

Хинд шифокорлари соғлиқнинг асосий кўрсаткичлари деб қуидагиларни: акл-хушнинг тиниклиги, сезги аъзоларининг нормал фаолияти, органик суюқликлар нисбатининг баробарлиги, организм чиқиндиларининг тўғри ажралиши ҳамда ҳаётий функцияларнинг нормал ҳолатини ҳисоблайдилар. Мана шулардан бирортасининг заарланиши касаллик пайдо бўлишига олиб келади. Сушрута асаб касалликларига қуидагиларни: хушдан кетиб йиқилиш, апоплексия, офтоб уриши, тутқаноқ ва бошқаларни киритади.

«Аюр-Веда»да тутқаноқ ирсий касаллик ҳисобланади.

Хиндистонда эрамиздан VIII аср илгари тутқаноқка дучор бўлган кизларга турмуш қуриш ман қилинганлиги ҳакида қонун чиқарилган.

Асаб касалликларини даволашда гўшт, ўсимликлар, суяқ кули, сут ва бошқалар тавсия этилган. Булардан ташқари кустурувчи, сурги, терлатадиган дорилар, ванналар, зулук солиш кабилар кўлланилган.

Индуслар асаб касалликларини даволаш мақсадида биринчи бўлиб симоб кўллаганлар.

ҚАДИМГИ ХИТОЙ НЕВРОЛОГИЯСИ

Бизгача етиб келган «Ички аъзолар ҳакида трактат» да (эрамиздан олдинги III-II асрлар) ва «Мўъжизалар китоби»да бош мия функцияси ва унинг тузилиши тўғрисидаги Хитой табибларининг тасаввурлари ҳакиқатдан анча йироқ эди. Аммо «Оддий масалалар» да ёзилишича, бош—зеҳн ва акл жойлашган макондир. Эрамиздан олдинги III асрда Ван Цинь Жен ёзган трактатнинг «бош мия тўғрисидаги» бобида «зийраклик ва хотира қалбда эмас, балки бошда» дейилган.

Хитой табиблари киши шахсиятини англашда унда содир бўладиган ҳиссиётларни ғам-ғусса, ғазаб, қувонч, севиш, хоҳиш, кабиларга катта ўрин ажратганлар. Уларга фалаж, тутқаноқ, бош оғриғи каби асаб системаси касалликлари маълум эди. Асаб касалликларини даволашда «Чжен Цзю терапия» (нина санчиб ва куйдириб даволаш) усулини қўллаганлар. Булар ҳакида дастлабки маълумотлар эрамиздан олдинги VI асрга бориб тақалади.

Хитой табиблари кустурувчи дорилар, сургидан кенг фойдаланганлар. Айниқса, пархезга ва бадани тоза тутишга катта аҳамият берганлар.

Тутқаноқ касаллигини даволашда фил тишидан фойдаланган-

лар. Асабларни мустаҳкамлаш учун эса тую гўшти истеъмол қилиш тавсия этилган.

Айниқса организмни тетиклантириш, унга куч-куват бериш учун Хитой табобатлари халқ табобатининг синовдан ўтган дори-дармонлари — женъшеш ва панталар (кийикнинг янги ўсиб чиққан шохлари)дан фойдаланишган. Бу дорилар ҳозирги замон тиббиётида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Асаб касалликларини массаж ва бадан тарбия билан даволаш ўша даврдаёқ тавсия қилинган.

КАДИМГИ ТИБЕТ НЕВРОЛОГИЯСИ

Тибет илмий табобати «Жуд-Ши» бундан минг йиллар илгари вужудга келган, унда соғ ва касал организм тўғрисидаги қарашлар ишлаб чиқилган.

«Жуд-Ши» да ёзилишича, миянинг ҳаётий фаолияти ундаги суюқлик ҳажмига боғлиқдир. Лекин мияда кон айланиши тўғрисидаги маълумотлар ўзининг аниқлиги билан ажralиб турди. Мия 4 та кон томирдан: 2 та уйқу ва 2 та умуртка артерияларидан озиқланади.

Тибет шифокорлари ҳам Хитой табобатчилари каби асаб системаси фаолиятини суяқ илиги бажаради, деб билишган. Улар 6 та сезги органлари: кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм сезиш, тери сезгирилиги ва тўла (ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан) қоникиш ҳиссини тан олганлар.

«Жуд-Ши» да асаб касалликларига бош ва орка мия касалликлари, фалажлар, орқа мия захми, хотиранинг йўқолиши, бош оғрифи, мигренъ, уйқусизлик, бош айланиши, бел оғриклари киритилган.

Тибетда асаб касалликларини ёғли дори-дармонлар, иситилган ёғ суртиш, ванналар, сув, массаж, куйдириш, кон чиқариш, ухлаш, дам олиш билан даволаганлар.

Бундан ташқари, Тибет табобатида ташқи муҳит омиллари (шифобахш балчик, минерал сувлар, қуёш нурлари) га катта аҳамият беришган.

КАДИМГИ ЮНОН НЕВРОЛОГИЯСИ

Букрот (Гиппократ). Тиббиётнинг отаси бўлмиш буюк Букрот эрамизгача бўлган 460–377 йилларда яшаган. Контибий мактабининг таникли врачлари — унинг ўғиллари Фессал ва Дракон, қуёви Полибл, Аполлоний, Дексипп ва Траскагорлар Букротнинг шогирдлари бўлишган.

Букротнинг бизгача 59 қисмдан иборат асарлар тўплами етиб келган.

Букротнинг фикрича, бош мия безлар туркумига киради, у икки ярим шардан иборат бўлиб, улар ўзаро комиссура ва мия чандиги ёрдамида боғланган. Бош мия иккита парда билан ўралиб турди: ташқи — қаттиқ парда, ички мияга

тегиб турувчи — юмшок пардадир. Орқа мия бош миядан пайдо бўлиб, унинг ҳам ўз пардалари бор. Букрот киритган «арахноидал» парда термини хозиргача қўлланилади. Букротга эшитув нерви, уч тармоқли, сайдер нервлар, тирсак ва қовурғалараро нервлар, елка чигали, қўймич нерви кабилар маълум эди. Бош мия одамзод учун энг буюқ куч хисобланади. Кўз, қулоқ, қўл ва оёклар мия буйруғи асосида ишлайди.

Букрот фикрича, бош оғриғи бош мияда пайдо бўлган қўйқа туфайли вужудга келади. У бош мия қизиб кетганда, зах ўтганда, тумов бўлганда, қулоқ оғриганда ва шароб ичганда пайдо бўлади. Шунингдек, кўз мигрени ҳам Букрот қаламига мансуб.

Букротнинг кўп таълимотлари хозирги замон клиникаси ва даволаш усуслари нуктаи назаридан содда кўринса-да, лекин унинг bemorлардаги кузатувлари қизиқарлидир.

У асаб касалликлари қаторига куйидагиларни: бош оғриғи, бош айланиши, бош мияга қон қуйилиши, параплегия, летаргия, истерия, ҳар хил турдаги фалажлар, мушак тортишишлари, орқа мия захми, бош мия ва орқа мия жароҳатлари кабиларни киритган.

Бундан ташқари, Букрот бош миянинг ярми заарланганда қарама-қарши томондаги оёқ-қўллар фалаж бўлиб қолишини бўйлган. Агар жароҳат миянинг чап томонида бўлса, тананинг ўнг томонида фалаж ва тутканоқ хуружлари пайдо бўлади деб тушунтирган.

Букротнинг эпилепсия касаллиги тўғрисидаги фикрлари тарихда алоҳида ўрин тутади. Бу касаллик Букротдан олдинги ҳинд, хитой олимларига ҳам маълум эди. У эпилепсия сабаблари тўғрисида шундай ёзган: «Бир қараашда бу ирсий касаллик кўринса-да, лекин унинг асосида бир қанча сабаблар ётади: эпилепсия она қорнидаги касалликлардан бошлаб, бош миянинг ҳар хил заарланиши оқибатида рўй беради». Бу касалликнинг асосий сабаби бош мияда деб таъкидлайди у.

Букрот асаб касалликларини уларнинг келиб чиқишига қараб даволаган. Бунда у аввало қон чиқариш, ошқозон ва ичакларни тозалаш; буғли ванналар, доривор моддаларни ишлатиш, меъёрида овқатланиш, тўғри яшаш тарзига риоя қилиш ва ҳоказоларга аҳамият берган.

Афлотун (Платон). Афлотун (эрамиздан олдинги 430—348 йиллар) Сукротнинг шогирди, файласуфлар мактабининг асосчиси хисобланади, лекин у тибиёт фанининг ривожланишига ҳам ҳисса қўшган.

Афлотуннинг асаб системаси тўғрисидаги фикрлари Букрот фикрларига яқин. Афлотуннинг фикрича, мияда ҳаёт асосини ташкил қилувчи алоқалар бўлиб, улар рух ва танани бирлаштириб туради. Бош мия шарсимон сүяқ билан қопланган, орқа мия умуртқа поғонаси ёрдамида муҳофаза қилинган. Буларнинг ҳаммаси ташки таъсиrlардан химоядир.

Афлотуннинг фикрича, бош ва орқа мияни тангри сезиш ва фикрлаш учун яратган. Сезги органлари миядан бошланиб, рухнинг асосий куроли ҳисобланади.

Афлотун Букрот каби нервларни пайлар билан аралаштирган, улар бўйимлардаги ҳаракатларни енгиллаштиради, деб ўйлаган.

Арасту (Аристотель). Арасту (эрамиздан олдинги 384—322 йиллар) ўз фалсафий ва тиббий фикрларини устоzlари Афлотун ва Букротдан олган. Арасту тахминан 400 та асар ёзиб колдирган, улардан баъзиларигина тибиётга алоқадор.

Арастунинг фикрича мия қонсиз, ҳиссиз, совук ва шилимшиқ бўлиб, у иккита ярим шардан таркиб топади ва шунингдек иккита мия пардаси билан қопланган. Мияча миядан оркада жойлашган бўлиб, бош миядан ажралиб туради.

Қадимги олимлар ичида Арасту биринчи бўлиб асаб толаларининг мавжудлигига ва бу асаб толалари миядан келиб чиқишига эътиборни жалб қилган. У буни асаб толаси деб атамаган, балки «миядан ташқарига чиқувчи майда каналчалар ёки найдалар» деб атаган. Арасту факат кўриш, хид билиш ва эштиш нервларини билган, лекин уларнинг миядан қай томонга йўналишини аник тасвирлаб бера олмаган, уларнинг вазифаларини ҳам тўғри тасаввур қила олмаган. Масалан, кўрув нерви кўзнинг озиқланишига хизмат килади, деб тушунган.

Арасту бош миянинг ҳис килиш аъзоларидан бири эканлигини инкор этган ҳолда юракни тананинг қайноқ аъзоси ва барча ҳиссиёт, сезиш ва ақлнинг эркин фаолияти жойлашган макон сифатида тасаввур қилган.

РИМ ИМПЕРИЯСИ НЕВРОЛОГИЯСИ

Рим империяси даврида, ундан олдинги давлардаги каби давлат миқёсидаги касалхоналар бўлмаган. Тиббий амалиёт хусусий бўлган.

Рим империяси даврида тиббиётга оид бир канча таникли сиймолар ўтган. Улар қаторига Лукреций, Асклепиад, Цельс, Гален ва бошқалар киради.

Тит Лукреций Кар (эрамиздан олдинги 99—55 йиллар)—«Нарсаларнинг табиати» шеърий философик трактат ижодкори. Шоир ва файласуф Лукреций врач бўлмаса ҳам унинг неврология соҳасидаги фикрлари ўзидан олдин ўтган ҳакимларнинг ижобий карашларини акс эттирган. Букрот таълимоти Лукреций ижодига ва дунёкарашига катта таъсир кўрсатади. Лукрецийнинг кўриш иллюзияси, сезги органлари, туш кўриш ва бошқалар тўғрисида айтган фикрлари жуда қизиқарли. Лукрецийнинг фикрича, ёнаётган тошкўмирдан мия қаттиқ заҳарланади.

Асклепиад (эрамиздан олдинги 128—56 йиллар)

миллати юон, Александрия ва Афинада билим олган. Асклепиад беморларни даволашда озиқ-овқат ва ичимликларга, тоза ҳавога, ёргуликка, ванна, уқалаш усулларини ишлатишига, винони меъёрида истеъмол қилишга эътибор берган.

Асклепиад тўсатдан пайдо бўладиган қўл-оёқ тортишишларини ва контрактураларни тасвиirlаб берди, уларнинг келиб чикиш сабаби физик ва руҳий таъсиротлар натижасидир, деб ҳисоблайди.

Асклепиаднинг таъкидлашича, кутурган итнинг тишлаши одамда ва ҳайвонларда кутуриш — гидрофобия (сувдан қўркиш) касаллигини келтириб чиқаради.

Асклепиад тутқаноқ касаллигининг сабаби мияни ўраб олган пардаларнинг ёрилиши, деб ҳисобларди. У тутқаноқ пайтида флеботорния ва ҳар хил хидли нарсаларни хидлашни маслаҳат беради. Шу билан бирга бунда вино ва гўшти овқат истеъмол қилишни таъқиқлайди.

Авл Қорнелий Цельс (эрэмиздан олдинги 25—30 й., эрамизнинг 45—50 йиллари) ижоди философия ва медицинага боғлиқ эди.

Цельснинг «Медицина тўғрисида» ги трактати 8 та китобдан иборат, унда гигиена, парҳез, диагностика (ташхис) ва ҳар хил касалликлар (тана ҳароратининг кўтарилиши, тутқаноқ, фалажлар, ошқозон, талоқ, жигар касалликлари ва бошқа ички аъзолар касалликлари)ни даволашга, жарроҳликка жуда катта аҳамият беради.

Руҳий касалликларни қисқа, лекин изчил тасвиirlайди. Цельс ўзининг трактатида қадимги Рим ва юон медицинасининг юксалишини айтиб ўтади. Цельс индусларнинг «Аюр-Веда»сидан ҳам фойдаланган.

«Медицина тўғрисида»ги трактатда менингит симптомлари, офтоб ургандан кейинги холат, апоплексия, оғриклар, бош мия суяги синганда мия қобиқларининг жароҳатланиши, нерв касалликларида қўл ва оёкларда пайдо бўладиган оғриклар, фалажлар тасвиirlаб ўтилган.

Цельс фалажларни даволашда жисмоний машқларга катта аҳамият берган. Беморга тўшакда ётиб ҳар хил машқлар қилиш ёки фалаж бўлган қўл-оёқларни сувга ботириб, харакат қилдиришни тавсия этган, бу усуллар бизгача етиб келган.

Шундай қилиб, Цельс асаб касалликлари хусусида янгилик киритмаган бўлса ҳам, амалий тиббиётда унинг трактати катта ўрин тутади. Анчагина врачлар авлоди Цельсдан ўрганишди ва ўз ишларида кенг фойдаланишди.

Клавдий Гален. Галеннинг (эрэмизнинг 131—201 ёки 210 йиллари) қарашлари Арасту (Аристотель)нинг таълимомтига ~~да~~ Афлотун (Платон) фалсафасига асосланган эди.

Клавдий Гален турли мавзуда 256 та асар ёзган. Тиббиёт соҳасида «Анатомик текширишлар», «Гигиена», «Дориларнинг

таркиби ҳақида», «Терапевтик усуллар», «Букрот ва Афлотуннинг таълимоти ва қарашлари ҳақида» ва бошқа асарлари бор. Гален хирургияга, нафас аъзоларига, овқат ҳазм қилишга, озик моддалар таҳлилига ва бошқаларга атаб махсус трактат ёзган. Галенning «Шифокорлик санъати» асари узок вақтгача намунали тиббиёт дарслиги саналган эди.

Клавдий Галенning текширишлари анатомия, физиология ва клиник тиббиётнинг бошқа бўлимларини бойитди. Унинг анатомияга доир ишлари ҳайвонларни ёриб кўриш ва препарат тайёрлашга асосланган эди.

Гален бош мия ва унинг тўртта коринчалари, мияча, орқа мия, мияча чувалчанги, тўрт тепалик, миянинг тўрт тепаликка борувчи оёқлари, миянинг икки пардаси (қаттиқ ва юмшоқ парда), миянинг қоринчаларини ўзаро боғлайдиган тешиклар, нерв тугунлари, харакатлантирувчи, сезувчи, аралаш нервларни тасвиirlab берган эди.

Гален бош мия веналарини ўрганди ва унинг номи билан аталувчи энг катта венани тасвиirlab берди.

Гален 7 жуфт бош мия нервларини ёзиб қолдирган. У орқа мия нервлари 58 та бўлади, деб ҳисоблар эди. Гален бу нервларни харакатлантирувчи, сезувчи нервларга бўлди ва кўпгина ички аъзоларни иннервация қиладиган толаларни ажратди.

Галенning фикрига кўра, нервлар бош миядан чикувчи ва орқа мия орқали ўтувчи қисмларга бўлинади.

Гален Арастунинг мия совук ва қонсиз бўлади, деган фикрини рад этди. Зоро ҳайвонлар мияси иссик, мия пардаларида кўплаб қон томирлар бўлади. Гален Арастунинг мия фақат юракни совутиш учун яратилган, деган фикрига қўшилмайди. Галенning асаб системаси анатомияси, физиологияси ҳақидаги қарашлари Букрот ва унинг издошлиаридан кейин олдинга қўйилган катта қадамдир.

Гален апоплексия, параплегия, гидроцефалия, тутқаноқ ва истерияни мия касалликлари деб ҳисоблар эди. Юз мускуларининг шикастланиши, оёқ ва қўл мускулларининг айrim гурухлари, гоҳида юз айrim қисмлари ёки тана мускулларининг шикастланиши бош мия заарланиши туфайли юзага келишини таърифлайди.

Гален Букрот мактаби изидан бориб, тутқаноқ катталарда камдан-кам ҳолларда тузалади, деб ҳисоблайди.

Тутқаноқни даволашда Гален мия коринчаларидан шиллиқни чиқариб юбориш учун сурги қилишни, қон айланишини яхшилаш мақсадида қон олишни, касаллик хуруж қилган вақтда аксиришни пайдо қиладиган воситаларни тавсия қилган.

Истерия касаллиги тиббиётда Букрот давридан маълум бўлган. Истерия асосан аёллар касаллиги ҳисобланар эди. Истерия нозология сифатид бианнинг давримизгача сакланиб қолган. Галенning фикрига кўра аёлнинг «совуқ» ошиб кетганди истерия беради — «совуқрок» бўлган аёл уруфининг

ушланиб қолиши натижасида, айниңса бева ва эри йўқ аёлларда пайдо бўлади.

Квент Серен Самоник. Галендан кейин Рим тиббиёти асосан рецептлар тўпламидан иборат бўлди.

Серен Самоникнинг «Табобат китоби» да ҳамма касалликлар тўғрисида маълумот берилган. «Бош оғриқни даволаш тўғрисида»ги қисмида бу касалликка саримсоқ, баъзан эса саримсоқнинг қалампир уруғи билан аралашмаси тавсия қилинади.

Руҳий хасталикларга миянинг касалланиши сабаб бўлади, деб ҳисоблайди «касалланган мия ақлсизликни келтириб чиқаради», деб уқтиради у. Уйқусизликдан азоб чекаётган кишига сарв дарахти барги солинган сувни ёки зайдун ёғига атиргул баргини аралаштириб ичиш тавсия қилинади.

Тутқаноқ касаллигига Самоник қора калхат ўтини винога қўшиб ичишни, қўзичоқ ўтини асал билан ичишни, сельдердан тайёрланган мураббо, ёмғир суви, укроў ва ҳоказоларни тавсия қилади.

ЎРТА АСР НЕВРОЛОГИЯСИ

АРАБ ТИЛИГА ОИД НЕВРОЛОГИЯ

Яқин ва ўрта шарқ, Европа адабиётларида араб тиббиёти, араб неврологияси деган нотўғри қараашлар мавжуд эди. Тиббиётнинг ривожланишига фақат араблар эмас, балки Эрон, Ўрта Осиё, Кавказ халқлари ҳам салмоқли ҳисса қўшишган. Шунинг учун ҳам бу халқлар табобатини араб неврологияси эмас, араб тилига оид неврология дейиш тўғрироқ бўлур эди.

Араб тилига оид табобат биринчи галда катта шифохоналарда бой клиник кузатувлар ўтказади. Улар табобат тарихида биринчи бўлиб юқумли касалликлар—қизамиқ, чечакни ўргана бошлидилар.

Араб тилига оид табобатда кўз физиологиясига катта эътибор берилди, кўзойнаклар ўйлаб топилди.

Араблар спирт, кислоталар (сульфат, хлорид, азот кислоталар, «шохона арок»), ишқорлар (ўювчи натрий, ўювчи калий), тузларни, симоб препаратларини, азотли кумуш, олтингугуртни кашф килишди.

Биринчи дорихона арабларда пайдо бўлган. Араб тилида сўзлашадиган олимлар тиббиёт амалиётига кўпгина дори-дармонлар киритишган, масалан, мускус (бош мия ва кўз касалликларида), амбру (тутқаноқда, юрак касалликларида ва мия бузилишларида), камфора (бош айланишида, мия яллигланишида ва бошқалар), сандал дарахти (бош оғриғида) шулар қаторига киради.

931 йили Боғдодда табобат билан шуғулланмокчи бўлган врачлар учун маҳсус давлат комиссияси тузиленган. Бу комиссия бў-

лаҗак врачлардан махсус имтиҳон олиб, имтиҳондан ўтганларга диплом берган.

Биринчи йирик касалхоналар VII—X асрларда Дамашқ ва Бөгөндө пайдо бўлган. Бу касалхоналарда ўша замоннинг атоқли врачлари Иброҳим ибн Вакс, Абу-ул-Ҳасан Хибатулла, Ибн ул-Салоҳ, Абу ул-Ҳусайн Али ибн Қашқарийя, Абу Аҳмад, Абду Раҳмон ибн Али ибн ул-Марзабани, ахвазлик Абу Єқуб ишлаганлар.

Касалхоналар Эронда, Шарқда, Марғуда ҳам бўлган. Бу ерда болаларни даволабгина қолмай, балки турли илмий тиббий маърузалар ҳам ўtkazilgan.

854 йили Коҳирада руҳий касаллар учун касалхона очилган. Коҳирадаги бир госпитал тўғрисида Ганс Лаўер шундай деб ёзган: «Бу касалхонада мачит, кутубхона ва етимхона, яралангандар бўлими, тузалаётганлар бўлими, аёллар ва эркаклар бўлимлари бўлган. Ҳар бир хона сув билан таъминланган. Овқат тайёрлаш, дорилар ва уларни ғамлаш учун махсус хоналар ажратилган. Алоҳида хона эса тажрибали врачларнинг маъруза килишларига мўлжалланган».

Кўйида Ибн Синогача бўлган, араб тилида сўзлашган табобат олами вакиллари устида тўхталиб ўтамиз.

Ал-Қиндий. Буюк файласуф Абу Юсуф ибн Исҳоқ ал-Қиндий (800-879 й) 150 та катта асарлар, жумладан 30 та табобат тракти муаллифидир. Улар орасида нерв системаси анатомияси ва патологияси, мия тузилиши, мия касалликлари ва уни даволаш ҳақидаги трактатлар алоҳида ўрин тутади. Унинг «Инсон онги ҳақида китоб»ида психология тўғрисида маълумотлар берилган.

Хунайн ибн Исҳоқ. Европада Иоганнитус номи билан ҳам машҳур бўлган, Букротнинг ҳамма асарларини араб тилига таржима қилган ва уларга тузатишлар киритган. Гален, Платон (Афлотун), Эвклид, Архимед ва бошқаларнинг асарларини таржима қилган.

Хунайн 100 дан ортиқ асар яратган, улар орасида «Ўнта сухбат» ва тутқаноқ касаллиги ҳақидаги асарлари алоҳида ўрин тутади.

Ар-Розий. Абу Бакр Муҳаммад ибн Закарий ар-Розий (Европа олимлари уни Рәзес деб юритган) IX асрнинг иккинчи ярмида Хуросонда туғилган. У Бөгөн шифохонасиний директори ва халифнинг сарой табиби бўлган. Унинг «Камбағадлар табобати» китобида турли касалликларни осон даволаш усуллари баён қилинган.

Ар-Розий асарлари ичиде лотин тилига таржима қилинган асарлари бор. Улар 25 жилдан иборат табобатга оид бўлган «Кўп нарсаларни ўз ичига олган табобат ҳақидаги китоб» ва 10 жилдли «Ал-Мансурга бағишлиланган табобат китоби»дир. Бу асарлarda табобатнинг асосий масалалари — анатомия, физиология ва неврология касалликлари ёритилган.

Чечак ва қизамиқ ҳақидаги асарларида ар-Розий факат ўзининг кузатувларидан фойдаланган. Бу мавзулар грек врачи-

ларига таниш бўлмаган ёки улар томонидан ёритилмаган. Унинг «Касаллик турлари», «Бебаҳо китоб», «Табобатга кириш», «Жигар ҳакида», «Юрак ҳакида», «Қўзниңг тузилиши ҳакида», «Қўз ҳакида ва қўзниң нурларни чиқармаслиги ҳакида», «Ташхис қўйиш қийин бўлган касалликлар ҳакида», «Подагра ва ишиас ҳакида», «Фациалис тортишилари ҳакида», «Бўйиндаги оғриклилар ҳакидаги трактат», «Фойдали овқат турлари ва уларнинг зарарли хусусиятларини йўқотиш ҳакидаги китоб» асарлари диккатга сазовордир.

Ар-Розийнинг шогирдлари — «Касаллик тарихи» асарида жуда кўп асаб ва руҳий касалликларни, жумладан тутқанок, фалажлар, меланхолия ва турли неврастения ҳолатларини даволаш усусларини келтиришган.

Асаб касалликларидан ар-Розий тутқанок, фалажлар, ипохондрия, бош оғриклари, ишиасларни тасвирлаган. У уч шохли, нервнинг невралгияси ҳакида ҳам ёзган.

Ар-Розийнинг даволаш усули асосан парҳез қилиш, конолиш, кустриш ва сурги дориларни қўллаш ва ични тозалаш (хукна) лардан иборат бўлган.

Ал-Форобий. Қомусчи олим ал-Форобий (873—950 й.) қаламига 160 дан ортиқ илмий ишлар мансубдир. «Арасту метафизикасига изоҳлар», «Назарий ва амалий табобат», «Одам танаси аъзолари ҳакида трәктат» шулар жумласидандир.

Форобий инсонни атроф муҳит билан боғлаб турувчи 5 та сезги аъзолари тўғрисида ёзиб, бундай руҳий ҳолатларнинг физиологик ҳолатга мансублигини кўрсаатди.

Форобий инсондаги табиий жараёнларни изчил ўрганиш кераклигини таъкидлаган. У инсон ҳамма ҳайвонлардан ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб туради, яъни унда рух бор, руҳда ҳосил бўлган кучлар тана аъзолари орқали таъсир қилади. Бундан ташқари, одамда шундай куч борки, бу куч тана аъзоларисиз таъсир қилади, бу — идрокдир. Юқорида келтирилган кучларга куйидагилар киради: озиқлантирувчи куч, ўсиш кучи ва қўпайиш кучи. Шу билан бирга шу кучларнинг ҳар бирида қандайдир хизматчи куч бор. Қабул қилувчи кучлардан ташқари, кучлар ички сезиш, тасаввур этувчи кучлар, тахмин кучи, хотира кучи, фикрлаш кучи, нафрат (ғазаб) ва эҳтиросни ҳаракатлантирувчи кучлар бўлади. Булар одам танаси бўлимларини ҳаракатга келтиради, деб ёзган.

Форобий инсоннинг табиий қобилияти — сезиш ва фикрлашни ўрганишнинг қулав усувларини ишлаб чиқишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Форобий дунё сирларини ўрганишда ақл фаолиятининг мислсиз имкониятлари борлигини таъкидлайди. Олим инсоннинг ўлимидан сўнг қайта тирилиши ҳакидаги фикрни қабул қилмаган, факат ердаги хаётдагина баҳтга эришиш мумкин, деб ҳисобланган. Бу фикр эса бошқа олимларнинг қарашларига (Ғазалий ва бошқалар) зид бўлган.

Форобий касаллик келиб чиқишининг умумий қонунлари ва

одам организмининг соғлом ҳолатини сақлаб қолиш тұғрисида фикр юритган.

Ал-Заҳравий (Абул Қосим). Абул Қосим (936—1013 й.) табобатда жарроҳ сифатида 30 жилдли «Ал-Тасриф» асари муаллифи сифатида машхур. Бунда Абул Қосим ҳар хил касаллеклар ва уларнинг давосини келтиради, бош мияда қилинадиган операциялар тұғрисида фикр юритади. «Миянинг ўзида суюқлик бўлганда» операцияни бажариш мумкин эмас, дейди. Абул Қосимнинг айтишича, жарроҳлик билан шуғулланадиган врач анатомияни, бош мия томирлари, нервлари ва асосий аъзоларнинг жойлашишини аниқ билиши керак.

Абул Қосим ўтқир қуроллар (пинцет)дан фойдаланиб, кулоқ ва чакка артериотомиясини ўтказган. У бош оғриғи, фалажлар, тутқаноқ, меланхолия, ишиас касаллекларини даволаган.

Абу Райхон Беруний. Ибн Синонинг замондоши ва дўсти, йирик қомусчи олим Абу Райхон Беруний (973—1048 й.) Хоразмнинг қадимий пойтахти Кот шаҳрида туғилган.

Беруний тиббиёт билан алоҳида шуғулланган бўлмаса ҳам, у тиббиётни яхши билган. Беруний Хоразмдаги «Маъмун академияси» нинг раҳбарларидан бири бўлган. Абу саҳл Масихий, Ибн Сино, Ибн Ҳаммор ва бошқалар билан бирга ишлаб, уларга маслаҳатгўй бўлган.

Ибн Ал-Байтар. Тиббиёт адабиётларида Ибн Синонинг замондошлари ва ундан олдин яшаган ушбу олим ҳақида маълумотлар бор. У ҳамма маълум дориларни алфавитга солган.

Амор ибн Али — нозик мис найча ёрдамида биринчи марта касалланган кўз гавҳарнин (катарактада) жарроҳлик йўли билан олиб ташлаб, даволанган.

Шундай қилиб, X асрнинг иккинчи ярмига келиб табобат илмининг мустаҳкам илмий асосга эга бўлган шарт-шароитлари араб тилига оид давлатларда пайдо бўлган эди. Энг қадимги алломаларнинг (Сушрута, Ван Цинь Жен, Букрот, Афлотун) илмий тиббий дунёқарашларидан бошлаб ўрта асрларда яшаб ижод этган мутафаккир олимлар (ал-Киндий, ал-Розий, ал-Форобий) яратган ўлмас асарлар, уларнинг турли хасталикларда тутган йўл-йўриклари тиббиёт фанининг ривожи учун куладай шарт-шароитлар яратган эди. Шу даврда дунёга келган буюк мутафаккир олим Абу Али ибн Сино бундай шароитдан тўғри фойдаланиб, тиббиёт фанининг ўтмиши билан танишди, уларни чуқур тахлил қилиб ривожлантириди; баъзиларини инкор этиб ўзининг янги ғояларини олдинга сурди.

АБУ АЛИ ИБН СИНО НЕВРОЛОГИЯСИ

Буюк аллома, ўрта аср илм-фанининг ёрқин юлдузларидан бири, ўз даврида ердан осмондаги юлдузларгача бўлган муаммолар сир-асрорини ўрганиб, билимларини келгуси авлодларга ўлмас мерос қилиб қолдирган улуғ донишманд Абу Али ибн Сино (Европада Авиценна) 980 йилнинг сентябрь ойида Бухоронинг

Афшона кишлоғида саводли, маърифатпарвар оилада дунёга келди. Унга Ҳусайн деб ном қўйиши.

У устози Нотилидан ипак йўли орқали бизгача етиб келган Сукрот, Афлотун, Арасту каби олимларнинг буюк ишларини ўрганди. Ибн Синода айниқса тиб фани катта қизиқиш уйғотди. Буни сезган отаси машхур шифокор ар-Розийнинг «Тиббиёт мажмуаси» асарининг 30 жилдини топиб унга беради. Бу даврда Бухорога улуғ мутафаккир олим, донишманд ҳаким, Абу Райхоннинг устози Абу Сахл Ҷасихий келади. Бундан фойдаланиб, Абдулло ибн Сино ўғли Ҳусайнни унга шогирдликка топширади. Ибн Синодаги гиббиётга бўлган қизиқишини ва истеъодни сезган устози унга Форобийнинг «Назарий ва амалий тиббиёт» асарини армуғон этади ва ўзлаштиришга кўмаклашади.

Шундан кейин амир Нух ибн Мансурнинг табиби Ҳаким ал-Қамарий (ал-Қамарий ўз замонасиning етук ҳакимларидан эди) билан ҳамкорликда ишлай бошлади. Ўша даврда (XI аср) илм-маърифат юксак даражада ривожланган эди. Ибн Синонинг шифокор сифатида машхурлиги Бухоро билан Хоразмда яшаган даврларига тўғри келди. 23 ёшида анча танилиб камолатга етишган Ибн Сино. Хоразм шоҳи Али ибн Маъмун саройида ташкил топган «Маъмун академияси»да кўпгина олимлар билан танишиди. Буюк мутафаккир олим Абу Райхон Беруний, математик Абу Наср Аррок, қонуншунос ас-Сухайли шулар жумласидандир.

Ибн Сино шеъриятга жуда қизиқсан. Унинг шеърияти мавзу жиҳатидан кўп киррали ва ранго-рангdir. Шеърларда ишқий ғазаллар ҳам, илм-маърифат ҳакида фикр юритувчи китъалар ҳам, кишиларни яхшиликка чорловчи фалсафий рубоийлар, турли ҳикматли, насиҳатомуз сўзлар ҳам бор.

Абу Али Ибн Сино тиббий мулоҳазаларни шеърга солган буюк донишманд, хассос шоирдир. У хатто номи араб манбаларидан маълум бўлган ҳаким Таёзукнинг тиббий маслаҳатларини ҳам шеърга солган. Тиббий асарларни шеърга солган биринчи олим Тит Лукреций Кар бўлса, иккинчи аллома миллатимизнинг фахри бўлган Ибн Синодир.

Абу Али Ибн Сино ижод қилиш, беморларни даволаш билан бир қаторда, талайгина шогирдлар ҳам етиштирган. Абу Убайд Жузжоний Ибн Синонинг содик шогирди ва дўстларидан бири эди. У қарийб 30 йил Ибн Сино билан бирга ҳамфикр, ҳамдард дўст бўлиб яшади. Жузжоний Ибн Синонинг кўпгина асарларини қайтадан кўчирди, ҳалққа тарқатишда хизмат қилди.

Ибн Сино 22 ёшгача Бухорода, қарийб 30 ёшгача Хоразмда яшади, салкам 10 йил дарбадарликда, умрининг қолган 17 йилини Ҳамадон билан Исфахонда ўтказди.

Доимий тазииклар, дарбадарликлар, оромсиз туну-кунлар, тинимсиз илмий изланишлар Ибн Сино соғлиғига ўз таъсирини кўрсатди. Ибн Сино оғир аҳволда Исфахондан Ҳамадонга кетаёт-тиб йўлда вафот этади. Бу сана 1037 йил июнь ойининг 18-куни эди.

У ўзининг қисқа умри даврида тиббиёт, геология, мусиқа,

математика ва фаннинг бошқа соҳаларида асарлар яратган ажойиб донишманд сифатида машҳур бўлди.

Ибн Сино олим сифатида мисли кўрилмаган даражада жаҳонга танилди. Уйғониш даврининг генийси Микеланжело: «Гален ва Авиценна ёқлаб хато қилиш, бошқаларни оклаб тўғри бўлишдан яхшироқдир», деган эди.

Данте эса, ўзининг «Илоҳий комедия» асарида Ибн Синонинг номини Птоломей, Эвклид, Букрот, Гален номлари билан бир қаторда эслатиб ўтади, бундан ташқари у ўзининг шеърларини Ибн Сино шеърларига тақлид қилиб ёзади. Ибн Сино шарқда «Шайх-ур-раис», Фарбда эса «Файласуфлар князи» номи билан машҳур бўлди. Академик Б. Д. Петров Ибн Синони олимларнинг устози деб таърифлайди.

Ибн Сино қисқа умри давомида 300 дан ортиқ илмий асарлар яратган. Ўнинг «Тиб конунлари» бутун дунёга машҳурдир.

«Тиб конунлари» 5 жилдан иборат бўлиб, 412,5 босма саҳифани ташкил этади. Унда асаб тузилмасининг анатомияси ва физиологияси шу қадар чуқур ва батафсил баён қилинганки, бунга қойил колмай илож йўқ.

Ибн Сино биринчি бўлиб ўмумий неврология билан хусусий неврологияни бир-биридан ажратиб берди, инсон аъзолари функциясини уларнинг тузилиши билан чамбарчас боғлиқ равишда баён қилди.

Ўмумий неврология. Ибн Сино аъзоларни бош мия ва итоаткор органларга бўлиб чиққан, бош (марказий) органларга бош ва орқа мияни киритган. Аллома бош мияни ҳис-туйғулар ва харакатнинг бошланғич органи деб таърифлади. Бош мия анатомиясини батафсил баён қилган: мия қутиси ичидаги симметрик 2 та ярим шарнинг чуқур эгат билан бўлинниб, 4 бўлмачага бўлингани, улар ҳар бирининг функциялари, кон томирлар билан таъминлангани, мия пардалари, қоринчалари, мия устунини жуда усталик билан баён қилган. Бош мия қоринчалари, цистерналари ва уларда орқа мия суюклиги (ликвор) ишлаб чиқилиши тўғрисидаги маълумотлар алоҳида зътиборга эга. Айниқса, бош мия кон томирлари, унинг кон билан таъминланиши шу қадар аниқлик ва усталик билан баён қилинганки, бунга хозирги замон тадқиқотчилари ўзгартириш киритиши амри маҳолдир.

Ибн Сино бош мияни «онг маркази» деб таърифлайди. Бу орган орқали биз дунёни кўрамиз, эшитамиз, мушоҳада қиласиз, ҳид биламиз. Салбий ва ижобий ҳис-туйғуларнинг жунбушига келиши ҳам марказга боғлиқ. Бу органда фикр пайдо бўлади, фикрдан эса билим туғилади. Ички органларнинг фаолияти, ишлаш тарзи ҳам бош мияга боғлиқ.

Ибн Сино орқа миянинг анатомияси за физиологиясини чуқур ўрганиб шундай деб ёзган эди: «ярагувчи... бош миянинг бир қисмини пастга (тананинг пастки қисмига) тушириб, инсонга мурувват кўрсатдики, ундан ажралган нервлар майда тармокларга бўлинниб ўз вазифаларини бемалол, узлуксиз бажо келтирадилар».

Ибн Синонинг нафас марказининг бош мия билан орқа мия ўртасида жойлашганлиги тўғрисидаги фикри аҳамиятга моликдир. У жинсий ва сийдик чиқариш аъзолари функцияларини орқа мия идора қиласи, деган фикрни билдирган.

Ибн Сино «Тиб қонунлари» китобида периферик нерв системасининг анатомияси ва физиологиясини хайратомуз аниқлик билан тасвирилаган. Буқрот эса нерв билан пайни бир-биридан ажратада олмаган, марказий ва периферик асаб системасининг фарқини аниқлаб беролмаган.

Буқрот ва унинг шогирдлари периферик нервларни қўйидагича тассавур қилишган: «нервлар бўғимлар билан биринкен ҳолда учраб, бутун танага ёйлади. Юзда бошқа нервлар бўлмайди; энг нозик ва мустаҳкам нервлар мушаклар ва суюклар орасида жойлашган».

Бу соҳада Ибн Синонинг периферик нервлар тўғрисидаги маълумотлари ҳақиқатга ва ҳозирги замон неврологияси таълимотига мос келади. Периферик нервларни Ибн Сино қўйидагича таърифлайди: «Нервлар бош миядан ёки орқа миядан бошланиб, майда, юмшок ўтказгичлардан иборат. Улар ҳаракатлантириш ва сезиш функцияларини бажариш учун яратилган».

Ибн Сино краниал ва орқа мия нервларининг ҳаракатлантирувчи ва сезувчи функцияларини эътиборга олиб, алоҳида алоҳида баён қилганки, бу унинг ниҳоятда чукур билимга эга эканлигидан, синчковлигидан, ўта кузатувчанлигидан далолат беради.

Клиник неврология. Ибн Синодан олдин ўтган олимларнинг кўпчилиги — Сушрута (эрамиздан олдинги VI аср). Буқрот, Гален каби алломалар асаб системаси таснифини тузишга ҳаракат қилишган. Масалан, Буқрот бош оғриғи, бош айланиси, тутқанок, френит, орқа мия сўхтаси, титрок, турли фалаж ва уларнинг даволаш усуllibарини ўзининг турли асарларида баён қилган. Гален таснифи ҳам Буқрот таснифи сингари система малашмаган. Абу Али ибн Синонинг бу борадаги таснифи эса назарий билимлар асосида эмас, балки чукур изланишлар, тажрибалар асосида юзага келган. У касалликларнинг белгилари, уларни келтириб чиқарадиган сабаблар, асоратлар, даволаш усуllibари ва профилактикаси асосида тузилган.

Ибн Сино асаб касалликларини қўйидаги гурухларга бўлган:

1. Бош миянинг яллиғланиш касалликлари.
2. Бош миянинг қон томир касалликлари.
3. Нерв системасининг ўスマлари.
4. Эпилепсия (тутқанок).
5. Бош миянинг гидроцефалияси.
6. Бош миянинг паразитар касалликлари.
7. Нерв системаси жароҳатланишидан келиб чиқадиган касалликлар.
8. Нерв системасининг заҳарланиши.
9. Нерв системасининг функционал касалликлари (неврозлар).
10. Периферик нерв системаси касалликлари.
11. Нерв системасининг ёндошган касалликлари.

12. Түрли аъзолар касаллклари натижасида келиб чиқкан нерв касаллклари.

13. Рухий касаллклар.

14. Мижознинг бузилиши ва бошқалар.

II асрда ёзилган нерв системаси таснифи билан ҳозирги замон таснифини солиштирас эканмиз, Ибн Синонинг нақадар доно эканлигига таҳсиллар ўқиймиз. Чунки ҳозирги замон нерв системаси таснифи Ибн Сино яратган таснифдан катта фарқ қилмайди.

Ибн Сино касаллкларни ўткир ва сурункали, енгил ёки оғир даволанадиган ва даволанмайдиган касаллкларга бўлади. Касалликни 4 даврга — бошлангич давр, зўрайиш даври, ўта зўрайиш даври ва сусайиш даврларига бўлади. Бундан ташкари, касаллик ўчогини аниклашга катта эътибор беради.

Ибн Сино ички аъзолар патологияси натижасида нерв системасининг бузилишини жуда усталик билан ифодалаганки, бу каби маълумотлар ҳозиргача на дарслікларда, на жаҳон илмий назарий ишларида ёритилган. Ҳозирги замон невропатологлари олдида бу масала муаммо бўлиб турган бўлса, Ибн Сино уни бундан 1000 йил олдин баён қилган эди. Ибн Сино мия эхинококки, жароҳатлари, периферик асад касаллклари каби қатор касаллкларни баён қилганки, бу билимлар ҳозиргача тиббиёт илмининг ривожи йўлида катта хизмат қилмоқда.

Албатта, Ибн Сино билимлари XX аср тиббиёти олдида содда, жўн кўриниши мумкин. Бундан фойдаланган баъзи Европа тиббиёт тарихчилари Ибн Синони қурамачилик (компилиятивлик) да айлашга уриндилар. Гўё Ибн Сино Буқрот, Арасту, Галенларнинг илмий назарияларини такрорлаган эмиш. Ҳолбуки Ибн Сино бу олимларнинг ишларига ижодий, баъзида танқидий ёндошиб, уларни тўлдирди. Уларнинг кўпгина фикр ва мулоҳазаларини инкор қилди.

«Тиб конунлари» асари саккиз аср давомида (XVIII асрғача) Европанинг ҳамма тиббиёт дорилғунуларида ягона дарслик сифатида ўқитилди. Шарқда эса Ибн Синонинг таъсири ўн асрғача давом этдики, Шпренгель «Тиб конунлари»дан алоҳида алоҳида бобларни араб тилидан немис тилига таржима қилиб, немис ҳалқига тарқатди.

Теран фикрларни ўзида мужассамлаштирган, клиник мулоҳазаларга бой, бошқа асарлардан мантиқан фарқ қилувчи бу ўлмас мерос бир неча авлодларнинг тиббий фикрларини шакллантириди.

Ибн Сино араб тиббиёти ва фалсафасининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Умар Ҳайём, Роджер Бэкон, Данте каби файласуф олимлар ижодида Ибн Сино асарлари муҳим ўрин тутади. Эҳтиросли шоир, етук файласуф, математик Умар Ҳайём Ибн Синони ўзининг устози деб атаган ва унинг «Мурожаат» деган фалсафий асарини форс тилига таржима қилган.

Грузияда Ибн Сино «Сино Экими» номи билан машҳур, олимнинг ғоялари Грузия тиббиёт ривожланишига катта ҳисса қўшди. XVI асрда яшаб ижод қилган шифокор олим Убайдулла ибн

Юсуф Али Қаххол (у Тошкентда яшаган) Ибн Сино асарлари асосида ўзининг «Беморларни даволаш» асарини яратди. Бу асарда у бош миянинг тузилиши, бош оғриқларнинг сабаблари ва уларни даволаш усулларини баён этади.

Машхур ачатор Ачдрей Везалий одам анатомиясига тааллукли асарларида Ибн Сино услубини қўллаган. Маълумки, Ибн Сино bemorларни даволашда психотерапияга катта ахамият берган. Унинг фикрича, яхши сўз, меҳрибон дўст ва севимли одамларнинг яқинлиги, сайру-саёҳатлар, ов, мусиқа каби кайфиятни яхшиловчи омиллар инсон руҳини кўтариб саломатлигини мустахкамлайди.

И. Е. Дядьковский, С. Г. Зибелин, А. Н. Радишев, М. Я. Мудров каби машҳур олимлар Ибн Сино анъаналарини давом эттириб, уни кенг оймага тарғиб қилдилар.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, атоқли физиолог олим И. П. Павлов невризм соҳасида ишлаб қуидагиларни ёзди: «Невризм бу нерв системасининг одам организми фаолиятига таъсирини тарқатувчи физиологик йўналишдир». Холбуки, бу фикрни И. П. Павловдан олдин Ибн Сино айтган эди.

Хозирги замон невропатологлари, кардиологлари, инсультлар ва инфарктларнинг келиб чиқишига иккимининг кескин ўзгаришлари сабаб бўлишини исбот қилмоқдалар. Ибн Сино бу фикрни ўзининг «Тиб қонунлари» китобида ёзиб қолдирган эди.

Ибн Синонинг ўлмас мероси Америка Кўшма Штатларида ҳам ардоқланади. Американинг Канзас Сити штатидаги 3000 ўринли касалхонада, яъни «Саломатлик маркази» деб аталувчи даргоҳ кутубхонасида Ибн Синонинг 1498 йилда чиққас «Тиб қонунлари»нинг 5 жилдли (французча нашри) асрраб-авайламоқда. Америкадек маданият ва билимлар ўчоғида Ибн Сино асарларининг эъзозланишидан фахрлансан арзиди.

Ўзининг киска, лекин сермазмун умри давомида Абу Али ибн Сино 300 дан ортиқроқ асарлар яратиб қойдирган. Ибн Синонинг ижодини яқиндан ўрганиб, унинг асарларини ундан олдин ўтган олимлар асаrlари билан таққослаганда унинг буюк ва тенгизимутаффакир, олим эканлиги шоҳиди бўламиз.

Ибн Сино тавсия қилган табобат усуллари хозирга қадар кўпина тиббий масканларда қўлланниб келинмоқда.

РОССИЯ НЕВРОЛОГИЯСИ

Дунё неврологияси тараққиётida Рус неврологияси алоҳида ўрин тутади. Унга ўз даврининг етакчи олимларидан бири А. Я. Кожевников асос солған.

А. Я. Кожевников раҳбарлигида 1869 йили Москва дорилфу-нунида биринчи асаб касалликлари кафедраси очилган. Бу кафедра бутун дунёга таниқли В. К. Рот, Л. О. Даркшевич, С. С. Корсаков, Г. И. Рассолимо каби иирик олимлар етиштириди. Неврология бўйича биринчи ўқув қўлланмаси ҳам А. Я. Кожевников қаламига мансуб (1883). 1987 йилда у Москва невропатологлари ва пси-

хиатрлари жамиятини тузган. Рус неврологиясининг назарий кисмига эса физиолог олимлардан И. М. Сеченов, И. П. Павлов, Н. Е. Введенский ва А. А. Ухтомскийлар асос солди. Петербургда неврология фанининг ривожланиши рус тиббиётинин йирик арбоблари В. М. Бехтерев ва Л. В. Блуменау номлари билан боғлиқдир.

Инсон рухияти ва асабининг билимдони В. М. Бехтерев 1908 йилда психоневрологик олийгоҳни ташкил қилди. Унинг инсон рухиятига тааллуқли 700 нафардан ортикроқ илмий асарлари ҳозиргача тиббиёт ходимлари томонидан ўрганиб келинмоқда. Неврология фани ривожига улкан ҳисса қўшган машҳур олимлар М. И. Аствацатуров, И. Я. Раздольский ва А. В. Триумфовлар В. М. Бехтеревнинг шогирдлариридир.

Киев дорилфунунининг профессори В. А. Бец невроморфологик текширувлар асосида бош мия цитоархитектоникаси таълимотини яратган.

Амалий неврологиянинг ривожланишига юқумли касалликлар шифокори В. М. Керниг катта ҳисса қўшган. У ўргангандан мия пардалари яллиғланишида пайдо бўладиган белгилар ҳозирги даврда ҳам ўз кимматини йўқотмаган.

Рус нейрохирургиясининг ёсосчиси Н. А. Бурденко Россия тиббиёт фанлари академиясининг биринчи президенти бўлган ва Москвада нейрохирургия олийгоҳини ташкил қилган.

Нейрохирургик неврологиянинг отаси бўлмиш Крамер ва М. Ю. Раппопорт эса нейрохирургия ва неврологияга тааллуқли кўпгина асарлар яратиб, бу соҳа ривожига катта ҳисса қўшишган.

Рус неврологиясининг яна бир йирик алломаларидан бири Е. К. Сепп ҳисобланади. У 30 йил давомида биринчи Москва тиббиёт олий билимгоҳи неврология кафедрасини бошқариб, бир неча монографиялар, ўкув қўлланмалари яратди. Шу билан бирга Н. В. Коновалов, Р. А. Ткачев, Е. В. Шмидт, Л. Я. Шаргородский каби бир катор таникли олимларни етиштириди.

Бош мия қон томир касалликларини ўрганишда ва англоневрология соҳасининг ривожланишига Н. К. Боголеев, Е. В. Шмидт, Д. К. Богородинский, М. А. Захарченко, Д. К. Лунев, Г. А. Акимов, Е. В. Гусев, Н. В. Верещагин, А. А. Скоромец, Г. А. Максудов каби машҳур олимлар катта хизмат кўрсатдилар.

В. В. Михеев, Б. Н. Маньковский каби олимлар коллагеноз ва нейроревматизм муаммоларини ўрганиб, бу касалликларда асаб системасининг заарланишини кузатишган.

Асаб системасининг ирсий касалликларини жуда чукур ўрганиб, шу фаннинг ривожланишига катта ҳисса қўшганлардан С. Н. Давиденков, Н. В. Коновалов, Р. А. Ткачев, Е. Ф. Давиденкова, Н. А. Ильиналардир.

Тутқаноқ касаллигини ҳар томонлама текшириб чиққан ва уни даволаш усусларини яратган олимлардан П. М. Саражашвили, М. Я. Серейский, Е. К. Сепп ва бошқалар ҳисобланади.

Нейроинфекция муаммолари бўйича катта илмий изланишлар

олиб борувчи олимлар қаторига Б. Н. Маньковский, М. С. Маргулис, В. В. Михеев, Х. Б. Ходос, О. А. Хондкариан кирадилар. Нейроинфекция муаммоларини хал қилишда Россия неврологиясига Ўрта Осиё олимларидан Н. М. Мажидов, А. М. Пўлатов, А. Р. Раҳимжонов, А. М. Мирзаалиев, М. Х. Самбоев ўз ҳиссаларини қўшганилар.

Периферик асаб системаси ва умуртқа поғонаси касалликлари неврологиясини ўрганиш ва шу соҳани ривожлантиришда И. П. Антонов, Я. Ю. Попелянский, В. Е. Гречко, А. Н. Осна, Н. М. Мажидов, А. Р. Раҳимжонов ва бошқа олимлар катта иш олиб борганлар.

Соматоневрологияни ҳар томонлама ёритған олимлар қаторига П. Г. Лекарь, Ю. С. Мартинов, А. М. Вейн киради, М. П. Цукер, Б. В. Лебедев, К. А. Семёнова, Л. О. Бадалян каби олимлар болалар асаб касалликлари фанига асос солиб, бир қатор болалар неврологиясига тааллукли дарсликлар ва ўкув қўлланмалари яратишган.

Шундай қилиб, Россия неврологиясининг асосчилари жаҳон неврологияси тараққиётига ва шу қаторда Ўзбекистон неврологиясининг ривожланишига салмоқли ҳиссаларини қўшилар. Профессор X. К. Салоҳиддинов, А. Р. Раҳимжонов, Н. М. Мажидов, М. Х. Самбоевлар ўз илмий йўналишларини Москва нейрохирургия институтидан бошлаганлар.

ЎЗБЕҚИСТОН НЕВРОЛОГИЯСИ

Неврология фанига гарчи бундан минг йил илгари Абу Али ибн Сино асос солган бўлса-да, факат XIX аср охири, XX аср бошларида Европа медицинасидан неврология алоҳида фан сифатида ажralиб чиқа бошлади.

Ўзбекистонда неврология фанининг ривожланишига Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг очилиши асос бўлди. 1920 йил 1 январда дорилфунуннинг табобат факулъети кошида асаб касалликлари кафедраси ташкил этилди, бу нафакат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда неврологиянинг ривожланишига йўл очиб берди.

Асаб касалликлари кафедрасига профессор М. Л. Захарченко асос солди ва 1939 йилгача унга мудирлик қилди. 1940 йилдан 1959 йилгача кафедрада профессор А. Я. Шаргородский, 1963—1965 йиллар давомида профессор С. Г. Охундовлар мудир бўлганлар. 1966 йилдан бери эса бу кафедрага Оврупо ва Осиё медицина фанлари академиясининг академиги, профессор Н. М. Мажидов раҳбарлик қилиб келмоқда.

Тошкент Давлат тиббиёт олий билимгоҳи асаб касалликлари кафедрасида юзлаб машҳур олимлар ва педагоглар етишиб чиқди. Бу олимларнинг илмий тадқиқотлари кейинги йиллар давомида мукаммаллаштирилди. Чунки бу кафедра ва клиника юкори малакали невропатологлар тайёрлашда Марказий Осиёда ягона мактаб эди. Бу даргоҳда тайёрланган мутахассисларнинг кўпчилиги ординатордан ассистент, доцент ва профессорликкача

бўлган йўлни босиб ўтдилар. Ўзбекистонда янги очилган асаб касалликлари клиникаси ва кафедраларига асос солдилар.

Профессор Я.Я. Гордон Тошкент шифокорлар малакасини ошириш илмгоҳига, профессор С.С. Габриэлян Самарқанд тиббиёт олий билимгоҳида, профессор М. Фаризов Олма-Ота тиббиёт олий билимгоҳи, профессор Т.К. Салоҳиддинов Андижон тиббиёт олий билимгоҳи асаб касалликлари кафедраларига раҳбарлик қилдилар. Тошкент Давлат тиббиёт олий билимгоҳи нейрохирургия клиникаси раҳбари профессор М.Х. Кориев, Тошкент тиббиёт педиатрия олий билимгоҳи асаб касалликлари кафедраси мудири профессор Ф.Т. Абдуҳакимов, 2-Тошкент Давлат тиббиёт олий билимгоҳи асаб касалликлари кафедраси мудири профессор М.М. Асадуллаев; Н.А. Семашко номидаги тиббиёт реабилитацияси ва асаб касалликларини физик усуллар билан даволаш бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Б.Х. Орифжонов; кардиология илмгоҳининг кардиоцеребрал патология лабораторияси мудири, медицина фанлари доктори О.И. Хўжаев; касаб касалликлари илмгоҳининг асаб касалликлари лабораторияси раҳбари, катта илмий ходим А.Т. Турдиев ва бошқалар ҳам Тошкент Давлат медицина институти неврология кафедрасининг ходимлари бўлганлар.

Тошкент медицина институти асаб касалликлари кафедраси Ўзбекистонда ягона неврология илм ўчғи ҳам эди. Бу ердаги илмий ходимлар кўйган муаммолар кон томир касалликлари, сурункали лептоменингит ва хориоэпендиматит, асаб системаси ўスマлари ва юқумли касалликлари ҳамда бошқалар хусусида илмий изланишлар олиб борганлар.

Профессор М.А. Захарченко ангионеврология бўйича илмий изланишлар олиб бориб, ўзининг Захарченко синдроми деб аталган бош мия қон томир касаллигининг бир турини яратди.

Л.Я.Шаргородский эса ўзининг илмий изланишларини асаб системасининг айрим юқумли касалликларига бағишлади. У миопатия, полиневроксит, оптикомиелитлар клиникаси, диагностикасини чукур ўрганди, бир неча илмий қўлланмалар ва монографиялар ёзиб колдирди. У 17та тиббиёт фанлари номзоди тайёрлади. Бу номзодлар ичида ўзбеклардан биринчи невропатолог Х.К.Салоҳитдинов, Н.М.Мажидов, Ф.Т.Абдуҳакимов ва бошқалар бор эди.

Профессор С.Г.Охундов бош мия ўスマлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борди. У ёзган «Энса чукӯрчасининг ўスマлари» деб номланган монография ҳозиргacha ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ўзбекистон неврологияси тараққиётида 1925 йил муҳим саналардан биридир. Шу йили жумҳурият невропатологларининг илмий жамияти ташкил этилди. Бу жамиятга М.А.Захарченкодан бошлаб Я.Я.Шаргородский (1939—1959), Ф.Ф.Детенгоф (1959—1963), Я. Я. Гордон (1963—1966) раислик қилди. 1966 йилдан буён эса бу жамиятга Н.М. Мажидов раислик қилади. Жамият аъзолари бир неча марта халқаро симпозиумлар, республика, вилоят анжуманларининг совриндорлари бўлишган.

Жамият бошчилигига неврология фани бўйича илмий кенгашлар ўtkазиб турилади. Бу илмий кенгаш ва съездларда ҳозирги замоннинг долзарб муаммолари муҳокама қилинади.

1978 йили республика невропатологларининг I съезди ва 1987 йили II съезди ўtkазилди. I съездда кўрилган масалалар 6 жилдли китоб бўлиб чиқди. Улар: 1) Бош мия инсультларининг хатарли омиллари, 2) Бош мия лептоменингити, 3) Болалар асаб система-сининг касалликлари, 4) Шизофрениянинг долзарб муаммолари, 5) Алкоголизмда асаб ва руҳиятнинг ўзгариши, 6) Ўзбекистон неврологиясиning библиографияси деган мавзуларга бағишлиланган эди. II съездда эса бош мия қон томир касалликлари муаммолари кўриб чиқилди. Бу съездда кўрилган масалалар 2 жилдли китоб сифатида нашр этилди. Улар 1) Неврология муаммолари, 2) Руҳий касалликлар муаммоларига бағишиланди.

1966 йилдан бошлаб ҳозиргача асаб касалликлари кафедрасига профессор Н.М. Мажидов раҳбарлик қилмоқда. У ўзининг қарийб 30 йиллик илмий педагогик фаолияти давомида неврология соҳасида жуда кўп фан номзодлари ва докторларини тайёрлади. Бу шогирдлар ҳозирги вактда кўпгина илмгоҳларда, тиббиёт олий билимгоҳларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқдалар Н.М. Маҳмудова, М.Х. Қориев, М.М. Асадуллаев, Б.Х. Орифжонов, О.И. Хўжаев ва бошқалар шулар жумласидандир.

Н.М. Мажидов ўзининг кўп йиллик илмий изланишлари ва тадқиқотларини лептоменингит ва хориоэпендиматитлар муаммосига бағишилади. У бош мия лептоменингс пардасининг яллиғланиши — лептоменингитлар ва мия қоринчалари чигали ва деворлари яллиғланиши — хориоэпендиматит белгилари, клиник кўринишлари, келиб чиқиши сабаблари, даволаш усулларини мукаммал ўрганди ҳамда бу касалликлар таснифини ишлаб чиқди.

Узоқ йиллар давомида «араҳноидит» деб нотўғри талқин қилиниб келинган лептоменингит касаллиги ниҳоят ўзининг ҳақиқий номига эга бўлди.

1972 йилда собиқ Иттифоқ Невропатологлар ва психиатрлар пленумида профессор Н.М. Мажидов ишлаб чиқсан лептоменингитлар таснифи кабул қилинди. Ҳозирги пайтда Ўрта Осиё ва Россияда бу тасниф асосида иш юритиб келинмоқда. Олим хориоэпендиматит деган янги бир касалликни кашф қилди. Бу нозологияни ҳар томонлама ўрганишга, кўпгина илмий ходимлар ижодий йўналишининг бошланишига йўл очиб берди. Кейинчалик бу соҳада Б.Х. Орифжонов, А.Т. Турдиев, И.А. Қиличев илмий изланиб, уни такомиллаштиришга ўз хиссаларини кўшдилар.

Хориоэпендиматит касаллиги собиқ Иттифоқ МФА катта тиббий Комусноманинг учинчи нашрида (1986 й.) янги касаллик сифатида қайд қилинди. Бу Ўзбекистон олимларининг ўша Комусда қайд қилинган чиккинчи касаллигидир (биринчиси Боровскийнинг лейшманиоз касаллиги 1898 йили қайд қилинган эди). Бу касал-

лик 1992 йилдан Россияда чиқаётган тиббиёт комусига ҳам қабул килинди.

Олимнинг кўп йиллик илмий изланишлари унинг 24 та монографиясида, юзлаб илмий амалий методик қўлланмалар ва илмий мақолаларида ўз аксини топган. «Энса чуқурчасининг лептоменингити» (1973), «Бош мияга қон куйилиши» (1973), «Периферик нерв жароҳатланиши» (1974), «Периферик асаб системаси касалликлари клиникаси ва даволаш усуллари» (1984), «Умуртка поғонаси остеохондрозидаги неврологик синдромлари», «Инсультгача бўлган бош мия қон томир касалликлари» (1985) «Уч шоҳли нерв невропатияси» (1992), уч томдан иборат «Профилактик неврология» (1993) ва яна бир қанча илмий асарлар шулар жумласидандир. Бу асарлар бўлажак шифокорлар малакасини ошириб, неврология фани ривожи йўлида хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, унинг «Абу Али ибн Синонинг неврологик қарашлари» деган илмий асари нафакат Ўзбекистонда, балки чет элларда машҳур (Чехословакияда қайта чоп этилди). 1973 йили ўзбек тилида невропатологиядан амалий машғулотлар қўлланмаси ва «Умумий невропатология» деб номланган дарслик чиқди. Бу китоб ҳозир ўзбек тилида ёзилган ягона дарслик ҳисобланади.

Профессор Н.М. Мажидов бир қанча чет элларда—Америка, Венгрия, Болгария, Германия, Польша, Греция каби давлатларда маърузалар ўқиди, bemорларни кўрикдан ўтказиб, Ўзбекистон неврологияси ютуқларини намойиш қилди.

1946 йилда Тошкент шифокорлар малакасини ошириш илмоҳи қошида асаб касалликлари кафедраси очилди, унга проф. Я.Я. Гордон бошчилик қилди. Я.Я. Гордон асос солган нейроревматизм ва кутуриш касаллигига бағищланган илмий изланишлар ҳозирги даврга қадар ўрганиб келинмоқда. 1967 йилдан бошлаб бу кафедрага профессор А.Р. Раҳимжонов мудирлик қилиб келмоқда. А.Р. Раҳимжонов нейроревматизм, 1967 йилдан бошлаб бу кафедрага Ўзбекистон ФА нинг мухбир аъзоси, профессор А. Р. Раҳимжонов мудирлик қилиб келмоқда. А. Р. Раҳимжонов нейроревматизм периферик асаб системаси нинг заарланиши, бош мия қон томир касалликлари, вегетопатология соҳасидаги муаммолар устида илмий изланишлар олиб бормоқда. Унинг тинимсиз меҳнати натижасида олимнинг «Асаб системаси ревматизми», «Тунелли компрессион-ишемик невропатиялар», «Клиник неврология бўйича маърузалар», «Бош миянинг қон томир касалликлари» ва яна бир қатор илмий монографиялар юзага келди.

Профессор А. Р. Раҳимжонов бир қанча шогирдларнинг устозидир, Б.Фофуров, М.Отажонов, Э.Шамсиев, С.Бусаков, Ш.Аскаровлар шулар жумласидандир.

Қафедранинг иккинчи профессори Б.Фофуров қиска давр ичидаги қобилиятли мутахассислар тайёрлашда катта ютукларга эришди. У бош мия қон томир касалликлари ва вегетатив асаб системаси заарланишидан юзага келган патологияларни мукаммал ўрганиб, муаммоларни ҳал қилишга киришган.

Республикамизнинг йирик фан ўчоқларидан бири Самарқанд тиббиёт институти Ўзбекистон неврологияси тараккиётига салмоқли ҳисса қўшди. 1930 йилда ташкил қилинган асаб касалликлари кафедрасига даставвал проф. К.А. Кўноқов, М.И. Габриэлянлар раҳбарлик қилган. Кейинчалик профессор М.Х. Самибоев бошқариб келаётган кафедрада ҳозирги пайтда бош мия қон томир касалликлари, асаб системасининг юқумли (секин кечадиган инфекциялар — таркоқ склероз ва бошқалар) хасталиклари устида чуқур илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кафедра ходимларининг кўпчилиги фан номзоди ва докторидир. Ф.К. Ханнанова, Мадиёров, А.М. Аслонов, Б.А. Алаевлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, ўрганилаётган муаммоларга бағишиланган бир қатор методик кўлланмалар, монографиялар, илмий-оммабоп асарлар яратилди. Булар ичida М.Х. Самибоев раҳбарлигига ёзилган «Талабаларга асаб системасини мукаммал ўрганишда зарур бўлган тавсиянома», «Болаларда ўткир нейроинфекциялар», «Неврология тўғрисида очерклар» катта аҳамиятга эга.

Андижон тиббиёт институти кафедраси асаб касалликлари кафедраси таникли олим, биринчи ўзбек невропатологи, профессор Х.М. Салоҳиддинов раҳбарлигига ўз фаолиятини бошлаган. Уларнинг асосий изланишлари ангионеврологияга, бош мия қон томир касалликларига бағишиланган. Айниқса Фарғона водийсида бош мия қон томир касалликларининг учраши, кечиши, ўзига хос хусусиятларига кўп эътибор берилган. Х.К. Салоҳиддинов раҳбарлигига бир қанча фан номзодлари ва тажрибали невропатологлар етишиб чиқди. Ҳозир бу кафедрага профессор С. Ёдгоров раҳбарлик қилмоқда.

1967 йилда профессор Я.Я. Гордон ташаббуси билан Тошкент шифокорлар малакасини ошириш илмгоҳида болалар асаб касалликлари кафедраси ташкил қилинди. Профессор Ш.Ш. Шомансуров раҳбарлигига бу мавзу ривожлантирилди, кафедрада қатор монографиялар: «Болалар ва катталар ревматизмида неврологик синдромлар», «Болаларда тик гиперкинезлари» чиқарилди. Ш.Ш. Шомансуров кўли остида бир неча номзодлик диссертациялари ёқланди.

1972 йилда Ўрта Осиё педиатрия институтида ҳам асаб касалликлари кафедраси ташкил қилинди. Профессор Ф.Т. Абдуҳакимов раҳбарлигидаги кафедра ходимлари асаб системасининг қон томир касалликлари ва юқумли хасталиклар этиологиясини, патогенезини, клиникасини, ташхис ва даво усусларини ўргандилар. Ҳозирги вактда бу кафедрага профессор Г.К. Содикова раҳбарлик қилмоқда.

1983 йилда Самарқанд медицина институти шифокорлар малакасини ошириш факультетида асаб касалликлари кафедраси ташкил қилинди. Бу кафедрага профессор А.М. Аслонов мудирлик қилиб келмоқда. А.М. Аслонов ўзининг шогирдлари билан экологик омилларининг асаб системасига таъсири ва

Ўзбекистонда асаб системасининг демиелинлашган касалларлари эпидемиологияси каби илмий йўналишлар устида иш олиб бормоқда. У бир қатор илмий мақолалар ва монографиялар муаллифидир.

1991 йилда II Тошкент давлат тиббиёт институти асаб касалларлари кафедраси ташкил қилинди. Кафедра мудири профессор М.М. Асадуллаев раҳбарлигига бош мия кон томир касалларлари ва сурункали лептоменингитлар устида изчил изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон республикаси мустақил бўлиши муносабати билан тиббиёт фанининг ривожланишига катта эътибор берилди. 1991 йилда Бухоро, Нукус ва Урганчда тиббиёт институтлари очилди. Бу воеа ўзбекистон неврологиясининг ривожланишидаги янги босқичdir.

Шундай қилиб, ўзбекистон неврологиясининг 70 йиллик илмий амалий фаолиятига назар ташлар эканмиз, бу давр мобайнида бир қатор таникли олимларнинг етишиб чиққани гувоҳи бўламиз. Бу олимларнинг илмий изланишлари, эришган ютуклари неврология фанининг ривожланишига ва уни дунё неврологияси миқёсига олиб чиқишда улкан хисса қўшди.

(«Ўзбекистон неврологияси» қисмини доцент X. М. Ҳалимова ёзган).

НЕРВ ТҮҚИМАСИ НИ НГ МИКРОСКОПИК ТУЗИЛИШИ

НЕВРОНЛАР ЭЛЕКТРОН МИКРОСКОПДА

*

НЕРВ ТОЛАСИ НИ НГ ТУЗИЛИШИ

*

**НЕВРОНЛАРНИ НГ ФИЗИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

*

СИНАПСЛАРНИ НГ ТУЗИЛИШИ ВА ФУНКЦИЯСИ

*

НЕЙРОГЛИЯНИ НГ ТУЗИЛИШИ ВА ФУНКЦИЯСИ

НЕРВ ТҮҚИМАСИ

Нерв түқимаси невронлар, невроглия ва уларни қон билан таъминловчи қон томирлардан ташкил топган. Неврон деб, нерв хужайраси ва унинг ўсиқларига айтилади. Бош мия ва орқа миянинг кул ранг моддаси — нерв хужайралари йигиндишидан, оқ моддаси эса уларнинг ўсиқчалари — нерв толаларидан иборат. Периферик нервлар ҳам бош мия, орқа мия ва нерв тугунларидаги хужайраларнинг ўсиқчаларидан тузилган.

НЕВРОНЛАР

Нерв хужайраси нерв түқимасининг асосий структураси ҳисобланади. Микроскопик текширувда марказий нерв системасида хилма-хил невронлар борлигини кузатиш мумкин. Улар бир-биридан аввало ҳажми ва шакли жиҳатидан фарқ қиласади. Масалан, бош мия олдинги марказий пуштасининг бешинчи қаватидаги хужайралар — пирамидасимон (Бец хужайралари), орқа миянинг олдинги шохидаги хужайралар — юлдузсимон, орқа мия тугунидаги (*ganglion spinale*) хужайралар эса овал шаклга эга (1-расм, а, б, в, г, д).

Нерв хужайраларининг катталиги ҳар хил — 4—6 микрондан 120 микронгача боради. Нерв хужайраларининг катта ёки кичикилиги ундан чиқувчи нерв толаларининг узунлигига ва шу хужайрани нерв билан таъминлайдиган майдон ҳажмига боғлик.


Нерв түқимасининг хужайралари организмдаги бошқа түқималарнинг хужайраларидан ўз ўсиқчалари билан фарқланади (2-расм).

Нерв хужайраларининг ўсиқчалари икки хил бўлади:

1. Калта, сершоҳ ўсиқчалар (дендритлар).
2. Узун ўсиқча (аксон ёки неврит).

Аксонларнинг тузилишига қараб нерв хужайралари икки турга бўлинади.

Биринчи турдаги хужайра — катта ва аксонлари узун бўлиб (масалан, пирамида йўли, спиноталамик ва ганглиобульбар йўллар), узун нерв йўлларини ташкил этади. Бу аксонлар бошқа кўп нейронлар билан алоқада бўлади. Айрим хужайралар аксонининг узунлиги бир метрдан ошади, шунинг учун унинг ҳажми хужайра ҳажмидан бир неча марта катта бўлади. Одам орқа миясидаги олдинги шоҳ хужайранинг ҳажми 864000 куб микрон




2-расм. Орка миянинг олдинги шохини ташкил килувчи нейрон.
а — хужайра танаси; б — ядро; с — аксон; д — дендритлар.

бўлса, аксоннинг ҳажми 108 000 000 куб микронга тенг. Демак, аксоннинг ҳажми хужайра ҳажмидан 125 марта катта.

Иккинчи турдаги хужайраларнинг аксонлари калта бўлиб, хужайрадан узоклашмасданоқ тугалланувчи толаларга бўлинади. Буларга оралик невронлар дейилади. Уларнинг функцияси импульсларни бир хужайрадан иккинчисига ўтказишидир.

Нерв тўқимасини кумуш билан импрегнация килинганда дендритларнинг атрофида жуда кўп ўсимталар борлиги қўрилади. Бу ўсимталарнинг диаметри 0,5 микронга тенг. Маймун миячасининг Пуркинье хужайрасида 61 000 дан ортиқ ўсимта борлиги



3 — расм. Нерв құжайрасининг ультрамикроскопик түзиліш схемаси.

1 — аксодендритик синапс; 2 — аксосоматик синапс; 3 — пресинаптик пулфакчалар; 4 — синаптик оралик; 5 — пресинаптик мембрана; 6 — постсинаптик мембрана; 7 — эндоплазматик түр; 8 — митохондрийлар; 9 — Гольжи аппарати; 10 — нейрофибрillлар; 11 — ядро; 12 — ядроча; 13 — аксон.

Хисоблаб чиқылған. Ўсимталар хар хил заарарлы ташқи таъсирларга нисбатан сезгирдір. Турли патологик жараёнларда эса уларда катта ўзғаришлар рўй беради.

Хар бир нерв құжайраси қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, куйидаги таркибий кисмлардан, яъни ядро, протоплазма, нейрофибрillл аппарат, хроматин модда, яъни Ниссл субстанцияси ва бошқалардан ташкил топган (3-расм).

Ядро. Ҳамма нерв ҳужайраларининг ядроси аксари думалок шаклга эга. Ядронинг катталиги ўрта ҳисобда ҳужайранинг тўртдан бир қисмига тенг бўлиб, кўпинча ҳужайранинг марказида жойлашган бўлади. Орқа мия[•]Кларк устуни ҳужайраларининг ядролари, шунингдек вегетатив нерв системасидаги баъзи бир ҳужайраларининг ядролари ҳужайра марказида эмас, балки унинг четида жойлашгандир.

Нерв ҳужайрасининг ядроси суюк модда бўлиб, юмалок ёки овал шаклга эга. Ядро 600—1000 Å[°] га тенг бўлган икки қават липопротеид пардадан иборат. Ядро билан протоплазма ўртасида фаол модда алмашинуви вактида бу пардаларда тешиклар пайдо бўлиб, улар орқали ядрога турли моддаларининг молекулалари киради.

Нерв ҳужайраси протоплазманинг хроматин моддаси каби ядро суюклиги ҳам нуклеопротеидлардан тузилган. Ядронинг 10 фоизини мой ташкил этади. Ферментлардан ишқорий фосфатаза кўп микдорда учрайди ва организм қанча ёш бўлса, бу фермент шунчалик фаол бўлади. Нерв ҳужайрасининг ядросида холинэстераза, цитохромоксидаза, карбонгидратаза каби ферментлар ҳам учраб туради.

Ядро ичида бир ёки икки дона ядроча жойлашган. Унинг ҳажми киши умрининг биринчи ярмига қадар катталашиб боради. Ядроча асосан рибонуклеопротеидлардан тузилган.

Ҳужайра ядроси невроннинг трофик маркази бўлганлиги туфайли у ҳужайра ва унинг жами ўсиқчалари трофикасини бошқариб туради.

Жинсий хроматин ёки сателлит. Сателлит — ядро ичида жойлашган, диаметри 1 микрон бўлган юмалок шаклдаги тузилма бўлиб, у факат аёллар ҳужайрасига хосdir. Эркакларнинг нерв ҳужайраларида атиги 5% учрайди. Сателлит кўпинча ядро ёнида жойлашган бўлади. Унинг ўзи нуклеин кислоталардан тузилган. Сателлит аёл ҳужайрасининг ядроларига хос тузилма бўлгани учун, унинг бор ёки йўқлиги жинсни аниқлашда катта аҳамиятга эга. Шу сабабли у «жинс хроматини» деб аталади.

Патологик шароитда ядро ҳужайранинг марказидан чет қисмига сурила бошлайди. Бунга ядро эктопияси дейилади. Айrim ҳолларда ядро эриб ёки парчаланиб кетади. Бу ҳодиса кариолиз ёки кариорексис деб аталади. Ядронинг заарланиши бутун ҳужайранинг ва ҳужайра толаларининг нобуд бўлишига олиб келади.

Хроматин (тигроид) модда. Ниссл усулида бўялган препаратдаги нерв ҳужайралари протоплазмасида яхши бўялган майдамайда доначаларнинг уюмлари кўзга ташланади (1-расм, а, б га қаранг). Булар хроматин ёки тигроид модда (Ниссл доначалари ёки субстанцияси) деб аталади. Бу доначалар асосан ҳужайранинг танасида ва унинг дендритларидан жойлашган; нейритнинг ҳужайрадан чиқувчи қисмида эса доначалар бўлмайди.

Электрон ва фазо контраст микроскоп ёрдамида хроматин мод-

данинг ҳар бир уюми мураккаб тузилишга эга эканлиги аниқланади. Хроматин модда нозик эндоплазматик түрдан тузилган бўлиб, бу тўрнинг атрофида ўзаро анастомоз ҳосил қилувчи параллель найчалар ёки юпқа пулфакчалар жойлашган. Ана шу пулфакчалар орасида диаметри 10—30 А га тенг бўлган доначалар тўплами бор. Электрон микроскоп ёрдамида ўтказилган текширувлар шуни кўрсатадики, хроматин модда ёнма-ён турган иккита пластинкадан иборат бўлиб, уларнинг устида доначалар ётади. Кимёвий жихатдан хроматин модда асосан нуклеопротеиддан тузилган. Нерв ҳужайрасининг протоплазмасида нуклеопротеидлар липидлар билан қўшилган ҳолатда, яъни липопротеид ҳолатида бўлади.

Нерв ҳужайра протоплазмасидан нейрит ажralиб чиқадиган жойда хроматин модда бўлмайди. Лекин протоплазманинг бу жойи кислотали фосфатазанинг энг фаоллашган жойи ҳисобланади. Бу ерда нейритнинг нормал ишлаши учун зарур бўлган рибонуклеопротеидларнинг парчаланиш жараёни жадал боради.

Ҳужайра чарчаган, қўзгалган ва наркоз берилган пайтда хроматин модда камаяди ёки йўқолиб кетади. Бу доначалар организм чарчаганда йўқолиб, дам олганда яна пайдо бўлади. Шунга кўра улар ҳужайранинг энергетик моддаси бўлса керак, деб тахмин қилинади.

Баъзи касалликларда тигроид модда доначалари йўқолиб кетади. Буни тигролиз ёки хроматолиз дейилади.

Митохондрий. Нерв ҳужайраси протоплазмасининг нейрит ажralадиган қисмida ҳар хил ҳажмдаги оқсиллардан иборат митохондрий деб аталувчи донача ва таёқчалар жойлашган. Улар асосан липоидлардан тузилган парда билан ўралган. Митохондрийларда ҳар хил ферментлар, жумладан углевод, оқсич, мой ва энергетик модда алмашинувида иштирок этувчи ферментлар борлиги аниқланган. Ҳозирги вақтда митохондрий нерв импульсларини аксонларга йўналтиришда ва миянинг энг мураккаб функцияларидан бири бўлган хотирада иштирок этса керак, деб тахмин қилинмоқда.

Гольжи тўр аппарати. Гольжи аппарати кумуш нитрит (*argentum nitricum*) билан бўялгандага кўринади. Гольжи аппарати ҳужайрани ўраб оладиган майдага ҳалқачалардан иборат тўр ҳосил қиласи. Гольжи аппарати ҳужайра ишлагандага йўқолиб, дам олганда пайдо бўлади, шу сабабли уни ҳужайрада бўлиб турадиган моддалар алмашинуви жараёнида иштирок этса керак, деб тахмин қилинади. Гольжи аппарати липоид ва протеинлардан таркиб топган.

Пигментлар. Нерв ҳужайраларида асосан иккни хил пигмент учрайди.

1. Липофусцин.

2. Меланин.

Липофусцин сарик рангда (1-расм, а, б, в га қаранг). У оқсил ва липоиддан тузилган бўлиб, ҳужайраларнинг ядроси ёнида жойлашган.

Ешларнинг нерв хужайраларида липофусцин микдори камрок бўлиб, кексайганда кўпаяди. Липофусцин одамда олти ёшдан бошлаб пайдо бўла бошлиди. Липофусцин нерв хужайрасининг метаболизми натижасида вужудга келган қолдик моддалар йиғиндиси бўлса керак деб тахмин қилинади. Айrim касалликларда эса ёшларнинг хужайра протоплазмасида ҳам липофусцин кўп учрайди.

Меланин асосан марказий нерв системасининг маълум бир қисмидаги (*substantia nigra* ва *locus coeruleus*) хужайраларда учрайдиган қора рангли пигментdir (4-расм). Бу пигмент нерв хужайраларида одамнинг бир ёшлик чогидаёқ пайдо бўла бошлиди ва киши балоғатга етганда керакли микдорда йиғилади.

Нерв хужайраларининг протоплазмасида, юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари, гликоген ва бошқа турли хил ферментлар ҳам учрайди.

Неврофибриллар. Нерв хужайрасига кумуш нитрит эритмаси шимдирилса, у қорага бўялади (1-расм г, д ға қаранг). Бунда хужайра ичида ингичка толалардан ҳосил бўлган тўр кўринади. Бу толачалар неврофибриллар деб аталади.

Ҳар бир неврофибрилл толаси кўндаланг йўналишдаги кетмакет жойлашган оқ ва қора чизиклари борлиги билан ифодаланади. Элекtron микроскоп билан текшириш натижасида неврофибрилл толаси ётиқ-кўндаланг жойлашган дисклардан иборат эканлиги аниқланди. Бу неврофибриллар бир дендритдан иккинчи дендритга ҳамда хужайра ичидан аксон томонга йўналган бўлади.

Ҳар кандай аксоннинг ўқ цилинди хужайра ичидан чиқиб келувчи неврофибриллардан тузилган. Неврофибриллар асосан нерв импульсларини ўтказишда иштирок этади.

Айrim нерв хужайралари секретор функцияни бажаради. Бунга *nucleus supraopticus* ва *nucleus paraventricularis* мисол бўла олади. Секрет ҳосил бўлишида протоплазманинг хроматин моддаси иштирок этади деб тахмин қилинади. Паравентрикуляр ядро окситоцин деб аталувчи гормон ишлаб чиқаради. Бу гормон бачадон ва сут безига таъсир этади.

Супраоптик ядро вазопрессин деган гормон ишлаб чиқаради. Бу гормон қон босимига ва сийдик ажралишига таъсир кўрсатади. Ҳозирги вақтда хужайра танасида ҳосил бўладиган коллоиднинг аксон томонга қараб йўналиши ва аксон орқали турли органларга етиб боришини тасдиқловчи илмий тадкиқотлар ўтказилган. Миячанинг Пуркинье хужайраларида (*nucleus dentatus*) ҳам секреция бўлса керак деб тахмин қилинади.

НЕРВ ТОЛАСИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Нерв толаси нерв хужайраларининг ўсиқчасидир. Нерв толаси неврофибриллардан тузилган ўқ цилиндрдан иборат бўлиб, нерв импульсларини ўтказишда иштирок этади (5-расм, а, б).

Ўқ цилиндр ёккита парда билан ўралган. Ўқ цилиндрни

бевосита ўраб турувчи пардани миelin парда дейилади. Миelin парда ҳар хил липоидлардан (лецитин, гликолипин, фосфолипин ва холестериндан) ташкил топган. Миelin парда ўқ цилиндрни бутунлай ўрай олмайди. Баъзи жойларда у ингичкаланиб, қисиши мәлар хосил бўлади. Бунга Ранвье қисишималари дейилади. Икки қисишима орасида жойлашган нерв толаси бўлагига нерв толасининг сегменти дейилади.

Миelin парда ўқ цилиндрдан ўтаётган нерв импульсларини изоляция килиш функциясини бажаради.

Миelin парданинг устидан ўраб турувчи пардага Шванн пардаси дейилади. Шванн пардасининг миelin пардадан фарки шундаки, у қисишималар хосил қилмайди ва унинг ўз хужайралари бўлади. Шванн пардасининг хужайралари неврология туридаги хужайраларданdir.

Периферик нерв системасида икки хил нерв толаларини учратиш мумкин:

1. Миелинли нерв толалари.
2. Миелинсиз нерв толалари.

Миелинли нерв толалари деб, миelin ва Шванн пардалари билан ўралган нерв толаларига айтилади.

Миелинсиз нерв толалари деб, факатгина Шванн пардаси билан ўралган нерв толаларига айтилади. Бундай нерв толаларида миelin парда бўлмайди.

Периферик симпатик нервлар асосан миелинсиз нерв толаларидан, соматик нервлар эса миелинли нерв толаларидан иборат. Миelin парданинг функцияси ўқ цилиндрдан ўтаётган импульсларнинг атрофга тарқалиб кетишига (индукцияланнишга) йул қўймаслиkdir, яъни у изолятор вазифасини бажаради. Шунинг учун миелинсиз нерв толаларининг ўтказиш тезлиги миелинли толаларга қараганда секирок бўлади. Айrim миелинли нерв толаларининг импульсларини ўтказиш тезлиги 30—80 м/сек бўлса, миелинсиз толали симпатик нервларнинг ўтказиш тезлиги атиги 0,7—1,3 м/сек га teng.

Маълумки, периферик нервлар нерв толаларининг йиғинди-сидан ташкил топган. Бу нерв толаларини бир-бири билан бирлаштириб, тутамчалар хосил қилувчи бириктирувчи тўқимага эндоневрий дейилади. Алоҳида гуруҳлар хосил қиладиган бу тутамчалар эса периневрий ёрдамида ўзаро бирлашиб туради. Мазкур тутамчалар йиғиндисини ташки томондан ўраб турувчи умумий бириктирувчи тўқимага эпиневрий дейилади (5-расм, б).

НЕВРОНЛАРНИНГ АСОСИЙ ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Нерв системасининг фаолияти ҳар бир невроннинг функционал ҳолатига боғлик. Нерв хужайрасининг функционал ҳолати эса ўз навбатида унинг протоплазмаси, ўзаги ва нерв толаларида рўй берувчи мураккаб кимёвий ва биофизик жараёнларга боғлик. Нерв системасининг ҳар қандай оддий (масалан, нерв импульсларини ўтказиш) ва мураккаб (рухий ҳолат) функ-

циялари асосида ўзига хос ўзгарувчан морфологик ва биохимик жараёнлар ётади.

Невронлар кўзгалувчанлик ва ўтказувчанлик хусусиятига эга. Нерв хужайрасининг дендритлари унинг рецептор (қабул килувчи) қисми ҳисобланади. Рецепторлар ташки ва ички таъсиrotларни қабул қилиб, нерв импульсига айлантириб беради. Импульслар ўз навбатида хужайра томон йўналиб, уни кўзғатади. Кўзгалиш натижасида қайта ҳосил бўлган нерв импульслари шу хужайранинг аксонларига ўтади. Шундай қилиб, хужайранинг ичидаги ҳосил бўлувчи импульс доимо дендритдан аксон томон йўналиб турати. Бунга динамик поляризация конуни дейилади. Аксон иккинчи неврон дендрити ва хужайра танаси атрофида жуда кўп тармоқчаларга бўлинади ва 3,6-расм, а лардаги сингари майдаги тугунчалар (синапслар) ҳосил қилиб тугалланади. Синапс деб аталувчи мураккаб тузилмалар ёрдамида импульс биринчи невроннинг аксони орқали иккинчи неврон дендритига ўтади.

Нерв импульсларининг нормал йўналиб туриши учун нерв толаларининг бутунлиги, яъни узилган бўлмаслиги асосий шартлардан бири ҳисобланади; синапсда эса (бир нейрон билан иккинчи нейрон боғланган жойда) толалар узилган бўлади. Бу ерда импульсни бошқа механизмлар — медиаторлар деб аталувчи кимёстлик моддалар ўтказади. Кўзгалиш вактида аксоннинг пресинаптик мембрanasида ацетилхолин, катехоламинлар, 5-гидрокситрнитамин, субстанция Р, гаммааминомай кислота (ГАМК), глютамат деган медиаторлар ҳосил бўлади, уларнинг постсинаптик мембранага таъсир этиши натижасида импульс кейинги нейрон дендритига ўтади.

Ацетилхолин. Ацетилхолин ёрдамида импульсни ўтказувчи синапслар холинергик ўтказгич деб аталади. Ацетилхолиндан таъсиранувчи рецепторларга холинорецепторлар дейилади. Холинорецепторлар икки хил: никотиндан таъсиранувчи, яъни никотинсезгич рецепторлар ва мускариндан таъсиранувчи, яъни мускаринсезгич рецептор бўлади. Кўндаланг тарғил мускул тоглалирида жойлашган хеморецепторлар никотин сезгич рецепторларга киради, вегетатив тугунлардаги нерв импульсини қабул килувчи хеморецепторлар эса мускаринсезгич рецепторларга киради.

Катехоламинлар. Адреналин, норадреналин ва допамин каби медиаторлар катехоламинлар жумласига киради.

Катехоламинлар ёрдамида импульс ўтказувчи синапсларга адренергик синапслар дейилади.

Норадреналин асосан симпатик нерв толаларининг учида ҳосил бўлади. Марказий нерв системасидаги гипоталамусда ва мия устунининг тўр формациясида норадреналин ҳаммадан ўчи тўпланади. Допамин эса пўстлоқ ости тугунларида, айниқса эфис раффідигида жойлашган. Гипоталамусда 5-гидрокситрнитамин юкори даражада концентрациялашгандир.

СИНАПСЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

Марказий ва периферик нерв системасининг нейронларо тузилма — синапслари ҳар хил бўлади: улар жойлашишига қараб аксосоматик ва аксодендритик синапсларга ажратилади.

Ҳар бир нерв хужайрасининг танаси ва дендритларига бошқа хужайраларнинг аксонлари турли тугмачалар шаклида ёпишиб туради. Буларга синаптик контакт дейилади. Синаптик контактларнинг сони марказий нерв системаси хужайраларнинг турига қараб ҳар хил бўлади. Масалан, мия устуннининг тўр формациясидаги катта нейронларнинг сатҳида 4000 дан ортиқ, мия пўстлоғидаги пирамида хужайрасида эса 10000 дан ортиқ синаптик контакт топилган. Ҳар бир синаптик контакт кўйидагича тузилишга эга (б-расм, а).

Электрон микроскопик текширувлар синаптик контактларни уч қисмдан иборат эканлигини кўрсатади (б-расм, б):

1. Пресинаптик (синапс олдидаги) мембрана. 2. Синаптик оралиқ. 3. Постсинаптик мембрана.

Марказий нерв системасидаги синаптик контактларнинг пресинаптик ва постсинаптик мембраннынг қалинлиги 50 ангстрэм, синаптик оралиғи эса 200 ангстрэмга тенг.

Нерв-мускул синаптик контактида пресинаптик ва постсинаптик мембраннынг қалинлиги 100, синаптик оралиқ эса 500 ангстрэмга тенг.

Пресинаптик тугмачалар ичидаги синаптик пуфакчалар жойлашган бўлиб, булар синаптик оралиқка ёрилади ва ичидаги медиатор синаптик оралиқка тушиб, постсинаптик мембрана орқали ионларнинг ўтишига тъисир кўрсатади. Невроннинг функционал ҳолати ошганда синаптик пуфакчалар камаяди ёки бутунлай йўқолади, неврон дам олганда эса яна пайдо бўлади. Пресинаптик мембранныда митохондрийлар ҳам жойлашган. Синаптик пуфакчаларда ацетилхолин ва холинэстераза, митохондрийда эса гидрокситриптамин ва адреналин жойлашган бўлса керак, деб тахмин қилинади.

Постсинаптик мембрана синапснинг рецептор, яъни қабул килувчи қисми бўлиб, пресинаптик мембранныдан медиатор модда ажralгандан сўнг, Na^+ , K^+ ва Cl^- ионларининг ўтишини ўзгартиради, натижада қўзғалиш ёки тормозланиш жараёнлари рўй беради.

Ҳаётнинг нормал боришида айrim хужайраларнинг постсинаптик мембраннынг постсинаптик мембранныда қўзғалувчи ва тормозланувчи нерв импульсларининг тўхтосиз оқими вужудга келиб туради, бунга синаптик бомбардимон дейилади.

Иккинчи неврон дендритлари синапс ёрдамида импульсларни қабул қилганидан сўнг, бу импульслар динамик поляризация конунига мувофиқ дендритдан аксонга ўтади. Ниҳоят, улар аксон орқали ишчи органга етиб келади.

Аксонлар ишчи органларда ҳам синапслар ҳосил қилиб тугалланади. Масалан, импульс мускулга ўтаётган вактда бу тузилма-

ларнинг атрофда холинсимон моддалар, симпатин деб аталувчи медиаторлар вужудга келади. Ана шу медиаторлар ёрдамида импульс аксондан мускулга ўтади.

Кўзғалишлар натижасида ҳосил бўлувчи импульсларнинг невронлар занжири ва улар орасидаги синапслар орқали ўтказилишига неврон назарияси дейилади.

Агар аксон бирор сабаб билан заарланиши натижасида ўз ҳужайрасидан ажралиб қолса, у нобуд бўлади. Бунга нерв толасининг Валлер дегенерацияси дейилади. Бунда аксоннинг ҳужайра билан боғланган (заарланмаган) қисми нобуд бўлмайди, аксинча у ўса бошлайди ва муайян бир муддат ўтгандан кейин ишчи органга етиб боради. Бу ҳодиса нервланиш регенерацияси деб аталади.

Регенерацияланётган нерв бир суткада 1 мм ўсади. Периферик нервлар ана шу хусусиятлари туфайли заарлангандан кейин маълум вакт ўтгач, ўз функцияларини тиклай бошлайди. Башарти, нерв ҳужайрасининг ўзи нобуд бўлса, у ҳолда унинг ҳамма ўsicқчалари (дендрит ва аксонлари) ҳам нобуд бўлади. Нобуд бўлган нерв ҳужайрасининг ўринига янги ҳужайралар пайдо бўлади, чунки нерв ҳужайралари организмнинг бошқа ҳужайралари каби бўлиниш йўли билан кўпаймайди.

НЕВРОГЛИЯ

Невроглия марказий нерв системасида бириктирувчи тўқима вазифасини бажаради. Невроглия деб аталишининг сабаби ҳам шунда (глия сўзининг асл маъноси елим демакдир). Невроглия асосан уч тоифадаги ҳужайралардан иборат (7-расм а, б, в, г, д, е).

1. Астроцитлар — ўsicқчалари кўп, йирик ҳужайралар. Улар макроголия ёки эктоглия деб ҳам юритилади. Астроцитлар катта ва нотўғри шаклдаги ядрога эга бўлиб, марказий нерв системасининг кул ранг моддасида кўпроқ учрайди.


2. Олигодендроцитлар — кам ўsicқчали йирик ҳужайралардир. Улар олигодендроглия ёки олигоглия деб ҳам юритилади. Бундай ҳужайраларнинг ядроси юмалок шаклда бўлиб, астроцит ядросидан кичикроқдир. Олигодендроглиоцитлар асосан марказий нерв системасининг ок моддасида учрайди.

3. Микроголия — майда, кам ўsicқчали ҳужайралардир.

Микроголия 2—3 дона сершох ўsicқчаларга эга бўлиб, марказий нерв системасида бир текисда тарқалган бўлади.

Эпендима — ҳужайралари бош мия қоринчалари деворини парда каби ўраб туради. Бу ҳужайралар бир-бирига ёнма-ён жойлашган цилиндрик эпителий бўлиб, унинг ўsicқчалари эпендима ости қаватида (субэндимика) глия ҳужайра ўсимталари билан бирлашиб, умумий глиоз чигали ҳосил қиласи. Эпендима ва субэндимика қаватлари анатомик, эмбриологик ва функционал жиҳатдан ягона ва мураккаб парда хисобланади. Субэндимика қаватда асосан толали астроцитлар жойлашган.

Невроглияниң функцияси. Астроцит ва олигоден-



7 -- расм. Невроглия ҳужайралари.

Макроголия: а - протоплазмик макроголия; б - төлеми макроголия үсікмәннинг бир томондан көп томир деворига енисиб, иккинчи томондан невроид тасасини ўраб олиши. Олигодендроглия ва микроголия; в - олигодендроглия; г - радиал үсікчали микроголия; д - сателлит олигодендроглия; е - сателлит микроголия

друглиоцитлар таянч, нерв ҳужайраларини озиқ моддалар билан таъминлаш ва барьер (түсік) функциясини бажаради. Нобуд бўлган нерв ҳужайраларининг ўрни ҳам неврглия ҳужайраларининг бўлиниб кўпайиши хисобига тўлиб туради. Микроголия эса асосан фагоцитоз функциясини бажаради ва нерв тўқимасининг ҳар хил патологик жараёнлар натижасида нобуд бўлган колдиқларини вена қон томирларига чиқариб ташлайди.

ОРҚА МИЯ

ОРҚА МИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ

*

ОРҚА МИЯНИНГ ХУСУСИЙ АППАРАТИ

*

ПАЙ ВА ТЕРИ РЕФЛЕКСЛАРИ

*

ЭЛЕКТРОДИАГНОСТИКА

*

ЭЛЕКТРОМИОГРАФИЯ

*

ОРҚА МИЯНИНГ ЎТКАЗГИЧ АППАРАТИ

*

ОРҚА МИЯ ПАРДАЛАРИ ВА АРТЕРИЯЛАРИ

ОРҚА МИЯ (MEDULLA SPINALIS)

Орқа миянинг узунлиги 42—45 см, йўғонлиги 1—1,5 см, оғирлиги 34—38 г бўлиб, умуртка поғонаси каналида жойлашгандир. Юқори томонда foramen occipitale magnum билан биринчи бўйин умурткаси сатҳидан бошланиб, пастки томонда эса биринчи бел умурткаси сатҳида тугалланади. Тўрт ойлик ҳомилада орқа мия умуртка поғонаси каналини тўлдириб туради. Янги туғилган болада эса орқа миянинг пастки чегараси иккинчи ва учинчи бел умуртқаларининг ўртасида бўлади.


Орқа мия сегментларга бўлинган. Сегмент деб орқа миянинг 2 жуфт илдизчалар чиққан бўлакчасига айтилади.

Орқа мия 8 та бўйин (pars cervicalis — «C»), 12 та кўкрак (pars thoracalis — «Th» ёки «D»), 5 та бел (pars lumbalis «L»), 5 та думғаза (pars sacralis — «S») ва 1 та ёки 2 та дум (pars caudae — «Co») сегментларидан ташкил топган (8-расм, а, б, в).

Орқа миянинг ҳар бир сегментида 2 жуфтдан илдизча бўлиб, уларнинг слдинги жуфти харакат илдизчалари, ортдагиси эса сезувчи илдизчалардир. Орқа миянинг ҳар бир олдингӣ ва ортни илдизчалари ўзига тегишли умуртқалараро тешикдан ташкарига чиқади. Масалан, орқа миянинг иккинчи бўйин илдизчалари биринчи ва иккинчи бўйин умуртқалари орасидаги тешикдан, ундан кейинги илдизчалар эса иккинчи ва учинчи бўйин умуртқалари орасидаги тешикдан ташкарига чиқади.

Орқа миянинг юқори бўйин сегментлари ўзига тегишли бўйин умуртқаларининг сатҳида ётади, бел, думғаза ва дум сегментлари эса 8-расм, в да кўрсатилганидек, шу бўлимларнинг ўз умурткаси сатҳида эмас, балки ундан юқори роқда, пастки кўкрак ва биринчи бел умуртқалари сатҳида жойлашган. Орқа миянинг бел, думғаза ва дум сегментларининг илдизчалари ўзига тегишли умуртқалараро тешиклардан чиқиш учун шу ергача умуртка поғонасининг канали бўйлаб паст томонга йўналади. Бу сегментларнинг (L_{2-5} , S_{1-5} , Co_{1-2}) илдизчалари йиғиндисига «от думи» (cauda equina) дейилади. Шундай килиб, умуртка поғонаси каналининг биринчи бел умурткаси сатҳигача бўлган кисмида орқа мия, пастки кисмида эса от думи жойлашгандир.

Орқа мия ўзининг анатомик тузилиши ва тананинг қайси кисмлари билан алокадор эканлигига кўра қўйидаги кисмларга бўлинади:



8 — р а с м. б. Орқа миянинг сегментар тузилиши схемаси.

1 — ортқи ийдизчалар; 2 — олдинги ийдизчалар; 3 — ортқи шоҳ; 4 — орқа миянинг марказий канали; 5 — олдинги шоҳ; 6 — орқа мия ганглияси; 7 — fissura mediana anterior; 8 — орқа мия нерви.

9 — р а с м. Орқа мия бўлимларининг схематик тасвири.

1. Юкори бўйин қисми — pars cervicalis — C₁₋₄ сегментларидан ташкил топган.

2. Бўйин кенглиги — intumescentio cervicalis — C₅₋₈ — Th₁ сегментларидан ташкил топган.


3. Кўкрак қисми — pars thoracalis — Th₂—Th₁₀ сегментларидан ташкил топган.

4. Бел кенглиги — intumescentio lumbalis — Th₁₁₋₁₂ — L₁₋₅ — S₁₋₂ сегментларидан ташкил топган.

5. Орқа мия конуси — conus medullaris — S₅ — Co₁₋₂ сегментларидан ташкил топган (9-расм).


Мия конусининг учидан охириги ип — filum terminalis бошланади; у 2-дум умуртқасига бириккан бўлади.

Орқа миянинг юкорида кўрсатилган қисмлари гавданинг турли соҳалари билан тахминан қуйидагича муносабатдадир: бўйин қисми — бўйин ва қисман бош терисини, бўйин мускуларини ва диафрагмани; бўйин кенглиги — қўл терисини ва унинг мускуларини; кўкрак қисми — тана терисини, унинг мускулла-




1-расм. Нерв ҳужайралари.

а — мия пүстлоги олдинги марказий пуштасидаги катта пирамидасимон Бең ҳужайралари. Ниссл усулида бўялган; б — орқа миянинг олдинги шохидаги мультиполляр юлдузсимон ҳаракат невронлари. Ниссл усулида бўялган;



в



д


г

1-расм (давоми)

в — орқа мия ганглияси, нерв ҳужайралари. Ниссл усули билан бўялган; г — орқа мия ганглияси ҳужайрасидаги нейрофибрillар. Бильшовский усулида бўялган; д — вегетатив ганглиянинг мультиполляр ҳужайраси. Бильшовский усулида бўялган.




4-расм. Қора субстанция нерв ҳужайралари. Эпидемик энцефалит ка-
саллигида меланин пигментининг нерв ҳужайрасида меланофагга ўтиши.
Ниссл усулида бўялган.



5-р а с м. Нерв толасининг гистологик тузилиши.

1 — биритиувчи түқима; 2 — эпиневрий; 3 — эндоневрий; 4 — периневрий; 5 — қоитомирлар.




6-расм. Синапслар.

а — синапсларнинг нерв ҳужайра танасида ва дендритларда жойлашниши; б — нерв импульснинг синапс орқали ўтиши схемаси. 1 — нейрофибриллар; 2 — аксон мембранаси; 3 — аксон; 4 — электрик импульс; 5 — митохондрий; 6 — синаптик пилакчалар ва медиатор; 7 — пресинаптик мембрана; 8 — ацетилхолин; 9 — синаптик оралик; 10 — синапс орқали импульснинг ўтиши; 11 — постсинаптик мембрана; 12 — холино-рецептор; 13 — дендрит.




a

8-расм, а. Орқа миянинг умуртқа каналида жойлашиши ва қисмлари.
1 — «от думи»; 2 — дум қисми; 3 — думгаза қисми; 4 — бел қисми; 5 — кўкрак қисми;
6 — бўйин қисми; 7 — орқа мия нервлари.




10-расм. Орқа миянинг кўндаланг кесмаси (схема).

1 — тектоспинал йўл; 2 — олдинги пирамида йўли, 3, 7 — вестибулоспинал йўл; 4, 9, 13 — чуқур тутам; 5 — оливоспинал йўл; 6 — вентрал спиноцеребелляр йўл; 8 — спинотектал ва спиноталамик йўллар; 10 — дорзал спиноцеребелляр йўл; 11 — руброспинал йўл; 12 — ён пирамида йўли; 14 — панасимон тутам; 15 — вергулсимон тутам; 16 — нозик тутам; 17 — овалсимон тутам; 18 — ортқи ўрга эгат; 19 — ортқи шоҳ; 20 — марказий шилимшиқ (Ролланд модда); 21 — ортқи шоҳният марказий хужайралари; 22 — ён шоҳ хужайралари; 23 — ортқи латерал гурух хужайралари; 24 — марказий латерал гурух хужайралари; 25 — олдинги латерал гурух хужайралари; 26 — олдинги шоҳ; 27 — олдинги медиал гурух хужайралари; 28 — ортқи медиал гурух хужайралари; 29 — Кларк устуни.




11-расм. а. Орқа мия рефлексларининг рефлектор ёйи.

а — рефлектор ёйининг тузилиш схемаси. 1 — рефлектор ёйининг афферент қисми;
2 — орқа мия ганглияси; 3 — оралиқ неврон; 4 — олдинги шохнинг ҳаракат ҳужай-
раси; 5 — рефлектор ёйининг эфферент қисми; 6 — пирамида йўли.




26-расм. Орқа мия, унинг пардалари ва илдизчаларининг жойланиши.

1, 6—dura mater; 2, 9—arachnoidea; 3 — олдинги илдизчалар; 4 — ортқи илдизчалар;
5 — орқа мия нерви; 7 — plexus vertebralis internus; 8 — орқа мия ганглияси;
10 — pia mater; 11 — ортқи орқа мия артерияси; 12 — орқа мия.




27-расм. Орқа миянинг қон билан таъминланиши (схема).

а — орқа миянинг кўндаланг кесмаси; 1, 3 — орқа миянинг олдинги артерияси ва унинг шохобчалари; 2 — қон томир чамбари; 4 — орқа миянинг орткі артерияси; 5 — орткі шоҳ; 6 — ён шоҳ; 7 — олдинги шоҳ. б — орқа миянинг узунасига кўриниши. 1 — a. cervicalis ascendens; 2 — a. vertebralis; 3 — a. subclavia; 4 — a. intercostalis; 5 — Адамкевич бел артерияси.




29-расм. Терининг орткى илдизчалар билан нервланиши.




30-расм. Кўл терисининг периферик нервлар билан нервланиши.

а — кўлнинг ички юзаси; 1—n. cutanei brachii lat; 2—n. suprascapularis; 3—n. n. thoracales ant.; 4—n. cutaneus brachii med.; 5—n. cutaneus brachii post.; 6—n. cutaneus antibrachii med.; 7—n. cutaneus antibrachii lat.; 8—n. radialis; 9—n. cutaneus palmaris n. mediani; 10—ramus superficialis n. ulnaris; 11—n. medianus. б — n. supraclavicularis; 2—rami cutanei lateralis; nervi кўлнинг ташки юзаси; intercostalis; 3—n. cutaneus brachii lateralis; 4—n. cutaneus brachii med.; 5—n. cutaneus brachii post.; 6—n. cutaneus antibrachii lat; 7—n. cutaneus antibrachii med.; 8—n. cutaneus antibrachii dos.; 9—n. radialis; 10, 11—n. ulnaris; 12—n. medianus.




33-расм. Елка чигалининг схемаси.

1—n. cervicalis IV; 2—IV бўйни умуртқаси; 3—n. dorsalis scapulae;
4—n. suprascapularis; 5—n. subscapularis; 6—n. axillaris; 7—n. radialis;
8—n. musculocutaneus; 9—n. medianus; 10—n. ulnaris; 11—n. cervicalis V;
12—n. cervicalis VI; 13—n. cervicalis VII. 14—n. cutaneus brachii medialis; 15—n.
cervicalis VIII; 16—n. cutaneus antibrachii medialis; 17—n. thoracalis longus;
18—n. thoracalis I; 19—I кўкрак умуртқаси; 20—қўлтиқ ости артерияси.




35-расм. Бел чигалининг схемаси.

1—XII кўкрак умуртқаси; 2 — XII қовурга; 3—n. thoracalis XII; 4—n. ra—lateralis; 5—n. iliohypogastricus; 6—n. ilioinguinalis; 7—n. lumbalis I; 8—n. ganitofemoralis; 9—n. lumbalis II; 10—n. cutaneus 10—n. spermaticus externus; 11—n. cutaneus femoris lateralis; 12—n. femoralis; 13—n. lumbalis III; 14—n. obturatorius accessorius; 15—n. obturatorius; 16—n. lumbalis IV; 17 —учинчи ва бешинчи бел нервларининг анастомози; 18—n. lumbalis V.



36-расм. Оёқ терисининг периферик нервлар билан нервланиши.

а — оёқнинг орқа юзаси; 1—nn. gluteus superiores; 2—nn. gluteus medii; 3—nn. gluteus inferiores; 4—n. cutaneus femoris lateralis; 5—n. cutaneus femoris ant; 6—n. cutaneus femoris post; 7—n. obturatorius; 8—n. cutaneus surae lat; 9—n. cutaneus surae med; 10—n. suralis; 11—n. plantaris med; 12—n. plantaris lat. б — оёқнинг олдинги юзаси. 1—г. cutaneus lat. n. iliohypogastrici; 2—n. lumbinguinalis et n. spermaticus ext; 3—n. cutaneus femoris lat; 4—nn. cutanei femoris ant; 5—n. obturatorius; 6—n. cutaneus surae lat; 7—n. saphenus; 8—n. cutaneus surae med; 9—n. peroneus superf; 10—n. suralis; 11—n. peroneus prof.



37-р а с м. Думғаза чигалининг схемаси.

1—n. lumbalis IV; 2—V бел умуртқаси, 3—n. lumbalis V, 4—n. gluteus superior, 5—n. gluteus inferior; 6—n. peroneus, 7—n. tibialis, 8—n. cutaneus femoris post, 9—n. rami visceralis, 10—n. pudendus; 11—n. sacralis I; 12—n. sacralis II; 13—n. sacralis III; 14—n. sacralis IV.

10 — расм, а.

Орка мия сегментларининг (кора ранги) умурткаларага ишбатан бўлган муносабати, ундан чикувчи илдизчалар ва чигаллар.

рини, ва ички органларни; бен кенглиги — оёқ терисини ва унинг мускулларини; конус кисми — чов (регіпейт) терисини, унинг мускулларини ҳамда чаноқ органларини, сийдик пуфагининг сфинктерини ва *m. sphincter ani* ни нервлайди.


Орка мияга ташқи томондан қаралса узунасига кетган эгатларни кўриш мумкин. Орка миянинг олдинги томонида узунасига жойлашган ўрта эгатга *fissura mediana anterior* дейилади, унинг чукурлиги 4-мм га тенг.

Орка миянинг орткы томонида жойлашган орка эгатга *sulcus posterior* дейилади, бу унчалик чукур эмас. Мазкур эгатдан мия орасига орткы тўсик — *septum posterius* кириб боради (10-расм).

Орка миянинг ён томонларида иккита ён эгат: олдинги ён эгат — *sulcus lateralis anterior* ва орка ён эгат — *sulcus lateralis posterior* жойлашган. Орка миянинг кўндаланг кесмасида бир-бири билан функционал ва морфологик боғланган икки қисмни кўрамиз:

1. Орка миянинг кул ранг моддаси — уни орка миянинг хусусий ёки сегментар аппарати дейилади.

2. Орка миянинг ок моддаси — юқорига ва пастга йўналувчи ўтказгич йўллардан тузилган бўлиб, орка миянинг ўтказгич аппарати деб аталади. Орка мия кўндалангига кесилса, унинг кул ранг моддаси ўртада, ок моддаси эса четки қисмларда жойлашганини кўриш мумкин.



ОРҚА МИЯНИНГ ХУСУСИЙ АППАРАТИ

Орқа миянинг кўндаланг кесмасида унинг икки симметрик бўлакчадан тузилган кул ранг моддаси яққол кўзга ташланади. Бу модданинг кўриниши лотинча «Н» ҳарфини ёки капалак шаклини эслатади. Орқа миянинг ҳар бир томондаги кул ранг моддаси кул ранг бириктиргич — *comissura grisea* ёрдамида ўзаро боғлангандир. *Comissira grisea* нинг ўртасида орқа миянинг марказий канали — *canalis centralis* жойлашган. Нормал ҳолатда бу каналнинг ичи эпендима хужайралари билан тўлган бўлиб, унинг атрофини эса марказий шилимшиқ модда — *sibstantia gelatinosae centralis* ўраб туради.

Орқа мия марказий каналининг олдинги томонидаги кул ранг бириктиргич *comissura grisea anterior* деб, орқа томонидаги кул ранг бириктиргич *comissura grisea posterior* деб юритилади.

Ҳар бир томондаги кул ранг модданинг олдинга қараб чиқкан қисмига олдинги шох — *cornu anterior* ёки олдинги кул ранг устун — *columna grisea anterior* дейилади. Кул ранг модданинг орқа томонга чиқкан қисмига ортки шох — *cornu posterior*; ёки ортки кул ранг устун — *columna grisea posterior* дейилади.

Саккизинчи бўйин сегменти (С₈) дан бошлаб, токи ҳамма кўкрак сегментларига ва биринчи (баъзан иккинчи) бел сегментига қадар кул ранг модда ён томонга чиқкан бўлиб, уига ён шох — *cornu lateralis* ёки ён устун — *columna grisea lateralis* дейилади.

Ортки шох. Ортки шохнинг тубидаги торайған қисмига ортки шохнинг бўйни—*cervix cornu posterior* дейилади. Сўнгра ортки шох бирмунча кенгаяди. Унинг ана шу кенгайган қисмига ортки шохнинг боши — *caput cornu posterior* дейилади. Ортки шохнинг четки зона — *zona terminalis* билан чегараланиб турувчи қисми эса ортки шохнинг учи — *apex cornu posterioris* деб юритилади.

Ортки шохнинг учida нерв хужайраларидан ташкил топган — *substancia gelatinosae* жойлашган. *Substantia gelatinosae* нинг олдинги қисмida ортки шохнинг хусусий ядрои — *nucleus prorius cornu posterioris seu nucleus centrodorsalis spinothalamicus* ётади. Еттинчи бўйин сегменти — С. дан учинчи бел сегменти — L' гача бўлган оралиқдаги сегментларнинг ортки шохлари туб қисмida орқа миянинг дорзал ядрои — *nucleus dorsalis* жойлашган. Мазкур ядро хужайраларининг аксонлари спиноцеребелляр йўлларни ҳосил қиласди. Микроглияни мезоглия ёки Гортег хужайралари деб ҳам юритилади.

Олдинги шох. Олдинги шохда ҳаракатлантирувчи неврон хужайралари гурух-гурух бўлиб ётади. Ҳар бир гурух невронлар ўзига тегишли бўлган мускулларнинг нервлайди.

Олдинги шох хужайралари ички ва ташки ядроларга бўлинади. Ички ядронинг ўзи ҳам олдинги ва орқа хужайра гурухларига бўлинади. Бу хужайралар орқа ва белнинг узун ва калта мускулларини нервлайди. Ташки ядро ҳам бир неча гурухларга

бўлинади. Бўйин ва бел кенглигида ташқи ядролар йўғонлашади, яъни ана шу ядроларни ташкил этувчи хужайраларнинг сони кўпаяди.

Олдинги шохдаги ташқи ядронинг олдинги гурух хужайралари — nucleus anterolateralis елка ва тос камарларининг мускулларини, олдинги шохнинг бўйин ва бел кенгликларида ётувчи ташқи ядронинг марказидаги хужайралар гурухи — nucleus mediolateralis елка ва сон мускулларини, ташқи ядронинг орқа гурух хужайралари — nucleus dorsolateralis билак ва болдири мускулларини ва ниҳоят, олдинги шох ташқи ядросининг орқа томонидаги хужайралар — nucleus posterior posterolateralis кўл ва оёқ панжаларининг мускулларини нервлайди.

Орқа миянинг кўкрак қисмидаги ён шохлар майдада симпатик хужайралар тўпламларидан иборат.

Орқа мия олдинги ва ён шохларидаги хужайраларнинг аксонлари sulcus lateralis anterior орқали ташқарига чиқиб, олдинги илдизчаларни (radicis anteriores) ҳосил қиласди. Орткни илдизчалар — radicis posteriores эса умуртқалар орасида жойлашган орқа мия ганглияси — ganglion spinale хужайраларининг аксонларидан ташкил топади. Бу илдизчалар орқа миянинг орткни шохига кириб боради ва substantia gelatinosa, nucleus proprius согни posterior билан nucleus dorsalis-да тугалланади. Орткни илдизчаларнинг бир қисми орткни тизимчага киради.

Спинал ганглиянинг периферик толалари олдинги харакатлантирувчи илдизча билан бирлашиб, умуртқалараро тешик — foramen intervertebrale орқали ташқарига чиқади. Олдинги ва орткни илдизчалар бирлашиб, ташқарига чиққанидан сўнг, улар орқа мия нервлари — plexus spinales номини олади. Орқа мия нервларининг бир-бири билан қўшилиши натижасида нерв чигаллари — plexus ҳосил бўлади. Нерв чигалларидан эса маълум периферик нервлар чиқади.



Орқа миянинг сегментар аппарати функционал жиҳатдан оддий, шартсиз рефлекслар органи ҳисобланади. Оддий шартсиз рефлексларнинг рефлектор ёйлари шу аппаратда бирлашади.

ОРҚА МИЯНИНГ РЕФЛЕКТОР ФАОЛИЯТИ

Нерв системасининг вазифаси асосида унинг рефлектор фаолияти ётади. Организмдаги оддий харакатлардан тортиб, энг мураккаб жараёнларгача нерв системаси рефлектор фаолиятининг натижасидир. Рефлекснинг асл маъноси аксланиш ёки қайтариш демакдир.

Организмда пайдо бўлувчи рефлекслар — икки хилга, яъни шартли ва шартсиз рефлексларга бўлинади.

Организмнинг ташқи ёки ички таъсиротларга нерв системаси орқали муқаррар равишда жавоб қайтаришига шартсиз рефлекс дейилади. Шартсиз рефлекслар икки хил бўлади: оддий ва мураккаб.



11—расм; б — лай рефлексий рефлектор ёйнинг тузилиш схемаси.

1 — проприоцептор; 2 — рефлектор ёйнинг афферент кисми; 3 — орка мия ганглияси; 4 — рефлектор ёйнинг афферент кисми; 5 — мускул.

в — тері рефлекси, рефлектор ёйнинг тузилиш схемаси.
1 — тері; 2 — экстрапрептор; 3 — рефлектор ёйнинг афферент кисми; 4 — орка мия танглияси; 5 — орткы илдизча;
6 — олдинги шох хужайраси; 7 — олдинги илдизча; 8 — рефлектор ёйнинг эфферент кисми; 9 — мускул (С. Божиновдан).

Оддий шартсиз рефлекслар орқа мия фаолияти натижасида пайдо бўлади, мураккаб шартсиз рефлекслар эса мия стволи ва бош мия ярим шарларининг пўстлоқ ости тугунларида вужудга келади.

Аввало биз орқа мия фаолияти натижасида пайдо бўладиган шартсиз рефлекслар билан танишиб чиқамиз. Айрим рефлексларнинг ёйлари орқа миядаги шу ёйларга тегишли сегментлар орқали ўтади. Рецепторда пайдо бўлган кўзғалиш марказга интилувчи (рецептор) кисм орқали орқа миянинг орткы шохига келади. Орткы шохдан рефлектор ёйнинг иккинчи неврони орқали кўзғалиш олдинги шохга ўтади. Ниҳоят, олдинги шох хужайраларининг

аксонлари қўзғалишни мускулларга етказиб беради. Олдинги шох хужайралари ёки уларнинг аксонлари заарланса, рефлекс сусайди ёки йўқолади.

Бу рефлексларни текшириш нерв касалликларининг келиб чиқиш сабабларини ва патологик жараёнларнинг марказий нерв системасида жойлашган қисмини аниқлашда катта диагностик аҳамиятга эга. Ҳар бир рефлекснинг ўз рефлектор ёйи бўлади. Рефлектор ёйнинг тузилиши билан танишиб чиқиш учун аввало орқа миянинг оддий рефлекси қандай тузилганлигини кўриб чиқайлик.

Рефлектор ёй асосан икки ёки уч неврондан иборатdir (11-расм, а, б, в).

1. **Афферент ёки марказга интиувчи неврон.** Қабул қилинган ташқи ёки ички таъсиротлар ана шу қисм ёрдамида оралиқ ёки эфферент невронга етказиб берилади.

2. **Оралиқ неврон** — бу неврон рецептор неврондан қабул қилинган қўзғалишни эфферент невронга, яъни марказдан кочувчи невронга ўтқазиб беради.

3. **Эфферент неврон** — марказдан кочувчи неврон. Бу қисм қабул қилинган қўзғалишларни ишчи органга етказиб беради.

Қўзғалишнинг тўхтовсиз ўтиб туриши, рефлекс ҳосил бўлиши рефлектор ёйнинг шикастланмаганлигини кўрсатади. Рефлектор ёйнинг ана шу невронидан бири заарланса, рефлекснинг йўқолишига ёки сусайишига олиб келади. Рефлексларнинг ўзгариши ёки бузилиши бош миядан орқа мияга келувчи марказий невронларнинг заарланганлигидан ҳам дарак беради.

Куйидаги рефлексларни текшириб кўриш амалий аҳамиятга эга:

1. Пай рефлекси ва периостал рефлекслар.
2. Бўғим рефлекслари.
3. Тери рефлекслари.

Пай рефлекслари. Пай рефлекслари неврологик болгача ёрдамида пайларга уриб текширилади.

Асосан 4 хил пай рефлексини текшириш айниқса муҳим аҳамиятга эга:

- 1) икки бошли мускул (*biceps*) рефлекси;
- 2) уч бошли мускул (*triceps*) рефлекси;
- 3) пателляр ёки тизза рефлекси;
- 4) Ахилл рефлекси.

Ҳар бир пай рефлексининг рефлектор ёйи орқа миянинг маълум бир сегменти орқали ўтади. Шу сегментнинг заарланиши пай рефлексларининг пасайишига ёки йўқолишига сабаб бўлади.

Бицепс рефлексининг (BR) рефлектор ёйи C_5-C_6 — сегментлар орқали ўтади.


Беморнинг кўли 12-расмда кўрсатилганидек, текширув-



13 — расм. Трицепс рефлексини текшириш усули.



12 — расм. Бицепс рефлексини текшириш усули.



14 — расм. Тизза рефлексини текшириш усули.



15 — расм. Етган беморларда тизза рефлексини текшириш усули.

чининг қўлида, тирсакдан ярим букилган ҳолда туради. Бу мускулнинг пайига неврологик болғача билан урилганда билак букилади ва яна ёзилади.

Трицепс рефлексининг (TR) рефлектор ёйи $C_6 - C_7$ сегментлар орқали ўтади.

Текширилувчининг қўлини 13-расмда кўрсатилганидек, тир-

саги юкорисидан ушлаб, горизонтал ҳолатда күтарилади. Бунда беморнинг билаги эркин ҳолда осилиб туриши лозим.


Уч бошли мускулнинг пайига неврологик болғача билан урилганда билак бироз ёзилиб яна букилади.

Пателляр рефлекснинг (PR) рефлектор ёйи L_2 — L_4 сегментлар орқали ўтади. Бу рефлекс қуидагича текширилади:

1. Бемор бир оёғини 14-расмда кўрсатилганидек иккинчи оёғига чалиштиради. Соннинг тўрт бошли мускули пайига неврологик болғача билан урилганда болдирилганда кўтарилиб, яна пастга тушади.

2. Беморнинг оёғини 15-расмдаги каби тиззасининг тагидан кўтариб, юқорида айтилган пайига неврологик болғача билан урилганда оёқ тизза бўғимидан ёзилиб яна букилади.

Ахилл рефлекси (AR) болдирилганда уч бошли мускулиниң рефлексидир. Рефлектор ёйи S_1 — S_2 сегментлар орқали ўтади. Уни текшириш усуслари қуидагича:



17 — расм. Ётган bemorларда Ахилл рефлексини текшириш усули.

16 — расм. Ахилл рефлексини текшириш усули.


1) bemor 16-rasmda kўrsatilganidek, stulga tizzasi bilan чиқиб туради ва неврологик болғача билан унинг Ахилл пайига урилса, оёқ панжаси букилади.

2) bemor 17-rasmda kўrsatilganidek ҳолатда ётқизилади, оёғини тиззасидан букилади ва оёқ панжасининг учидан ушлаб бир оз юқорига кўтарилади. Ана шу ҳолатда Ахилл пайига неврологик болғача билан урилса, оёқ панжаси букилади.

Билак периостал рефлекси—билак суюгининг периостал пардасида вужудга келадиган рефлексидир. Рефлектор ёйи C_5 — D_1 сегментлар орқали ўтади.

Билак суюгига неврологик болғача билан урилганда билак букилиб, яна ёзилади.

Бўғим рефлекси ёки Майер рефлекси: bemor бармоқларини ёзиб туради ва шунда 3 ёки 4-бармоқлар



18 — расм. Корин ва кремастер рефлексини текшириш усулида терининг чизиладиган соҳалари.

асосий фалангасидан букилса, 1-бармоқнинг асосий фалангаси букилиб, охирги фалангаси ёзилади.

Тери рефлекслари. Тери рефлекслари ўтмас игна билан терига чизиб текширилади. Тери рефлексларига корин, кремастер мускули рефлекси ва оёқ кафти рефлекслари киради.

Корин мускулларининг рефлекслари:

1. Юкори корин рефлекси — рефлектор ёйи $D_7—D_8$ сегментларидан ўтади. 18-расмда кўрсатилганидек, қовурға ёйига параллел ҳолда чизилса, корин мускуллари кискаради.

2. Ўрта корин рефлекси — рефлектор ёйи $D_8—D_{10}$ сегментларидан ўтади. 18-расмда кўрсатилганидек, қиндик томонга караб чизилса, чизик остидаги корин мускуллари қискаради.

3. Пастки корин рефлекси — рефлектор ёйи $D_{10—D_{12}}$ сегментлари орқали ўтади. 18-расмдаги каби корин терисининг пастки кисмига чизилса, чизик остидаги корин мускуллари қискаради.

Кремастер рефлекси — кремастер мускулининг рефлексидир. Рефлектор ёйи $L_1—L_2$ сегментлари орқали ўтади. Соң терисининг ички томонига 18-расмда кўрсатилганидек чизилса, шу томондаги мояк кўтарилади.

Оёқ кафти рефлекси — рефлектор ёйи $S_1—S_2$ сегментларидан ўтади. Оёқ кафтининг ўрта кисмига пастдан юқорига караб чизилганда, унинг бармоқлари пастга букилади.

Рефлектор ёйнинг бузилиши рефлексларнинг сусайишига ёки йўқолишига олиб келади. Масалан, патологик жараён натижасида периферик нервнинг сезги ёки ҳаракат кисмлари заарлансан, рефлектор ёйнинг рецептор ёки ҳаракат кисмлари узилиши сабабли рефлекс йўқолади. Патологик жараён туфайли орқа миянинг кул ранг моддаси заарлансан, ундаги оралиқ невроннинг узилиши сабабли рефлекс йўқолади.

Шундай қилиб, рефлексларнинг йўқолиши орқа мия ва периферик нерв системасининг бирор кисми заарланганини кўрсатади. Масалан, тизза рефлексининг йўқолиши орқа миянинг $L_2—L_4$ сегментларида ёхуд шу сегментларнинг рецепторлари ёки эфекторларида патологик жараён борлигидан далолат беради.

ОРҚА МИЯНИНГ ТОНИК ФАОЛИЯТИ

Мускуллар ҳаракатланганда, орқа мия ундаги проприорецепторлар таъсиrlаниши натижасида қўзғалиш рефлектор ёй орқали мускулларга етиб боради. Натижада мускулларда маълум бир тараплик пайдо бўладики, бунга мускул тонуси дейилади.

Мускуллар ҳаракатсиз турганда ҳам орқа миядан келувчи то-

ник импульслар тұхтамайды. Бундан чиқадыки, мускул ҳаракатсиз турған вактида ҳам тонусга эга бўлади. Олдинги шох ҳужайраларининг заарланиши тонуснинг пасайишига ёки йўқолишига (гипотония ёки атония) олиб келади. Тонуси пасайган мускуллар пайпаслаб кўрилганда юмшоқ, шалвираб қолган бўлиб кўринади. Тонуси пасайган кўл ва оёқнинг маълум бир бўғими букиб ёки ёзик кўрилганда мускул қаршилиги сезилмайды. Бўғимлар бўшашиб қолади. Пассив ҳарәкатлар ҳажми нормадагидан ортиб кетади (19-расм).



19 — р а с м. Туғма миатонияда тана мускуларининг гипотонияси.

ОРКА МИЯНИНГ ТРОФИК ФАОЛИЯТИ

Олдинги шох ҳужайралари мускуллар трофикасини (озикланишини) сақлаб туришда иштирок этади. Ана шу ҳужайралар ва уларнинг аксонлари заарланса—мускуллар атрофияланади.

Мускул атрофияси деб, мускул трофикасининг бузилиши натижасида, унинг кичрайиб (куришиб) қолишига айтилади. Мускул атрофияси 2 хил бўлади: оддий атрофия ва дегенератив атрофия.

Оддий атрофия— турли сабабларга кўра мускулларнинг узок вақт ҳаракатланмаслиги ёки муайян турдаги моддалар алманини бузилганлиги натижасида юз беради. Бундай атрофияга учраган мускулларнинг электрик кўзғалувчанлиги ўзгармаган бўлади.

Мускул дегенератив атрофияси — ихтиёрий ҳаракат йўлининг II-неврони, яъни периферик невроннинг заарланиши натижасида келиб чиқади. Бундай мускулларнинг ҳажми кичрайган, ўзи юмшоқ ва шалвираган бўлади. Атрофия даражасини аниқлаш учун кўл ва оёқнинг симметрик жойларини сантиметрли тасма билан ўлчаб кўрилади. Қўл айланасини тирсакдан 15 см юқоридан ва 15 см пастроқдан, оёқ айланасини эса тиззанинг ўрта кисмидан 15-20 см юқорироқдан ва шунча пастроқдан ўлчанади. Олинган маълумотлар нариги кўл-оёқ ўлчовларига таккосланади.

Орқа миянинг сегментар патологияси. Орқа миянинг сегментар патологияси унинг олдинги ва орткі шохлари заарланганда рўй беради. Орқа мия олдинги шохининг заарланиши сегментар турдаги фалажланишга олиб келади. Орқа миянинг орткі шохи заарланганда эса сегментар турдаги сезги ўзгаришлари юз беради.

Фалажлар ва сезги ўзгаришлари тўғрисида ихтиёрий харакат (пирамидал), әтери ва мускул-бўғим сезгиси системаларини баён килганда тўхталиб ўтамиз.

Хозир биз орқа миянинг олдинги шохи заарланганда мускул ва нервларнинг қўзғалувчанлиги ўзгариши, хронаксия ва элек - тромиография тўғрисида маълумотлар берамиз.

НЕРВ ВА МУСКУЛЛАРНИНГ ЭЛЕКТР ҚЎЗҒАЛУВЧАНЛИГИ

Электродиагностика — нерв ва мускулларнинг электр қўзғалувчанлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун гальваник ва фарадик токлардан фойдаланилади. Нерв ва мускулларга ана шу токлар таъсир эттирилса, мускул қисқариш билан жавоб қайтаради. Мускул қисқаришларини маълум нуктадагина вужудга келтириш мумкин, бундай нукталарга таъсирланиш ёки харакат нукталари дейилади (20—21-расмлар). Бу нукталар гальваник ток билан таъсирлантирилса, ток уланган ва узилган пайтда мускулнинг қисқариши юз беради. Фарадик ток билан таъсирланганда эса, мускулда чувалчанг харакатисимон қисқаришлар содир бўлади.

Мускулнинг электрдан қўзғалишини текширишдан максад унинг қўзғалувчанлик бўсағасини аниқлашадир. Қўзғалувчанлик ёки таъсирланиш бўсағаси деб, энг кам ток кучи таъсирида ҳосил бўлган мускул қисқаришига айтилади.

Нормал ҳолатда, катод уланганда ҳосил бўлган қисқариш (КҚҚ) анод уланганда ҳосил бўлувчи қисқариш (АҚҚ) дан кучлироқ, яъни КҚҚ>АҚҚ бўлади ва аксинча, анод узилганда ҳосил бўлувчи қисқариш (АҚҚ) катод узилгандаги қисқариш (КҚҚ) дан кучлироқ бўлади.

Гальваник ток кучи миллиампер (mA) билан, фарадик ток кучи эса (Дюбуа-Реймон аппарати ғалтакларининг оралиғидаги масофа) миллиметр билан ўлчанади. Текшириш натижасида олинган маълумотларни юқоридаги жадвалда кўрсатилган нормал рақамлар билан таққослаб кўрилади.

Тетанияда, миотонияда ва периферик фалажнинг бошланғич даврида мускулларнинг электр қўзғалувчанлиги ошиб кетади, эни таъсирланиш бўсағасидан кам кучга эга бўлган ток таъсирида ҳам мускулнинг қисқариши юз бераверади.

Периферик фалажларда электр қўзғалувчанлиги пасаяди ёки бутунлай йўқолади. Электр қўзғалувчанлигининг пасайишига ёки йўқолишига дегенерация реакцияси дейилади. Дегенерация реакцияси 2 хил бўлади: тўлиқ дегенерация ва қисман дегенерация.

Айрим нерв ва мускулларнинг электр қўзғалувчанлиги


Нервлар	Гальваник қўзғалувчанлик бўсағаси (A)	Фарадик қўзғалувчанлик бўсағаси (ММ)
1) n. facialis	1,75	121
2) n. musculocutaneus	0,17	235
3) n. medianus	0,9	122
4) n. ulnaris (юкори қисмида)	0,55	130
5) n. ulnaris (пастки қисмида)	1,6	105
6) n. radialis	1,8	118,5
7) n. femoralis	1,05	105
8) n. peroneus	1,1	107,5
9) n. axillaris	2,8	109

Мускуллар		
1) m. trapezius	1,6	12
2) m. deltoideus	1,2—2,0	12
3) m. pectoralis major	0,4	6
4) m. serratus anterior	1,0—8,5	12
5) m. brachioradialis	1,1—1,7	3
6) m. extensor carpi radialis	0,8	3
7) m. extensor digitorum communis	0,6—3,0	3
8) m. pronator teres	2,5—2,8	3
9) m. flexor digitorum sublimis	0,3—1,2	3
10) m. flexor capri radialis	0,9—2,9	3
11) m. adductor digiti quinti	2,5	3.
12) m. tibialis anterior	1,8—5,0	12

Тўлиқ дегенерация реакциясида нерв гальваник ва фарадик ток билан таъсирлантирилса мускул қисқармайди. Мускулга кучли гальваник ток билан таъсир этилганда эса чувалчанг ҳаракатисимон кучсиз қисқариш ҳосил бўлади. Анод улангандаги қисқариш катод улангандаги қисқаришдан кучлироқ бўлади— $AKK > KKK$. Бу ҳол периферик нервларнинг бутунлай узилганлигини кўрсатади.

Қисман дегенерация реакциясида нерв ҳамда мускулларга гальваник ва фарадик ток билан таъсир килинганда мускуллар кучсизгина қисқаради. Нерв таъсирланганда эса мускуллар катод улангандигига нисбатан кучсиз қисқаради. Бу ҳол периферик нервларнинг бир оз заарланганлигини кўрсатади.

Хронаксиметрия. Энг кам кучга эга бўлган гальваник токнинг энг қисқа вакт ичидаги таъсир этиши натижасида вужудга келган мускул қисқаришига хронаксиметр ёрдамида текширилади. Хронаксиметр ёрдамида текширилади. Хронаксияни текширишда мускул ёки нервнинг гальваник токдан таъсирланиш бўсағаси—реобаза аниқланади. сўнгра реобаза иккι баравар оши-



20.—расм. Юз ва бўйиннинг таъсириланиши нукталари.

- 1 — юз нервининг юкориги тутами; 2 — чакка мускули; 3 — кўзининг айланга мускули; 4 — юз нервининг ўрта тутами; 5 — чайнов мускули; 6 — юз нерви; 7 — юз нервининг пастки тутами; 8 — кўшимча нерв; 9 — тўш-ўмров-сурғимисимон мускул; 10 — кўкракнинг узун нерви; 11—12 — елка чигали; 13, 14 — тил ости сугатнинг мускуллари; 15 — платизма; 16 — тил ости нерви; 17 — энгак мускули; 18 — пастки лабни пастга тортувчи мускул; 19 — оғиз бурчагини пастга тортувчи мускул; 20—21 — оғизнинг айланга мускули; 22 — ёнёк мускули; 23 — бурун мускуллари; 24 — кошини чимириувчи мускул; 25 — пешона мускули.

рилади. Икки баравар оширилган реобаза таъсирида энг кисқа вакт ичиди хосил бўлган мускул қисқариши—хронаксия аникланади. Бу вакт бир неча сигмага тенгдир (сигма деб секунднинг мингдан бир бўллагига айтилади).

Периферик фалажда хронаксия узайиб кетади, яъни икки баравар оширилган реобаза таъсирида мускул қисқаришини хосил қилиш учун нормадагидан кўра кўпроқ вакт сарфланади.

Электромиография (ЭМГ). Орка миянинг олдинги шохи вамия устунида жойлашган мотоневронлар орқали мускулларга нерв импульслари етиб келиши натижасида пайдо бўлувчи электр токларини ёзиб олишга электромиография дейилади. Ёзиб олинган электрик потенциалларга эса электромиограмма дейилади.

Бир мотоневрон тармоқланиб бир неча мускул толаларини нервлайди. Бунга ҳаракатлантириш бирлиги дейилади (22-расм). Чунки бир мотоневроннинг кўзғалиши бир неча мускул толаларининг баравар қисқаришига олиб келади. Мускул қисқарганда юзлаб ва минглаб невронларда ҳамда улар нервлайдиган мускул толаларида қўзғалиш жараёни боради, яъни бу жараёнда бир неча ҳаракатлантириш бирлиги иштирок этади.

ЭМГ икки хил усулда ёзиб олинади.


1. Бир ҳаракатлантириш бирлигининг потенциалини ёзиш. Факат инга-электродларни мускулга ботириш йўли билан шундай потенциал ёзиб олинади.

2. Бир қанча ҳаракатлантириш бирлиги потенциалларини ёзиш. Бунга жамланган ёки интерференцион ЭМГ дейилади. Бу хилдаги ЭМГ тери устига қўйилган электрод ёрдамида ёзиб олинади.

Ҳаракатлантириш бирлигининг электромиографияси. Соғлом одамнинг тўла бўшаштирилган мускулида электрик потенциаллар пайдо бўлмайди. Мускул озигина қисқариши биланоқ ҳаракатлантириш бирлиги потенциаллари

21 расм. Тананинг таъсирланиш нуткалари.

1 — катта кўкрак мускули; 2 — дельтасимон мускул; 3 — елканинг икки бошли мускули; 4 — кориннинг ташки кийшик мускули; 5 — узун супинатор; 6 — панжани ёзувчи мускул; 7 — панжани букувчи мускул; 8 — бармокларни ёзувчи умумий мускул; 9 — кўрсатчиq бармокни ёзувчи мускул; 10 — бош бармокни ёзувчи узун мускул; 11 —сон нерви; 12 — кент фасцияни тарангловчи мускул; 13 — машиначар мускули; 14 — ёпич нерв; 15 — якинаштирувчи узун мускул; 16 — ташки кенг мускул; 17 — узун кийчик болдир мускули; 18 — ташки болдир мускули; 19 — олдинги катта болдир мускули ва бармокларни ёзувчи умумий узун мускул; 20 — бош бармокни ёзувчи узун мускул; 21 — бармокларни ёзувчи калта умумий мускул ва биринчи сүякларро мускул; 22 — машиначилар мускули; 23 — ёпич нерв; 24 — катта болдир нерви; 25 — t. soleus; 26 — бармокларни букувчи узун умумий мускул; 27 — болдир мускуллари; 28 — якинаштирувчи узун мускул; 29 — ички кенг мускул; 30 — соннинг тўғри мускули; 31 — кориннинг тўғри мускул; 32 — тирсак нерви; 33 — оралик нерв; 34 — бармокларни букувчи чиқур мускул; 35 — бармокларни букувчи юза мускул; 36 — тирсак нерви; 37 — жимжилокни букувчи мускул; 38 — бош бармокни узоклаштирувчи мускул; 39 — бош бармокни якинаштирувчи киска мускул; 40 — бош бармокни карама-карши кўювчи мускул; 41 — оралик нерв; 42 — панжани букувчи мускул.




аълум бир шаклга эга бўлган ритмик тўлқинлар тарзида ёзила бошлайди (23-расм а, б).

Харакатлантириш бирлигининг электрик потенциалларини кетма-кет пайдо бўлиш тезлиги мускулнинг қисқариш кучига боғлиқ; кучсиз қисқариш секундига 5—10 дона, ўрта қисқариш секундига 20—30 дона ва кучли қисқариш секундига 50—60 ва ундан ҳам кўпроқ чизмалар ҳосил қиласди.


Лекин игна-электрод ҳам факатгина бир харакатлантириш бирлигининг электромиографиясини ёзib олиши жуда қийин, кўпинча бир нечта харакатлантириш бирликларининг умумий (йиғма) потенциаллари ёзib олинади.

Жамланган (интерференцион) электромиограмма. Агар мускул тўла бўшашибилган бўлса, тери устига кўйилган электрод потенциал ўзгаришни қайд қилмайди. Мускул қисқаргандагина жамланган электромиограмма қайд қилинади. Бунда ҳар хил амплитудали потенциаллар кетма-кет пайдо бўлади. Интерференцион ЭМГда потенциал ўзгаришларининг тезлиги секундига 100—200 мв га, уларнинг амплитудаси эса—3—5 мв га teng. Мускулнинг қисқариш кучи ошганда потенциаллар амплитудаси ҳам ошади.



22 — расм. Харакатлантирувчи бирлик схемаси.

1 — харакатлантирувчи неврон хужайра; 2 — аксон;
3 — нерв толаларининг мускулда синапс хосил килиб тутгалиниши; 4 — мускул толалари.



23 — расм. Электромиограмма.


Игна (а, б) ва тери (в, г, д) электродлари ёрдамида ёзилган мускул потенциалларнинг тўлкин чизмалари; а — харакатлантирувчи бирликнинг электрик потенциали; б — мускул кискарсанда пайдо бўлувачи харакатлантирувчи бирлик чизмалари, теряга кўйилтан электрод ёрдамида мускул бўшаштирилган (в), кискарсан пайтларда (г, д) ёзилган ЭМГ.

Мускуллар турлича қисқарған пайтларда ЭМГнинг ҳар хил параметрларини (потенциал тезлиги, амплитудаси, ҳар бир потенциалнинг микроструктураси) аниклаш шу мускулларнинг ва улардаги нерв аппаратларининг функционал ҳолатини баҳолашга ёрдам беради.

Электромиография периферик нерв системаси билан мускуллар касалликларини аниклашда, патологик жарайён қандай кечеётгандылыгини билиб олишда катта ахамиятта эга.

ОРҚА МИЯ ОҚ МОДДАСИ (ҮТҚАЗГИЧ АППАРАТИ) НИНГ ТУЗИЛИШИ

Орқа миянинг күл ранг моддаси атрофида жойлашган оқ модда юқорига йўналган (сезувчи) ва пастига йўналган (ҳаракатлантирувчи) нерв толаларидан иборат. Бу нерв толалари орқа миянинг хусусий аппаратини (күл ранг моддасини) бош мия билан боғлади.



24-расм. Орқа миянинг кўндаланг кесмаси (схема).


1 — ён (кешишган) пирамида йўли; 2 — тектоспинал йўл; 3 — руброспинал йўл; 4 — спиноталамик йўл; 5 — дорзал спиноцеребелляр йўл; 6 — вентрал спиноцеребелляр йўл; 7 — вестибулоспинал йўл; 8 — олдинги (кешишмаган) пирамида йўли; 9 — узунсига кетган медиал тутам; 10 — нозик тутам; 11 — пояснион тутам; а — ортки шох хужайралари; В — орқа миянинг дорзал ядроси; с — ён шох хужайралари; д — олдинги шох хужайралари.

Орқа миянинг ҳар иккала ярмидаги оқ модда учта тизимчадан иборат (24-расм). Бу тизимчаларни устунчалар (columnae) ёки funiculus деб ҳам юритилади.

1. Орқа мия оқ моддасининг septum posterior билан ортки шох орасида жойлашган қисмiga ортки тизимча—funiculus posterior дейилади.

2. Орқа мия оқ моддасининг ортки шох билан олдинги шох орасида ётувчи қисмiga ён тизимча—funiculus lateralis дейилади.

3. Орқа мия оқ моддасининг олдинги шох билан—fissura



25-расм. Орқа миянинг кўндаланг кесмаси. Ўтказгич йўлларнинг йўналиш схемаси.

1 — проприоцептив (мускул-бўғим) сезги йўли; 2 — оғрик ва температура сезги йўли; 3 — спиноцеребелляр йўл; 4 — дорзал спиноцеребелляр йўл; 5 — вентрал спиноцеребелляр йўл; 6 — понасимон тутам; 7 — нозик тутам; 8 — спиноталамик йўл.

mediana anterior девори орасида жойлашган қисмига олдинги тизимча *funiculus anterior* дейилади.

Ортки тизимча. Ортки тизимча, орқа мия тугунидаги хужай-раларнинг аксонларидан тузилган бўлиб, бу йўл (тизимча) орқали (проприорецептив) бўғим-мускул сезги импульслари ва қисман тактил сезги импульслари ўтади. Бу тизимчада асосан марказга йўналувчи нерв толалари жойлашган. Ортки тизимча икки тутамдан иборат. Ортки тизимчанинг ички ярмидаги тутамга нозик тутам — *fasciculus gracilis*, ташки ярмидаги тутамга эса понасимон тутам — *fasciculus cuneatus* дейилади.

Fasciculus gracilis орқа миянинг пастки ярмидаги сегментларга тегишли (масалан, оёққа тегишли) орқа мия ганглийларидан бошланади. *Fasciculus cuneatus* эса орқа миянинг юқори ярмидаги сегментларга тегишли (қўлларга тегишли) орқа мия ганглияларидан бошланади. Бу икки тутам узунчоқ мия томон йўналади (25-расм).

Ен тизимча — юқорига ва пастга йўналувчи нерв толалари ва тутамларидан иборат. Ен тизимчанинг юқорига йўналувчи тутамлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ен тизимчанинг четки қисми орқали орқа миядан миячага борувчи иккита йўл ўтади: а) ён тизимчанинг олдинги томонидан орқа миядан миячага борувчи вентрал спиноцеребелляр йўл — *tractus spinoserebellaris ventralis* жойлашади. Бу йўлнинг ўзи орқа миянинг қарама-карши томонидаги *nucleus intermediomedialis* хужайраларининг аксонларидан хосил бўлади; б) ён тизим-

чанинг орқа томонида орқа миядан миячага борувчи дорзал спиноцеребелляр йўл — *tractus spinocerebellaris dorsalis* ётади. Бу йўл орқа миянинг шу томонидаги *nucleus dorsalis* хужайраларининг аксонларидан ҳосил бўлади.

2. *Tractus spinocerebellaris ventralis* нинг ички томонида оғрик, температура ва қисман тактил сезгиларни ўтказувчи спиноталамик йўл — *tractus spinothalamicus* жойлашган. Бу йўл орқа миянинг қарама-қарши томонларида ортки шох хужайраларининг аксонларидан ташкил топган.

Орқа миянинг ортки ва ён тизимчаларининг зааррланиши ўтказгич турдаги сезги ўзгаришларига олиб келади. Бу тўғрида сезги ўзгаришлари турлари бўлимида маълумот берилган.

Ён тизимчанинг пастга йўналувчи тутамлари:

1. Ён пирамида йўли — *tractus corticospinalis* (ругамидалис) ихтиёрий ҳаракатни ўтказиши йўли бўлиб, бош мия пўстлоғининг ҳаракатлантирувчи зонасидаги пирамидасимон хужайраларининг аксонларидан ташкил топган. *Tractus spinocerebellaris dorsalis* билан ортки шох орасида жойлашган бу йўл орқа миянинг олдинги шохларида тугалланади. Бу йўлнинг функцияси ва патологияси тўғрисидаги маълумотлар бош мия пўстлоғига бағишланган бўлимда берилади.

2. Руброспинал йўл — *tractus rubrospinalis* экстрапирамида ва мияча йўли бўлиб, қизил ядро хужайраларининг аксонларидан вужудга келган. Бу йўл кортикоспинал йўлнинг олдинги томонидан ўтади ва орқа миянинг ҳар бир сегментидаги олдинги шохларда тугалланади (24-25-расмларга қаралсин).

Бу йўлнинг функцияси ва патологияси тўғрисидаги маълумотлар экстрапирамида системаси бўлимида берилади.

Олдинги тизимча. Олдинги тизимчалар асосан пастга йўналувчи толалардан иборат.

1. Тектоспинал йўл — *tractus tectospinalis*, *sulcus medianus anterior* деворига ёнма-ён жойлашган бу йўл ўрта миядаги тўрт тепалик (согрога *quadrigemina*) хужайраларининг аксонларидан тузилган бўлиб, орқа миянинг ҳар бир сегментидаги олдинги шохнинг ҳаракатлантирувчи хужайраларида тугалланади.

2. Тектоспинал йўлнинг ташки томонида жойлашган олдинги пирамида йўли — *tractus corticospinalis* (ругамидалис) *anterior* кесишмаган пирамида аксонларидан иборат. У фақат пастки кўқрак сегментларигача давом этади. Бу йўл ҳам орқа миянинг олдинги шохларида тугалланади.

3. Узунасига кетган медиал тутам — *fasciculus longitudinalis medialis* — олдинги пирамида йўлнинг орқа томонида жойлашган бўлиб, миядаги махсус ядролардан бошланади ва орқа миянинг юқори сегментларигача бўлган оралиқдаги олдинги шох хужайраларида тугалланади.

4. Вестибулоспинал йўл — *tractus vestibulospinalis* орқа мия олдинги тизимчасининг ташки ёнида жойлашган бўлиб, вестибуляр нервнинг пастки ядроидаги хужайраларининг аксонлари йиғиндисидан иборат. Бу йўл ҳам орқа мия ҳар қайси сегменти-

нинг олдинги шохларида тугалланади. Ен тизимчанинг пастга йўналувчи тутамлари функцияси ва патологияси тўғрисидаги маълумотлар шу системаларга тегишли бўлимларда берилади.

ОРҚА МИЯ ПАРДАЛАРИ — MENINGES SPINALIS

Орқа мия иккита парда билан ўралган (26-расм). Ички юмшоқ парда — leptomeninx ва ташки қаттиқ парда — pachymeninx. Лептоменингс икки қаватдан иборат: кон томирли парда (*pia mater*) ва ўргимчак тўрисимон парда (*arachnoidea*).

1. Орқа миянинг юмшоқ пардаси — *pia mater spinalis* мияга ёпишиб туради. Бу парда кон томирларга бой бўлгани учун кон томирли парда ҳам дейилади. Юмшоқ парданинг кон томирлари орқа мия моддасининг ичига кириб боради ва уни кон билан таъминлашда қатнашади.

2. Орқа миянинг ўргимчак тўрисимон пардаси — *tunica arachnoidea* орқа мияни эркин ҳолда ўраб туради. *Arachnoidea* билан *pia mater* орасида ҳосил бўлган оралиқка субарахноидал оралиқ — *cavum subarachnoidale* дейилади.

Субарахноидал оралиқ иккинчи бел умуртқаси сатҳидан бошлаб кенгая боради ва *cisterna terminalis* ни ҳосил қиласди. Субарахноидал оралиқда цереброспинал суюклиги жойлашган бўлади. Текшириш учун мия суюклиги олинмоқчи бўлганда иғнани иккинчи ва учинчи ёки учинчи ва тўртнинчи, ёхуд тўртнинчи ва бешинчи бел умуртқалари орасига санчиш керак. Иккинчи бел умуртқасидан юкорида жойлашган умуртқалар орасига игна санчиш ярамайди, аks ҳолда орқа мияни жароҳатлаб қўйиш мумкин.

Орқа миянинг ташки қаттиқ пардаси — *dura mater* орқа мияни ҳамма томондан ўраб туради. *Dura mater* халтасидан ҳар бир умуртқа ро-тешикка воронкасимон ўsicк чиқади. Ҳар бир ўsicк умуртқалараро тугунчани (*ganglion intervertebrale seu spinale*) ўз ичига ўраб олади. *Arachnoidea* билан *dura mater* орасидаги торгина бўшлиқка *cavum subdurale* дейилади. *Dura mater* билан умуртқа поғонасининг сук пардаси орасидаги эпидурал бўшлиқка эса *cavum epidurale* дейилади. Бу бўшлиқда ёф клетчаткалари ва вена томирларининг қалин чигаллари жойлашган.

ОРҚА МИЯ АРТЕРИЯЛАРИ

Орқа миянинг олдинги артерияси — *a.spinalis anterior* ва орқа миянинг бир жуфт ортки артериялари — *a.a.spinales posteriores* кон билан таъминлайди (27-расм, а). *A. spinalis anterior* ҳар иккала *a. vertebralis* дан бошланиб, орқа миядаги *fissura mediana anterior* да жойлашади. *A. a. spinales posteriores* лар ҳам *a.vertebralis*-дан бошланиб, орқа миядаги *sulcus lateralis posterior* да жойлашади.

Орқа миянинг олдинги ва орқа артериялари орқа мия атрофида бир-бири билан анастомоз ҳосил қиласди, натижада

томирлар чамбари — vasocogopa вужудга келади. Орқа миядаги томирлар чамбаридан мия моддасининг ичига ингичка шохобчалар киради. Бу шохобчалар асосан *substantia alba* ни қон билан таъминлайди. Кул ранг моддани эса асосан *a.spinalis anterior* қон билан таъминлаб туради. Орқа мия артерияларининг қон билан таъминланишида бир нечта манба иштирок этади. (27-расм, б).


Аортадан чиқувчи бел артерияси (*a. lumbalis Adamcevic*) асосан бел, думғаза ва қисман пастки кўкрак сегментларини қон билан таъминлайди. Қовурғааро артериялар (*a. a. intercostales*) ўмров ости артерияси (*a. subclavia*) тармоқлари кўкрак сегментларини таъминлайди.

Умуртқа артериясидан (*a. vertebral*) чиқувчи тармоқлар бўйин сегментларини таъминлайди.

УМУРТҚА ПОГОНАСИННИГ РЕНТГЕНОГРАММАСИ

Умуртқа погонасида рўй берадиган сакролизация, люмбализация, остеохондроз сингари патологик жараёнларни шунингдек травмалар натижасида умуртқаларнинг синиши, ёрилиши, эзилиши ва унда ўсма ўса бошлаши каби ўзгаришларни рентгенография усули ёрдамида аниқлаш мумкин.

Миелография. Орқа мияда ўсаётган ўсма ёки бошқа бир патологик жараённинг жойлашган ерини аниқлаш учун миелография усули қўлланилади. Бунинг учун субокципитал пункция қилиниб, субарахноидал оралиқка игна орқали контраст модда (липоидол) юборилади ва умуртқа погонаси рентгенография қилинади. Липоидол ўзидан рентген нурларини ўтказмайди, шунинг учун рентгенограммада липоиднинг тўхтаган жойи (орқа миянинг ўсма ёки маълум бир бошқа сабаб таъсирида эзилган қисми) аниқ кўриниб туради. Бу эса топографик диагноз кўйишда ёки операция қилинадиган ерини аниқ қилиб белгилашда катта аҳамиятга эга (28-расм).



28—расм. Миелография.
А — липоидолнинг тўхтаган жойи.



ПЕРИФЕРИК НЕРВ-СИСТЕМАСИННИГ ПАТОЛОГИЯСИ

ОРКА МИЯ ИЛДИЗЧАЛАРИНИНГ ЗАРАРЛАНИШИ

*

НЕРВ ЧИГАЛЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАР
ЗАРАРЛАНГАНДА ПАЙДО БЎЛАДИГАН
ЎЗГАРИШЛАР

*

ПЕРИФЕРИК НЕРВЛАРНИНГ ЗАРАРЛАНИШИ
НАТИЖАСИДА ПАЙДО БЎЛАДИГАН
СИНДРОМЛАР

*

МИОПАТИЯДА ПАЙДО БЎЛАДИГАН ҲАРАКАТ
ЎЗГАРИШЛАРИ

ПЕРИФЕРИК НЕРВ СИСТЕМАСИННИГ ПАТОЛОГИЯСИ

СПИНАЛ НЕРВ, ОРТКИ В ОЛДИНГИ ИЛДИЗЧАЛАР ПАТОЛОГИЯСИ

Орка мия олдинги илдизчасининг заарланиши периферик турдаги фалажларга, ортки илдизчанинг заарланиши эса илдизча турдаги сезги ўзгаришларига олиб келади.

Одам териси орка миянинг ортки илдизчалари билан, 29-расмда кўрсатилгандек, тасма-тасма кўринишида нервланади. Хар қайси ортки илдизчанинг заарланиши терининг маълум бир жойида тери сезгиси билан мускул-бўғим сезгисининг тасмасимон тарзда ўйқолишига олиб келади. Масалан, Th₁₀ — ортки илдизча бир томонда заарланса, киндик сатҳида ярим тасма кўринишида ўйқолади.

Ортки илдизчалар билан нервланувчи сегментар соҳаларнинг эсда колиши учун ортки илдизнинг қуидаги тери соҳаларини ёдлаб олиш керак.

№	Тери соҳалари	Ортки илдизча
1	Бош терисининг тела кисми	C ₁
2	Елка	C ₄
3	Кўлтиқ	Th ₂
4	Эмчаклар чегараси	Th ₄
5	Ковурга ёйи чегараси	Th ₇
6	Киндик сатҳи	Th ₁₀
7	Чов соҳаси	Th ₁₂

Ортки илдизчанинг заарланиши туридаги сезги ўзгаришлари tabes dorsalis да, турли хил радикулитларда, спондилитда, умуртка поғонасининг шикастланишларида ва ортки илдиз ўсмаси (невринома) да рўй беради.

Нерв чигаллари ва периферик нервлар патологияси. Периферик нервлар заарланганда, шу нервга таалуқли мускулларда фалаж юз беради ва тери соҳаларида тери ва мускул-бўғим сезгилари ўйқолади.

Периферик нервлар заарланганда оғрик (невралгия) ва тана кисмларининг увишиши (парестезия) ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бир хил периферик нервлар (п. medianus ва п. ischiadicus) заарланганда баъзан каузалгия пайдо бўлади. Чидаб бўлмай-

диган дара жадаги ачиштирувчи ва куйдириувчи оғриқлар каузалгия дейилади.

Билак нервининг [п. *radialis*] заарланиши билакни ёзувчи (*m. triceps brachii*, *m. anconeus*), супинатор (*m. brachioradialis*, *m. supinator brevis*), панжа ва бармоқни ёзувчи (*m. extensor carpi radialis et ulnaris*, *m. extensor digitorum communis*) ва бошқа мускулларнинг фалажланишига олиб келади. Бу мускулларнинг электр күзғалувчанлиги бузилиб, атрофияланади. Уч бошли мускулнинг пай рефлекси (TR) йўқолади.

Бундай беморлар билак ва панжаларини ёза олмайдилар. Билакни супинация қилиш ва бармоқларнинг асосий фалангаларини ёзиш ҳам мумкин бўлмай қолади. Агар улар қўлларини олдинга узатмоқчи бўлсалар, зааралганган қўл ёзилиш ўрнига тирсак бўғимидан букилиб, панжа ва бармоқлар эса настга осилиб қолади (31-расм).

Бу нерв зааралганда билакнинг дорзал қисмида панжа териси орткى қисмининг ташки, катта бармоқ томонидаги ярмида I—II бармоқларнинг орқа, III бармоқнинг медиал томонидаги ярмида сезиш йўқолади. II—III бармоқларда сезги факат биринчи фаланга соҳасигача бузилади (30-расм, а, б).



Тирсак нервининг (п. *ulnaris*) заарланиши *m. flexor carpi ulnaris*, *m. flexor digitorum profundus*-нинг бешинчи ва тўртинчи бармоқларни букувчи қисмини, гипотенар, суякаро мускулларнинг *m. pollicis brevis* ва *m. adductor pollicis* каби мускулларнинг фалажланишига олиб келади.

Бу мускуллар фалаж бўлганда қўйидаги ҳаракатларни бажариш мумкин бўлмайди.

1. Панжани букиш ва уни тирсак томонга эгиш.
2. Тўртинчи ва бешинчи бармоқларнинг охирги фалангларини букиш.
3. Ўрта ва охирги фалангларни ёзиб туриб, асосий фалангаларни букиш.
4. Бармоқларни бир-бирига яқинлаштириш ва узоқлаштириш.
5. Бош бармоқни бошқа бармоқларга яқинлаштириш.

Панжанинг тирсак нерви заарланиши натижасида вужудга келган ҳолатига «куш чангали» ҳам дейилади (32-расм). Сезги ўзгаришлари эса панжа терисининг кичик бармоқ томонидаги орқа ярмида ва $2\frac{1}{2}$ бармоқларда, кафт томондаги гипотенар соҳасида бешинчи ва IV бармоқнинг ташки ярмида рўй беради (30-расмга қаралсин).



Оралиқ нервининг (п. *medianus*) заарланиши билакни пронация қилувчи, панжани букувчи *m. flexor carpi radialis*, *m. palmaris longus*, иккинчи, учинчи бармоқларни букувчи *m. flexor digitorum sublimis* ва *m. flexor digitorum profundus* нинг катта бармоқни букувчи *m. flexor pollicis longus et brevis* ва *adductor brevis* бош бармоқни бошқа бармоқларга қарама-қарши кўювчи мускулларнинг *m. opponens* ҳамда *m. pronator teres et m. quadratus larpinus* фалажланишига олиб келади.



31-р а с м. Билак нерви шикастланганда панжа ва бармокларнинг осилиб колниши.

32-р а с м. Тирсак нерви шикастланганда панжа вазияти.

34-р а с м. Елка чигали зарарланганда юз берадиган сезги ўзгаришлари.



38-р а с м. Ўнг томондаги кичик болдирик нерви шикастланганда оёқ панжасинин вазияти.

39-р а с м. Полиневритик турдаги сезги ўзгаришлари.

Бунда күйидаги харакатларни бажариш мүмкін бўлмай қолади.

1. Билакни пронация қилиш.
2. Панжани букиш.
3. I—II—III бармоқларни букиш.
4. Бош бармоқни бошка бармоқларга қарама- қарши қўйиш.

5. Бош бармоқни иккинчи бармоқдан узоклаштириш. Тери мускул нервнинг (*m. musculocutaneus*) заарланиши билакни букувчи мускуллар *m. biceps brachialis internus* ва *coracobrachialis* нинг фалажланишига олиб келади. Бунда билак ёзилган холатда туриб қолади ва уни букиш қийинлашади. Аммо *m. brachioradialis* хисобига пронация қилинган билакни букиш мумкин бўлади. Бу нервнинг заарланиши натижасида билакнинг ташки ярмида тери сезгиси йўқолади (30-расмга каралсин).

Қўлтиқ нервнинг (*n. axillaris*) заарланиши ёлкани кўтарувчи *n. deltoideus* ва *n. teres minor* нинг фалажланишига олиб келади. Бунда қўлни горизонтал ҳолгача кўтариш мумкин бўлмай қолади, дельтасимон мускул атрофияланади ва ёлканинг орка ва ташки томондаги ҳамда дельтасимон мускул устидаги тери сезгиси бузилади (30-расмга каралсин).

Елка чигалининг (*plexus brachialis*) заарланиши натижасида пайдо бўладиган фалажларни билиш учун шу чигалнинг анатомик тузилишини эслаб ўтиш лозим (33-расм).

Маълумки, елка чигали орка миянинг C_{5-8} ва D_1 сегментларидан чиқувчи орка мия нервлари хисобига ҳосил бўлади. Бу нервлар ўмров суюгининг орка томонида бир-бiri билан қўшилиб, биринчи катордаги учта тутамни ҳосил килади.

Биринчи ёки юкори тутам C_{5-6} сегментлардан чиқувчи орка мия нервлари хисобига ҳосил бўлади. Иккинчи ёки ўрта тутам C_7 сегментдан чиқувчи нервлардан, учинчи ёки настки тутам эса C_8 ва D_1 сегментлардан чиқувчи орка мия нервлари хисобига ҳосил бўлади.

Бу учта тутамнинг ўзаро қўшилиши натижасида орка (*fasciculus posterior*), ташки (*fasciculus lateralis*) ва ички (*fasciculus medialis*) деб аталувчи ўрта боғламлар ҳосил бўлади. Қўл нервлари ана шу боғламлардан вужудга келади. Елка чигалининг тутамлари заарланганда орка миянинг олдинги илдизчалари заарлангандаги фалажликлар ўз беради ва шу чигаллардан чиқувчи нервлар зонасида сезги йўқолади (34-расм).

Юкори тутамнинг заарланиши натижасида *n. musculocutaneus* кисман — *n. medianus* ва *n. radialis*-нинг функциялари мутлако бузилади. Бунда *m. m. deltoideus*, *biceps brachii*, *brachialis* ва *brachioradialis* ларнинг фалажланишига олиб келади ва юкорида қўрсатилган нервларга тааллуқли тери соҳаларида сезги йўқолади (30-расмга каралсин).

Ўрта тутамнинг заарланиши. Бунда *m. brachioradialis* дан ташкари, билак нерви билан нервланувчи ҳамма мускуллар фалажланади. Уч бошли елка мускули ва бош бармоқни ёзувчи мускуллар, C_6 сегментдан чиқувчи бўйин нерви билан ҳам нервланганлиги учун қисман фалажланади.

Сезги ўзгаришлари эса п. *ulnaris*, п. *n. cutanei brachii et antibrachii medialis* ва қисман п. *medianus* ларга тааллукли тери соҳаларида рўй беради (30-расмга каралсин).

Пастки тутамнинг заарланиши т. т. *flexor carpi radialis*, *pronator teres* дан ташқари, оралиқ ва тирсак нерви билан нервланадиган хамма мускулларнинг фалажланишига олиб келади ва п. п. *axillaris*, *radialis* ларга (30-расмга каралсин) тааллукли тери соҳаларида сезги йўқолади.

Бел чигалининг (*plexus lumbalis*) заарланиши натижасида пайдо бўладиган ўзгаришларни тушуниш учун шу чигалнинг киска анатомик тузилишини эслатиб ўтамиз (35-расм).

Бу чигални ҳосил қилишда XII кўкрак, I, II, III ва IV бел нервлари қатнашади. Бу чигалдан ёнбош-корин ости нерви (п. *iliohypogastricus*), ёнбош-чов нерви (п. *ilioinguinalis*), таносил-сон нерви (п. *genitofemoralis*), соннинг ташки тери нерви (п. *cutaneus femoris lateralis*), сон нерви (п. *femoralis*), ёпилувчи нерв (п. *obturatorius*) чикади.

Бу нервлар ичидаги сон ва соннинг ташки тери нервларини билиш катта аҳамиятга эга. Чунки булар бел чигалидан чиқувчи бошка нервларга караганда кўпроқ зааррланади.

Соннинг ташки тери нерви (п. *cutaneus femoris lateralis*) заарланганда соннинг ташки томонида, 36-расмда кўрсатилган дек, тери сезгиси йўқолади. Бу нерв факатгина сезувчи нерв бўлганлиги учун мускуллар фалажланган бўлмайди.

Сон нерви (п. *femoralis*) нинг заарланиши болдири нижувчи мускуллар — т. т. *quadriceps femoris et sartorius* нинг фалажланишига олиб келади. Бундай беморлар букилган болдирини ёза олмайдилар. Тизза рефлекси йўқолади.

Бу нервнинг сезги толалари п. *cutaneus femoris anterior* ва п. *saphenus* лар заарланиши натижасида сон терисининг олдинги кисмида болдирилган медиал томони терисида сезги йўқолади (36-расм).

Епқич нерв (п. *obturatorius*) нинг заарланиши натижасида сонни ички томонга тортувчи мускуллар — т. т. *adductores magnus et longus*, т. т. *gracilis et pectenius* кисман фалажланади, чунки т. *adductor magnus* ва т. *pectenius* куймич ва сон нервлари билан хам кисман нервланади.

Бунда сон ички томонининг паски кисмида тери сезгиси йўқолади (36-расмга каралсин).

Думғаза чигалининг (*plexus sacralis*) заарланиши натижасида пайдо бўладиган ҳаракат ва сезги ўзгаришларини тушуниш учун шу чигалнинг анатомик тузилиши тўғрисида бир оз тўхтабиб ўтамиз. Бу чигал V хамда кисман IV бел, барча думғаза ва дум нервлари иштирокида ҳосил бўлади. Бу чигалдан устки думба нерви (п. *gluteus superior*), пастки думба нерви (п. *gluteus inferior*), сон орқасининг тери нерви (п. *cutaneus femoris posterior*), куймич нерви (п. *ischadicus*) чикади. Думғаза чигалидан чиқувчи нервлар ичидаги куймич нервини билиш клиник аҳамиятга эга. Чунки бу нерв оёқ нервлари ичидаги энг кўп заарланадиган нервдир (37-расм).

Күймич нерви — п. *ischiatricus* заарланганда сонни ташқи томонга айлантирувчи ва т. *quadratus femoris*, болдирии букувчи мускуллар (т. *m. semitendinosus*, *semimembranosus*, *biceps femoris*) шунингдек, катта ва кичик болдири нервлари билан нервланиувчи мускуллар фалажланади. Натижада сонни ташқи томонга айлантириш, болдирии букиш ва оёқ панжасини ҳаракатга келтириш мумкин бўлмай қолади. Ахилл рефлекси йўқолади.

Бу нервнинг заарланиши натижасида оёқнинг орқа томонида қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Лассег симптоми юз беради ва бутун болдири ҳамда оёқ панжасининг терисида сезги йўқолади (36-расмга қаралсин).

Кичик болдири нервнинг (п. *peroneus*) заарланиши — оёқ панжаси ва бармоқларини юқорига букувчи мускулларни т. т. *peronei longus et brevis*, т. т. *extensores digitorum longus et brevis*, т. т. *extensores hallucis longus et brevis* ва т. *tibialis anticus* ни фалажга олиб келади. Оёқ панжасини ва бармоқларини юқорига букиш мумкин бўлмай қолади, панжа ички томонга озгина букилган вазиятда осилиб қолади (38-расм). Бунда сезги ўзгариши болдири ва оёқ панжасининг ташқи юзасида рўй беради, аммо п. *tibialis* нинг функцияси сақлангани учун оёқ панжаларида мускул бўғим сезгиси бузилмайди (36-расмга қаралсин).

Катта болдири нерви (п. *tibialis*) нинг заарланиши натижасида оёқ панжасини букувчи мускуллар т. т. *triceps surae*, *popliteus*, *plantaris*, *flexor digitorum communis et longus*, т. т. *tibialis posticus et flexor hallucis longus* фалажланади, беморлар оёқ панжаси ва бармоқларини пастга бука олмайдилар. Оёқ панжаси ташқи томонга ва юқорига тортилиб қолади. Ахилл рефлекси йўқолади. Бунда 36-расмда кўрсатилганидек, тери сезгиси болдири орқасида, оёқ панжаси ва бармоқларнинг остида ҳамда уларнинг медиал юзасида йўқолади.


Полиневритик турдаги фалаж ва сезги ўзгариши инфекция ёки ҳар хил интоксикация таъсирида, кўл ва оёқ нервларининг учки қисмлари заарланиши натижасида пайдо бўлади. Бундай фалаж шу билан ифодаланадики, унда кўл ва оёқларнинг дистал қисмларида периферик фалажланиш аломатлари пайдо бўлади. Полиневритик турдаги фалажда кўл ва оёқларнинг панжа ва бармоқларида ҳаракат йўқолади. Панжаларнинг майда мускуллари, шунингдек, билак ва болдири мускуллари атрофияланади.

Шу билан бирга бу мускулларнинг электрик қўзғалувчанлиги бузилиб, дегенерация реакцияси пайдо бўлади. Ахилл, тизза ва билак периостал рефлекслари пасайиши ёки бутунлай йўқолиши мумкин.

Икки кўл ва оёқнинг дистал қисмларида — кўлкот ва пайпок кийиладиган соҳада, 39-расмда кўрсатилганидек, тери сезгиси (температура, оғриқ ва тактил сезгилар) пасаяди ёки бутунлай

йўқолади. Бунда кўл ва оёқнинг дистал қисмларида ҳаракат сезгиси ҳам йўқолади.

Миопатик турдаги фалаж. Миопатик турдаги фалаж прогресив мускул дистрофиясига хосdir. Бу касалликда кўл ва оёқларнинг проксимал қисмидан мускуллар аста-се ин заифлаша бошлади ва пировардида, атрофияяга учрайди. Елкани ва билакни ҳаракатлантирувчи мускуллар атрофияланади. Оқда эса, сон мускуллари атрофияланади. Шунинг учун елка ва тос бўғимларида кўл ва оёқни ҳаракатлантириш кийинлашади. Курак суюгини кўкрак қафасига ёпиштириб турувчи мускулларнинг атрофияланиши натижасида кўллар олдинга узатилганда курак суюги терининг тагидан қанотга ўхшаб туртиб чиқади. Бунга scapulae alatae дейилади. Умуртқа поғонасини ҳаракатлантирувчи мускуллар, шунингдек т. gluteus maximus атрофияланганда бемор кеккайган ва қорни олдинга туртиб чиқкан вазия да турадиган бўлиб қолади, натижада умуртқа поғонасининг белг лордози содир бўлади, энгашган вазиятдаги бемор фаз т қўлларини тиззаларига тираган холда ўзига хос ҳаракатлар ёрдамида қаддини ростлай олади (40-расм, а). Бу тураги фалажда болдир мускулларининг (т. gastróspemius) ҳажм катталашади. Бунга псевдогипертрофия дейилади (40-расм, б).



40-расм.

а — миопатия билан оғриган беморнинг қадданинг ростлаш вактидаги вазияти; б — болдир мускулларининг миопатияда пайдо бўлувчи псевдогипертрофияси.

Псевдогипертрофия мускул толалари орасида ёғ хужайра-
ларининг кўпайиши натижасида ҳосил бўлади.

Миопатик турдаги фалажда сезги фаолиятлари ўзгариши
рўй бермайди, чунки бунда патологик жараён, юкорида айтил-
гандек, фақат мускулларнинг ўзида бўлади. Миопатик фалаж-
лар тўғрисида маълумотларни бу бўлимда беришимизнинг
сабаби, периферик нервлар заарланганда пайдо бўлувчи фалаж-
лар билан таққослашни осонластиришdir.

НЕРВЛАРНИ ПАЙПАСЛАБ ҚУРИШ ВА ТОРТИБ ТЕҚШИРИШ УСУЛЛАРИ


Нерв устунларини пайпаслаб қўриш. Периферик нервлар
заарланмаган бўлса, пайпаслаб қўрилганда улар оғримайди.
Периферик нервлар шикастланганда эса, уларнинг сиртга чиқиш
жойлари ва стволлари пайпаслаб қўрганда оғрийди. Текшириш
вақтида кўл, оёқ ва танада жойлашган ҳамма нерв устунларини
пайпаслаб қўриб чиқиш лозим.

Нерв устунларини тортиб текшириш усуллари. Лассег симп-
томи — қўймич нервини тортиш белгисидир. Бунинг учун чал-
қанча ётган bemорнинг оёғини 41-расм, а да кўрсатилганидек,
юқорига кўтарилади. Қўймич
нерви шикастланган бўлмаса, оёқни 90° юқорига кўтарганда
ҳам у оғримайди. Қўймич нер-
вининг неврити ёки невралгия-
сида эса, оёқ 20—30°га кўта-
рилмасданоқ соннинг орка
томони қаттиқ оғрий бошлайди.

Бехтерев симптоми —
соғлом оёқни юқорига кўтар-
ганда қўймич нерви заарлан-
ган оёқ оғрийди.

Нери симптоми — бу орка
миянинг бел ва думғаза илдиз-
чаларини тортиб қўриш белги-
сидир. Чалқанча ётган bemор-
нинг боши олдинги томонга
букилганда (нормал ҳолатда
оғриқ бўлмайди), агар бел ва
думғаза илдизчалари яллиғ-
ланган бўлса (радикулитда)
бел соҳаси қаттиқ оғрийди.

Вассерман симптоми — сон
нервини тортиб қўриш белгиси-
дир. Ерга қараб ётган текши-
рилувчининг оёғини 41-расм,



41-расм.

а — Лассег белгисини текшириш усули; б — Вассерман белгисини текшириш усули.

б да кўрсатилганидек, тиззасидан букиб, юқорига кўтарилади. Агар сон нерви шикастланган бўлса, соннинг олдинги қисми оғрийди.

Ўтириш симптоми. Ётган bemордан оёқларини тиззадан буқмасдан, каравотда узатган ҳолда ўтириш талаб қилинади. Нормал ҳолатда текширилувчи бу белгини бажарганда ҳеч қандай оғриқ сезмайди. Бел радикулити ва ишиорадикулитларда оёқни олдинга узатиб ўтирилса, бел ва оёқлар оғрий бошлайди. Шунинг учун бундай bemорлар ўтираётганларида оёқларини тиззадан букиб оладилар.

БОШ МИЯ



УЗУНЧОҚ МИЯ, КҮПРИК ВА ЎРТА МИЯНИНГ
ТУЗИЛИШИ ВА УЛАР ЗАРАРЛАНГАНДА
ПАЙДО БУЛАДИГАН СИНДРОМЛАР

*

ОРАЛИҚ МИЯ, КҮРУВ НЕРВИ ВА ГИПОТАЛАМИК
СИНДРОМЛАР

*

ТҮР ФОРМАЦИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА
ФИЗИОЛОГИЯСИ

*

МИЯЧАНИНГ ТУЗИЛИШИ, ҲАРАКАТ КООРДИНА-
ЦИЯСИНИНГ ПАТОЛОГИЯСИ

*

ПУСТЛОҚ ОСТИ ТУГУНЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ
ВА ЭКСТРАПИРАМИДА СИНДРОМЛАРИ

*

БОШ МИЯ ПУСТЛОҒИНИНГ ТУЗИЛИШИ

ТЕРИ ВА ПРОПРИОЦЕПТИК СЕЗГИ АНАЛИЗА-
ТОРЛАРИ – ТУЗИЛИШИ, ПАТОЛОГИЯСИ

*

ИХТИЕРИЙ ҲАРАКАТ СИСТЕМАСИ – ТУЗИЛИШИ
ПАТОЛОГИЯСИ

*

НЕЙРОПСИХОЛОГИК ТЕҚШИРУВ УСУЛЛАРИ ВА
ОЛИЙ НЕРВ ФАОЛИЯТИ ЎЗГАРИШИНИНГ
СИНДРОМЛАРИ

*

БОШ МИЯ ПАРДАЛАРИ ВА ЦЕРЕБРОСПИНАЛ
СУЮКЛИК – ТУЗИЛИШИ ВА ПАТОЛОГИЯСИ

*

ЭЛКЕТРОЭНЦЕФАЛОГРАФИЯ, РЕОЭНЦЕФАЛ
ГРАФИЯ, ЭХОЭНЦЕФАЛОГРАФИЯ, ГАММАЭНЦ
ФАЛОГРАФИЯ

*

РЕНТГЕНОГРАФИЯ УСУЛЛАРИ, ПНЕВМОЭНЦ
ФАЛОГРАФИЯ ВА ВЕНТРИКУЛОГРАФИЯ

БОШНИНГ КОМПЬЮТЕР ТОМОГРАФИЯСИ

ЯДРО-МАГНИТ РЕЗОНАНСИ

БОШ МИЯ — CEREBRUM

Одамнинг бош мияси анатомик тузилиши, вазифаси ва филогенетик келиб чиқишига кўра, асосан икки кисмга бўлинади.

1) Бош мия устуни — *truncus cerebri* ва мияча — *cerebellum*.

2) Бош мия ярим шарлари ёки катта мия — *telencephalon*.

Мия устуни узунчок мия (*medulla oblongata*), кўприк (*pons*), мияча (*cerebellum*), мия оёқлари (*pedunculi cerebri*), тўрт тепалик (согрота *quadrigemina*) ва оралиқ мия (*diencephalon*) лардан ташкил топади (42-расм).

Мия устунининг ҳамма кисмлари (оралиқ миядан ташқари) ўз навбатида узунасига уч каватга бўлинади:

1) мия устунининг олдинги қавати ёки асоси (*basis*),

2) мия устунининг ўрта қавати (*segmentum*),

3) энг устки қават ёки мия устунининг қопқоғи (*tectum*) (43-расм, а, б).

УЗУНЧОҚ МИЯ — MEDULLA OBLONGATA

Узунчоқ мия орка миянинг олдинги қисмини ташкил этади ва тузилишига кўра орка мияга бирмунча ўхшаб кетади. У пастки томонда орка мия, юкори томонда кўприк билан чегараланади.

Узунчоқ миянинг олдинги юзаси. Бу юзанинг марказида олдинги эгат (*sulcus mediana anterior*) жойлашган. Ушбу эгат орка мия олдинги эгатининг давоми бўлиб, кўприкка бориб тамомланади.

Узунчоқ миянинг ён сатҳида олдинги эгатга параллел ҳолда иккита ён эгат жойлашган:

1) олдинги ён эгат (*sulcus lateralis anterior*),


2) орка ён эгат (*sulcus lateralis posterior*).

Олдинги ўрта эгат билан олдинги ён эгатлар ўртасида узунчоқ миянинг пирамидалари (*rugamis*) ётади.

Олдинги ва ён эгатлар оралиғида эса пастки олива (*oliva inferior*) ўрнашган.

Олдинги ён эгатдан, пирамида билан олива ўртасида тил ости нервининг (*hypoglossus*) илдизчалари чиқади. Орка ён эгатдан қўшимча нерв (*n.accessorius*), сайёр нерв (*n.vagus*) ва гил-ютқин нерви (*n.glossopharyngeus*) чиқади (44-расм).

Узунчоқ миянинг орка юзаси ромбсимон чуқурчанинг (*fossa*



42-расм. Бош миянинг остики юзаси.

1 — узунчоқ мия; 2 — олдинги ён эгат; 3 — мияча; 4 — олдинги ўрта эгат; 5 — пирамида; 6 — олива; 7 — п. abducens; 8 — п. trigeminus; 9 — п. trochlearis, 10 — п. oculomotorius; 11 — кўрўв йўли; 12 — п. opticus; 13 — ҳидлов сўғони; 14 — п. hypoglossus; 15 — п. facialis; 16 — п. glossopharyngeus; 17 — п. vagus; 18 — п. statoacusticus; 19 — п. cuneatus; 20 — базилляр артерия эгати; 21 — кўпик; 22 — соргора mamillaria; 23 — tuber cerebelli; 24 — кўрўв нервлари хиазмаси; 25 — ҳидлов учурчаги; 26 — ҳидлов йўли.


тюнбоидеа) пастки учурчагни ҳосил қиласди. Узунчоқ мия орка юзасининг пастки қисмида ортки ўрта эгат (sulcus medialis posterior) жойлашган (45-расм).

Орка тизимчанинг ички томонида ётувчи тутамча нозик тутам (funiculus gracilis) дейилади, бу тутам қадокда (clava) жойлашган бўлиб, nucleus funiculi gracilis да тугалланади.

Орка тизимчанинг ташки тутамчасига понасимон тутам (funiculus cuneatus) дейилади. Бу тутам понасимон тепачада (tuberculum cuneatum) ётувчи nucleus funiculi cuneati да тугалланади.

Ортки ўрта эгат IV коринча бўшлиғига очилади. IV коринчанинг пастки ён деворларини миячанинг пастки оёқлари ташкил этади.

Узунчоқ миянинг пастки оливалар сатҳидаги кўндаланг кесмаси шу сатҳда марказий канал IV коринча бўшлиғига айланади (46-расм). IV коринчанинг тагида XII краниал нервнинг ядроси (nucleus nervi hypoglossi) ётади. Бу ядронинг орка ва ташкил томонида X краниал нервнинг орка ядроси (nucleus dorsalis




44-р а с м. Мия устунининг олдинги юзаси (схема).

III -- n. oculomotorius; Ped — pedunculi cerebri; p.v. Pons varolii; V — trigemini; VI — n.abducens; VII — n.facialis; VIII — n. statoacusticus; IX - n.glossopharyngeus; X — n.vagus; XI — n.accessorius; XII - n.hypoglossus; 1 -- базилляр артерия этати; 2 -- миячанинг ўрта обёккаси; 3 -- олдинги ўрта этати; 4 -- ён этат; 5 -- funiculus lateralis; 6 -- funiculus anterior; О -- oliva; Pyr -- pyramis; D -- decussatio pyramidum.


nervi vagi) жойлашган. Шу ядронинг вентролатерал томонида якқа тутам (fasciculus solitarius) жойлашган бўлиб, у желатиноз модда (substantiae gelatinosae fasciculi solitarii) билан қоплангандир.

Мазкур сатхнинг орка томонида ингичка ва понасимон тутамлар ядроси (nucleus fasciculi gracilis, nucleus fasciculi cuneati) жойлашган. Бунинг ён томонида эса миянинг пастки оёқларини хосил қилишда иштирок этувчи толалар жойлашган бўлиб, улар миячада тугалланади. Миячага йўналувчи толаларнинг медиал қисмида — краинал нервнинг пастга тушувчи илдизи (tractus spinalis nervi trigemini) ва шу илдизнинг ядроси (nucleus tractus spinalis nervi trigemini) жойлашган.

Шу кесмада узунчоқ миянинг асосида пирамидалар ва пастки оливаларни кўрамиз. Оливанинг ташки томони капсула билан қопланган. Бу капсуланинг ўзи кўрув дўмбоғи ва қизил ядродан келувчи толалар (fibre thalamoolivares) дан ташкил топган. Ана шу толаларга тегментумнинг марказий тутами дейилади. Олива толалари миячанинг пастки оёқкасини ташкил қилишда иштирок этади.



45-р а с м. Мия устунининг орка юзаси.
 1 — glandula pinealis; 2 - colliculus superior; 3 - colliculi inferior; 4 — миячининг ёрта обекаси; 5 — III коринча; 6 — күрун дүңгелги; 7 — ички тиззали тана; 8 — ташки тиззали тана; 9 — миячининг устки обекаси; 10 — ромбесимон чукурча; 11 — tunicus cuneatus; 12 — tunicus gracilis; 13 — fissura mediana posterior; 14 — corpus restiforme.



46-р а с м. Узунчок миянинг пастки оливалар сатҳидаги қўнда-

ЛАНГ КЕСМASI.

1 — nucleus tractus solitarius; 2 — nucleus terminalis med.; n.vestibuli (Schwalb); 3 — nucleus termini spin. n. vestib.; 4 — nucleus tractus spin., n. trigemini; 5 — никки ёклама ядро; 6 — оливар ядро; 7 — пирамиды йўли; 8 — гархе; 9 — вентрал спино-церебелляр йўли; 10 — тектоспинал йўли; 11 — руброспинал йўли; 12 — тил-халжум нервининг излигаси; 13 — tractus spinalis n.trigemini; 14 — corpus restiforme; 15 — stria medullaris; 16 — узунасига кетган медиал тутам.

Пирамидаларнинг орқасида медиал илмок (*lemniscus medialis*) жойлашган бўлиб, ундан сал орқароқда узунасига йўналувчи ўрта тутам (*fasciculus longitudinalis medialis*) ётади.

Узунчок миянинг марказий қисмида тўрсимон тузилма (*substansia reticularis*) жойлашган. Унинг ташқи томонида эса ён ядро (*nucleus lateralis*) ётади.

ЯДРОЛАРИ УЗУНЧОК МИЯДА ЖОЙЛАШГАН КРАНИАЛ НЕРВЛАР

Тил ости нерви. XII жуфт (*hypoglossus*). Тузилиши, функцияси, текшириш усуслари, зарарланиши.

Харакатлантирувчи нерв бўлиб, унинг ядроси *nucleus nervi hypoglossi* узунчок мияда жойлашган. Ядронинг пастки қисми узунчок мия марказий каналининг олдида, юқори қисми эса ромбсимон чукурчанинг *trigonum nervi hypoglossi* қисмида ётади (47—48-расмлар). Бу ядро хужайраларининг аксонлари 10—15 дона илдизча ҳосил қилиб, узунчок мия пирамидаси билан пастки олива (*sulcus lateralis anterior*) дан чиқади. Сўнгра *canalis nervi hypoglossi* орқали мия кутисининг ичидан чиқиб, тил мускуларида тугалланади.

Текшириш усули ва патологияси. Тил ташқарига чиқарилганда унинг ўнг ёки чап томонга эгилган-эгилмаганлиги аниқланади. Шунингдек, тилнинг ярмида атрофия, фибрилляр тортишилар бор-йўклиги текширилади. Бундан ташқари, беморни сўзлатиб кўриб, анартрия ёки дизартрия бор-йўклиги аниқланади.

Тил ости нервининг ёки шу нерв ядросининг заарланиши тилнинг периферик фалажига олиб келади. Тил ости нервининг периферик фалажи кўйидаги белгилар билан ифодаланади.



Тил ташқарига чиқарилганда заарлланган томонга эгилиб туради. Заарлланган томонда тилнинг ярми атрофияланган бўлади (49-расм). Агар патологик жараён шу нервнинг ядросида жойлашган бўлса, тил мускуларининг фибрилляр қисқаришлари ҳам кузатилиши мумкин. Тилнинг ярми фалажлангани туфайли сўзлаш кийинлашади. Бундай беморларнинг сўзларни аник айта олмайдиган бўлиб колишига дизартрия дейилади. Тилнинг фалажланиши туфайли сўзлаш мумкин бўлмай колса, анартрия дейилади.

Тил ости нервининг марказий йўли (кортиконуклеар йўл) бир томонлама заарлланганда ҳам юқорида айтилган белгилар пайдо бўлади. Бунга тилнинг марказий фалажи дейилади. Марказий фалажда тилнинг периферик фалажидаги сингари атрофияланиши содир бўлмайди.

Тил ости нервининг марказий фалажи шу томонда гемипарез ва гемиплегия билан бирга юз беради, чунки *nucleus nervi hypoglossi* га келувчи кортиконуклеар йўллар *tractus corticospinalis* билан биргаликда йўналгандир.

Қўшимча нерв. XI жуфт (п. accessorius).

Тузилиши, функцияси, текшириш усули, заарланиши. Бу харакатлантирувчи нервdir. Унинг ядроси (*nucleus nervi accessorius*)



47-р а с м. Узунчоқ миянинг кўндаланг кесмаси (схема).

1 — саёнёр нервнинг дорзал ядроси; 2 — икки ёклама ядро; 3 — тил ости нерви ядроси.

48-р а с м. Узунчоқ мия пастки қисми нинг кўндаланг кесмаси.

1 — кўшимча нерв ядроси; 2 — тил ости нерви ядро; 3 — нозик тутам ядроси; 4 — поисимон тутам ядроси.

49-р а с м. Тил ости нервнинг ўнг томонламиа периферик фалажланишида пайдо бўлган тил атрофияси.

sorii) узунчоқ миянинг пастки қисми (краниал қисм) ва бўйиннинг биринчи сегментидан бешинчى сегментигача бўлган спинал қисмида жойлашган. Бу ядро хужайраларининг аксонлари бир неча илдизчалар ҳосил қилиб, ташқарига чиқади (48-расмга қаралсин).


Узунчоқ миядан чиқувчи илдизчалар — radicis craniales, орка миядан чиқувчи илдизчалар эса radicis spinales дейилади. Краниал илдизчалар sulcus lateralis posterior дан чиқади. Спинал илдизчалар эса аввал орка миянинг ўрта илдизчаларини ҳосил қиласди, сўнгра ташқарига чиқади ва foramen occipitale magnum тешиги орқали бош мия кутисининг ичига кириб, краниал илдизларга кўшилади. Шундан кейин у foramen jugulare орқали мия кутисидан чиқиб, m. sternocleidomastoideus ва m. trapezius ларни нервлайди. M. sternocleidomastoideus бошни ўнг ва чап томонга ҳамда олдинга ва орқага эгишда иштирок этади, m. trapezius эса елкани кўтаришда қатнашади.

Текшириш усулари. Бошнинг чапга, ўнгга, олдинга ва орка томонга ҳаракатланиши текширилади.

Текширувчи bemордан елкаларини кўтаришни илтимос қилади ва елкаларнинг ҳар икки томонда баравар кўтарилишига эътибор беради. Сўнгра m. sternocleidomastoideus ва m. trapezius нинг кучи аниқланади.

Тил-халқум нерви. IX жуфт — (glossopharyngeus). Тузилиши ва функцияси.

Тил-халқум нерви сезувчи қисмининг биринчи неврон ҳужай-ралари ётувчи ganglion superius ва ganglion inferius да жойлашган бўлиб, бош мия суюгининг бўйинтурук тешиги (foramen jugulare) атрофида унинг дендритлари ҳалқум, ўрта кулок ва



50-р а с м. Органларнинг тил-халқум ва саёр нервлар билан, нервланиши.

А — тил-халқум нерви; 1 — кулок олди сўлак бези; 2 — ўрта кулок; 3 — халқум мускули; 4 — халқум шиллик пардаси; 5 — танглай бези (tonsillae); 6 — тилнинг ортни учдан бир қисмидаги таъм билиш голалари; 7 — кон томирлар; Б — саёр нерв; 1 — ташки кулок; 2 — халқум; 3 — хикилдок; 4 — ўпка; 5 — юрак; 6 — ошқозон (Н. К. Боголеповдан).

буруннинг шиллик каватларини нервлайди. Таъм билувчи толалари эса тилнинг орткى учдан бир кисмидаги таъм билиш органларида тугалланади (50-расм).

Биринчи неврон аксонлари *foramen jugulare* орқали бош мия суюгининг ичига кириб, узунчоқ мия томон йўналади ва *nucleus lateralis posterior* оралиғидан унинг ичига киради ҳамда оралик нервининг (*nervus intermedius*) таъм билувчи аксонлари билан бирга қўшилиб, якка йўл — *tractus solitarius* ни ҳосил қиласди. *Tractus solitarius* узунчоқ мияда жойлашган *nucleus tractus solitarii* деб аталувчи ядрода тугайди. Бу ядрода иккинчи неврон хужайралари жойлашгандир. Уларнинг аксонлари *substantia reticularis* да кесишади ва қарама-қарши томонга ўтиб *lemniscus medialis* га бирлашади. Шундан кейин, юкорига қўтарилиб, *thalamus opticum* нинг олдинги ва ички ядроларида тугалланади. Бу ядроларда III неврон хужайралари жойлашган бўлиб, уларнинг аксонлари орткى марказий пуштанинг пастки қисмида (*operculum Rolandi*) тугалланади. Узунчоқ мияда жойлашган *nucleus salivatorius inferior* даги хужайралардан бошлавувчи сўлак ажратувчи секретор аксонлар кулок олдидаги сўлак безларини нервлайди.

Тил-ҳалқум нервининг ҳаракат ядроси сайёр нервнинг ҳаракат ядроши билан бирга бўлади, унга икки ёклама ядро (*nucleus ambiguus*) дейилади. Тил-ҳалқум нервига тегишли ҳаракат аксонлари бу ядродан чиқиб *m. stylopharyngeus* ни нервлайди.

Сайёр нерв. X жуфт (p. vagus). Тузилиши ва функцияси. Арапаш нерв бўлиб, ҳаракатлантирувчи, сезувчи ва вегетатив толалардан ташкил топган.

Сезувчи қисми. Сайёр нерв сезувчи қисмининг I неврон хужайралари *ganglion superius* ва *ganglion inferius* да ётади. I неврон дендритлари бир нечта тармоқларга бўлинниб, *foramen occipitale magnum* атрофидаги мия қаттиқ пардасини, ташки эшитув йўлини, кулок супрасининг ботик юзасидаги терининг бир қисмини ва ҳиқилдоқнинг шиллик пардасини нервлайди. Аксонлари эса *foramen jugulare* орқали мия қутисининг ичига кириб, узунчоқ мия томон йўналади. Узунчоқ мияга киргач, *tractus solitarius* ни ҳосил қилишда иштирок этади ва *nucleus tracti solitarii* да тугалланади. II ва III невронларининг йўналиши хам тил-ҳалқум нерви йўналишининг айнан ўзгинасидир.

Ҳаракат қисми. Сайёр нерв икки хил ҳаракатлантирувчи толалардан тузилган. 1. Кўндаланг йўлли мускулларни нервловчи аксонлар — бу толаларнинг хужайралари иккىёклама ядрода (*nucleus ambiguus*) ётади. 2. Силлик мускулларни нервлайдиган аксонлар — буларнинг хужайралари эса сайёр нервнинг орка-дорзал ядросида жойлашган.

Кўндаланг йўлли мускулларни нервловчи қисми узунчоқ мияда ётувчи *nucleus ambiguus* нинг пастки қисмидаги хужайралардан бошланиб, ҳиқилдоқ мускуллари *m. cricothyreoides*, *m.constrictor faryngis* ни ва юмшок танглай мускуллари *m.uvulae*, *m. levator velae palatinae*, *m. pharyngopalatinus*, *m. glossopha-*

latinus ни ҳамда овоз бөгламларини нервлайди. Силлик мускуларни нервлайдиган қисмининг ҳужайралари узунчоқ миянинг орткى томонидаги *nucleus dorsalis nervi vagi* да жойлашган (47-расмга қаралсın). Уларнинг аксонлари сайёр нервнинг ички органларга йўналувчи қисмини ҳосил қилади ва бир неча тармоқка бўлиниб, трахеяни, бронхларни, қизилўнгачни, ошқозонни, ингичка ичакни, йўғон ичакнинг биринчи ярмидаги силлик мускулларни, қон томирларни ва бошқа органларни нервлайди. Бу ядро ошқозонга, ошқозон ости безига секретор аксонлар ва юрак ишини тормозловчи толалар беради (50-расмга қаралсın).

Тил-халкум нерви билан сайёр нервни текшириш усууллари ва зарарланиши. IX—X нервларнинг функциясини билиш учун овознинг қандай эканлиги, овқат ютилганда унинг бурундан қайтиб тушиш-тушмаслиги ва бунда беморнинг қалқиши-қалқимаслигини текшириш зарур. Юмшок танглай билан тилчанинг харакати ва уларнинг симметрик ҳолатда жойлашган-жойлашмаганлиги аниқланади, сўнг тилнинг орка томонидаги учдан бир қисмида таъм билиш текширилади.

Узунчоқ миядан чиқувчи харакатлантирувчи нервларнинг ёки шу нервлар ядроларининг заарланиши бульбар фалажга олиб келади.

Бульбар фалаж. Бульбар фалажда овоз пардалари фалажланганлиги учун овоз чиқариш мумкин бўлмай қолади (афония) ёки овоз бўғилиб чиқади. Беморлар манқаланиб гапирадилар, чунки юмшок танглай бурун йўлларини бекитмайди. Бу ҳолатга ринолалия дейилади. Юмшок танглай мускуллари фалажланганлиги учун ейилаётган овқат бурундан қайтиб тушади. *M. epiglottis* нинг фалажланиши натижасида трахеяга борувчи йўл тўла бекилмайди, бунинг оркасида овқат трахеяга кетиб қолиши мумкин, шу сабабли бемор овқат ютаётган вақтда қалқиб кетади. Бунинг натижасида bemорда аспирацион пневмония пайдо бўлиши мумкин. Оғизни очиб кўрилганда фалажланган томонда юмшок танглай осилиб ётган бўлади ва «а» деб овоз чиқарилганда у кимирламайди. Кичик тил (*uvula*) соғлом томонга тортилиб қолади. Ютиш рефлекси сўнган бўлади, тилнинг орка томонидаги учдан бир қисмида таъм билиш қобилияти ҳам йўқолади. Ютиш рефлексининг рефлектор ёйи узунчоқ мия орқали ўтади. Ютқиннинг орка деворига шпатель тегизилса ўқчиш пайдо бўлади. Бульбар фалажда эса бу рефлекс йўқолади.

Псевдобульбар фалаж. IX—X нервлар кортиконуклеар невронларининг заарланиши, яъни марказий невронларнинг ҳар икки томонда заарланиши натижасида ҳам бульбар фалажнинг кўпгина белгилари пайдо бўлади. Кортиконуклеар невронлар бир томонлама заарланганда бу белгилар бўлмайди, чунки *nucleus ambiguus* ҳар икки томондаги бош мия ярим шарлари билан боғлангандир. Бош мия ярим шарларининг икки томонлама заарланиши IX—X жуфт нервлар заарланганда пайдо бўлувчи бульбар фалаж белгиларини келтириб чиқаради, аммо бунда IX—X жуфт нервларнинг ядролари ёки илдизчалари эмас, балки

марказий невронлари заарлангани учун псевдобульбар фалаж дейилади. Бунда юмшок танглай хар икки томонда осилиб туради ва тил атрофияси юз бермайди.

ҚҰПРИК—PONS

Күприк узунчоқ мия билан мия оёқлари ўртасида жойлашган (42, 44 ва 45-расмларга қаралсın).

Күприкнинг олдинги юзаси қаварик шаклда бўлиб, мияча томон кўндаланг йўналувчи толалардан иборат. Күприкнинг ён қисмида кўндаланг йўналувчи толалар зичлашиб, миячага ўтади. Миячага ўтuvчи бу кўндаланг толалар йигиндисига миячанинг ўрта оёғи (*pedunculi cerebellares medii*) дейилади.

Күприкнинг ўрта қисмида кўндаланг йўналувчи толалар қисман пастга ва орқа томонга бурилиб, кўприкнинг кийшик толаларини (*fasciculus obliquus pontis*) хосил қилади. Күприкнинг олдинги юзасида базиляр эгат (*sulcus basilaris*) бор. Бу эгатга бош миянинг базиляр артерияси (*a. basilaris*) ётади.

Кўприкнинг орқа юзаси IV қоринчанинг асосини хосил қилувчи ромбсимон чукурчанинг устки учбурчагини вужудга келтиради. Бу учбурчак юқорига чикқан сари торая бориб, мия суюклиги йўлига (*aquaeductus cerebri*) айланади. Миячанинг юқори оёқлари *pedunculi cerebelli superiores* (seu *brachium conjunctivum*) ни ташкил этади.


Кўприк ва мияча бурчагидан VIII краниал-эшитув нерви (*nervus acusticus*), VII краниал нерв (*nervus facialis*) чикади. Кўприкнинг пастки чети билан узунчоқ мия пирамидасининг устидан V краниал нерв (*n. trigeminus*) чикади.

Кўприкнинг уч тармоқли нерв ядроси жойлашган, сатҳидаги кўндаланг кесмаси. Кўприкнинг асосидан, узунасига йўналувчи пирамида толалари ўтади. Шу ерда кўприк ядролари (*nuclei pontis*) жойлашган бўлиб, уни ташкил этувчи хужайраларнинг аксонлари кўприкнинг кўндаланг толаларини хосил қилади.

Кўприкнинг ўрта қисмидан, яъни тегментумидан медиал илмок (*lemniscus medialis*) ўтади. Медиал илмоқнинг ташки томонидан эса латерал илмок (*lemniscus lateralis*) ўтади. Медиал илмоқнинг орқа-ва ташки томонида устки оливанинг ядроси (*piscleus olivaris superioris*) жойлашган. Ўнинг орқа қисмида тўрсимон тузилманинг ядролари (*nuclei reticulares tegmenti*) ётади. Кўприкнинг тўрсимон тузилмаси орқали тегментумнинг марказий йўли (*tractus thalamo-olivaris*) ўтади. Медиал илмоқнинг ташки томонида орқа миядан кўрув дўмбогига борувчи тутам (*fasciculus spinocerebellaris ventralis*) ётади.

Устки оливанинг орқа томонида қизил ядродан орка мияга келувчи йўллар (*tractus rubro-spinalis*), ундан ҳам орқароқда эса V краниал нервнинг пастга йўналувчи илдизчаси (*tractus spinalis nervi trigemini*) жойлашган.

Кўприк тегментумининг энг орқа қисмида вестибуляр ядролар



51-расм. Күпприкнинг уч тармокли нерв ядроси жойлашган сатҳидаги кўндаланг кесмаси.

1 — узокластирувчи нерв ядроси; 2 — Дейтерс вестибуляр ядроси; 3 — corpus restiforme, 4 спиноталамик йўл; 5 — узокластирувчи нерв — илдизча тоғалари; 6 — Raphé pontis; 7 — Fibrae pontis superficialis; 8 — юкори олива ядролари; 9 — трапециясимон тана; 10 — Тектоспинал йўл; 11 — руброспинал йўл; 12 — tractus spinalis n. trigemini; 13 — nucleus terminalis med.n.vestibuli; 14 — узунасига кетган медиал тутам.

(nuclei vestibulares) жойлашган бўлиб, уларнинг ташқарисида миячанинг пастки оёғи ётади (51-расм).

IV қоринча. IV коринчанинг олдинги деворини ромбсимон чуқурча (fossa rhomboidea) ташкил этади. Ромбсимон чуқурчанинг пастки учи орқа миянинг марказий каналига (canalis centralis), юкори учи эса мия суюклиғи йўлига (aquaeductus cerebri) ўтади (43 ва 45-расмларга қаралсин). Кўпприк билан узунчоқ миянинг чегарасига ромбсимон чуқурчанинг энг кенг ери—ён бурчаклари тўғри келади.

Ромбсимон чуқурчада тил ости нервнинг ядроси (nucleus nervi hypoglossi), унинг ташқарисида эса сайёр нерв ядроси (nucleus nervi vagi) жойлашган. Ромбсимон чуқурчанинг юкори қисмида, кўпприк соҳасида юмалоқ шаклдаги тепача (solliculus facialis) бор. Унинг тагида VI краниал нервнинг ядроси жойлашган. Бу тепачанинг ташқи томонида уч тармокли нервнинг харатлантирувчи ядроси (nucleus motorius nervi trigemini) га тегишли чуқурча (fovea n. trigemini) жойлашган. Ромбсимон чуқурчанинг ён бурчакларида эшитурв майдони (area acustica) ётади. Эшитурв майдони эшитурв тепачаси (tuberculum acusticum) деб ҳам юритилади. Эшитурв тепачаларидан эшитурв ҳошиялари (striae medullaris) бошланиб, қарама-қарши томонга қараб йўналади. Бу ҳошиялар ромбсимон чуқурчани устки ҳамда пастки учбурчакларга бўлади.

Ромбсимон чуқурчанинг пастки ён деворини миячанинг пастки оёклари (pedunculi cerebellares inferiores), ён деворини миячанинг ўрта оёклари (pedunculi cerebellares medii), устки ён деворларини эса миячанинг устки оёклари (pedunculi cerebellares superiores) хосил қилади.

Тўртинчи қоринчанинг олдинги ва орқа деворини миянинг олдинги ва орқа елканлари (velum medullare anterius et posterius) ташкил этади.

Орқа елканнинг ўрта қисмида тешикча (apertura medialis ventriculi IV) жойлашган. Унинг ён бурчакларида ҳам юкоридагига ўхшаш тешикчалар (apertura lateralis ventriculi IV) бўлиб, улар ёрдамида IV қоринча субарахноидал оралиқ билан тулашади.

ЯДРОЛАРИ ҚЎПРИКДА ЖОЙЛАШГАН ҚРАВИАЛ НЕРВЛАР

Эшичув нерви. VIII жуфт (n. stato-acusticus). Тузилиши, функцияси, текшириш усууллари, заарланиши.


Бу нерв иккита ўзига хос сезувчи нервлардан иборат.

1. Эшичув ёки чиғаноқ нерви — n. cochlearis.

2. Вестибуляр ёки дахлиз нерви — n. vestibularis.

n. cochlearis ҳам бошқа сезги нервлари каби уч неврон занжирдан ташкил топган.

Биринчи невроннинг биполяр ҳужайралари спирал ганглийда (ganglion spirale cochlea) жойлашган (52-расм). Бу ҳужайраларининг периферик толалари спирал органнинг macula acustica сидаги neu epithelium да тармоқланиб тугалланади. Аксонлари эса nervus cochlearis ни хосил қилиб, nervus vestibularis билан бирга ички қулок йўли орқали мия устуни томон йўналади.



52 — расм. Кохлеар ва вестибуляр нервларининг ички қулокда тармоқланиши.

Эшитув нерви күпrikка кириб, ундағи иккита ядрода, яъни *tuberculum acusticum* да ётувчи *nucleus dorsalis nervus cochlearis* билан *nucleus ventralis nervus cochlearis* да тугалланади (53-расм). Бу ядроларда II неврон хужайралари жойлашыган. *Nucleus ventralis* даги II неврон хужайраларининг аксонлари күпrik асосида трапециясимон танани (*corgius trapezoideum*) ҳосил қилиб, қарама-қарши томонга ўтади. Иккинчи неврон аксонларининг бир кисми трапециясимон танадан ўтаётганда ўз томондаги ёки қарама-қарши томондаги устки оливаларнинг хужайраларида тугалланади.

Дорзал ядро хужайраларидан бошланувчи II неврон аксонлари эса ромбсимон чуқурча (*fossa rhomboidea*) юзасига чиқиб, эшитув хошияларини (*striae acusticae*) ҳосил қилади. *Striae acusticae* ромбсимон чуқурчанинг ўртаси (*raphe*) га етганда күпrik ичига кириб, күпrikнинг асоси томон йўналади, сўнгра трапециясимон тана толалари билан кўшилиб, қарама-қарши томонга қараб давом этади.

Дорзал, вентрал ядролари ва юкори олива хужайраларининг аксонлари бирга кўшилиб, ташки илмок — *lemniscus lateralis* ни ҳосил қилади. *Lemniscus lateralis* фақат қарама-қарши томондан келувчи иккинчи неврон аксонлари ҳисобигагина эмас, балки шу томондаги вентрал ва дорзал ядро хужайралари аксонларининг ҳам кўшилиши ҳисобига ҳосил бўлади. Демак, бир томондаги II неврон аксонлари ҳар иккала томондаги эшитув анализаторининг ядроси томон йўналади.

Шундай қилиб, ҳосил бўлган *lemniscus lateralis* юкорига кўтарилиб, боиниғич эшитув марказлари бўлган ички тиззасимон тана ядросида (*nucleus corporis geniculatum medialis*) ва пастки икки тепаликда (*colliculus inferior*) тугалланади. Ташки илмок эшитув аксонларининг бир кисми *nucleus lemnisci lateralis* да тугалланади.

Пастки икки тепаликда эшитув нервнинг рефлектор толалари тугалланади, улар старт рефлексининг афферент йўли ҳамdir.

Тўрт тепаликдан *tractus tectospinalis* бошланади. *Tractus tectospinalis* кесишма ҳосил килгандан кейин, мия устунидан ўтиб, орка миянинг олдинги тизимчasi орқали йўналади ва орка мия сегментларининг олдинги шох хужайраларида тугалланади. Бу йўл эшитув ва кўрув анализаторларини орқа мия билан боғлайдиган рефлектор йўл ҳисобланади. *Corgius geniculatum mediale* ядросида охиригি — III неврон хужайралари жойлашган бўлиб, уларнинг аксонлари бош мия пўстлоғининг чакка кисмидаги ётувчи юкори чакка пуштасидаги эшитув анализаторининг ядросида тугайди (112-расмга қаралсин).

N. vestibularis нинг I неврон хужайралари ички қулоқдаги *ganglion vestibulare* да жойлашган (52-расмга қаралсин). Бу хужайраларининг дендритлари ярим доира каналларда ва отолитдаги рецепторларда тугалланади. Аксонлари эса *p. vestibularis* ни ҳосил қилиб, *p. cochlearis* билан биргаликда күпrikнинг ичига киради. Вестибуляр нерв күпrikдаги юкори, пастки, ички ва

ташқи ядроларда (nuclei superior, inferior, medialis et lateralis nervi vestibularis) тугалланади (54-расм).

Юкори ва ички ядролардан бошланувчи аксонлар мияча чувалчангининг ядроси — nucleus fastigii (tr. vestibulo-cerebellaris) ҳамда ўртадаги узунасига кетган тутам — fasciculus longitudinalis medialis га боради. Fasciculus longitudinalis medialis вестибуляр аппаратни p. oculomotorius, p. trochlearis, p. abducens ва бошқа крианиал нервларнинг ядролари билан боғлади.

Ташки ядро эса ҳаракат хужайраларидан иборат бўлиб, унинг аксонлари tractus vestibulospinalis ни ҳосил қилади. Tractus vestibulospinalis ёрдамида вестибуляр аппарат орка миячининг олдинги шохига импульслар юбориб туради ҳамда ҳаракат мувозанатини сақлашда иштирок этади.

Шундай қилиб, биз вестибуляр аппаратнинг периферия билан алокаларини кўриб чиқдик. Вестибуляр нервнинг пастки ядросида жойлашган II неврон ҳужайраларининг аксонлари қарама-карши томондаги thalamus opticum да тугалланади ва ўша ёрдаги III невроннинг ҳужайра аксонлари мия иўстлоғига томон йўналса керак, деб тахмин қилинади.

ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Эшитув нерви — p. cochlearis ни текшириш.

1. Эшитув ўткирлигини текшириш: эшитув ўткирлиги беморга шивирлаб гапириб текширилади. Нормал ҳолатда шивирлаб ётталган сўзларни текширилувчи 5—6 м масофадан аниқ эшита олади. Текшириш ўнг ва чап қулоқда алоҳида-алоҳида ўтказилади. Бир қулоқ текширилаётганда, иккинчи қулоқ маҳкам бекитилган бўлиши ва бемор текширувчи томонига қараб турмаслиги керак.

Камертон ёрдамида текшириш. Камертон брдамида Вебер, Ринне ва Швабах тажрибалари ўтказилади.

Вебер тажрибаси ёрдамида қулоқнинг суяклар орқали товуш қабул қилиш қобилияти аниқланади. Бунинг учун вибрациялантирилган (тебрантирилган) камертон оёқчаси бош суюгининг тела кисмига қўйилади. Нормал ҳолатда ҳар икки томондаги суякларнинг товушларни ўтказиш қобилияти бир хилда бўлганилиги сабабли, камертон товуши ҳар икки томонда ҳам баравар эшитилади. Бунга Вебер тажрибасининг латерализация қилинmasлиги дейилади. Агарда эшитув нерви бир томонда заарланган бўлса, Вебер тажрибасида камертон товуши соғлом қулоқда аниқроқ эшитилади, яъни иккинчи қулоқка латерализация қилинади.

Ринне тажрибаси товушнинг ҳаво ва суяклар орқали ўтишини солиштириб текширишга асосланганadir. Бунинг учун вибрациялантирилган камертон processus mastoideus га қўйилади. Товушнинг суяк орқали эшитилиши тугагандан кейин шу, камертон турожде яқинлаштирилади. Нормал ҳолатда текширилувчи товушни суяк орқали эшитмай колгандан кейин ҳаво орқали эшита-

веради. Бу Ринненинг ижобий тажрибаси дейилади. Агар ўрта кулок заарланган бўлса, бемор товушни ҳаво орқали эшита олмайди. Бу эса Ринненинг салбий тажрибаси дейилади.

Швабах тажрибаси ёрдамида товушнинг сук орқали ўти даражаси аниқланади. Бунинг учун вибрациялантирилган камертон аввал bemorning processus mastoideus-ига қўйлади. Камертоннинг вибрацияси эшитилмай қолиши биланоқ текширувчи врач камертонни ўзининг processus mastoideus-ига қўяди. Агар, врач камертон вибрациясини бемордан кейин ҳам эшитаверса, бу хол текширилувчидаги сук орқали товуш ўтказиш қисқарғанилигини кўрсатади. Бундай ҳолда сук орқали товуш ўтказишнинг неча секундга қисқарганини аниқлаш керак. Товуш ўтказишнинг қисқаришига кўпинча п. cochlearis-нинг заарланиши сабаб бўлади.

Эшитув нерви заарланса, кулок оғирроқ бўлиши ёки кар бўлиб қолиши мумкин. Яхши эшитмасликка гипакузия, кар бўлиб қолишга анакузия ёки surditas дейилади. Патологик жараён таъсирида эшитув нерви заарланса, қулокда ҳар хил товушлар: ғувиллаш, чийиллаш ва бошқа шу каби субъектив сезгилар пайдо бўлади.

Вестибуляр нервнинг заарланиши беморда бош айланни, кўнгил айниш, қусиш, нистагм ва атаксия сингари ҳолатларнинг вужудга келиши билан ифодаланади. Бош айланганда атрофдаги нарсалар остин-устин бўлиб кетаётганга ўхшайди. Масалан беморларга уй деворлари ағдарилиб, уларни босиб тушаётгандек ёки ётган каравотлари тўнтарилиб кетаётгандек туюлади, кўнгиллари айнииди, қусадилар. Бу хол ўқтин-ўқтин қайталаб туради. Бундай пайтларда беморлар кўзларини юмиб, қимирламай ётадилар, чунки қимирлаш ҳам хуружни зўрайтириб юборади.


Ички кулок лабиринт қисмининг заарланиши ҳам юкоридаги каби хуружларни келтириб чиқаради. Бундай пайтда лабиринт хуружи ёки Меньер синдроми юз беради, касаллик аломатлари оғирроқ ўтади ва ҳар хил вегетатив ўзгаришлар келиб чиқади.

Нистагм — кўз олмаларининг ритмик равишда қимирлаб туришидир. Кўпинча, ён томонларга қараганда нистагм пайдо бўлади (горизонтал нистагм). Агар нистагм юкорига қарабаланда пайдо бўлса, вертикал нистагм дейилади.

Патологик жараён натижасида вестибуляр нерв таъсириланса, шу касалланган томонга қараганда нистагм содир бўлади. Башарти вестибуляр нервнинг фаолияти пасайган бўлса, қарама-қарши томонга қарабаланда нистагм пайдо бўлади.

Вестибуляр атаксия. Вестибуляр нерв мувозанатни сақлаб туришда иштирок этади. У таъсириланса ёки фаолияти пасайса, қишининг мувозанат сақлаши қийинлашади, натижада атаксия пайдо бўлади. Бемор заарланган вестибуляр аппарат томонга гандираклаб юради ва Ромберг бёлгиси келиб чиқади.

Юз нерви, VII жуфт (п. facialis), тузилиши, функцияси, текширув усули, заарланиши.




55-расм. Күпприкнинг VI ва VII жуфт ядро ва илдизчалар чикувчи сатхидаги кўндаланг кесмаси.

Юз нерви оралиқ нерв — p. intermedius билан бирга йўналади, шунинг учун у аралаш нервлар қаторига киради.


Юз нервининг харакатлантирувчи ядроси мия кўпргининг олдинги қисмида жойлашган (55-расм). Унинг аксонлари орка томонга йўналиб, узоклаштирувчи нерв ядросининг атрофидан айланиб ўтади. Бу нервининг ана шу қисмига юз нервининг дўмбокчаси — colliculus nervi facialis дейилади. Шундан кейин бу нерв олдинги томонга йўналиб, кўприк-мияча бурчагида ташқарига чиқади. Юз нерви чакка суюги пирамидасининг robus acusticus internus орқали юз нервининг каналига киради. Каналнинг ичидаги ундан ўрта қулокка йўналувчи p. stapedius ажралади. Юз нерви бу каналдан foramen stylomastoideum орқали ташқарига чиқади. Сўнгра glandula parotis нинг ён бағридан ўтиб, бир неча тармоқларга бўлинади ва ҳамма мимика мускуларини, шунингдек m. digastricus нинг орка коринчасини, m. stylohyoideus, m. stapedius ҳамда m. platysma myoideus-ни нервлайди.

Юз нервининг таъм билувчи толалари. Юз нервининг сезги хужайралари юз нерви каналининг тизза (букилма) қисмида ётувчи ganglion geniculi-да жойлашади (56-расм). Бу хужайраларнинг периферик толалари — p. mandibularis-нинг тармоқчаси — p. lingualis билан кўшилиб, тилнинг олдинги учдан икки қисмини нервлайди. Ganglion geniculi нинг умумий сезги хужайралари ҳам бўлиб, бу хужайраларнинг дендритлари кулок супрасининг олдинги сатҳи терисини нервлайди. (57-расм).

Ganglion geniculi-нинг аксонлари эса оралиқ нервни ҳосил



56-расм. Таъм билиши йўллари.
1 — таъм билишининг пусток зонаси; 2 — таъм билиш йўлларига иккиччи невропи; 3 — VI нерв ядроси; 4 — VII нерв ядроси; 5 — икки тугам ядроси; 6 — оралиқ нерв; 7 — тил-халқум нерви; 8 — юз нерви; 9 — таъм билиш нервнинг толалари; 10 — кўрув дўнглиги.



57-расм. Юз ва оралиқ нервларининг тармоклананинг схемаси.*

1 — кўз ёши бози; 2 — бурун въккитик танглай шиллак парда-си; 3 — таъм билиш йўли; 4 — сўлак бозлари; 5 — мимика мускуллари; 6 — chorda tympani (Н. К. Боголеповдақ).

қылади ва күпrik-мияча бурчагидан узунчок мияга кириб, якка йўл ядроси (*nucleus tracti solitarii*)да тугалланади (IX—X жуфт нервларга қаралсин).


Секретор толаларнинг хужайралари юз нерви ядросининг орка томонида жойлашган nucleus salivatorius-да ётади. Унинг аксонлари оралик нерв таркибида юз нервининг каналига киради. Юз нервининг fogamen stylomastoideum-дан чиқиши олдида ундан секретор толалар ажралади. Ажралган секретор толаларга chorda tympani (кулок пардасининг тори) дейилади, у сўлак безларини нервлайди. Секретор толаларнинг бир кисми кўз ёши ажралишини бошқаради.

Текшириш усуллари. Юз нервини текширишга киришишдан олдин юз ажиларининг ҳар икки томонда симметрик эканлигига эътибор бериш керак. Сўнгра кўз йириғи катталиги иккала томонда баравар эканлиги аниқланади. Кейин куйидаги мимик текширишлар ўтказилади: 1) пешанани тириштириш; 2) қопни чимириш. Бу текширишлар вактида юзининг ҳар икки томонида симметрик бурушмалар ҳосил бўлалди; 3) ҳар бир кўзни алоҳида ва биргаликда қаттиқ юмиш; бунда қовокларнинг ҳар икки томонда баравар юмилган-юмилмаганилигига эътибор берилади; 4) тишни тиржайтириш. Бунда оғиз бурчаклари иккى томонга баравар тортилиши керак; 5) лунжга ҳаво тўлдирish (хўпнайтириш), нормада иккала лунж баравар шишади.

Юз нервнинг патологияси — шу нервнинг периферик ва марказий фалажланишларидан иборат. Юз нервнинг периферик фалажи шу нерв ёки унинг ядрои заарланиши натижасида юз беради. Юз асимметрик ҳолатда бўлади. Лаблар соғлом томонга тортилиб кетади. Фалажланган томонда оғиз бурчаги пастга қийшайган бўлиб, ҳаракатланмайди ва бурун-лаб бурушмаси йўколади. Фалажланган томонда кўз йириги катталашади (58-расм, А)




58-р а с м. Юз нервишнг периферик фалажланишида пайдо бўлган
мимик ўзгаришлар.



а


43-расм, а. Баш миянинг ички юзаси.

1 — орқа мия; 2 — узунчоқ мия; 3 — IV қоринча; 4 — *velum medullare anterius*; 5 — кўплик; 6 — мия обёлари; 7 — Сиљвий сув бўли; 8 — гипофиз; 9—*infundibulum*; 10 — кўрув хиазмаси; 11—*commissura cerebri anterior*; 12 — *lamina terminalis*; 13 — *rostrum corporis callosi*; 14—*genu corporis callosi*; 15, 21—*gyrus cinguli*; 16—*truncus corporis callosi*; 17 — *septum pellucidum*; 18—*fornix*; 19—III қоринча; 20—*massa intermedia*; 22—*splenium corporis callosi*; 23 — *glandula pinealis*; 24 — тўрт дўнглик; 25 — мияча.




43-расм, б. Ўрта миянинг устки икки тепача сатҳидан кўндаланг кесмаси.

1 -- Сильвий сув йўли; 2 — марказий кул ранг модда; 3—tectus; 4 — қизил ядро;
5 — қора модда; 6—*sulcus mesencephali medialis*; 7 — n. *oculomotorius*;
8 — мия обёқчаси (basis); 9—*sulcus mesencephali lateralis*; 10—*sgmentum*.





53-расм. Эшитув анализаторининг йўли.

1 — эшитув анализаторининг пўстлоқ зонаси; 2 — ташқи илмоқ ядроси; 3 — ташқи илмоқ (*lemniscus lateralis*).



54-расм. Вестибуляр йўл ва узунасига кетган медиал тутам.

1 — таламокортикал йўл; 2 — кўрүв дўнглиги; 3 — руброкортикал йўл; 4 — (Даркшевич) ядро; 5 — қизил ядро; 6 — кўзни ҳаракатлантирувчи нерв ядро; 7 — шарсимон ядро; 8 — ёпкыч ядро; 9 — шишасимон ядро; 10 — Швальбе ядро; 11 — Бехтерев ядро; 12 — Дейтерс ядро; 13 — вестибуляр нерв; 14 — вестибулоспинал йўл; 15 — узунасига кеттак медиал тутам; 16 — узоқлаштирувчи нерв ядро; 17 — миячанинг устки оёқчаси; 18 — Lemniscus medialis; 19 — commissura posterior; 20 — лентикуляр ядро.




60-расм. Уч тармоқли нерв ядролари ва ўтказгич йўллари.

1—ganglion semilunare; 2—nucleus motorius nervi trigemini; 3—nucleus terminalis nervi trigemini; 4—tractus spinalis nervi trigemini


62-расм. Уч тармоқли нерв ядролари ва ўтказгич йўллари.

1—tractus supranuclearis n. trigemini; 2—fasciculus thalamo-corticalis; 3—capilla interna; 4—medulla oblongata; 5—rad. spin. n. trigemini; 6—ganglion semilunare; 7—nucleus motorius n. trigemini; 8—thalamus opticus.




61-расм. Уч тармоқли нервнинг периферияда тармоқланиши ва ядролари.

1—*n. opticus*; II—*n. maxillaris*; III—*n. mandibularis*; I—*rr. alveolaris sup.*
2—*n. abducens*; 3—*n. alveolaris inferior*; 4—*n. lingualis*; 5—*n. mentalis*.




65-расм. Краниал (бош мия) нерв ядроларининг мия устунида стереоскопик жойлашиш схемаси.

1 — кызил ядро; 2 — Сильвий сүй яйли; 3 — glandula pinealis; 4 — tractus mesencephalicus p. trigemini; 5 — p. trochlearis; 6 — ромбусимон чуқурининг чегараси; 7 — velum medullare anter; 8 — уч тармоқли нервнинг ҳаракат ядроси; 9 — p. facialis тиззаси ва p. abducens нинг ядроси; 10 — fastigium; 11 — plexus choroidal; 12 — tractus solitarius; 13 — apertura mediana ventriculi IV; 14 — p. glossopharyngeus нинг ядроси (сарик рангда); 15 — p. hypoglossus нинг ядроси (кызил рангда); 16 — марказий канал; 17 — уз тармоқли нервнинг спинал яйли; 18 — p. accessorius; 19 — кўшимча нервнинг ядроси; 20, 23 — p. hypoglossus; 22 — p. vagus; 24 — p. glossopharyngeus; 25 — пастки олнва; 26 — nucleus salvatorius; 27 — p. abducens; 28 — p. facialis; 29 — p. vestibulocochlearis; 30 — юз нервнинг ядроси; 31 — p. trigeminus; 32 — кўприк; 33 — мия оёқлари; 34 — p. oculomotorius.




66-расм, а, б. Күз олмасы мускуллари.

а — тепадан күрниниши; 1 — күз олмасы; 2 — юқори қовоқни күттарувчи мускул; 3 — юқори түғри мускул; 4 — ташки түғри мускул; 5 — ички түғри мускул; 6 — юқори қийшик мускул; 7 — *annulus tendineus communis*; 8 — күрүв нерви. б — ён то мондан күрниниши. 1 — юқори қовоқни күттарувчи мускул; 2 — ташки түғри мускул; 3 — юқори түғри мускул; 4 — пешона синуси; 5 — *spina trochlearis*; мускулнинг пайди; 7 — пастки қийшик мускул; 8 — Гаймор синуси; 9 — пастки түғри мускул; 10 — *corpus adiposum orbitae*.




70-р асм. Бош миянинг фронтал кесмаси (схема).

1 — узунасига кетган мияаро эгат; 2—corpus callosum; 3 — ён қоринчанинг марказий кисми; 4 — құрув дүңгелігіннің олдінги, медиал ва латерал ядролари; 5—hypothalamus; 6—nucleus subthalamicus; 7 — кора мөдда; 8 — мия оёқлари; 9 — мия оёқларнаро чуқура; 10—п. oculomotorius; 11 — күптик; 12 — III қоринча; 13—nucleus lentiformis (*putamen et globus pallidus*); 14 — ичкі капсула; 15 — ташқы капсула; 16—caput nuclei caudati.




72-расм. Ретина ва кўрув анализаторининг ўтказгич йўллари.


1 — сариқ дой; 2, 3, 4 — ретинада жойлашган рецепторлар; 5 — кўрув первиннинг хизмаси; 6 — кўрув йўли; 7, 8 — пўстлоқ ости кўрув марказлари (*corpus geniculatum lateralis, pulvinar thalami optici*); 9 — кўрув йўли шуъласи; 10—*fissura calcrinae*; 11 — узунасига кетган медиал тутам; 12 — узоқлаштирувчи нерв (п. *abducens*); 13 — кўзининг парасимпатик толалари.



a



б




в

76-р а с м. Күз олмасининг туби.


а — күз олмаси тубининг нормал ҳолатдаги күрниши. 1—venula temp. retinae inf.;
2—arteriola nasalis retinae inf.; 3—papilla n. optici; 4—arteriola temp. retinae
sup.; 5—venula temp. retinae sup.; 6—macula lutea; 7—fovea centralis.
б — күз папилласининг бирламчи оқ атрофияси; в — күз папилласининг кулранг
атрофияси.



с




д




е

76-расм (давоми).

г — күз нервининг неврити; д — күз нерви папилласининг шишуви; е — папилланинг иккиласми атрофияси.



81




89

81-расм. III қоринча ва гипоталамик соҳа.


1—nucleus preopticus; 2—nucleus hypothalamicus dorsomedialis; 3—nucleus paraventricularis; 4—nucleus hypothalamicus posterior; 5—sinus hypothalamicus; 6—n. oculomotorius; 7—nucleus mammillaris medialis; 8—nucleus premammillary ventralis et dorsalis; 9—nucleus hypothalamicus ventromedialis; 10—гипофиз; 11—күрүв хиазмаси; 12—nucleus supraopticus.

89-расм. Ретикуляр формациянинг схемаси. Специфик (ҳаво ранг кўрсаткич) ва специфик бўлмаган (қора ранг кўрсаткич) ретикуляр формацияларнинг афферент системалари.



97-расм. Катта миянинг горизонтал кесмаси.

1 — узунасига кетган мияро этат; 2, 10—*corpus callosum*; 3—*caput nuclei caudati*; 4, 13 — ички капсула; 5 — ташқи капсула; 6—*putamen*; 7—*globus pallidus*; 8 — кўрув дўнглиги; 9 — ён қоринчанинг орткі шохи; 11—*radiatio optica*; 12—*cauda nuclei caudati*; 14—III қоринча; 15—*columna fornicis*; 16 — ён қоринчанинг олдинги шохи.




б



в

105-расм, б, в.

б — бош мия пўстлоғининг цитоархитектоникаси (ташқи юза); в — бош мия пўстлоғининг цитоархитектоникаси (ички юза); Бродман ҳаритаси.



106-расм. Бош мияннинг ташқи юзаси (схема а).

Пешана тириштирилганда фалажланган томонда пешана мускуллари қисқармайды, шу сабабли пешана териси бурушмайды. Касалланган томонда кошни чимириб бўлмайды. Қўз қовоқларини юмувчи мускул (т. *orbicularis oculi*) фалажланганини учун кўзни юмиш ҳам мумкин бўлмай қолади. Бунга *lagophthalmus* дейилади (58-расм, Б). Бундай беморлар тишларини тиржайтирганларида 58-расм, В даги каби оғиз бурчаклари соғлом томонга тортилиб кетади. Улар лунжларига ҳаво тўлдира олмайдилар, чунки фалажланган томондаги лаблар орасидан ҳаво чиқиб кетади. Овқат чайнаш ҳам қийинлашади. Бемор лунжлари билан тишлари орасига тушиб қолган овқатларни қамраб ололмайди. Мимика мускулларининг электрик қўзғалувчанлиги бузилади.

Юз нервининг периферик турда фалажланганини аниқлангандан кейин патологик жараён шу нервининг қайси қисмини шикастлаганлигини билиш керак. Қуйидаги қўшимча аломатлар юз нервининг шикастланган қисмини билиб олишга ёрдам беради: агарда патологик жараён юз нервининг ядроси атрофифа жойлашган бўлса, юз нервининг фалажланган томонида p. *abducens* ҳам фалажланган бўлиши мумкин. Бордию юз нерви кўприкдан чиқиш олдида заарланган бўлса, унга яқин турувчи эшитув нерви ҳам заарланган бўлиши мумкин.

Шунинг учун юз нерви фалажланган томондаги қулок яхши эшитмайди ёки бутунлай кар бўлиб қолади (бундай ҳол кўприкмияча бурчаги ўсмаларида учрайди). Бундан ташқари, шу томонда кўз ёши ажралиши камайиб, кўз қуруқ бўлиб қолади ва тилнинг олдинги учдан икки қисмида таъм сезиш бузилади. Агар юз нерви ўз канали ичida заарланган бўлса, юкорида айтилган белгилардан ташқари, шу томондаги қулокда эшитув кучаяди, бунга гиперакузия дейилади (п. *stapedius* фалажи). Башарти юз нерви *foramen stylomastoideum* дан чиқиш олдида заарланган бўлса, фақат мимика мускулларигина фалажланиб, юкорида айтилган қўшимча белгилар содир бўлмайди. Юз нервининг периферик фалажида қулок супрасининг сезувчанлиги ўзгаради ва оғрик пайдо бўлади.

Агар юз нерви иккала томонда заарланса, мимика мускуллари икки томонлама фалажланади. Бунга *diplegia nervi facialis* дейилади.

Юз нервининг марказий фалажи. Фақат юз нерви ёки унинг ядроси заарлангандагина эмас, балки юз нерви ядросига келувчи марказий невронлар, яъни кортиконуклеар қисм заарланганда ҳам мимика мускуллари фалажланади.

Юз нервининг марказий невронлари бир томонлама шикастланганда қарама-карши томондаги мимика мускулларининг фалажланишига юз нервининг марказий фалажи дейилади. Юз нервининг марказий фалажида юзнинг фақат пастки қисми фалажланади. Юзнинг юкори ярмидаги мускуллар функцияси деярли ўзгармайди. Шунинг учун бундай беморлар пешанани тириштириш, кошни чимириш, кўзни юмиш каби мимик ҳаракат-

ларни ҳар икки томонда бажара оладилар. Тишлигини тиржайтирганларида эса фалажланган томон ҳаракатланмайди, лаблар қарама-қарши томонга тортилиб кетади. Бунинг сабабини тушуниш учун юз неврининг ядролари унинг марказий невронлари билан қандай алоқада бўлишини билиш керак. Юз нервининг ядролари икки гурухдан иборат. Бир гурух ядролар юзниң юқори қисмидаги мимика мускулларини нервлайди. Иккинчи гурух ядролар эса юзниң пастки қисмидаги мимика мускулларини нервлайди.

Юзниң юқори қисмидаги мимика мускулларини нервлайдиган ядролар ҳар икки томондаги мия пўстлоғидан келувчи марказий невронлар билан боғланган бўлади. Шунинг учун марказий невронлар бир томонда касалланса, шу невронлар бошқарадиган мускулларнинг ишини соғ томондаги иккинчи марказий неврон бошқаради.

Юзниң пастки ярмидаги мимика мускулларини нервлайдиган ядролар эса фақатгина қарама-қарши томондаги марказий невронлар билан боғланган бўлади. Шунинг учун бу невронларнинг заарланиши иккинчи томонда юзниң пастки ярмидаги мускулларнинг фалажланишига, яъни юз нервининг марказий фалажига олиб келади.

Юз нервининг ядроларида тугалланувчи кортиконуклеар йўллар марказий нерв системаси бўйлаб алоҳида келмайди, балки бошқа кортиконуклеар ва кортикоспинал йўллар билан бирга йўналади. Шунинг учун юз нервининг алоҳида юз берадиган марказий фалажи жуда кам учрайди. Юз нервининг марказий фалажи, аксари тил ости нервининг марказий фалажи, гемипарез ва гемиплегиялар келиб чиқиши билан бирга учрайди. Шунинг учун bemorларда юзниң марказий фалажи рўй берган бўлса фалажланган томондаги кўл ва оёкларда ҳам марказий фалажлик аломатларини қидириш керак.

VI жуфт-узоқлаштирувчи нерв ҳақидаги маълумотлар тушунишга осон бўлиши учун ўрта мия бўлимида кўз олмасини ҳаракатлантирувчи нервлар билан бирга берилган.


Уч тармоқли нерв. V жуфт (п. trigeminus). **Тузилиши, функцияси, текшириш усули, заарланиши.**

Уч тармоқли нерв сезувчи ва ҳаракат нервларидан ташкил топган аралаш нервдир. Уч тармоқли нервининг сезувчи қисми учта неврон занжиридан иборат.

Биринчи неврон ҳужайралари чакка суюгининг пирамидасида уч тармоқли нерв чуқурчасидаги (*impressio trigemini*) *ganglion semilunare*-да жойлашган.

Бу тугунча ҳужайраларининг периферик толалари уч тармоқка бўлинади. Биринчи ва иккинчи тармоқлари факат сезувчи тармоқдан иборат, учинчиси эса ҳаракат аксонлари ҳам қўшилган аралаш тармоқdir (59-расм).

I тармоқ — п. *ophthalmicus*,
II тармоқ — п. *maxillaris*,
III тармоқ — п. *mandibularis*.



59 - расм. Уч тармоқли нервнинг периферик шохчалари.


1 — n. frontalis; 2 — r. supraorbitalis; 3 — r. frontalis (n. frontalis); 4 — ganglion ciliare; 5 — n. lacrimalis; 6 — n. infraorbitalis; 7 — ganglion sphenopalatinum; 8 — n. lingualis; 9 — n. mentalis; 10 — n. alveolaris inferior; 11 — a. carotis interna; 12 — a. carotis externa; 13 — n. facialis; 14 — gang. semilunare (Gasser); 15 — n. maxillaris; 16 — n. ophthalmicus.

I. Nervus ophthalmicus, sinus cavernosus ташки деворининг ёнбағридан п. oculomotorius ва п. trochlearis билан биргалашиб ўтади ва fissura orbitalis superior орқали кўз косасининг ичига кириб, тармоқчаларга бўлинади. Шу тармоқчалардан бири foramen supraorbitale орқали юзага чиқади. Nervus ophthalmicus 61-расмда кўрсатилганидек, юзнинг пешона қисмини, бошнинг олдинги сочли қисмини, юқори қовоқни ва буруннинг тепа қисмидаги терисини, шунингдек кўз косасини, буруннинг шиллик қаватларини, ёш безларини, пешона синусини, қаттиқ мия пардаси ва tentorium cerebelli ни, пешона суюгини ва унинг пардасини нервлайди.

II. Nervus maxillaris foramen rotundum орқали йўналиб, шоҳоб-чаларидан бири foramen infraorbitale дан сиртга чиқади. II тармоқ 61 ва 63-расм, а ларда кўрсатилганидек, чакка, бурун, юқори



a



б

63-расм. Юз терисининг периферик ва сегментар нервлашниш соҳалари.

а — юзнинг уч тармоқли нерв билан нервланиши, 1 — г. *ophthalmicus* тери зонаси; 2 — г. *maxillaris* тери зонаси; 3 — г. *mandibularis* тери зонаси; б — юзнинг Зельдер (сегментар) зоналари. В₁ — ички зонаси; В₂ — урта зонаси; В₃ — ташки зонаси.

лабнинг шиллик қаватларини, юқори жағ синусининг деворларини, юқори жағдаги тишлар билан милкларни, бош миянинг тёпа қисмидаги мия қаттиқ пардасини (*dura mater*) нервлайди.

III. *Nervus mandibularis* foramen ovale дан чиқиб, бир неча толаларга бўлинади. Бир қисми пастки жағ канали (*canalis mandibularis*) бўйлаб йўналиб, foramen mentale орқали сиртга чиқади. III тармок 61ва 63-расм а ларда кўрсатилганидек пастки лаб, лунж, энгак, чакка териларини ва қисман қулок супраси терисини, пастки лаб, лунж, оғиз бўшлигининг туви ва тилнинг шиллик қаватларини, пастки жағ тишларини ва уларнинг милкларини, пастки жағ бўғимини ва бош мия тубидаги қаттиқ пардани нервлайди.

Nervus mandibularis нинг тилга борувчи тармоқчасига (п. *lingualis*) таъм сезувчи нерв толалари қўшилади. Бу толалар тилнинг олдинги учдан икки қисмини нервлайди (VIIжуфт нервга қаралсин) ва асосан таъм сезишда иштирок этади.

Шундай қилиб, биз *ganglion semilunare* ҳужайралари дендритларининг периферияга йўналишини кўриб чиқдик. *Ganglion semilunare* ҳужайраларининг аксонлари эса уч тармоқли нервнинг сезувчи илдизчасини (*portio major*) ҳосил қилиб, кўприкка киради, сўнгра бу аксонлар юкорига кўтариувчи ва пастга тушувчи илдизчаларга бўлинади (62-расм). Пастга тушувчи илдизчалар узунчоқ мия орқали орқа миянинг IV бўйин сегментигача етиб боради ва узунчоқ мияда ҳамда бўйин қисмининг устки сегментларида ётувчи уч тармоқли нервнинг сезги ядроси (*substatio gelatinosae n. trigemini*) да тугалланади. Юкорига кўтариувчи илдизчалар эса нервнинг мезенцефал ядросида тугалла-

нади. Уч тармоқли нервнинг сезувчи ядросида II неврон ҳужайралари жойлашган бўлиб, уларнинг аксонлари қарама-карши томондан келувчи аксонлар билан кесишма ҳосил қиласди. II невроннинг аксонлари иккинчи томонга ўтгач юкорига кўтарилади ва кўприкнинг ретикуляр тузилмасидан ўтиб, *lemniscus medialis* га кўшилади. Сўнгра мия оёқчасидан ўтиб, кўрув дўнглиги ташки ядросининг (*nucleus lateralis thalami optici*) олдинги кисмида тугалланади. Кўрув дўнглигининг бу қисмида III неврон ҳужайралари жойлашган бўлиб, уларнинг аксонлари (*fasiculus thalamocorticalis*) ички капсула орқа оёғининг орқа томонидан ўтиб, ортки марказий пуштанинг пастки қисмида тугалланади.

Уч тармоқли нервнинг ҳаракатлантирувчи аксонлари мия кўп-ригидаги жойлашган ҳаракатлантирувчи ядро (*nucleus motorius nervi trigemini*) ҳужайраларидан бошланади. Бу ядро аксонлари уч тармоқли нервнинг ҳаракатлантирувчи илдизчасини (*portio minor*) ҳосил қилиб, кўприкнинг ўрта қисмидан чиқади. Сўнгра уч тармоқли нервнинг III тармоғи—*nervis mandibularis* билан биргаликда бош мия қутисидан ташқарига чиқиб, чакка мускули (*m. temporalis*), чайнов мускули (*m. masseter*) ва қанотсимон мускуллар (*m. m. pterygoidei*) дан иборат чайнов мускуларини нервлайди.

Уч тармоқли нервни текшириш усуллари. Уч тармоқли нерв аралаш нерв бўлганлиги учун унинг сезги ва ҳаракатлантирувчи қисмлари алоҳида-алоҳида текширилади.

Уч тармоқли нервнинг сезги қисмини текшириш. Биринчи навбатда беморнинг шикоятлари сўралади. Уч тармоқли нервнинг тармоқлари синуслар атрофи бўйлаб йўналганлиги учун пешона ва юкори жағ синусининг яллигланиши, кўпинча бу тармоқларнинг ҳам заарланишига сабаб бўлади. Уч тармоқли нервнинг заарланиши натижасида жароҳатланган тармоқ соҳасида бирдан зўрайиб бошланувчи, чираб бўлмайдиган кучли оғриқ пайдо бўлади. Бу хол уч тармоқли нервнинг невралгиясида кўпроқ учрайди. Беморнинг шикоятини тинглаганда оғриқнинг хусусиятини, қаерда жойлашганлигини, қанча вакт давом этишини аниқлаш керак.

Беморнинг шикоятлари сўраб бўлингандан кейин объектив текширишга ўтилади. Бу текшириш қўйидагича олиб борилади:

1. Уч тармоқли нерв тармоқларининг сиртга чиқиш жойларини босиб текшириш. Бунинг учун *foramen supraorbitalle*, *foramen infraorbitalle* ва *foramen mentale* соҳалари босиб кўрилади. Бу нерв заарланмаган бўлса, уни босиб қўрилаётган вактда бемор оғриқ сезмайди. Агар уч тармоқли нерв неврит ёки невралгияга учраган бўлса заарланган тармоқнинг сиртга чиқиш жойи босилганда каттиқ оғриқ пайдо бўлади.

2. Оғриқ, температура ва тактил сезгиларни текшириши. Оғриқ, температура ва тактил сезгилар, сезги системасида кўрса-тилган усуллар ёрдамида юз териси ва бошнинг сочли қисми олдинги учдан бир бўлагида текширилади.

3. Таъм билишни текшириш. Таъм билиш сезгиси тилнинг ол-

динги учдан икки қисмida текширилади. Бунинг учун мазаси ҳар хил бўлган (ширин, нордон, шўр ва аччик) моддалардан фойдаланилади. Чунончи, ушбу моддаларнинг биридан томизғич ёрдамида тилнинг устига бир томчи томизилади. Текшириувчи киши тилини ичкарига тортмай туриб қандай таъм сезаётганинги тақдим этилган жадвалдан кўрсатиб бериши керак. Таъм билиш тилнинг ўнг ва чап ярмида алоҳида-алоҳида текшириб кўрилади.

4. Уч тармоқли нервнинг ҳаракатлантирувчи қисмини текшириш. Текшириувчидан оғзини кетма-кет очиб-ёпиш сўралади. Бу пайтда пастки жағнинг ҳаракатига эътибор бериш керак. Нормал ҳолатда оғиз осонлик билан оғриқсиз кенг очилади ва бунда пастки жағ ўнг ёки чап томонга оғмай ўртада туради.

M. temporalis ва *masseter* нинг чайнаш вактдаги тараанглигини пайпаслаб кўриш йўли билан текширилади.

Уч тармоқли нервнинг патологияси. Уч тармоқли нерв шикастланганда оғриқ пайдо бўлиши билан бирга заарарланган шохчаларнинг 63-расм, а, б да кўрсатилган соҳаларида оғриқни сезиш, температура ва тактил анестезияси, гипестезияси ёки гиперестезияси пайдо бўлиши мумкин.

Агар *pervus ophthalmicus* заарарланса, унинг тери зонасида тери сезгисининг йўқолиши билан конъюнктивал ва корнеал рефлекслар ҳам сусаяди ёки бутунлай йўқолади.

Башарти *pervus mandibularis* заарарланса, унинг тери шиллик қавати зоналарида сезги йўқолиши билан бирга тилнинг олдинги учдан икки қисмida таъм билиш сезгиси ҳам йўқолади (агейзия), шунингдек шу томондаги чайнов мускуллари фалажланади. *Ganglion semilunare* ёки уч тармоқли нерв илдиз-часи кўприк олдида заарарланган тақдирда учала тармоқ зонасида оғриқ, температура ва тактил сезгилар йўқолади ёки сусаяди. Бундан ташқари, шу томондаги чайнов мускуллари фалажланади.

Патологик жараён уч тармоқли нервнинг сезги ядросини заарарлантирган бўлса, юзнинг шу томондаги ярмида оғриқ ва температура сезгилари йўқолиб, тактил сезги бир оз пасаяди (диссоциациялашган сезги ўзгариши). Уч тармоқли нерв ядросининг тамоман заарarlаниши кам учрайди. Кўпинча, у қисман заарарланади. Агарда уч тармоқли нерв ядросининг пастки учдан бир қисми заарарланса, 63-расм, б, В₃ да кўрсатилганидек, юзнинг ташқи қисмida ярим ҳалқа шаклида сегментар туридаги диссоциациялашган сезги ўзгариши юз беради. Уч тармоқли нерв ядросининг марказидаги учдан бир қисми заарарланса, 63-расм, б, дагидек, юзнинг ўрта қисмida ярим ой шаклида диссоциациялашган сезги ўзгариши содир бўлади. Уч тармоқли нерв ядросининг юқори учдан бир бўлаги заарарланган тақдирда 63-расм, б, В₁ да кўрсатилганидек, юзнинг ички қисмida, оғиз ва бурун атрофида диссоциациялашган сезги ўзгариши юз беради. Бу уч хил сезги зоналарини Зельдер зо-

налари дейилади. Бундай ўзгаришлар сирингобульбияда ва Захарченко-Валенберг синдромида кўп учрайди.

Уч тармоқли нервнинг ҳаракатлантирувчи ядроси ёки ҳаракатлантирувчи нерв толаларининг заарланиши натижасида чайнов мускуллари фалажланади. Бу мускулларнинг атрофиялашганлиги сабабли чакка ва пастки жағ бурчагидаги соҳалар ичкарига ботган ҳолатда бўлади. Пастки жағ юқори жағга маҳкам сиқилганда фалажланған мускуллар қисқармайди, натижада чайнов мускуллари, соғлом томондаги мускуллар сингари таранглашмайди. Шунинг учун пайпаслаб кўрилганда бу мускуллар қўлга юмшоқ сезилади. *M. pterigoideus (internus et externus)* нинг фалажланганини билиш учун беморнинг оғзини очиб кўриш керак. Бунда пастки жағ фалажланган томонга тортилиб кетади. Бунга пастки жағ девиацияси дейилади. Башарти уч тармоқли нервнинг ҳаракатлантирувчи қисми ҳар икки томонда заарланган бўлса, пастки жағ очилган ҳолатда осилиб қолади ва оғизни юмиш мумкин бўлмайди.


Бордию, баъзиг бир қўалликлар (менингит, қоқшол) натижасида уч тармоқли нервнинг ҳаракатлантирувчи қисми таъсиранса, чайнов мускулларининг тоник тортилиши рўй беради. Бунга тризм дейилади. Тризмда бемор оғзини очолмай қолади.

ЎРТА МИЯ (MESENCEPHALON)

Ўрта мия бош мия ярим шарлари билан кўприк ўртасида жойлашган. Унинг таркибига мия оёқлари (*pedunculi cerebri*) ва тўрт тепалик (*surgroa quadrigemina*) киради 43, 44, 45-расмларга каралсин).

Ўрта миянинг қонқоғи тўрт тепалик пластинкасидан (*lamina quadrigeminis*) хосил бўлади. Тўрт тепалик пластинкаси III ва IV мия коринчаларини туташтириб турувчи мия суюклиги йўли aquaeductus cerebri нинг устида жойлашган. Тўрт тепалик пластинкасида жойлашган устки икки тепачага *colliculi superiores*, пастки икки тепачага *colliculi inferiores* дейилади. Устки икки тепачанинг олдинги қисмида оралиқ мияга карашли фуррасимон без (*glandula pineale*) жойлашган. Ҳар қайси тепачанинг ташки юзасидан тиззасимон танаҷалар (*surgroa geniculata*) томон толалар йўналади. Бу толаларга қўйлчалар дейилади. Устки тепачалар ўз қўйлчалари ёрдамида оралиқ миянинг ташки тиззасимон танаҷалари (*corpus geniculatum laterale*) билан боғланади. Пастки тепачаларнинг қўйлчалари оралиқ миянинг ички тиззасимон тепачаларида (*corpus geniculatum mediale*) тамомланади.

Ўрта миянинг асосини мия оёқлари (*pedunculi cerebri*) ташкил этади. Мия оёқлари кўприкдан чиқиб, бир-биридан ажралган ҳолда юқорига кўтарилади ва катта мия ярим шарларининг оқ моддаси билан туташиб кетади. Ўрта миянинг пастки қисмида мия оёқлари орасидан III краиал нерв (*p. oculomotorius*) чиқади, IV краиал нерв (*p. trochlearis*) ҳам шу соҳада, мия



64-расм. Ўрта миянинг устки икки тепача сатҳидан кўндаланг кесмаси.
 1 — nucleus motorius tecti (neuron tectospinale); 2 — nucl. tract. mesenceph. n. trigem.; 3 — formatio reticularis tegm.; 4 — Эдингер-Вестфал ядро; 5 — pars parvocellularis nucl. rubri; 6 — nucl. n. oculomotorii; 7 — pars magnocellularis nucl. rubri; 8 — substantia nigra; 9 — pes pedunculi; 10 — fila radiculalia n. oculomotorii; 11 — fasciculus tegmen. centr.; 12 — fasciculus longitudinalis med.; 13 — lemniscus medialis; 14 — corpus geniculatum med.; 15 — nucleus ruber; 16 — тектоспинал йўл; 17 — марказий кул ранг модда; 18 — Сильвий сүн ўйли; 19 — устки икки тепача.

оёқларининг ташки четидан чиқиб, олдинга қараб бурилган ҳолда давом этади.

Ўрта миянинг ўрта қаватидан (tegmentum) ўтувчи йўлларнинг асосий қисмини миячанинг устки оёқлари (pedunculi cerebellares superiores) ташкил этади. Улар тўрт тепаликнинг кайдал қисмига кириб, шу ерда кесишма ҳосил қиласди. Бу толаларнинг остида, мия суюклиги йўлининг пастки ва ташки қисмida медиал илмок (lemniscus medialis) ётади. У ўрта миянинг асосини ва ўрта қисмини қоплаб туради.

Эшитув нервининг 2-неврон толаларидан иборат бўлган латерал илмок (lemniscus lateralis) тегментумнинг ташки сатҳини қоплайди ва пастки икки тепачанинг ядросида тамомланади.

Бош мия суюклиги йўлининг атрофини марказий кул ранг модда ўраб туради. Унинг вентрал қисмida IV краниал нервнинг ядрои (nucleus nervi trochlearis) жойлашган. IV краниал нерв ядросининг тагида fasciculus longitudinalis medialis туради. Устки икки тепача соҳасида марказий ўринни қизил ядро (nucleus ruber) эгаллайди (64-расм). Марказий кул ранг модданинг устки икки тепача сатҳида жойлашган қисмida III краниал нервнинг ядрои (nucleus nervi oculomotorii) ётади. Қизил ядронинг тагида, ўрта миянинг тегментуми билан асоси ўртасида қора модда (substantia nigra) жойлашган.

Мия оёғининг асоси узунасига жойлашган пирамида йўлларидан ҳамда бош мия пўстлоғининг пешона, тепа, энса ва чакка қисмларидан, кўприкка йўналувчи йўллардан ташкил топади.

ЯДРОЛАРИ ҮРТА МИЯДА ЖОЙЛАШГАН КРАНИАЛ НЕРВЛАР

Күзни ҳаракатлантирувчи нервлар. (III, IV, VI). Тузилиши, функцияси, текшириш усуллари. III жуфт. Күзни ҳаракатлантирувчи нерв (n. oculomotorius).

Күзни ҳаракатлантирувчи нервнинг ядроси (nucleus nervi oculomotorii) мия оёқчасида олдинги икки тепача (colliculus superior) сатҳида жойлашган. Бу нервнинг парасимпатик ядроси ҳам шу ерда ётади. Ушбу ядроларни ҳосил қылган ҳужайраларнинг аксонлари III жуфт нервнинг илдизчасини ҳосил килади, сүнгра вентрал йўналишда давом этиб, мия оёқчасининг медиал қисмидан ташкарига чиқади (44 ва 65-расмларга қаралсин). Шундан кейин күзни ҳаракатлантирувчи нерв sinus cavernosus ташки деворининг ён бафри бўйлаб йўналиб, fissura orbitalis superior орқали кўз косасининг ичига киради ва унда куйидаги кўз мускулларини нервлайди (66-расм a, b, в).

1. Юқори тўғри мускулни—m. rectus superior (кўз олмасини юқорига ҳаракатлантиради).

2. Пастки тўғри мускулни—m. rectus inferior (кўз олмасини пастга ҳаракатлантиради).

3. Ички тўғри мускулни m. rectus medialis (кўз олмасини ичкари томонга тортади).


4. Пастки қийшик мускулни—m. obliquus inferior (кўз олмасини юқорига ва кисман ташкарига тортади).

5. Юқори қовоқни кўтариувчи мускулни—m. levator palpebrae superior ларни нервлайди (юқори қовоқни кўтаради).

Күзни ҳаракатлантирувчи нерв парасимпатик ядросининг ҳужайраларидан келувчи парасимпатик аксонлар кўз қорачини торайтирувчи мускул (m. sphincter pupillae) ни ҳамда киприксимон мускулни (m. ciliaris) нервлайди.


N. oculomotorius нинг зарарланиши. Күзни ҳаракатлантирувчи нервнинг ёки шу нерв ядросининг зарарланиши кўз олмасининг ҳаракатланишида куйидаги ўзгаришларни келтириб чиқаради.

M. levator palpebrae superior нинг фалажланиши натижасида кўз қовоғи ёпилиб қолади. Бунга птоз (ptosis) дейилади. Агарда бу мускул чала фалажланган бўлса, ярим птоз ҳосил бўлади (67-расм, а). Ёпилиб колган кўз қовоғи юқорига кў-



66-расм, в. Кўз олмасининг ҳаракатланиш схемаси.

1 — m. rectus superior; 2 — m. rectus medialis;
3 — m. rectus inferior; 4 — m. obliquus superior;
5 — m. rectus lateralis; 6 — m. obliquus inferior.



67-расм. Күз олмасини ҳаракатлантирувчи нерв патологияси.
а — птоз; б — ўнг томондаги ярим птоз; в — узоклашган страбизм; г — бемор юқорига қараганда
сөглем чап күз юқорига күтарилиб, касалланған күзининг ҳаракатсыз түриши.

тарилса, күз олмасининг 67-расм, б дагидек, нотұғри жойлашғанлигини күриш мүмкін бўлади. Ички тұғри мускул (III) фалажланғанлиги сабабли ташки тұғри мускул (VI жуфт нерв билан нервланади) күз олмасини тортиб кетади ва күз олмаси ташки томонга караб қолади. Бунга узоклашган страбизм — strabismus divergens дейилади.

Узоклашган страбизм юз берганда атрофдаги буюмлар иккитадан бўлиб кўрина бошлайди. Бу *диплопия* (diplopia) деб юритилади.

Ички, юқори, пастки тұғри мускулларнинг фалажланиши натижасида күз олмаси ички, юқори ва пастки томонларга ҳаракатлана олмай қолади (100-расм).

Кўз қорачиғини торайтирувчи мускул фалажланганда корачиғ кенгайиб кетади. Бунга *мидриаз* (*mydriasis*) дейилади.

Фалтак нерви (n. trochlearis). IV жуфт. Фалтак нервнинг ядроси (nucleus n. trochlearis) мия оёқчасининг пастки икки тепалиги (*colliculus inferior*) сатҳида, бош мия суюқлиги йўли атрофида жойлашган. Бу ядронинг хужайра аксонлари дорзолатерал равишда йўналиб, миянинг олдинги елкани (*velum medullare anterius*) га киради, у ердан эса, қарама-қарши томонга ўзаро батамом кесишади (*decussatio nervorum trochlearium*) ва мия оёқчасининг дорзал томонидан сиртга чиқади; сўнгра мия оёқчасининг икки ёнида букилиб вентрал томонга ўтади. Шундан кейин, III жуфт нерв сингари *sinus cavernosus* ташқи деворининг ёнбағри бўйлаб йўналиб, *fissura orbitalis superior* орқали кўз косасига киради.

Фалтак нерви кўзнинг фақатгина бир мускулини (m. obliquus superior) нервлайди. Бу мускул кўз олмасини пастга ва қисман ташқарига харакатлантиради. Фалтак нерви ёки унинг ядроси заарланганда қуйидаги ўзгаришлар юз беради. 1. Кўз олмасининг пастга ва бир оз ташқи томонга ҳаракатланиши қисман йўқолади (m. obliquus superior нинг фалажи). 2. Баъзи ҳаракатларда, масалан, пастга қаралганда буюмлар иккитадан бўлиб кўринади, яъни диплопия содир бўлади.

Узоклаштирувчи нерв (n. abducens). VI жуфт. Узоклаштирувчи нерв ядроси (nucleus n. abducenti) кўприкнинг орка томонида—ромбсимон чуқурчанинг тагида жойлашган (55-расмга қаралсин). Бу ядро хужайраларининг аксонлари олдинги томонга йўналиб, кўпrik билан узунчоқ миянинг пирамидаси чегарасида юзага чиқади. Узоклаштирувчи нерв *sinus cavernosus* деворининг ён бағри бўйлаб йўналиб, *fissura orbitalis superior* орқали кўз косасига киради ва фақатгина ташқи тўғри мускул (m. rectus lateralis) ни нервлайди. Бу мускул кўз олмасини ташқари томонга тортади.

Узоклаштирувчи нерв ёки унинг ядроси заарланганда қуйидаги ўзгаришлар юз беради:

1) ташқи тўғри мускул (VI) фалажланганлиги сабабли ички тўғри мускул (III) кўз олмасини ички томонга тортиб кетади;

фалажланган томонда кўз олмасининг ички томонга тортилиб қолишига яқинлашган *страбизм* (*strabismus convergens*) дейилади (68-расм);



68-расм. Яқинлашган страбизм.

2) фалажланган томонга қаралғанда буюмлар иккитадан бүлиб күринади;

3) күзни ташки томонга ҳаракатлантириш мүмкін бўлмай қолади.

Кўзни ҳаракатлантирувчи, ғалтак ва узоклаштирувчи нервлар баравар заараланганда кўз олмасининг ҳаракати бутунлай йўқолиб, мидриаз ва штоуз юз беради. Бунга офтальмоплегия дейилади. Кўзни ҳаракатга келтирувчи нервларнинг алоҳида фалажланишидан ташқари, кўз олмасининг ассоциациялашган ҳаракатлари ҳам бузилиши мүмкін.


Кўз олмаси ассоциациялашган (мураккаб) ҳаракатларининг ўзгаришлари. Иккинчи кўз олмаси ҳаракатсиз турган ҳолатда, бир кўз олмасининг ўзи мустақил ҳаракатланолмайди. Иккала кўз олмаси бир вактда, бир томонга ҳаракатланади. Бунинг учун муайян бир гурух мускуллар баравар қисқариши, иккинчи гурух мускуллар эса баравар бўшашиши керак. Масалан, ўнг томонга қаралғанда ўнг кўзниң ташки тўғри мускули (*m. rectus lateralis*) қисқариб (VI), ички тўғри мускули (*m. rectus medialis*) бўшашиши (III) ва чап кўзниң ички тўғри мускули (*m. rectus medialis*) қисқариб (III), *m. rectus lateralis* бўшашиши (VI) керак. Кўз олмасининг бундай мураккаб (ассоциациялашган) ҳаракатлари кўзни ҳаракатлантирувчи нервларнинг ядроларини бир-бири билан бирлаштирувчи система ёрдамида содир бўлади. Бу системага узунасига кетган медиал тутам — *fasciculus longitudinalis medialis (dorsalis)* дейилади (69-расм).

Узунасига кетган медиал тутам. Узунасига кетган медиал тутам фақат кўзни ҳаракатлантирувчи нервларнинг ядроларини бир-бири билан боғлаб қолмасдан, шу ядроларни марказий нерв системасининг бошқа қисмлари билан боғлайди.

Бу тутам мия оёқчасида жойлашган *nucleus commissurae posterius* (Даркшевич ядроси) билан вестибуляр ядродан бошланиб, церебрал суюқлик ўюли (*aquaeductus cerebelli*) ва ромбисимон чуқурчанинг таги орқали йўналади. Йўл-йўлакай III — IV — VI нерв ядроларига толалар беради. Сўнгра узунчоқ миядан ўтиб, орқа мия олдинги шохларida тугалланади. Бу система кўз олмасининг ҳаракатини бутун тананинг ҳаракати билан боғлаб туради.

Кўзни ҳаракатга келтирувчи нервларнинг ядроларида ўзаро алоқа бузилса, кўз олмасининг ассоциациялашган ҳаракатлари ўзгаради. Бундай беморлар ўнг, чап ёки юқори томонга қарай олмайдиган бўлиб қоладилар. Бунга қараш фала жи дейилади.

Узоклаштирувчи нерв ядроси яқинида патологик жараёнлар юз берса, заараланган томонга қараш мүмкін бўлмай қолади, яъни заараланган томонда қараш фалажи содир бўлади. Бу холга горизонтал қараш фала жи дейилади. Патологик жараён тўрт тепача (*cogrora quadrigemina*) атрофида бўл-



69-а с м. Узунасига кетган медиал тутам.

1 — узунасига кетган медиал тутам ядрои; 2 — узунасига кетган медиал тутам; 3 — вестибулир нерв; 4 — вестибулоспинал йўл.

са, юкори ёки пастки томонга қараш фалажи пайдо бўлади. Бунга вертикал қараш фалажи дейилади. Бундай беморлар юкори ёки паст томонга қарай олмайдилар.

Бош мия пўстлоғининг айрим зоналари шикастланганда ҳам қараш фалажлари рўй беради. Ўрта пешона пуштасининг орқа қисми заарарланган тақдирда пўстлок қараш фалажлари пайдо бўлади. Бунда қараш фалажи заарарланган томонда эмас, балки қарама-қарши томонда содир бўлади. Шунинг учун, патологик жараён мия пўстлоғининг пешона қисмида жойлашган бўлса, бундай беморларнинг кўз олмаси заарарланган томонга қараб туради. Кўз олмасини қарама-қарши томонга ҳаракатлантириш мумкин бўлмайди.

ҚҰЗНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ НЕРВЛАРНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

1. **Текширилувчи кишининг күз йириқлари катта ёки кичик эканлигига, птоз ёки ярим птоз бор-йұқлигига** эътибор бериш зарур.

2. **Страбизмни текшириш.** Агар страбизм борлиги маълум бўлса, унинг узоклашган ёки яқинлашган эканлигини билиш диагностик аҳамиятга эга, чунки узоклашган страбизм III жуфт нервнинг, яқинлашгаң страбизм эса VI жуфт нервнинг заарланғанлигини кўрсатади.

3. **Диплопияни текшириш.** Агар диплопия борлиги аниқланса унинг қўзни қайси томонга қаратганда пайдо бўлаётганлигини билиб олиш керак, чунки бу хол қайси нерв заарланғанлигини кўрсатиб беради. Диплопия факат фалажланган мускул томонга қаралганда юз беради.

4. **Нистагмни текшириш.** Агарда нистагм борлиги аниқланса, унинг қайси томонга қаралганда содир бўлаётганлигини билиш керак. Агар у ён томонларга қараганда пайдо бўлса — горизонтал, юқорига қаралганда пайдо бўлса — вертикал нистагм дейилади. Шунингдек, нистагмнинг майда ёки йириклигини ҳам аниқлаш зарур.

5. **Кўз олмасининг ҳаракатланиш ҳажмини текшириш.** Бунинг учун кўз олмасининг юқорига, паства, ички ва ташки томонларга ҳаракатланиши текширилади.

6. **Кўз қорачиғини текшириш.** Нормал ҳолатда кўз қорачиғининг шакли юмалоқ, четлари силлиқ ва текис бўлади. Қорачиқнинг катта-кичикилгига эътибор бериш керак. Унинг кенгайшига *мидриаз* (*mydriasis*), торайишига *миз* (*miosis*) дейилади. Бир томондаги қорачик кенгайиб, иккинчи томондагиси торайган бўлса, а низ окор ия дейилади. Қорачиқнинг кенгайиши *pergus osculomotorius* нинг заарланиши натижасида, торайиши эса — симпатик нервнинг заарланиши туфайли содир бўлади.

Қорачик рефлексларини текшириш. Кўзга ёруғлик тушганда қорачик кискаради, коронғуда эса кенгаяди, булар рефлектор ҳаракатлардир. Қорачик рефлекслари тўрт хил бўлади.

1. **Қорачиқнинг ёруғликка тўғри рефлекси.** Текшириш усули: текширувчи кафти билан беморнинг қўзини беркитади. Нормал ҳолатда беркитилган кўз қорачиғи кенгаяди, очилганда эса яна тораяди.

2. **Қорачиқнинг ёруғликка ҳамкор рефлекси.** Текшириш усули: текширувчи қўли билан беморнинг бир кўзини беркитганда иккинчи кўз қорачиғи кенгая бошлайди.

3. **Қорачиқнинг конвергенцияга жавоб рефлекси.** Текшириш усули: узокроқда турган буюмни кўзга аста-секин яқинлаштирилса, қорачик торая бошлайди.

4. **Қорачиқнинг аккомодацияга жавоб рефлекси.** Текшириш усули: текширилувчи кишидан жуда узокқа қарашиб талаб қилинади. Одатда, бунда қорачик кенгаяди. Шундан кейин кўзга яқин турган буюмга бирданнага қарашиб талаб қилинади. Шундай

қилингандың қорачик бирданиң торайиб, яна қайтадан кенгаяди.

Корачик рефлексларининг ўзгариши күрүв, күзни ҳаракатлантирувчи ва симпатик нервларнинг заараланганидан далолат беради. Бу ўзгаришларни текшириш билан бир қаторда нерв системаси захмида пайдо бўлувчи Аржиль-Робертсон симптомини аниқлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Неврозахмда кўпинча корачикнинг ёруғликка тўғри ва ҳамкор рефлекслари йўқолиб конвергенция ва аккомодацияга жавоб реакциялари сақланиб қолади. Бунга Аржиль-Робертсон симптоми дейилади.

ОРАЛИҚ МИЯ (DIENCEPHALON)

Оралиқ мия катта миядан ташки томонда ички капсула билан, устки томонда эса қадоксимон танача ва катта мия гумбази билан чегараланади. Оралиқ миянинг медиал қисми мия учинчи коринчасининг ён деворларидан ташкил топади.

Оралиқ мия қўйидаги қисмларга бўлинади: оралиқ миянинг устки қисми (*epithalamus*), ўрта қисми ёки кўрув дўнглиги (*thalamus opticum*), кўрув дўнглигининг пастки қисми (*regio subthalami*) ва оралиқ миянинг остки қисми (*hypothalamus*).

КЎРУВ ДЎНГЛИГИ


Оралиқ миянинг асосий қисми кўрув дўнглигидан иборат (70-расм). Кўрув дўнглиги III коринчанинг ён деворларини ташкил этади. Кўрув дўнглигига тери сезгиси ва мускул-бўғим сезгиси йўлларининг иккинчи невронлари тугалланади. Унинг хужайраларидан шу йўлларнинг учинчи неврон аксонлари бошланади. Кўрув дўнглиги бир қанча ядроларга бўлинади. Унинг орка қисмини кўрув дўнглигининг ёстиқчаси (*pulvinar thalami*) ташкил қиласи. Ёстиқчанинг ташки сатҳида, ташки тиззасимон тана (*corpus geniculatum laterale*) жойлашган бўлиб, у бошланғич кўрув маркази хисобланади. Ташки тиззасимон таначанинг медиал томонидаги ва ёстиқчанинг тагида ички тиззасимон тана (*corgrus geniculatum mediale*) ётади, бу тана бошланғич эшитув маркази хисобланади. Кўрув дўнглиги бир неча ядролар йиғиндисидан ташкил топган.

Энди кўрув нервининг тузилиши, функцияси ва текшириш усулларини кўриб чиқамиз.

Кўрув нерви — II жуфт (p. opticus). Тузилиши, функцияси, текширив усуллари, заарланиши.


Кўрув анализаторининг ўтказгич йўли тўртта неврон занжиридан иборат. I, II ва III неврон хужайралари кўз ретинаси — тўр пардасида жойлашган (71-расм,а).

Биринчи неврон хужайралари кўрув хужайралари ёки кўрув таёқчалари ва колбачалари деб юритилади. Таёқчалар асосан ретинанинг четларида, колбачалар эса унинг марказида бўлади. Ретинанинг марказидаги сарик доғда (*macula lutea*) кўплаб колбачалар бўлади, *macula lutea* нинг ўртасидаги марказий чу-



71 расм. Кўрув анализатори

а — кўрув анализаторининг ретинадаги хужайралари схемаси. I — таёқча ва колбасимон хужайралар; II — биполяр хужайралар; III — ганглиоз хужайралар. б — кўз олмаси ва кўрув анализаторининг ўтказгич йўллари. 1 — ташки (темпорал) кўрув майдони; 2 — ички (назал) кўрув майдони; 3 — кўз олмаси; 4 — кўзниң тўр пардаси (ретина); 5 — ретинанинг ички ярмидан келувчи аксонлар; 5а — кўрув нервининг хизамаси; 6 — ретинанинг ташки ярмидан келувчи аксонлар; 7 — кўрув йўллари; 8 — пўстлок ости кўрув марказлари; 9 — Вёрник майдони; 10 — radiatio optici; 11 — кўрув анализаторининг пўстлок кисми; 12 — одигни икки теплача; 13 — oculomotorius нинг парасимпатик ядросига келувчи толалар; 14 — мия обёқчаси; 15 — n. oculomotorius орасида ganglion ciliaris га борувчи толалар; 16 — ganglion ciliaris; 17 — цилиар нерв; 18 — корачик мускуллари.



курча (fovea centralis) да эса фақат колбачалар жойлашган

Ретинанинг сариқ доги буюмларни энг аниқ кўриш жойи хисобланади. Колбачалар қундузи кўрадиган ва рангни сезадиган хужайралардир, таёқчалар эса буюмларни коронфида кўришга ёрдам беради. Кўрув хужайраларининг протоплазматик ўсикчаларида кўрув пурпурин — родопсин жойлашган бўлиб ёруғлик таъсиротини нерв импульси I неврон аксони орқали II невронга, яъни биполяр хужайраларнинг дендритларига етказиб берилади. Сўнгра импульс II неврон аксонлари орқали III невронга; яъни ганглиоз хужайраларнинг дендритларига ўтказилади. Ганглиоз хужайра аксонлари йиғилиб, кўрув нервини хосил қиласди

Ретинадаги ганглиоз хужайраларнинг аксонлари кўз нервининг папилласида, яъни кўрув доги (papilla nervi optici) да уч гурух бўлиб йиғилади.

Ретинанинг ички ярмидаги ганглиоз хужайралардан йиғилувчи аксонларга назал гурух дейилади. Ретинанинг ташки ярмидаги ганглиоз хужайралардан йиғилувчи аксонлар тем-

п о р а л гурух деб аталади. Ретинанинг энг тиник кўрувчи бўлганинг сарик доғдан (*macula lutea*) келувчи аксонлар эса макулляр гурух деб юритилади.


Ана шу учала гурух невронлари папиллада йигилиб, кўрув нервни ҳосил қилади. Кўрув нерви *foramen opticum* орқали бош мия қутисининг ичига кириб, бош мия пешона бўлагининг асосида жойлашади. Кўрув нерви турк әгари (*seilla turcica*) тепасида чала кесишиб, кўрув нервнинг хиазмасини (*chiasma nervorum opticorum*) ҳосил қилади (71-расм, б). Иккала кўз ретинасининг ички назал ярмидан бошланувчи аксонларгина кесишади, ретинанинг ташки, темпорал ярмida бошланувчи аксонлар эса кесишмай ўтади. Макулляр қисм аксонларининг ҳам бир қисми кесишиб, қолганлари кесишмай ўтади. Хиазмадан (чала кесишиш натижасида) кетувчи нерв толалари йигиндишига — кўрув тракти (*tractus opticus*) дейилади (72-расм).

Шундай килиб, чап кўрув тракти иккала кўзнинг чап ярмida бошланувчи аксонлардаи, ўнг кўрув тракти эса иккала кўзнинг ўнг ярмидан бошланувчи аксонлардан ташкил топади. Кўрув трактлари мия оёқчасининг ташки томонидан айланиб ўтиб, яъни пўстлоқ ости кўрув маркази бўлмиш *corgpus geniculatum laterale* билан *pulvinar thalami* да III неврон тугалланади. Кўз корачигининг рефлектор ёйига тегишли аксонлари эса ҳар икки томондаги устки икки тепалик (*colliculus superior*) да тугалланади.

Устки икки тепаликда тугалланувчи аксонлар кўз корачиги рефлектор ёйининг афферент, яъни рецептор қисмидир. Устки тепалик невронлари қўзғалишини майда ҳужайралардан тузилган III жуфт нервнинг парасимпатик ядросига ўтказиб беради. Бу ҳужайра аксонлари кўзни ҳаракатлантирувчи нерв (*n. oculomotorius*) сафида йўналиб, цилиар тугунча (*ganglion ciliare*) да тугалланади. Цилиар тугунчанинг ҳужайра аксонлари қўзғалишларини кўз корачигини торайтирувчи мускулга (*m. sphincter pupillae*) етказиб беради. Шу тарика кўз корачигининг рефлекси ҳосил бўлади.

Пўстлоқ ости кўрув марказининг ядроси *nucleus corporis geniculati lateralis* билан *pulvinar thalami* да IV неврон ҳужайралари ётади. Уларнинг аксонлари ички капсуланинг орка томонидан ўтиб, кўрув йўли шуъласи — *radiatio optica* ни ҳосил қилади. Бу йўл ён қоринчалар орка шохининг ташки девори бўйлаб давом этиб, миянинг энса бўлагидаги *fissura calcarina* нинг чеккаларида ётубчи кўрув анализаторининг мия пўстлоғидаги кўрув зonasида тугалланади (112-расмга қаралсин). Бу соҳадаги пўстлоқ қават ўзига ҳос тузилишга эга бўлиб, у тарғил қисм — *area striata* деб юритилади.

Ўнг ярим шардаги пўстлоқ кўрув зonasи иккала кўз ретинасининг ўнг ярми билан, чап ярим шардаги пўстлоқ кўрув зonasи иккала кўз ретинасининг чап ярми билан боғлангандир. Пўстлоқ кўрув зоналарининг юқори қисми ретинанинг пастки ярми билан, унинг пастки қисми эса ретинанинг юқори ярми билан туташган (73-расм).



73-расм. Күрүв майдони ўнг ярми чап ярим шаридаги күрүв анализаторининг пўстлек соҳаси билан локализацион алоқаси.

Макулляр толалар эса fissura calcarea нинг ички қисмida тарқоқ ҳолда тугалланади. Пўстлоқдаги күрүв зоналаридан пўстлек ости күрүв марказларига томон марказдан қочувчи нерв аксонлари йўналади, бу аксонлар асосан қорачик рефлексини бошқариб туради (конвергенция, аккомодация ва бошқа рефлекслар).

Кўрув нервини текшириш усули. Кўрув нервининг функцияси куйидагича текширилади:

- 1) кўрув ўткирлигини текшириш (visus);
- 2) кўрув майдонини аниқлаш;
- 3) ранг ажратишни текшириш;
- 4) кўз олмасининг тубини текшириш.

Кўрув ўткирлигини текшириш. Кўрув ўткирлиги 74-расмдаги жадвал ёрдамида текширилади. Бир-биридан бир минутлик оралиқда турувчи икки нуктани аниқ ва айрим-айрим кўра олишга нормал кўрув ўткирлиги дейилади. Нормал кўрув ўткирлиги 1,0 га teng. Агар текширилувчи киши мана шу кичрайтирилган жадвалнинг энг пастки қаторидаги ҳарфларни бметр масофадан туриб ўқиса, кўрув ўткирлиги 1,0 га teng бўлади. Агар у жадвалнинг факат энг юкоридаги ҳарфларинигина ўқий олса, кўрув ўткирлиги 10 баравар пасайган, яъни 0,1 га teng бўлади. Текшириш вақтида жадвал ёруғлик манбаига қаратиб қўйилади. Кўрув ўткирлигининг пасайиши **амблиопия**, кўзнинг бутунлай кўрмай колиши **амавроз** дейилади.

Кўрув майдонини текшириш. Кўрув майдони периметр ёрдамида текширилади. Бунинг учун периметрни ёруғлик манбаига қаратиб қўйилади. Текширилувчи киши 75-расмда кўрсатилганидек, периметрнинг ўртасидаги оқ нуктага қараб туради. Текширувчи чўп учига бириттирилган иккинчи оқ нуктани периметр ёйининг ташқи томонидан марказига қараб сурлаётган оқ нукта кўрина бошлайди. Шу тариқа кўрув майдонининг

Ш Б

V = 0,1

М Ж Ю

V = 0,2

Ш М Б Ы

V = 0,3

М Ж Н К Ю

V = 0,4

И К Ш М Ж

V = 0,5

И Ю Ы Н К Б

V = 0,6

Ш И Н Б К Ж

V = 0,7

И К Ш М Ы Б К

V = 0,8

К Н Ш Ю И Б М

V = 0,9


И Ш Н К Б Ы Н И

V = 1,0

74-расм. Кўрув ўткирлигини текшириш жадвали.

бир томондаги чети аниқланади. Бу майдоннинг бошқа чегаралари ҳам ҳудди шу тартибда аниқланади. Кўрув майдони асосан тўрт томонда — ички, ташки, юқори ва пастки томонларда текширилади. Нормал ҳолатда кўрув майдонининг юқори чегараси 60° га, ички чегараси 60° га, пастки чегараси 70° га ва ташки чегараси 90° га тенг. Кўрув анализатори йўлларининг зарарланиши кўрув майдонининг кисқаришига олиб келади. Кўрув майдонининг ҳамма томонлардан кисқаришига кўрув майдонининг *концентрик торайши* дейилади. Кўрув майдонининг ичидаги кўриш қобилияти оролча тарзида йўқолса, бунга *скатома* дейилади.

Ранг ажратишни текшириш. Ранг ажратиш Рабкиннинг полихроматик жадвали ёрдамида текширилади. Бу жадвалда ҳар хил ранглар фонига бир хил рангли шакл ва ракамларнинг тасвири туширилган. Рангни ажратиш ўзгармаган бўлса, бу



75-расм. Кўрув майдонини периметр ёрдамида текшириш.

шакл ва рақамлар жуда осонгина ўқилади. Ранг ажратиш сезгиси ўзгарган бўлса, бемор бир хил рангдаги шаклларни аниқ кўра олмайди.

Рангларни ажратада олмасликка ахромотопсия дейилади. Ранг ажратада олмаслик ҳоллари баъзан туғма бўлиши ҳам мумкин.

Кўз олмасининг тубини текшириш. Кўз олмасининг тубини текшириш катта аҳамиятга эга. Марказий нерв системасининг ҳар хил касалликларида кўз олмасининг тубида ана шу касалликларга хос ўзгаришлар юз беради.

Нормада кўз олмасининг туби қизил рангга эга. Кўз олмаси тубининг медиал қисмида кўз нервининг папилласи жойлашган, унинг кўриниши пушти ранг ва юмалоқ шаклда бўлиб, бир оз бўртиб туради. Папилланинг ўртасидан ретинанинг марказий артерияси чиқади, унинг ёнида ретинанинг марказий венаси жойлашган. Артерия венага нисбатан ингичкароқ ва қизилрок бўлади, венага қараганда камроқ шоҳобчалар беради.

Папилладан сариқ доғга томон артерия ва вена йўналган бўлади. Сариқ доғ кўндаланг жойлашган овал шаклда бўлиб, папилланинг ташқи томонида ётади (76-расм, а).

КЎРУВ НЕРВИНИНГ ЗАРАРЛАНИШИ, КЎЗ ОЛМАСИ ТУБИНИНГ ПАТОЛОГИЯСИ

Кўз папилласининг бирламчи оқ атрофияси. Бунда кўз нервининг папилласи оқ рангга эга бўлиб, чегаралари якколашади, бўртиб турмайди, яссиланади, атрофи иккита ҳалقا: ички томондан ялтироқ, ташқи томондан корамтири ҳалқалар билан ўралган бўлади.

Вена калибри ўзгартмайди, артериялар эса бир оз торайган

бўлади. Айрим вактларда бу касалликда кўз папилласининг кул ранг атрофияси ҳам рўй беради. Бунда яссиланган кўз нерви папилласи кул ранг кўринишда бўлади (76-расм, б, в). Бу ҳол сифилитик табесда (*tabes lueticæ*) рўй беради.

Кўз нервининг неврити. Кўз нервининг невритида папиллада шу даражада гиперемия рўй берадики, папилла рангини кўз олмаси туви тўр қаватидан ажратиб бўлмайди. Папилланинг чегараси кўринмайди. У икки баравар катталашиб кетади, ретинадан бўртиб чиқмайди. Кўз олмаси тубидаги вена қон томири кенгайиб, бурмалар ҳосил қиласди.

Артериал қон томирлар эса ўзгармайди (76-расм, г). Баъзан қон қуилиши ҳоллари юз беради. Невритдан кейин кўпинча кўз нервининг иккиласми атрофияси рўй беради. Кўз нервининг неврити бош миянинг яллиғланиши натижасида келиб чиқкан касалликлар вақтида учрайди.


Кўз папилласининг шишуви. Бунда папилла катталашиб (шишиб) ретина сатхидан кўтарилиб турари ва унинг чегаралари аник билинмайди. Папилланинг тиниклиги йўқолиб, кул ранг қизғиши тусга киради. Унин веналари кенгайиб, йўл-йўлакай илон изисимон бурмалар ҳосил қиласди. Артериялар эса тораяди, баъзи жойларда улар шишиган папилланинг ичидаги колиб, кўринмай кетади. Папиллада майда-майда қон қуилган жойларни кўриш мумкин. (76-расм, д). Папилла шишидан сўнг кўпинча иккиласми папилла атрофияси пайдо бўлади. (76-расм, е). Бунда папилла аввалига кул рангсиз тусда бўлиб, кейинчалик рангсизланади. Папилла кичрайиб, чегаралари аниқлашади ва унинг қон томирлари тораяди. Папилла атрофиялана бошлиши билан одамнинг кўрув ўткирлиги ҳам пасая бошлади.

Папилла шиши асосан бош мия ўсмасида ва бошқа ўсуви жараёнлар юз берганда пайдо бўлади.

Кўрув нерви ва кўрув йўлларининг заараланиши натижасида пайдо бўладиган ўзгаришлар. Кўз ретинаси ёки кўрув нерви бир томонлама заараланса, шу томондаги кўз кўрмайди; бу амблиопия ёки амавроз дейилади. Агар патологик жараён хиазмани, кўрув йўлини ва пўстлок ости кўрув марказларини заарласа, гемианопсиялар пайдо бўлади. Кўрув майдонининг ташки ёки ички ярмида кўриш йўқолади. Гемианопсиялар икки хил бўлади: гомоним гемианопсия ва гетероним гемианопсия.

Гемианопсия ҳар икки кўзнинг чап ёки ўнг ярмида содир бўлса — гомоним гемианопсия, ҳар икки кўзнинг ташки темпорал ёки ички назал ярмида содир бўлса — гетероним гемианопсия дейилади (77-расм).


Кўрув нерви хиазмасининг ўрта қисми шикастланса (78-расм, в), ҳар икки кўз ретинасининг ички ярмидан келувчи аксонлар заарланади. Ёруғлик нурларининг гавҳарда синиши сабабли ҳар икки томондаги кўрув майдонининг ташки ярмида кўриш йўқолади, яъни бitemporal гемианопсия содир бўлади. Бу ҳол гипофиз ўсмасида кўпроқ учрайди. Хиазманинг ҳар



77-расм. Гемианопсияларнинг турлари.

78-расм. Кўрув анализаторининг ҳар хил кисмлари шикастланганда кўрув майдонининг ўзгариши; Т — ташки (темпорал) кўрув майдони; Н — ички (назал) кўрув майдони.

79-расм. Биназал гемианопсия.



икки четидаги ён томонлари жароҳатланса, 79-расмдаги сингари биназал гемианопсия юз беради. Агар хиазманинг четки ёни бир томонлама зааррланса, шу томонда 78-расм, С даги каби назал гемианопсия рўй беради. Бу ҳолат а. carotis interna нинг аневризмасида пайдо бўлиши мумкин.

Кўрув тракти ва пўстлоқ ости кўрув маркази бир томонлама зааррланса, гемианопсия қарама-қарши томонда юз беради. Кўрув тракти ўнг томонда шикастланган бўлса, чап томонлама гемианопсия, чап томонда шикастланган бўлса, 78-расм, да кўрсатилгандек ўнг томонлама гемианопсия содир бўлади.

Патологик жараён *radiatio optica* ни ва мия пўстлоғидаги кўрув соҳасини бир томонлама заарлаган тақдирда ҳам гемианопсия қарама-қарши томонда вужудга келади. Лекин пўстлок гемианопсияси кўрув йўли гемианопсиясига ўхшаш тўлик бўлмайди, чунки макуляр кўрув соҳаси сакланиб қолади (78-расм, G), шунинг учун иккала кўзниг марказида кўриш фаолияти йўқолмайди.

Пўстлок кўрув соҳаси ва *radiatio optica* нинг заарланишига гемианопсиядан ҳам кўра квадрант анопсия кўпроқ хосдир. Пўстлок кўрув соҳасининг пастки ярми ёки *radiatio optica* нинг ташкия ярми заарланганда, қарама-қарши томонда юқори квадрант анопсия, пўстлок кўрув соҳасининг юқори ярми заарланганда эса қарама-қарши томонда пастки квадрант анопсия юз беради (78-расм, EF).

ГИПОТАЛАМИК СОҲА ВА ВЕГЕТАТИВ НЕРВ СИСТЕМАСИ

Вегетатив нерв системасининг марказий қисмига бош мия пўстлоғи, гипоталамик соҳа, ўрта ва узунчок мияда жойлашган вегетатив ҳужайралар тўплами ва вегетатив ядролари, орка мия C_{8-12} сегментларининг ён шохларида жойлашган симпатик нерв ҳужайралари ҳамда орка миянинг S_3-S_5 сегментларидаги жойлашган вегетатив ҳужайра тўпламлари киради.

Бош мия ярим шарлари пўстлоғининг ҳамма жойларида ҳам вегетатив нерв ҳужайралари учрайди, аммо бош мия пўстлоғининг пешона қисмида (*lobus frontalis*), тепа қисмида (*lobus parietalis*) ва айниқса чегарасимон қисмида (*lobus limbicus*) вегетатив нерв ҳужайраларининг кўпроқ учраши аникланган.

Лимбик система. Вегетатив нерв системасининг бош миядаги бошқарувчи маркази — лимбик системадир. Лимбик системага мия пўстлоғининг айрим қисмлари ва пўстлок остидаги тугунчалар киради.

Лимбик системанинг анатомик чегаралари хозирги вақтда тўла аникланмаган бўлса-да, уларда қуйидаги тузилмалар — хидлов йўллари, камарсимон пушта, гипокамп, тишсимон пушта иштирок этиши аникланган.

Лимбик системанинг пўстлок ости тузилмаларига — думсимон ядро (*p. caudatus*), пўстлок (*putamen*), бодомсимон танача, таламуснинг олдинги қисми, гипоталамус ва бошқалар киради.

Лимбик система тўрсимон формация (*f. reticulais*) ва унинг юкорига ва пастга йўналувчи йўллари билан чамбарчас боғланган.


Лимбик система ҳам симпатик, ҳам парасимпатик нерв системасини бошқариб туради. Энг кучли вегетатив таъсирот лимбик системанинг олдинги қисмлари, яъни миянинг орбитал пўстлок қисми, бодомсимон танача ва камарсимон пушта таъсирланганда рўй беради. Бунда сўлак окиши кўпаяди, ичак перистальтикаси ошади, сийиш тезлашади. Бодомсимон танача заарланса, ҳамма ички безлар атрофияга учрайди. Шундай

қилиб, автоном ёки вегетатив-висцерал нерв системаси барча орган ва тўқималарни, қон томирларни, ички секреция безларини нервлайди ва улар ишининг маълум бир тартибда боришини бошқариб туради. Демак, у бутун организмдаги ички жараёнларнинг бир маромда кечишини таъминлайди.

Автоном ёки вегетатив-висцерал нерв системаси барча орган ва тўқималарни, қон томирларни, ички секреция безларини нервлайди ва улар ишининг маълум бир тартибда боришини бошқариб туради. Демак, у бутун организмдаги ички жараёнларнинг нормал боришини таъминлайди.

ГИПОТАЛАМИК СОҲА. ТУЗИЛИШИ, ФУНКЦИЯСИ ВА ЗАРАРЛАНИШИ

Оралиқ миянинг бош мия асосидан кўриниб турувчи вентрал қисми гипоталамик соҳага киради (80 ва 81-расмлар). Унинг орка қисмини сўрғичсимон танаачалар (согрога mamillaria) ташкил этади. Бу танаачаларнинг олдинги қисмида кул ранг тепача (tuber cinereum) жойлашган бўлиб, пастки томонда у воронкага (infundibulum) ўтади. Инфундибулум эса гипофиз бези билан туташгандир. Бу без турк эгари (sella turcica)-нинг ичидаги ётади. Гипофиз асосий ички секреция безларидан биридир. Кул ранг тепачанинг олдидаги кўрув нервларининг кесишган ери (chiasma nervorum opticorum) жойлашган.



80-расм. Бош миянинг пастки юзаси (гипоталамик соҳа).
1 — fissura longitudinalis; 2—14 — sulci et gyri orbitales; 3 — gyrus rectus;
4 — кўрув хиазмаси; 5 — кўрув йўли; 6 — corpus mamillaris; 7 — nervus oculomotorius; 8 — sulcus basilaris; 9 — кўпrik; 10 — substantia perforata posterior; 11 — tuber cinereum; 12 — substantia perforata anterior; 13 — хидлов учбуручаги; 15 — хидлов йўли.

Гипоталамик соҳа марказий нерв системасининг ҳамма қисмлари билан боғланган бўлиб, оралиқ миянинг жуда катта ааҳамиятга эга бўлган висцерал маркази хисобланади.

Бош миянинг гипоталамик соҳаси ҳаммаси бўлиб 26 грамм оғирликка эга. У 22 та ядро группаларидан ташкил топган.

Гипоталамусни 5 та соҳачага бўлиш мумкин:

1. Уч ядро йигиндисидан иборат бўлган преоптик соҳа.
2. Тўрт ядро йигиндисидан иборат бўлган олдинги ядро соҳаси.
3. Икки ядро йигиндисидан иборат бўлган ўрта ядро соҳаси.
4. Икки ядро йигиндисидан иборат бўлган ташки ядро соҳаси.
5. Олти ядро йигиндисидан иборат бўлган орқа ядро соҳаси.

Хар бир ядро гуруҳи ўзига хос функцияни бажаради.

Гипоталамуснинг функцияси. Гипоталамуснинг функциясини ўрганишни 1918 йилда Карплус бошлаб берди. У маймун бош миясининг учинчи коринчаси деворини таъсирлаш натижасида унинг қон босими ошиб кетгани ва кўз корачиги кенгайганлигини кузатди. Ҳозирги замон физиологлари ва клиницистларининг кузатувлари шуни кўрсатадики, организмнинг ички муҳитда содир бўладиган ҳамма функциялари гипоталамусда жойлашган ядролар орқали бошқарилиб туради. Бунинг ёрдамида организм ички муҳитнинг турғунлиги (гомеостазия), яъни тана ҳароратининг доимо бир хил $36,7^{\circ}$ да туриши, артериал қон босимининг 120/80 атрофида бўлиши; қон таркибидаги қанд микдорининг 100—120 мг% дан ошмаслиги, холестерин, лецитин, Са, К ва бошка кўрсаткичларнинг маълум чегарада туриши ва бошка жараёнларнинг нормал борици таъминланади.

Гипоталамик соҳанинг ҳар бир ядро гуруҳи муайян функцияларнинг нормал боришини таъминлайди. Масалан, олдинги ядро группаси организмда пайдо бўладиган иссикликни атрофга тарқатишни бошқариш, қон томирлар деворининг кенгайиши ва торайиши, меъда-ичак перистальтикасини бошқариш ва нафас олишнинг нормал боришини таъминлаш каби функцияларга таъсир этади.

Ўрта ядролар гуруҳи моддалар алмашинувининг (асосан қанд ва ёғ алмашинувининг), эндокрин ва трофиқ функцияларнинг нормал боришини таъминлайди. Бу ядро жароҳатланганда ўзига хос (адипоз-генитал) семириш ва жинсий аъзолар инфантлизми (тараккий этмаслиги) рўй беради. Бу ядрони ҳар хил усууллар билан таъсирлаш эса ошқозон ва ичакларда трофиқ ўзгаришлар, қон қуилишлар пайдо бўлишига олиб келади.

Перивентрикуляр ядро қанд алмашинувини бошқаради.

Орқа ядро гуруҳи организмда иссиклик ишлаб чиқаришни, ухлाश ва уйғоқлик жараёнларини, ҳаяжонланиш, хотира функцияларини бошқариб туради. Бу ядро жароҳатланганда иссиклик ишлаб чиқариш камаяди, тана ҳарорати пасайиб кетади. Бундан ташқари, беморни доимо мудроқ босади ёки у чукур уйқуга кетади. Бу ядро таъсирланганда эса ҳаяжон фаолияти кучайиб хотиранинг яхшиланиши кузатилади.

Гипоталамус гипофиз функциясига таъсир этиши туфайли

ҳамда ўзининг айрим ядроларида ишлаб чиқариладиган гормонлар воситасида организмда борадиган барча жараёнларни бошқариб туради. Гипоталамус гипофиз функциясига таъсири этиш орқали организмдаги ҳамма ички безларнинг функциясини ҳам бошқаради.

Ҳар хил патологик жараёнлар — яллиғланиш, ўсма пайдо бўлиши, шикастланиш кабилар таъсирида гипоталамуснинг заарланишига гипоталамик синдром дейилади.

ГИПОТАЛАМИК СИНДРОМЛАР

Гипоталамик синдром хроник касаллик бўлиб, асосан пароксизмал (хуруж) кўринишида учрайди ва организмда ички мухит тургунлиги (гомеостазия) нинг бузилиши натижасида оғир вегетатив-қон томир «бўронлари» пайдо бўлиши билан ифодаланади.

Гипоталамик синдром қўйидаги кўринишда рўй беради:

1. Вегетатив қон-томир тури.
2. Нейроэндокрин тури.
3. Нейромускул тури.
4. Нейротрофик тури.
5. Диэнцефал эпилепсия тури.

Гипоталамик синдромнинг вегетатив-қон томир тури — хуруж қилганда юрак бирдан қаттиқ ура бошлайди ва айни вақтда қон босими ошиб ёки пасайиб кетади, нафас олиш ритми ўзгаради. Хуруж вақтида юз териси қизариб ёки оқариб кетади, бемор безгакдаги каби совқотиб титрайди, сўнг кўн терлай бошлайди. Бош оғриғи айрим вақтларда кўнгил айниш ва қусиш билан кечади. Хуруж тутганда ёки унинг тугаши олдидан кўп микдорда сийдик ажралади.

Гипоталамик синдромнинг вегетатив-қон томир тури гарчи кўп ва хилма-хил симптомлардан ташкил топган бўлса ҳам, лекин ҳар бир bemорда ўзига хос доимий симптомлар мавжуд бўлади. Бундан ташқари, гипоталамик синдромнинг вегетатив-қон томир турида бошқа хил касалликларга хос синдромлар ҳам вужудга келади, бунга соҳта синдромлар дейилади. Соҳта синдромлар юрак, ошқозон, ичак, ўт пуфаги, буйрак, ички секреция безлари сингари органлар заарлангандаги каби белгилардан иборат бўлади. Хуруж вақтида bemорлар кўпинча юракларидан шикоят киладилар. Юрак атрофида қаттиқ санчик ёки сиқилиш пайдо бўлиб, ўлим талвасаси каби хиссиёт вужудга келади. Баъзи bemорлар бундай пайтда ҳатто атрофдагилар билан рози-ризолик тилай бошлайдилар. Гипоталамик синдромнинг бундай (юрак) тури соҳта миокард инфаркти дейилади. Бунда юрак уриши тезлашиб, унинг атрофида қаттиқ оғриқ пайдо бўлиши туфайли тажрибасиз врачлар баъзан миокард инфаркти деб нотўри диагноз кўйишади.

Хуруж вақтида қориннинг турли қисмларида бирдан пайдо бўлувчи кучли спастик оғриклар туфайли аппендицит, ўт пуфаги-

нинг тош касаллиги, бўйрак-тош касалликларининг сохта синдромлари ҳам рўй бериб туради; айрим тажрибаси кам хиурглар бундай касалларни хуруж вактида операция қилиб қўйишлари мумкин. Хуруждан ҳоли вактларда ҳам бемор умуман дармонсиз, боши айланадиган, кўзи тинадиган, ёмон ухлайдиган, таъсирчан ва йиғлоқи бўлиб қолиши мумкин. Бундай bemорларда хуруждан ташкари вактда ҳам арзимаган сабабларга кўра юрак тез уриб кетадиган бўлиб қолади. Бундай bemорларга кўпинча невроз, неврастения, вегетатив-қон томир дистонияси, пароксизмал тахикардия деб диагноз қўйишади.

Гипоталамик синдромнинг диэнцефал эпилепсия тури. Юқорида кўрсатиб ўтилган хуружлар пайтида bemор баъзан ҳушдан кетади ва қўл-оёқларида тоник тортишишлар рўй беради. Бунга мазкур синдромнинг диэнцефал эпилепсия тури дейилади. Диэнцефал эпилепсия кўпроқ аёлларда учрайди.

Гипоталамик синдромнинг нейроэндокрин тури. Гипоталамик синдромнинг нейроэндокрин турида кўпинча ошиқча семириб кетиш ёки озиб кетиш, иштаҳанинг зўрайиб ёки камайиб кетиши, доимий чанқоқлик, хайз циклининг ўзгариши ва жинсий аъзоларда бошқа хил ўзгаришлар рўй беради.

Гипоталамик синдромнинг нейроэндокрин тури болалар ва катталарда ўзига хос симптомларнинг пайдо бўлиши билан ифодаланади.

Болалар ва ўсмирларда моддалар алмашинуви бузилганлиги сабабли гавданинг маълум қисмларида ёғ тўплана бошлайди. Ёғ қатламлари қорин деворларининг пастки қисмида, кўкрак қисмида, елкада, сон ва думбада кўпроқ тўпланади. Ўғил болалар худди аёлларга ўхшаб семиради. Жинсий аъзоларнинг ривожланиши тўхтайди ёки нормал ривожланган бўлса, кичрайиб қолади, шунингдек moyak ҳам кичрайиб қолади. Ўсмирларда жинсий аъзо атрофида ва қўлтиқ тагида жуп ўсиб чиқмайди. Бу адипозогенитал синдром дейилади. Кизларда хайз ўз вактида бошланмайди, кўкрак безлари ривожланмайди. Ташки жинсий аъзолари кичрайган ҳолатда қолади.

Катталарда гипоталамик синдромнинг нейроэндокрин тури, турили ички секреция безларининг сохта синдромлари билан ифодаланади; сохта тиреотоксикоз синдроми, сохта феохромацитома (буйрак усти безининг ўсмаси) каби касалликлар пайдо бўлади. Бундан ташкари, доимий қорин очлиги (булимия) ёки иштаҳанинг бутунлай пасайиб кетиши ҳам рўй бериши мумкин.

Гипоталамик синдромнинг нейротрофик тури. Нейротрофик тур умумий ёки айрим соҳаларда пайдо бўладиган терининг шиши (Квинке шиши), соч тўкилиши ёки бошнинг айрим жойларида сочнинг бутунлай тушиб кетиши, терининг маълум қисмлари оқарид қолиши (лейкодермия), трофик яралар ва ҳар хил дерматозлар пайдо бўлиши билан ифодаланади. Гипоталамик синдромнинг нейротрофик тур ўз башқа турлар билан аралаш ҳолда ўтиши ҳам мумкин.

Гипоталамик синдромнинг нейромускул

тури. Гиъоталамус заарлангданда дармонсизлик холлари учрайди, байзан бемор бутуналай кимиirlаёлмай колади. Бунда сохта катаплексия, сохта пароксизмал фалаж, сохта миастения, сохта миотония синдромлари пайдо бўлиши мумкин. Бу ўзгаришлар ҳаракат марказининг заарлангани учун эмас, мускуллар функциясининг гипоталамус оркали бошқарилиши бузилиши натижасида содир бўлади.

Вегетатив нерв системасининг периферик қисми. Периферияда ҳосил бўладиган симпатик нерв тугунчалари, чигаллари симпатик ва парасимпатик нерв толалари вегетатив нерв системасининг периферик қисмини ташкил қиласди.

Вегетатив нерв системаси ўзининг филогенетик, морфологик, фармакологик хусусиятлари ва бажарадиган вазифасига кўра симпатик ва парасимпатик қисмларга бўлинади.

Симпатик нерв системаси. Тузилиши, функцияси. Симпатик нерв системаси орка миянинг 8-бўйин сегмента (S_8) билан 2-бел (L_2) сегменти оралигига учрайдиган орка мия ён шохларида тўп-тўп бўлиб жойлашган симпатик нерв хужайраларининг толаларидан ҳамда умуртқа погонасининг ички икки ён томонида жойлашган бир жуфт симпатик тугунча занжиригининг (*truncus sympatheticus*) симпатик толаларидан ташкил топгандир (82-расм).

Орка миянинг ён шохларида жойлашган хужайраларнинг нерв толалари орка миянинг олдинги шохларидан чикувчи ҳаракат нерв толалари билан қўшилишиб орка миядан чиқиб кетади.


Симпатик нерв толалари орка миядан чиққач, ҳаракат нерв толаларидан ажралади ва оқ тусли кўшувчи ёки преганглионар толалар (*rami communicantes albi*) номини олиб, симпатик нерв тугунчалари занжирига киради (83-расм).

Орка миянинг тахминан S_8 — D_3 сегментларидан бошланувчи преганглионар симпатик нерв толалари юз ва бўйиннинг, D_4 — D_7 сегментларидан бошланувчи толалар эса иккала қўлнинг, D_8 — D_{10} сегментлардан бошланувчи толалар — тананинг, D_{10-12} ва L_{1-2} сегментларидан бошланувчи толалар эса оёқларнинг вазомотор, секретор ва трофик нервланишини таъминлайди.


Симпатик нерв тугунчалари занжири ёки чегара симпатик устуни (*truncus sympatheticus*) симпатик толалар оркали ўзаро бирлашиб турувчи 20—25 дона симпатик тугунлардан иборат. Чегара симпатик устуни бўйин, кўкрак ва думгаза қисмларига бўлинади. Унинг бўйин қисми 3 дона, кўкрак қисми 10—11 дона, бел қисми 3—4 дона ва думгаза қисми 3—6 дона симпатик тугунлардан ташкил топган.

Преганглионар нерв толаларининг бир қисми чегара симпатик устуни тугунларидан туталланади, колган қисми эса мазкур устунини тугунларидан ўтиб, превертербал тугунларда (*ganglion semilunare, ganglion mesentericum plexus solaris*) ёки интрамурал чигалларда (масалан, Мейснер ва Ауэрбах нерв чигалларida) ва бошқа жойларда тамомланади.

Паравертербал симпатик тугун билан интрамурал чигалларга



82-р а с м. Симпатик нерв системасининг схемаси. Орка мия ичидаги нукталар ва ён шох хужайралари, чегара симпатик устуни (кора рангда) ва ундан чикувчи симпатик нервлар.



83-расм. Симпатик нерв системасининг схемаси. Чегара симпатик устуни (преганглионар толалар кора чизик билан, постгангилонар толалар пункттир чизик билан белгиланган).

1 — ganglion cervicale superior; 2 — ganglion cervicale medius; 3 — ganglion cervicale inferior;
4 — ganglion stellatum; 5 — plexus solaris; 6 — ganglion mesentericum.

84-расм. Парасимпатик нерв системасининг схемаси (преганглионар толалар кора чизик билан, постгангилонар толалар пункттир чизик билан белгиланган).

1 — ganglion ciliare; 2 — ganglion pterygopalatinum; 3 — ganglion oticum; 4 — ganglion submandibularis; 5 — plexus hypogastricus.

парасимпатик нерв толалари (асосан сайёр нерв толалари) келиб кўшилади.

Чегара симпатик устуни тугунчаларидан — nervus splanchnicus major ва nervus splanchnicus minor бошланади ва бу толалар корин бўшлиғида жойлашган органларга бориб тугалланади.

N. splanchnicus major кўкракнинг D₄—D₉ тугунларидан ажралувчи, n. splanchnicus minor эса кўкракнинг D₁₀—D₁₂ тугунларидан ажралувчи постгангилонар толалардан ташкил топган.

Чегара симпатик устунидан кул ранг кўшувчи толалар (rami communicantes grisei) ҳам ажралиб чиқади ва улар орка мия нервлари билан биргаликда терига, мускулларга, ички органларга ва қон томирларга етиб боради (84-расм).

Симпатик нерв системасининг функцияси. Симпатик нерв система тери ва барча ички органларнинг қон томирларини торайтирувчи, кўз қорачишини кенгайтирувчи сил-

лик мускулларни, терининг соч мускулларини, тер безларини нервлайди. Юрак фаолиятини тезлаштиради, меъда-ичак фаолиятини тормозлайди, бронхларни кенгайтиради.

Парасимпатик нерв системаси. Тузилиши, функцияси. Парасимпатик нерв системаси кранио-бульбар ва сакрал қисмлардан иборат. Кранио-бульбар қисмига қуидаги ядролар киради:

1. III жуфт краинал нерв (*p. oculomotorius*) висцерал ядроси (III жуфт краинал нервга қаралсин). Бу ядронинг парасимпатик толалари кўз қорачигини торайтиришда ва қорачиқнинг аккомодацион реакциясида иштирок этади.

2. VII жуфт краинал нерв (*p. facialis*) ядросининг атрофида жойлашган, кўз ёши безини нервловчи вегетатив ядро.

Парасимпатик нерв толалари оралиқ нерв (*p. intermedius*) таркибида жағ ости ва тил ости сўлак безига боради.

3. Қулок олди сўлак безини нервловчи IX краинал нервнинг ядроси (*gang. nervi glossopharyngei*) системасига кирувчи ядролар (*nucleus salivatorius superior et inferior*).


4. Юракни, бронхларни, меъда-ичак системасини, овқат ҳазм қилиш безларини ва бошқа ички органларни нервловчи сайёр нерв (*p. vagus*)-нинг висцерал ёки дорзал ядроси. Сайёр нерв парасимпатик нерв системасининг энг йирик ва энг мураккаб қисмини ташкил этади.

Парасимпатик нерв системасининг сақрал қисмига орқа мия думгаза қисмининг S_2-3 сегментларидан бошланувчи чанок нерви (*p. pelvicus*) киради. У жинсий аъзоларни, сийдик пуфагини ва тўғри ичакни парасимпатик толалар билан таъминлайди.

Парасимпатик нерв системасининг қон томирларини кенгайтирувчи толалари орқа миянинг орткি шохларидан ҳам чикса керак деб тахмин қилинади (84—85-расмлар).

Парасимпатик нерв системасининг функцияси. Парасимпатик нерв системаси қон томирларини кенгайтиришда, қорачиқни торайтиришда, юрак фаолиятини секинлаштиришда, меъда ва ичак перистальтикасини, жигар, меъда ва ичак безларининг функциясини кучайтиришда, бронхларни торайтиришда, сийдик пуфагини ва йўғон ичакни бўшатиша иштирок этади.

Симпатик ва парасимпатик нерв толалари периферияда вегетатив висцерал нерв чигалларини ҳосил қилиб, бир-бири билан аралашган ҳолда учрайди ва улар, юкорида айтилганидек, вегетатив-висцерал нерв системасининг периферик қисмини ташкил этади. Нормал шароитда симпатик ва парасимпатик нерв системаларининг фаолияти ўзаро маълум бир мувозанатда сақланади ва ички органларнинг ишини ҳамда ички жараёнларнинг нормал боришини таъминлайди. Вегетатив нерв системаси нормал фаолиятининг якка ҳолда бузилиши камдан-кам учрайди. Аксари ҳолларда анимал (соматик) нерв системасининг марказий ёки периферик қисмларида рўй берадиган патологик ҳодисалар вегетатив нерв системаси фаолиятининг ҳам бузилишига олиб келади.



85-р а с м. Ички органларнинг вегетатив нервланиши. Ички органларнинг симпатик (кора чизик) ва парасимпатик (пунктир чизик) нервланиши.

1 — кўз корачиги; 2 — кўз ёши бези; 3 — бурун бўшлигининг шиллик пардаси безлари ва кон томирлари; 4 — жаг ости сўлак бози; 5 — кулок олди сўлак бози; 6 — юрак; 7 — трахея ва бронхлар; 8 — буйрак усти бози; 9 — ошкозон ва ўн икки бармоқ ичак; 10 — кўр ичак; 11 — тўғри ичак; 12 — сийдик пухаги; 13 — ташки жинсий орган.


Симпатик нерв системасининг патологияси. Чегара симпатик устунининг юқори бўйин тугунчасида юз берувчи патологик ҳодисалар Хорнер-Клод Бернар синдромининг пайдо бўлишига олиб келади: натижада бу тугунчадан чикувчи симпатик толаларнинг фаолияти бузилиб, корачик ва кўз йириги тораяди, кўз олмаси чукур тушиб кетади (епорфталмус), (86-расм). Бу синдром симпатик нервнинг юқори бўйин тугунчаси ва орқа миянинг $C_8 - D_1$ сегментлари шикастланганида ҳам хосил бўлади (87-расм).

Пастки бўйин ва биринчи кўкрак тугунчаларининг шикастланиши юрак фаолиятининг бузилишига олиб келади. Бу икки тугунча кўпинча қўшилган ҳолда учрайди ва юлдузсимон тугунча (ganglion stellatum) номи билан юритилади.

Умуман чегара симпатик устунининг патологияси қуйидаги патологик ўзгаришларга олиб келади: мускулларнинг тонуси бузилади, контрактуралар, қалтираш, гиперпатик ва каузалгик оғриклар пайдо бўлади. Рефлекслар кучаяди ва мускулларнинг механик қўзғалиш фаолияти кучайиб кетади.

Тер ажралиш фаолияти, пиломотор рефлекси ва терининг кон томир рефлекслари (дермографизм) ўзгаради ва мускуллар билан скелет суюкларининг трофикаси бузилади.

Симпатик нерв системаси фаолиятининг кучайиб кетиши натижасида кўз олмаси ялтираб, чақчайиб турадиган бўлиб қолади, кўз корачиғи кенгаяди, бундай ҳол тиреотоксикоз касаллигида



86-р а с м. Клод Бернар-Горнер синдроми (үнг томонда).

87-р а с м. Кўз олмасининг симпатик нервланиши.

1 — m. tarsalis superior; 2 — m. orbitalis; 3 — m. dilatator pupillae; 4 — centrum cilio-spinale; 5 — truncus sympatheticus.

урайди, терининг ранги оқариб, фоз терисига ўхшаб ғудда-ғудда бўлиб туради. Тери доим қуруқ ҳолда бўлади. Кон босими ошади, регионар гипертония, тахикардия, оғизнинг қуриб туриши, ахиля, кабзият бўлиши, озиб кетиш каби ҳолатлар рўй беради.

Симпатик нерв системаси фаолиятининг кучайини тер ажралишининг ошиб кетишига, яъни гипергидрозга олиб келади. Симпатик нерв системаси фаолиятининг бутунлай ёки қисман бузилиши натижасида тер ажралиши тўхтайди, бунга анги-дроз дейилади ёки тер ажралиши камаяди, бунга эса гипогидроз дейилади.

Парасимпатик нерв системаси патологияси. Парасимпатик нерв системаси фаолиятининг бузилиши кон томирларининг кенгайиб кетишига, кўз корачигининг тора-йишига, ички органлар ва секретор безлар фаолиятининг бузилишига олиб келади. Парасимпатик нерв системаси фаолиятининг кучайиб кетиши натижасида бронхиал астма синдроми, вазомотор ринит, денгиз касаллиги, Квинке шиши касаллиги пайдо бўлади.

Чаноқ органлари вазифасининг бузилиши. Чаноқ органлари нинг симпатик ва парасимпатик марказлари орқа миянинг бел ва думгаза қисмларида жойлашган.

Чаноқ органларининг симпатик марказлари орқа мия бел қисмининг L₂—L₅ сегментларидан, парасимпатик марказлари эса орқа мия думгаза қисмининг S₅—S₆ сегментларидан ташкил топган.

Симпатик нерв системасининг орқа мияда жойлашган марказлари ($L_2—L_4$) фаолиятининг кучайиб кетиши ёки доим қўзғалган ҳолатда бўлиши сийдик тутилишига олиб келади. Орқа мия парасимпатик марказлари ($S_3—S_5$) фаолиятининг кучайиб кетиши эса, аксинча, сфинктерларни бўшашибириб, детрузор мускулларни қисқартиради, натижада сийдик пуфагида сийдик турмайдиган бўлиб колади.

Симпатик ва парасимпатик нерв системасининг тўғри ичакка кўрсатадиган таъсири, унинг сийдик пуфагига бўлган таъсирини эслатади. Агар патологик жараён орқа миянинг бел ва думғаза қисмидан юқорида жойлашган бўлса, сийдик ва дефекациянинг тутилиб қолиши содир бўлади. Патологик жараён орқа миянинг бел сегментларида ва думғаза қисмida жойлашган бўлса, сийдик ва дефекация беморнинг ихтиёрисиз келаверади (85-расмга қаралсин).

Вегетатив нерв системасининг фаолияти қандай аҳволда эканлигини аниқлаш асаб касалликларига топик диагноз қўйишда катта аҳамиятга эга.

Вегетатив нерв системаси фаолиятини текшириш учун жуда қўп ва хилма-хил усуllibар тавсия қилинган бўлиб, биз улардан энг кўп аҳамиятга эга бўлган бир нечтаси устидагина тўхталиб ўтамиш.

Аввало вегетатив нерв системаси ҳолатини аниқлаш керак. Текширувни эрталаб нонуштадан олдин ёки овқатлангандан икки соат кейин ўтказиш мумкин. Ҳаммаси бўлиб 3 марта текширилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Текширув учун кўпинча куйидаги жадвалдан фойдаланилади. Бу жадвалда вегетатив нерв системаси ҳолатини англатувчи кўрсаткичлар: терининг ранги, тер безларининг ҳолати, тана ҳарорати, терининг ҳар хил соҳаларидаги ҳарорат, пульс тезлиги, кон босими, ЭҚГ, нафас ҳолати, меъда-ичак, чаноқ аъзоларининг ҳолати, уйқу, иш қобилияти, эмоционал ҳолат ва бошқалардан фойдаланилади.

Белгилар ва кўрсаткичлар	Симпатик ҳолат	Парасимпатик ҳолат
Терининг ранги	Ранги ўчган	Ранг қизаришга мойил
Кон томирлар ҳолати	аник билинмайди	цианоз ҳолатда
Терининг ёғлилиги	нормал ҳолатда	жуда ёғли
Терининг қуруклиги	тери қурук	нормал ҳолатда
Тер ажралishi	камайган	кўпайган
Дермографизм	пушти ёки ок ранг	тўқ қизил ранг бўртиб чиқкан
Тери ҳарорати	пасайган	ошган
Тана ҳарорати	ошган	пасайган
Тери пигментацияси	кўпайган	кам
Совукка чидамлилик	нормал	чидамсиз
Иссикка чидамлилик	чидамсиз	нормал ҳолатда
Гавда	озишга мойил	семиришга мойил
Иштаха	ошган	пасайган

Белгилар ва кўрсаткичлар	Симпатик ҳолат	Парасимпатик ҳолат
Кўз корачиги Пульс	кенгайган тез уради (тахикардия)	нормал ҳолатда секин уради (брадикардия)
Қон босими ЭКГ	ошишга мойил синостоз тахикардия	пасайишга мойил синостоз брадикардия
Бош айланиси Нафас олиш тезлиги	бўлмайди тезлашишга мойил	бўлади секин ва чукур тезлашган
Сўлак ажралиши Сўлак ҳолати	секинлашган куюқ	суюқ
Пиломотор рефлекс	ошиб кетган	нормада
Аллергик шиш	бўлмайди	бўлади
Темперамент	тез қўзгалувчалик	камҳаракат, ланж
Ўйку	тез уйғонадиган чала уйку	уйкучан
Жисмоний ишга қобилият	яхши ҳолатда	пасайган
Қондаги қанд миқдори	ошган	пасайган
Очликка чидамлилик	нормал ҳолатда	чидамсизлик

Тер ажралишини текширишнинг хилма-хил усуллари бор; пилокарпин, аспирин ва электр токи таъсирида терининг маълум кисмини қўзғатиш, электр ваннасида беморни терлатиш ва Минорнинг йод-крахмал усули ана шулар жумласидандир.

Булардан кўпроқ кўлланиладиган ва энг аҳамиятлиси Минор усулидир. Бу усул билан тер ажралишини текшириш учун беморнинг танасини тозалаб ювилади, соч ва тукларни қириб ташлаш тавсия қилинади. Сўнгра уни ётқизиб, танасининг тер ажралишини текшириш учун белгиланган қисмларига бир хил қалинликда маҳсус йод-спирт эритмаси суртилади. Бу эритманнинг таркиби қўйидагича;

Jodi puri 15,0
Ol. Ricini 100,0
Spiritus vini 800,0

Танага суртилган эритма куригандан кейин эритма суртилган ерга гўруч крахмалининг кукунини пульвиризатор ёки пахта ёрдамида бир текисда сепиб чиқилади. Беморга 2 грамм аспирин ва 1 стакан иссик чой ичирилади, сўнгра электр ванна остида 45 минут ётқизилади, бунда бемор терлайди.

Суртилган эритма таркибидаги йод билан крахмал тер ажралиши натижасида реакция бериб, тананинг терлаган қисмларига кўкимтир-кора ранг пайдо бўлади. Тер ажралмаган ерларда тананинг ранги ўзгармай колади. Бемордаги терлашнинг кўриниши фотография қилинади (88-расм).

Пиломотор рефлекси — агар трапециясимон мускулнинг устини қоплаб турувчи тери чимчиланса ёки унга совук таъсири эttiрилса (эфир томизилса), текширилувчи киши танасининг шу ярмидаги териси «роз териси» шаклида ғудда-ғудда бўлиб колади.



Пиломотор рефлекси ва унинг ҳосил бўлиш механизми шундан иборатки, юкорида кўрсатилган усуллардан бирини қўлланиш натижасида терида қўзғалиш рўй бериб, бу жараён вегетатив нерв системасининг гипоталамик марказларига таъсир этса керак, деб тахмин килинади. Бу марказлардан қўзғалиш жараёни орқа мия орқали пастга қайтади ва чегара симпатик устуни орқали теридаги тук мускуларининг қискаришига ҳамда териининг гоз терисига ўхшаш ғудда-ғудда бўлиб колишига сабабчи бўлади.

Пиломотор рефлексининг ҳаддан ташқари кучайиб кетиши симпатик нерв системасида қўзғалиш фаолияти ошиб кетганилигидан далолат беради. Агар тери билинар-билинмас даражада ғоз териси кўринишига кирса, бу ҳол симпатик нерв системасида қўзғалиш фаолияти нормал ҳолда эканлигини кўрсатади. Орқа мия касалликларида орқа миянинг шикастланган сегментлари зонасидан пастда пиломотор рефлекси бўлмайди, бу эса топик диагноз кўйишга маълум даражада ёрдам бериши мумкин.

Кон томир рефлекслари ёки дермографизм маҳаллий ва рефлектор бўлиши мумкин. Терининг маълум бир кичкина қисмига бармоқ ёки неврологик болғачанинг дастаси билан чизиш орқали маҳаллий дермографизмни вужудга келтирилади. Маҳаллий дермографиянинг моҳияти шундан иборатки, терининг чизилган ерида қизил, оч қизил ёки ок ранг ҳосил бўлади. Кўрсатилган рангларнинг ҳосил бўлиши терининг капилляр ва майдада кон томирларида механик қўзғалиш хусусияти қай аҳволда эканлигини кўрсатади. Нормал ҳолатда қизил ранг бир неча минутдан сўнг йўқолиши керак. Буни нормал ҳолдаги маҳаллий дермографизм дейилади.

Агар ҳаддан ташқари қизил ранг ҳосил бўлиб, терининг чизилган ери атрофга тарқалиб, бўртиб чиқса, унга *dermographismus elevata* дейилади ва бундай ҳолат парасимпатик нерв системасида қўзғалиш фаолияти кучайиб кетганилигидан далолат

беради. Терида қизил ранг ўрнига оқ ранг ҳосил бўлиши эса, аксинча, симпатик нерв системасининг функцияси кучайиб кетганлигини кўрсатади.

Шуни эсда тутиш керакки, агар қўзғатувчи омил жуда кучсиз бўлса (жуда охиста чизилса), дермографизм оқ тусда бўлади.

Рефлектор дермографизм терига тўғнағичнинг учи билан чишиш орқали вужудга келтирилади. Унинг рефлектор ёйи орқа миянинг сегментар аппаратида туташади.

Рефлектор дермографизмда терининг чизилган ери атрофида маълум кенглиқда жимжимадор қизил йўл ҳосил бўлади ва у бир неча минутдан сўнг йўқолиб кетади.

Рефлектор дермографизм тери қон томирларининг кенгайиши натижасида вужудга келади. Периферик нервларнинг ҳамда орка мия ортки шоҳчадарининг касалланиши натижасида тананинг маълум қисмларида рефлектор дермографизм вужудга келмас лиги мумкин, чунки қон томирларини кенгайтирувчи вегетатив толалар орқа миянинг ортки шоҳидан чиқиб, периферик нервлар таркибида киради.

Вегетатив-висцерал нерв системаси фаолиятини текширишининг юкорида келтириб ўтилган усулларидан ташқари, тери ҳароратини, электрик қаршилигини, гидрофиллик хусусиятини текшириш усуллари ҳам мавжуд. Булардан ташқари Данини ва Ашнернинг кўз, юрак, бўйин, эпигастрал, ортоклиностатик рефлекслари, Эрбен синовлари ҳам тавсия этилади.

Кўз-юрак рефлекси (Данини-Ашнер рефлекси). Иккала юмук кўзга бармоқлар билан босилганда юрак уриши минутига 6-12 тага секинлашади. Агар юрак уриши минутига 12-16 тагача камайса, бу ҳол парасимпатик нерв системаси тонусининг ошганини билдиради. Агар юрак уриши секинлашмаса ёки минутига 2-4 тага гезланиса, у симпатик нерв системаси тонуси ошганидан далолат беради.

Ортоклиностатик рефлекс. Чалқанча тинч ётган касал пульси саналгандан сўнг тезда ўрнидан турғизилади (бу ортостатик рефлекс). Бунда юрак уриши минутига 12 тага кўпаяди, қон босими симоб устуни бўйича 20 тага ошади. Сўнг бемор яна ётқизилса, қон босими ва юрак уришининг тезлиги 3 минутдан сўнг эски ҳолатга қайтади (клиностатик рефлекс).

Агар ортостатик рефлексда минутига пульс 12 тадан ошишиб кетса, симпатик нерв системасининг қўзғалувчанлиги ошишидан далолат беради. Агар клиностатик ҳолатда пульс секинлашиб кетса, парасимпатик нерв системаси қўзғалувчанлиги ошган бўлади.

Фармакологик текширишлар

Адреналин билан текшириш. 1 мл 0,1% ли адреналин соғлом киши териси остига юборилса, 10 минутдан сўнг тери консизланиб оқаради, қон босими ошади, пульс тезлашади, конда қанд

микдори кўпаяди. Агар шу ўзгаришлар тез пайдо бўлса, нормадан кўра яққолрок кўринса, у симпатик нерв системаси қўзғалувчанлиги ошганини кўрсатади.

Атропин билан текшириш. 1 мл 0,1% ли атропин тери остига юборилса, соғлом одамда юрак уриши тезлашади, кўз корачиги кенгаяди, оғиз қурийди. Агар бу ҳолат аниқ намоён бўлмаса, бу парасимпатик нерв системасининг қўзғалувчанлигидан далолат беради.

Аспирин билан тер безларини текшириш. 1 г аспирин иссиқ чой билан ичилса, бемор терлайди. Марказий ёки периферик асаб системаси заараланганда ўзига хос соҳаларда тери қуруқ бўлиб тураверади.

Тери ҳароратини текшириш. Терининг ҳар хил соҳалари ўзига хос ҳароратга эга. Тананинг тепа қисмлари пастки қисмларидан иссиқроқ бўлади (орал-қаудал қонунияти). Қўл ва оёқларнинг юқори қисмлари ҳарорати уларнинг учидан иссиқроқ (проксимал-дистал қонуният), нормада тананинг икки томонида бир хил даражада бўлади. Ҳар хил асаб қасалликларида бу қонуниятлар бузилади ёки ҳарорат асимметрияси пайдо бўлади — тананинг ярмида ҳарорат пасайиб ёки ошиб кетади.

Термовизор. Тери ҳароратини аниқловчи, инфрақизил нурларни қайд қилувчи аппарат. Маълумки, тери ҳарорати тери остида жойлашган қон томирлар торайиши ёки кенгайишига боғлиқ. Бу жараён эса вегетатив нерв системаси орқали бошқарилиб туради. Бу усуллар ёрдамида терининг ҳар хил соҳаларида нормал ҳарорат — нормотермия, иссиқ ҳарорат — гипертермия ёки совук ҳарорат — гипотермия ҳодисалари рўй бериши мумкин.

БОШ МИЯ ТЎР ФОРМАЦИЯСИ (FORMATIO RETICULARIS)

Бош мия устунни — узунчоқ мия, қўприқ, мия оёқчаси ва гипоталамус соҳаларида жойлашган тўр формациясининг ҳар хил ҳажм ва шаклга эга бўлган нерв ҳужайраларидан ва уларнинг толаларидан иборат тузилмадир.

Тўр формацияси 22 та ўзига хос ядро гурухларидан иборат бўлиб, икки катта қисмга бўлинади.

1. Медиал қисм — катта гигант нерв ҳужайраларидан тузилган.

2. Латерал қисм — кичик ва ўртача катталикдаги невронлардан тузилган.

Айниқса узунчоқ мия ва қўприқда бу қисмлар бир-биридан яққол ажralиб туради.

Тўр формацияси афферент ва эфферент ўтказгич нерв йўллари ёрдамида марказий нерв системасининг ҳамма қисмлари билан боғланган.

Тўр формация марказий нерв системасининг бошқа қисмларига борувчи узун афферент ўтказгич йўллар — ретикулоспинал, ретикулоцеребелляр, ретикулокортикал, ретикулонуклеар йўллар ёрдамида орқа мия, мияча, мия пўстлоғи ва краниал нервларнинг ядролари билан боғланади.

Ретикулоспинал йўл (tr. reticulospinalis). Узунчоқ мия ва кўприкда жойлашган тўр формация хужайраларидан бошланиб, орқа мия томон йўналади. Орқа миядаги ретикулоспинал йўл қисман руброспинал ва қисман вестибулоспинал йўллар билан биргаликда йўналиб, орқа миянинг бўйин ва кўкрак сегментларида тугалланади. Бел сегментлари билан эса орқа миянинг про-приоспинал толалари ёрдамида боғланади.

Ретикулоцеребелляр йўл кўприкда жойлашган Бехтерев тўр ядроси, ташки тўр ядроси ва парамедиал ядролардан бошланиб, миячанинг юкори оёқчаси орқали мияча пўстлоғида тугалланади.

Ретикулокортикал йўл — мия оёқчаси ва гипоталамик соҳанинг нерв хужайраларидан бошланиб, мия пўстлоғи томон йўналади.

Ретикулонуклеар толалар калта нерв йўллари жумласига киради. Улар тўр формация хужайраларидан бошланиб, шу ердаги краидал нервлар ядросида тугалланади.

Афферент ўтказгич йўллар. Афферент ўтказгич йўллар деб марказий нерв системасининг бошқа қисмларидан бошланиб, тўр формацияси хужайраларида тугалланувчи нерв толаларига айтилади. Улар орқа мияда спиноретикуляр йўллар, миячада — церебеллеретикуляр йўллар, мия пўстлоғида — кортикоретикуляр ва краидал нервлар ядросида нуклеоретикуляр йўллар хосил қилиб, тўр формацияси хужайраларида тугалланади.

Спиноретикуляр йўллар орқа мия ортки шохидан бошланиб, спиноталамик ва спиноцеребелляр трактлар таркибида юкорига кўтарилиб, қарама-қарши томондаги ва ўз томондаги узунчоқ мия ва кўприк тўр формациясининг латерал ядросида тугалланади.

Церебеллеретикуляр йўллар миячанинг чувалчангি, фастиги (чодир) ва дентата (тишсизмон) ядроларидан бошланиб, миячанинг асосан юкори ва ўрта оёқчалари орқали шу томондаги ва қарама-қарши томондаги узунчоқ мия, кўприк ҳамда қисман мия оёқчасидаги ядроларда (Бехтеревнинг ретикуляр, парамедиал ва латерал тўр ядроларида) тугалланади.

Кортикоретикуляр толалар асосан бош миянинг пешона бўлагидан (gyrus centralis anterior ва precentralis) бошланиб, пирамидал тракт билан бирга пастга йўналади, шу томондаги ва қарама-қарши томондаги кўприк ва узунчоқ мия тўр формациясининг хужайраларида тугалланади.

Нуклеоретикуляр йўллар мия устунида жойлашган краидал нервлардан бошланиб, шу ердаги формацияси хужайраларида тугалланади.

Тўр формациясининг функцияси. Тўр формацияси марказий нерв системасининг ҳамма қисмлари билан афферент ва эфферент йўллар орқали икки томонлама боғланганлиги туфайли бош мия ва мияча пўстлоғининг фаолиятига, орқа мия, узунчоқ мия ва кўприкнинг рефлектор функцияси.

циясига таъсир кўрсатади ва ўз навбатида афферент йўллар орқали бу системалардан жавоб таъсиротлари олади.

Тўр формацияси организмда борадиган муҳим жараёнларга таъсир этади. У мускуллар тонусига, нафас олиш жараёнига, қон томирларнинг кенгайиши ва торайишига, бош мия ҳамда мияча пўстлоғи ва пўстлоқ ости тугунларининг электрик фаоллигига таъсир этади. Бунга тўр формациясининг юқорига йўналувчи фаоллаштирувчи таъсироти дейилади.

ТЎР ФОРМАЦИЯСИНИНГ ЮҚОРИГА ЙЎНАЛУВЧИ ФАОЛЛАШТИРУВЧИ ТАЪСИРОТИ

Тўр формациясининг ҳар хил функционал ҳолатлари бош мия пўстлоғи электрик фаоллигига таъсир этади ва ухлаш, мудраш ҳамда уйғоқлик ҳолатларини келтириб чиқаради. Бу ҳолатлар икки хил афферент таъсир натижасида пайдо бўлади.

1. Классик афферент йўллар (тери сезги, кўрув, эшитув, хидлов, таъм билиш йўллари) орқали олинадиган таъсиротлар (специфик таъсирот системаси). 2. Тўр формациядан келувчи йўллар орқали олинадиган таъсиротлар (специфик бўлмаган таъсирот системаси).

Специфик таъсирот системаси мия пўстлоғининг факат маълум қисмларининг таъсирлайди (масалан, тери сезги таъсиротлари асосан орқа марказий пуштани, кўрув таъсиротлари калкарина ёриғи атрофидаги пушталарни, эшитув таъсиротлари чакка бўлагининг юкори пуштасини таъсирлайди). Специфик бўлмаган таъсирот эса айни вактда ҳар иккала ярим шардаги мия пўстлоғи хамма бўлакларининг фаоллигига таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, специфик система мия пўстлоғида локал таъсирот қолдирса, специфик бўлмаган система икки томонлама (билиateral) диффуз таъсирот кўрсатади (89-расм).

Специфик бўлмаган система асосан специфик системадан келаётган таъсиротлар натижасида реакцияга киришади ва шундан кейинги мия пўстлоғида диффуз билатерал ўзгаришларни келтириб чиқаради. Киши ҳаётида бош мия пўстлоғининг диффуз фаоллашуви, қўзғалувчанлигининг ошуви, ўз навбатида специфик системадан келаётган таъсиротларга эътиборни кучайтиради ва уни қабул қилишни яхшилайди.

Специфик бўлмаган системанинг таъсиротлари бош мия пўстлоғига специфик система таъсиротларидан тезрок етиб келади. Шунинг учун мия пўстлоғидаги электрик фаоллигининг локал ўзгариши доимо диффуз билатерал ўзгаришлардан кейин рўй беради.

Тўр формациясининг зарарланиши унинг юқорига йўналувчи фаоллаштирувчи таъсиротнинг сўнишига ва мия пўстлоғининг электрик фаоллиги пасайишига олиб келади. Бу ҳол мудрок босиш, юзаки ёки чуқур уйку ҳолатларини келтириб чиқаради.

Тұр формациясининг пастга йұналувчи фалластирувчи таъсироти. Орқа мия рефлексларига ва тонусига тормозловчи ёки енгилластирувчи таъсир этиши билан ифодаланади. Узунчөк мия ва күпприк тұр формациясининг латерал қисми таъсирланса, ҳаракат реакциялари ва рефлекслар кучаяди. Шу формациянинг медиал қисми таъсирланғанда эса тормозланиш реакцияси пайдо бўлади ва рефлексларни чакириш кийинлашади. Шундай қилиб, орқа миянинг олдинги шохидаги ҳаракат невронларининг функционал ҳолати, тұр формациясининг пастга йұналувчи таъсирига боғлик эканлиги аниқланган.

МИЯЧА — CEREBELLUM

Мияча эллипсоид шаклида бўлиб, мия қутисининг орқа чукурчасида, катта мия энса бўлагининг остида ва күпприк билан узунчөк мия устидаги жойлашгандир (43-расмга қаралсун).

Бош мия ярим шарларининг энса бўлагидан миячани *tentorium cerebelli* ажратиб туради. Мияча иккита ярим шардан (*hemisphaerium cerebelli*) ҳамда уларни бириктириб турувчи ўрта қисми — мияча чувалчангидан (*vermis cerebelli*) ташкил топган.


Миячанинг ташқи томони кул ранг модда билан қонланған бўлиб, у миячанинг пўстлоги дейилади. Мияча пўстлоғининг тагида оқ модда ётади. Мияча оқ моддасининг оралигида эса унинг марказий ядролари: тишили ядро (*nucleus dentatus*), тикинсимон ядро (*nucleus emboliformis*), шарсизмон ядро (*nucleus globosus*) ва ёпилгич ядро (*nucleus fastigii*) жойлашган (90-расм).

Мияча ўзининг уч жуфт оёклари ёрдамида марказий нерв системасининг бошқа қисмлари билан boglaniб туради.

Тишили ядронинг толалари миячанинг устки оёкларини (*pedunculi cerebellares superiores*) ташкил этади ва унинг толалари ўрта миянинг қизил ядросида тугалланади. Миячанинг пастки оёклари (*pedunculi cerebellares inferiores*) таркибида орқа мия ва узунчөк миядан миячага йұналувчи проприоцептив сезги йўллари, олива ва вестибуляр аппаратининг миячага келувчи йўллари ҳамда мияча ядроларидан узунчөк мияга йұналувчи толалар ўтади.

Миячанинг ўрта оёклари (*pedunculi cerebellares medii*) күпприкнинг кўндаланг толаларидан ва оливадан миячага борувчи йўллардан ташкил топган. Бу йўллар орқали мия пўстлогидан ва узунчөк миянинг пастки оливасидан миячага томон импульслар келади.

Миячанинг функцияси. Мияча мувозанатни сакловчи, ихтиёрий ҳаракатларни координацияластирувчи ва мускулларнинг рефлектор тонусини бошқариб турувчи органдир. Миячанинг ўрта қисми, яъни чувалчангидан миячага саклаш вазифасини, унинг ярим шарлари эса, айрим ҳаракатларни координациялаш вазифасини бажаради.



90-р а с м. Миячанинг ядролари.

1 — юкори тепачалар; 2 — пастки теначалар; 3 — brachium conjunctivum; 4 — nucleus fastigii; 5 — nucleus dentatus; 6 — hilus nuclei dentati; 7, 9 — substantia medullaris; 8, 10 — миячанинг пуштаси; 11 — nucleus emboliformis; 12, 13 — nuclei globosi; 14 — incisura cerebelli ant; 15 — velum medullare anterior.

ХАРАКАТ МУВОФИҚЛИГИ

Маълумки, мияча тана мувозанатини сақловчи ва ихтиёрий ҳаракатни мувофиқлаштирувчи органдир. Мияча ўзининг бу функциясини бажариш учун пай, бўғим, мускул ва боғламлардан гавданинг ҳар бир ҳаракати, гавда аъзолари вазиятининг ҳар қандай ўзгариши тўғрисида юкорига йўналувчи мияча йўллари орқали проприоцептик импульслар олиб туради (92-расм).

Миячанинг юкорига йўналувчи йўллари. Миячанинг юкорига йўналувчи йўллари икки жуфт вентрал ва дорзал йўналишдаги спиноцеребелляр йўллардан ташкил топади. Мана шу иккала йўлнинг биринчи неврон ҳужайралари орқа мия тугунида жойлашган бўлиб, периферик ўсиқчалари, яъни дендритлари периферик нервлар орасида мускул, пай, бўғим ва боғламлардаги проприорецпторларда тугалланади. Аксонлари бўлса, орқа илдизча орқали ўтиб, орқа мия ортки шохининг асосида жойлашган дорзал ядро ҳужайраларида ва пастки бел сегментларининг орқа шохидаги ҳужайраларда (Говерс йўли) тугалланади.

Дорзал спиноцеребелляр йўл (*tr. spinocerebellaris dorsalis*) — орқа миянинг дорзал ядросидаги ҳужайра аксонларидан иборат бўлиб (иккинчи неврон), бу йўл шу томондаги ён тизимчага ўтади. Сўнгра ён тизимчанинг дорзал қисми орқали узунчоқ мия томон йўналади. Бу йўл кесишма хосил қилмагани учун тўғри спиноцеребелляр йўл ҳам дейилади. Тўғри спино-


церебелляр йўл миячанинг пастки оёқкаси орқали миячага кириб, мияча чувалчангининг юкори кисмидаги пўстлок қаватида тугалланади.

Вентрал спиноцеребелляр йўл (*tr. spinocerebellaris ventralis*) пастки бел сегментларининг орка шохидаги аксонлари кесишма ҳосил қилиб, орка миянинг карама-карши томонидаги ён тизимчанинг олдинги қисмига ўтади (шунинг учун у кесишган спиноцеребелляр йўл ҳам деб юритилади). Вентрал спиноцеребелляр йўл дейилишининг сабаби ҳам шунда.

Бу йўл спиноталамик йўл билан бирга ўрта миячага кўтарилади. У ерда вентрал спиноцеребелляр йўл миячанинг юкори оёқкаси орқали ўтади ва шу жойда иккинчи кесишмани ҳосил қилиб, мияча чувалчангининг пастки қисмидаги пўстлок қаватида тугалланади. Шундай қилиб, кесишган ва кесишмаган спиноцеребелляр йўллар орқали перифериядан миячага импульслар келиб туради. Гавданинг фазодаги вазияти ўзгариб, ички қулокнинг ярим доирасимон каналларидан маълум гомонга қараб суюқлик оқиши натижасида ҳосил бўлган импульслар вестибуляр нервнинг тармоқлари орқали миячага етиб боради. Шу тарика тананинг фазодаги вазияти тўғрисидаги сигналлар факат спиноцеребелляр йўллар оркалигина эмас, балки ярим доира шаклидаги каналлар орқали ҳам келиб туради.

Миячанинг пастга йўналувчи йўллари. Мияча ўз функциясини мустакил равишда бажармайди: унинг иши бош мия пўстлоғининг таъсири остида бошқариб турилади. Шунинг учун бош мия пўстлоғи билан мияча ўртасидаги ўтказувчи йўллар устида ҳам тўхталиб ўтамиз.

Бош миянинг пешона, чакка, тепа ва энса қисмларининг пўстлок қаватида жойлашган биринчи неврон хужайраларининг аксонлари ички капсуланинг олдинги оёқкасидан, сўнгра мия оёқкасидан ўтиб, кўприкдаги иккинчи неврон хужайраларида тугалланади (*tr. corticopontinus*). Бу хужайраларнинг аксонлари (иккинчи неврон) карама-карши томондаги аксонлар билан кесишиб ўтиб, миячанинг ўрта оёқкаси орқали мияча ярим



91-расм. Миячанинг марказга интилевчи ва марказдан кочувчи йўллари (Бинг схемаси).

1 — *tractus cerebello-vestibularis seu cerebello-rubralis*; 2 — *n. vestibularis*; 3 — *tractus vestibulospinalis*; 4 — *tractus rubrospinalis*; 5 — миячанинг ён тизимча йўли; 6 — орка тизимча йўли; 7 — пирамида йўли; 8 — кўприкдан миячага борувчи йўллар, 9 — пирамида йўли ва пўстлокдан кўприкка келувчи йўллар; 10 — кўрув дўнлиги

шарига киради ва пўстлок қаватидаги Пуркинє хужайраларида тугалланади (tr. pontocerebellaris). Шундай қилиб, бош мия ярим шари қарама-қарши томондаги мияча ярим шари билан боғлангандир. Мияча пўстлогидаги учинчи неврон хужайралари миячанинг тишсимон ядросида тугалланади. Нихоят, ҳар икки томондаги тишсимон ядро хужайраларининг (4-неврон) аксонлари кесинима ҳосил қиласи ва миячанинг юқори оёқчаси орқали ўтиб, бош мия оёқчасидаги nucleus ruber-да тугалланади. Қизил ядродан эса 5-неврон хужайралари бошланади. Улар Форел кесишмасини ҳосил қилиб, кўпприк, узунчоқ мия ва орқа миянинг ён тизимчалари орқали йўналади ва унданда ҳар бир сегментнинг олдинги шохларида тугалланади. Олдинги шохдан мускулга 6-неврон аксонлари кетади.

ҲАРАКАТ МУВОФИКЛИГИНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ ВА ПАТОЛОГИЯСИ

Мияча ва вестибуляр аппаратнинг заарланиши ҳаракат мувофиқлигининг ва гавда мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Бундай бузилишлар ўзига хос усуслар билан текширилади.

Бармоқ - бу ру н синови. Бундай синовда текширилувчи киши кўрсаткич бармоғини 92-расмда кўрсатилганидек бурнининг учига тегизиши керак. Нормал ҳолатда бу осонлик билан бажарилади. Агар мияча заарланган бўлса, бармоқ-бурун синовини бажаришда интенцион титрок пайдо бўлади. Бармоқ бурун учига яқинлашган сари интенцион титрок зўрая беради. Бу ҳолат тарқоқ склерозда (sclerosis disseminata) ва миячанинг ҳар хил касалликларида пайдо бўлади.


Тизза-товорон синови. Бу синовни ўтказиш учун бемор бир оёғининг товонини иккинчи оёғининг тиззасига кўйиб 93-расмда кўрсатилганидек оёқ панжаси томон юргизади. Агар мияча заарланган бўлса, бу синов ноқулай ҳаракатлар билан бажарилади.

Дисметрия. Мияча заарланганда ҳар қандай ҳаракатни бажариш вактида кераксиз, ортиқча ҳаракатлар қилинади, бунга дисметрия ёки гиперметрия дейилади. Нормал ҳолатда текширилувчи киши неврологик болғачанинг кенг ва тор қисмини бош ва кўрсаткич бармоқлари билан 94-расмда кўрсатилганидек, гайма-гал ушлайди. Нормал ҳолатда **дисметрия** бўлмайди, текширилувчи киши бу синовни бармоқларини керакли даражада ёзиш ва юмиш каби силлик, равон, бемалол ҳаракатлар билан бажаради. Мияча заарланганда эса қийналиб ва ортиқча ҳаракатлар билан бажаради.

Адиадохокинез — бунинг учун текширилувчи иккала қўлини олдинга узатган ҳолда, уларни бараварига, бир неча маротаба супинация ва пронация к и л а д и. Мияча заарланган бўлса, шу томонда супинация ва пронация чақкон бажарилмайди ва ортиқча ҳаракатлар қилинади (гиперметрия). Адиадохокинез деб ана шунга айтилади.



92-р а с м. Бармоқ-бурун сино-
вии текшириш усули.




93-р а с м. Тизза-төвөн синовии текшириш
усули.

Қарама-қарши тортилиш (Холмс-Стюарт) симптоми. Бунда текширилувчининг, 95-расмда кўрсатилганидек, маҳкам тортиб турган билагини текширувчи ўз томонига тортиб туриб, кўйиб юборади. Мияча зарарланган бўлса бемор шу томондаги тортиб туриб кўйиб юборилган билагини нормал ҳолатдаги каби тўхтатиб қололмайди ва шу қўли кўкрагига бориб урилади.


Нутқ. Мияча зарланганда нутқ ўзгаради. Бунда бемор нуткнинг равонлиги ва силлиқлиги йўқолиб, ҳар бир сўзни бўғинларга ажратиб талаффуз қиласидиган бўлиб колади. Сўзлардаги зарур бўғинларгина эмас, балки ҳамма бўғинлар ҳам ургу билан айтиладиган бўлиб колади. Бунга скандирлашган нутқ дейилади.

Ромберг симптоми. Миячаси зарарланган беморлар оёқ панжаларини бирлаштириб, тик турганларида мувозанатни саклай олмай, гандираклаб кетадилар ёки йиқилиб тушишлари мумкин. Ромберг симптоми деб ана шунга айтилади.

Юриш. Миячаси зарарланган кишилар тўғри юра олмайдилар. Улар тик турганларида оёқларини икки томонга керган ҳолдагина мувозанатни саклай оладилар. Юрганда маст киши сингари гандираклайдилар ва юриб кета туриб тез бурилолмайдилар. Қадам ташлаганларида оёқлари олдин кетиб, гавдалари оркада колади, натижада улар орка томонга йиқилиб тушишлари мумкин (96-расм). Бунга асинергик юриш дейилади. Бундан ташқари, мияча зарарланганда оёқ, қўл мускулларининг топуси пасайиб кетади.



94-а с м. Дисметрияни текшириш усули.



95-а с м. Холмс-Стюарт симптоминиң текшириш усули.

96-а с м. Мияча шикастланганда пайдо бўлувчи асинергик юриш.

ПҮСТЛОҚ ОСТИ МАРҚАЗИЙ ТУГУНЛАРИ

Пүстлок ости марказий тугунларига асосан думли ядро (*nucleus caudatus*) ва лентикуляр ядро (*nucleus lenticularis*) киради (97-расм).

Думли ядронинг олдинги қалинлашган қисмига унинг боши (сарит *nuclei caudati*), пастга қараб букилган орқа қисмига эса думи (*cauda nuclei caudati*), улар ўртасида жойлашган қисмига унинг танаси (*corgpus nuclei caudati*) дейилади.

Лентикуляр ядро думли ядро билан кўрув дўйигига нисбатан ташки томонда жойлашган бўлиб, икки қисмдан иборат. Унинг тўқ рангдаги ташки қисмига лентикуляр ядронинг пўстлоғи (*putamen*), оч рангдаги ички қисмига эса оқ шар (*globus pallidus*) дейилади. Улар юпқа оқ модда қавати (*lamina medillaris externa*) ёрдамида бир-биридан ажрәлиб туради.

Лентикуляр ядронинг юкорида кўрсатилган икки қисми гистологик тузилиши жиҳатидан бир-биридан катта фарқ килади.

Бу ядронинг пўстлок қисми (*putamen*) билан думли ядронинг гистологик тузилиши бир-бирига ўхшайди, шунинг учун кейинги вактларда уларни биргэ қўшиб *striatum* номи берилган. Стриатум ва паллидум бирга қўшилиб стриопаллидар системани ташкил этади.

Бизнинг ва чет эл олимларининг кейинги йиллардаги тадқиқотлари бу система ядроларидаги биохимик жараёнларнинг умумийлигини кўрсатмоқда. Соғлом одамларда допаминнинг охирги ҳосиласи — гомованил кислотанинг энг юкори концентрацияси *nuc. caudatus*, *putamen*, *globus* ва *substantia nigra*-да аниқланган. Допаминнинг бу ядролардаги юкори концентрацияси экстрапирамида системаси ядроларидаги биохимик ва функционал алоқаларнинг бирлигидан дарак беради. Баъзибир патогенетик жараёнларда, масалан, паркинсонизмда (бу ҳақда кейинроқ ба-тафсил тўхтаймиз) допаминнинг микдори *nuc. caudatus* ва *putamen*-да анча пасаяди. Бунда допаминнинг камайиши билан бир қаторда унинг синтез қилиниши ҳам бузилади, шунинг учун паркинсонизмда допамин препарати — Л-Допа берилганда мускуллар тонуси нормаллашиб, қалтираш камаяди. Бу ядролар бир-биридан гистологик тузилиши, филогенетик ва онтогенетик тараққиётлари билан тафовут қиласидар. *Globus pallidus* овалсимон ва учбурчаксимон йирик хужайралардан ташкил топган. Бу хужайралар дендритга бой бўлиб, протоплазмасида тигроид модда кўп микдорда учрайди. *Globus pallidum* бошқа ядроларга қараганда очрок ранга эга, чунки у миелинили толаларга бойдир.


Putamen да йирик, кўпбурчакли хужайралардан ташқари, протоплазмасида тигроид моддаси бўлмаган жуда кўп майдада хужайралар бор. Уларнинг дендритлари калта бўлиб, миелин толалари камдир. Хужайраларнинг зич жойланиши ва толаларнинг камлиги бу ядроларнинг ранги тўқрок бўлишига олиб келган.

Гистологик ва функционал жиҳатдан нис. caudatus юқоридагига ўхшаш тузилишга эга. Пўстлок ости марказий тугунларида мураккаб шартсиз рефлексларнинг рефлектор ёйлари биринади, булар қаторига инстинктлар ҳам киради. Шунинг учун ҳам пўстлок ости тугунлари мураккаб шартсиз рефлекслар маркази ҳисобланади.


ЭКСТРАПИРАМИДА СИСТЕМАСИНИГ ЙЎЛИ

Экстрапирамида системасига nucleus caudatus, putamen, globus pallidum, nucleus ruber, substantia nigra ва corpus subthalamicum Luisi соҳалари киради. Бу системалар морфологик ва функционал жиҳатдан ўзаро боғлангандир. Экстрапирамида системаси бош мия пўстлоғи билан ҳам алоқада бўлади. Бу алоқа бош миянинг ҳаракат зонасидан пўстлок ости тугунларига келувчи йўллар орқали амалга оширилади (98-расм). Экстрапирамида системасида ҳосил бўлган таъсиrotлар руброспинал йўл орқали периферияга боради.

Экстрапирамида системасида ҳосил бўлган импульслар мия оёқчининг қизил ядроидаги (nucleus ruber) ҳужайра аксонлари орқали орқа миянинг олдинги шохларига етказиб берилади. Қизил ядро ҳужайраларидан чикувчи аксонлар Форель кесишмасини ҳосил қилиб, қарама-қарши томонга ўтади. Шунингдек, у кўприк ва узунчок миядан ўтиб, орқа миянинг ён тизимчалари орқали йўналади ва орқа миянинг олдинги шохларига сегмент



*98-расм. Экстрапирамида системаси ядролари ва ўткизгич йўлларининг схемаси.



99-расм. Экстрапирамида системаси ва мияча ўтказгич йўлларининг схемаси.

1 — thalamus opticus; 2 — globus pallidum; 3 — tractus pallidiorubralis;
4 — n.ruber; 5 — tractus rubrospinalis; 6 — n.dentatus; 7 — tractus bulbocerebellaris; 8 — мускул-бўғим сезиларининг ўтказгич йўли; 9 — tractus spinocerebellaris; 10 — орка мия ганглияси; 11 — олдинги илдизча.

сайнин тугалланади (99-расм). Бу йўлни руброспинал йўл ёки Монаков йўли деб ҳам аталади. Кизил ядро ўз импульсларини руброретикулоспинал йўл орқали ҳам юбориб туради.

Экстрапирамида система мускулларнинг пластик тонусини ва уларнинг автоматик ишини бошқаради. Экстрапирамида системасининг заарланиши ихтиёрий ҳаракатнинг ўзига хос ўзгаришларини келтириб чиқаради.

Экстрапирамида системаининг ўзи ҳам бажарадиган функциясига кўра икки системага бўлинади:

- 1) Стриар система (nucleus caudatus ва putamen).
- 2) Паллидар система (globus pallidum, nucleus ruber, substantia nigra ва corpus Luisi).

Ана шу икки системанинг заарланиши мускуллар тонусининг ўзгаришига, автоматик ҳаракатларнинг камайиб кетишига ёки ихтиёrsиз, оптичча ҳаракатлар (гиперкинез) пайдо бўлишига олиб келади.

Стриар системаининг заарланиши натижасида содир бўлувчи ҳаракат ўзгаришлари. Putamen-даги майда ҳужайраларнинг заарланиши хореик гиперкинезларга олиб келади. Хореик гиперкинез деб тананинг

хар хил қисмларида ихтиёrsиз, маълум бир максадсиз, тўсатда пайдо бўладиган ортиқча ҳаракатларга айтилади. Бундай беморлар тинч туролмайдилар.


Масалан, кўл бармоқлари тўхтовсиз букилиб ва ёзилиб туради. Бемор тўсатдан оёғини узатиб, яна тезлик билан йигиб олади ёки танасини тўсатдан бир томонга букиб, яна тезлик билан ёзди. Мимик мускулларнинг гиперкинези натижасида bemор пешонасини ихтиёrsиз равишда тириштиради, оғзини кийшайтиради, қошини чимиради. Бу ҳаракатлар тўсатдан пайдо бўлиб, тез ўтиб кетади. Шунинг учун бундай bemорлар ўринларидан туриб юра бошласалар, бу пайтда зарур бўлган кўл, оёқ ва тана ҳаракатлари ўйин тушаётган кишини эслатади. Бундай кишиларда хореик гиперкинез билан бир қаторда мускуллар тонусининг пасайиши ҳам кузатилади. Бу ҳол инфекцион ёки ревматик хореяда учрайди.

Шундай қилиб, биз стриар системанинг заарланишида — хореяда гиптоник-гиперкинетик синдромни учратамиз.


Стриар системанинг ганглиоз хужайралари заарланиши натижасида атетоз ҳам келиб чиқади. Атетозда кўл панжаси ҳамда бармоқларни ёзувчи ва букувчи мускулларнинг тонуси ошиб кетади. Ҳаракат импульслари панжа ва бармоқларни ёзувчи ва букувчи мускулларга бирданига келиши натижасида бармоқларда чувалчангсимон ҳаракат пайдо бўлади.

Масалан, бир бармоқ аста-секин букила бошласа, иккинчиси ёзила бошлайди, сўнгра букилган бармоқлар аста-секин ёзилади, ёзилганлари эса букила бошлайди. Бармоқларнинг бундай ҳаракати туфайли панжа ҳар хил кўринишга кириб туради (100-расм).

Стриар системанинг заарланиши торзион дистонияга олиб келади. Торзион дистония тонусининг мускулларга нотўғри тақсимланиши натижасида ҳосил бўлади. Бундай bemорлар ҳаракат кила бошлаганларида тананинг табиий вазияти ўзгаради. Танани ёзилтирувчи мускулларнинг тортиб кетиши натижасида bemорнинг бўйни орка ёки ён томонга қийшайиб, танаси орка томонга эгилади. Кўл ва оёқлари эса нотўғри вазият кашф этади. Худди шу вақтда юқоридаги мускулларнинг тонуси ошиб кетади (101-



100-р а с м. Атетозда бармоқларнинг вазияти.



101-р а с м. Торзион дистонияда тана вазияти.



103-р а с м. Паллидар системасининг
зарарланиши натижасида пайдо бўлган
амимия.

102-р а с м. Паллидар системасининг
зарарланиши натижасида пайдо бўл-
ган вазият (паркинсонизм).

расм). Бундай бемор тинч ҳолатда бўлганида ёки ухлаганида тана ўз ҳолатига қайтади.

Паллидар системанинг заарланиши натижасида содир бўлувчи ўзгаришлар. Паллидар системанинг заарланиши тана мускуллари пластик тонусининг кучайишига олиб келади. Шу сабабли бундай беморларнинг танаси ярим букчайган, оёқ ва қўллари тирсак ва тизза бўғимларидан ярим букилган ҳолатда бўлади (102-расм). Бундай беморлар кам харакат бўлиб қолади (брэдикинезия). Қўл, оёқ ва тана харакатлари секинлашади, юриш ритмидаги қўл иштирок этмайди. Беморнинг қўл, оёқларида ва пастки жағида тремор пайдо бўлади. Мимика мускулларининг пластик тонуси ошиб кетганиниги сабабли мимик ҳаракатлар йўқолади (амимија) (103-расм). Бундай беморлар кулганларида кулиш эмоцияси секинлик билан бошланади ва кулгини келтириб чиқарган сабаб ўтиб кетган бўлса ҳам улар илжайиб тураверадилар. Бундай ҳолат эпидемик энцефалитнинг хроник даврига (паркинсонизм) ва Паркинсон касаллигига хосдир.



104-расм. Ички капсула нинг тузилиши (схема).

1 — tractus fronto-pontinus, 2 — tractus occipito-temporopontinus; 3 — ички капсула нинг орка оёқчаси; 4 — nucleus lentiformis; 5 — ички капсула нинг олдинги оёқчаси; 6 — пешончи бўлғаги; 7 — nucleus caudatus; 8 — ички капсула нинг тиззаси; 9 — кўрув дўйнлиги; 10 — энса бўлғаги; а — эшиктув йўллари; V — кўрув йўллари (radatio optica).

Ички капсула (capsula interna) нинг тузилиши.

Ички капсула катта мия ярим шарларининг оқ моддасидан иборат бўлиб, пўстлоқ ости тугунчалари орасида жойлашгандир.

Ички капсула олдинги, орка оёқчаларга ва улар орасида жойлашган тизза қисмларига бўлинади. Ички капсуланинг олдинги оёғи думли ядронинг боши билан лентикуляр ядро орасида жойлашган. Бу ердан катта миянинг пешона қисмидан кўприкка томон борувчи йўллар ўтади.

Ички капсуланинг тизза қисмидан мия пўстлоғининг ҳаракат анализаторларидан краниал ҳаракат нервларининг ядроларига борувчи йўллар, яъни пирамида йўлининг краниал нервларга тегишли қисми ўтади.

Орка оёқчанинг олдинги қисмидан пирамида йўллари, орка қисмидан эса мия пўстлоғига келувчи тери ва мускул бўғим сезгиларини ўтказувчи йўллар ўтади (104 ва 97-расмларга қаралсин).

Одамнинг катта мияси ўз ҳажми жиҳатидан марказий нерв системасининг энг катта қисмини ташкил этади ва мия устуни билан миячани устки томондан коплаб туради. У икки чап ва ўнг ярим шарлардан иборат бўлиб, бу ярим шарларни устки томонда вертикал чукур эрат (*fissura longitudinalis cerebri*) иккига ажратиб туради. Мазкур эгатнинг остики деворини қадоқсимон тана (*cortex callosum*) ташкил этади. Қадоқсимон тананинг ўзи эса катта мия ярим шарларини бир-бири билан боғловчи нерв толаларидан ташкил топган.

Катта миянинг ҳар бир ярим шари учта: ташки, ички ва остики юзага эга. Мия ярим шарларининг бу юзалари ташки томондан кул ранг модда — мия пўстлоғи билан қопланган. Мия пўстлоғининг остида миянинг ок моддаси, катта мия қоринчалари ва пўстлоқ ости тугунлари жойлашган.

Катта мия ярим шарлари пўстлоғининг тузилиши. Катта мия пўстлоғининг сатҳи 1800—2200 квадрат сантиметрга тенг бўлиб, 15—16 миллиардга қадар нерв ҳужайраларига эга. Олиб борилган кўпгина цитоархитектоник тадқиқотлар натижасида мия пўстлоғида нерв ҳужайралари 6 қават жойлашганлиги аниқланган. Мисол тариқасида олдинги марказий пуштанинг цитоархитектоник тузилишини олиб кўрамиз:


I. Молекуляр қават — *lamina zonalis seu molecularis* — миянинг ташки қавати бўлиб, асосан майдаглия ҳужайралари тўпламидан иборат.

II. Ташки донадор қават — *lamina granularis externa*. Бу қават зич жойлашган донадор кичик пирамидал ҳужайралардан ташкил топган.

III. Пирамидал қават — *lamina pyramidalis*. Бу қават эса майдаглия, ўртача ва катта пирамидал ҳужайралардан иборат.

IV. Ички донадор қават — *lamina granularis interna*. Ушбу қаватда майдаглия, юмалоқ ёки полигонал ҳужайралар жойлашган.

V. Йирик пирамидал ҳужайралар қавати — *lamina gang-*



105-расм, а Бош мия пўстлоғининг цитоархитектоник ва миеоархитектоник схемаси:

I — *lamina zonalis*; II — *lamina granularis externa*; III — *lamina pyramidalis*; IV — *lamina granularis interna*; V — *lamina ganglionaris*; VI — *lamina multiformis*.

lionaris. Бу қават йирик — гигант пирамида (Бең) ҳужайралари дан ташкил топган.

VI. Полиморф ҳужайралар қавати — *lamina multiformis* — хар хил шаклга эга бўлган майда ҳужайралардан тузилган.

Юқорида кўриб ўтилган қаватлар мия пўстлоғининг ҳамма бўлакларида бир хил тузилган эмас. Унинг айрим бўлакларида, шу бўлакларнинг бажарадиган вазифасига қараб, юқорида келтириб ўтилган қаватлардан бири яхши тарақкий қилган бўлиши, шунингдек мазкур қаватнинг ўзи, ўз навбатида яна бир неча қаватларга бўлинган бўлиши ҳам мумкин. Ана шу зонадаги колган қаватлар эса яхши тарақкий қилмаган бўлади (105-расм, а, б, в).


КАТТА МИЯ ЯРИМ ШАРЛАРИНИНГ ТАШҚИ ЮЗАСИ

Катта мия пўстлоғи жуда кўп миқдордаги пушта ва эгатлар билан бўлак ва қисмларга ажралган. Катта мия пўстлоғининг ташқи сатҳида энг чуқур ва узун ён эгат ёки Сильвий эгати (*sulcus lateralis* *Sylvii*) жойлашган бўлиб, унинг чуқурга ўхшашиб кенг остки қисмини оролча (*insula*) ташкил этади. Катта мия пўстлоғининг иккинчи асосий эгати марказий эгат (*sulcus centralis* — *Roland*) деб юритилади. Катта миянинг орқа томонида тепа — энсааро эгат (*sulcus parieto-occipitalis*) ҳам жойлашган. Катта мия ярим шарлари бу эгатлар ёрдамида пешона (*lobus frontalis*), тепа (*lobus parietalis*), энса (*lobus occipitalis*) ва чакка (*lobus temporalis*) бўлакларига ажралади (106-расм). Ён эгат (*sulcus lateralis*) чакка бўлагининг юқори чегарасини ҳосил қилиб, олдинги томонда чаккани пешона бўлагидан, орқа томонда эса энса бўлагидан ажратиб туради.

Марказий эгат (*sulcus centralis*) миянинг пешона бўлагини унинг тепа бўлагидан ажратиб туради. Тепа-энсааро эгат (*sulcus parietooccipitalis*) катта миянинг тепа ва энса бўлакларини бир-биридан ажратиб туради. Бу эгат катта мия ярим шарларининг ички юзасида аниқ кўринади.

Катта миянинг пешона бўлаги — *lobus frontalis*. Катта миянинг пешона бўлаги марказий эгатнинг олдинги томонида жойлашган. Унинг ташқи сатҳида кўйидаги эгат ва пушталарни кўришимиз мумкин: марказий эгатнинг олдинги қисмида, унга параллель ҳолда олдинги марказий эгат (*sulcus praecentralis*) жойлашган. Бу эгат устки (*sulcus praecentralis superior*) ва пастки (*sulcus praecentralis inferior*) қисмларга бўлинади (107-расм, а, б).

Марказий эгат билан марказий эгат олди эгати ўртасида, вертикаль ҳолда олдинги марказий пушта (*gyrus centralis anterior*) ётади. Пешона бўлагида яна горизонтал ҳолатда жойлашган икки эгат — устки ва пастки пешона эгатлари (*sulcus frontalis superior et inferior*) бор. Улар катта мия пешона бўлагининг



107-р а с.м. Гони миянинг ташки юзаси (схема).

а — ён томондан кўриниши. 1 — sulcus occipitalis; 2 — sulcus interparietalis; 3 — sulcus centralis; 4 — sulcus praecentralis; 5 — sulcus frontalis superior; 6 — sulcus frontalis inferior; 7 — ramus anterior horizontalis; 8 — ramus anterior ascendens; 9 — fissura cerebri lateralis; 10 — sulcus temporalis superior; 11 — sulcus temporalis medius.

б — тепадан кўриниши. 1 — fissura longitudinalis; 2 — sulcus frontalis sup; 3 — sulcus frontalis inferior; 4 — sulcus praecentralis; 5 — sulcus centralis; 6 — sulcus interparietalis; 7 — pars marginalis cinguli; 8 — sulci occipitales sup.

олдинги томонини юқори, ўрта ва пастки пушталарга (gyri frontales superior, media et inferior) ажратиб туради.

Пастки пушта ҳам уч қисмга бўлинади: олдинги томонида орбитал қисм (pars orbitalis); учбурчак қисм (pars triangularis) ва оперкуляр қисм (pars opercularis).

Катта миянинг тепа бўлаги — lobus parietalis. Олдинги томонда марказий эгат (sulcus centralis) билан, пастки томонда ён эгат (sulcus lateralis) билан ва орқа томонда тепа ҳамда энсапаро эгатлар (sulcus postcentralis) билан катта миянинг қолган бўлакларидан чегараланиб туради.

Марказий эгатнинг орқа томонида унга параллель ҳолда ортки марказий эгат (sulcus postcentralis) жойлашган. Марказий эгат билан ортки марказий эгат ўртасида ортки марказий пушта (gyrus centralis posterior) ётади (107-расм, а, б).

Горизонтал ҳолатда жойлашган тепааро эгат (sulcus interparietalis) тепа бўлагининг юқори қисми (lobulus parietalis superior).

1. Тепа бўлагининг юқори қисми (lobulus parietalis superior).
2. Тепа бўлагининг пастки қисми (lobulus parietalis inferior).

Тепа бўлагининг пастки қисми ён эгатнинг юқори учини қоплаб турувчи чегара усти пуштасига (gyrus supramarginalis) ҳамда чакка бўлаги биринчи эгатининг (sulcus temporalis superior) юқори учини қоплаб турувчи учбурчак пуштага (gyrus angularis) бўлинади.

Катта миянинг чакка бўлаги — *lobus temporalis* юқори томонда ён эгат билан чегараланиб, пастки томонда миянинг остики юзасига ўтади. Унинг ташки юзасида тахминан ён эгатга паралель ҳолда жойлашган учта кўндаланг эгат: юқори чакка эгати (*sulcus temporalis superior*), ўрта чакка эгати (*sulcus temporalis media*) ва пастки чакка эгати (*sulcus temporalis inferior*) бор. Бу эгатлар чакка бўллагини тўрт қисмга бўлади: юқори чакка пуштаси (*gyrus temporalis superior*); ўрта чакка пуштаси (*gyrus temporalis inferior*) ва гиппокамп пуштаси (*gyrus hippocampi*).

Чакка бўллагининг юқори сатҳи ён эгатнинг (*sulcus lateralis*) остики деворини ташкил этади. Унинг орка қисмида бир неча (2—3) кўндаланг пушталар (*gyri temporales transversae*) жойлашган, уларга Гешли пушталари дейилади.

Катта миянинг энса бўлаги — *lobus occipitalis*. — Миянинг ташки юзасидаги энса бўллагининг пушталари ўз йўналиши ва сони жиҳатидан доимий эмас.

КАТТА МИЯ ЯРИМ ШАРЛАРИНИНГ МЕДИАЛ ЮЗАСИ

Катта мия ярим шарлари ички юзасининг марказий қисмида қадоқсимон тана (*cortex collosum*) жойлашган. Унинг устки қисмида қадоқсимон тананинг эгати (*sulcus corporis callosi*) ётади. Қадоқсимон тана эгатининг (*sulcus corporis callosi*) олдинги қисмида, унга параллель ҳолда қадоқсимон тананинг чегара эгатини (*sulcus callosomarginalis*) кўрамиз. Бу икки эгат оралиғида устки лимбик пушта (*gyrus limbicus superior*) ўрнашган. Шу сатҳнинг орка қисмида миянинг тепа ва энса бўлакларини бир-биридан ажратиб турувчи тепа-энсааро эгат (*sulcus parieto-occipitalis*) жойлашган (108-расм).


Энса бўллагининг ички сатҳида пиҳсимон эгат (*sulcus calcarinus*) ётади. *Sulcus parieto-occipitalis* ва *sulcus calcarinus* оралиғида энсанинг понасимон пуштаси (*cuneus*), *sulcus calcarinus*-нинг остида эса тилсимон пушта (*gyrus lingualis*) жойлашган.

Чакка бўллагининг олдинги қисмида денгиз оти илмоғи деб аталувчи пушта (*uncus gyri hippocampi*) ётади.

КАТТА МИЯ ЯРИМ ШАРЛАРИНИНГ ОСТИКИ ЮЗАСИ


Катта мия ярим шарлари асосининг олдинги қисмида миянинг пешона бўлаги, ундан орқароқда чакка бўлаклари ва ундан ҳам орқароқда энса бўлаги жойлашган (109-расм).

Пешона бўллагининг остида, ҳидлов эгатида ҳидлов нервининг (п. *olfactorius*) сўғони (*bulbus olfactorius*) ва унинг йўли (*tractus olfactorius*) ётади. Ҳидлов йўли ҳидлов учбурчаги (*trigonum olfactoriūm*) билан тамомланади. Ҳидлов учбурчаги ва йўлларининг орка қисмида II-краниал нервнинг кесишган ери (*chiasma nervorum opticorum*) жойлашган.



108-расм. Бош миянинг иччи юзаси (схема).

1 — sulcus cinguli; 2 — sulcus corporis callosi; 3 — sulcus marginalis; 4 — fissura parieto-occipitalis; 5 — fissura calcaria; 6 — IV корнича; 7 — lamina quadrigemina; 8 — глиофиза; 9 — fornix; 10 — area parolfactoria.



109-расм. Бош миянинг остики юзаси (схема).

1 — хидлов учбурчаги; 2 — хидлов айли; 3 — хидлов сүгени; 4 — fissura longitudinalis; 5 — sulcus olfactorius; 6 — гүрі orbitales; 7 — олдинги илма тешик мөддә; 8 — ипсис gyrus hippocampi; 9 — ўтра чакка эгали; 10 — пастки чакка эгали; 11 — fissura hippocampi; 12 — fissura collateralis; 13 — fissura calcarea; 14 — cuneus.

Хидлов нерви (p. olfactorius) — тузилиши, функцияси, текширув усули, заарланиши. Хидлов анализаторининг йўли уч неврон занжиридан иборат. Биринчи неврон биполяр хужайралар бурун шиллик қаватида жойлашган бўлиб, унинг дендритлари хидлов рецепторларида тугалланади, аксонлари эса бирга йигилишиб, 15—20 дона хидлов ипчалари — fila olfactory-ни ҳосил қиласди. Бу ипчалар lamina cribrosa суягининг тешикчалари орқали бош мия кутисининг ичига кириб, хидлов сўғони (bulbus olfactorius) да тугалланади (110-расм).

Хидлов сўғонида жойлашган иккинчи неврон хужайралари-нинг аксонлари хидлов йўли (tractus olfactorius) ни ҳосил қиласди ва бошланғич хидлов марказлари деб аталувчи хидлов учбурчаги trigonum olfactoium) билан septum pellucidum-да тугалланади. Бошланғич хидлов марказларида жойлашган учинчи неврон хужайраларининг аксонлари ўз томондаги ва қарама-карши томондаги бош мия пўстлоғининг хидлов анализатори ядросида — денгиз оти пуштасида (gyrus hippocampi) ва илмоқда (uncus) тугалланади (111-расм). Баъзан II неврон аксонлари бошланғич хидлов марказларида тугалланмасдан, gyrus hippocampi-да тугалланиши ҳам мумкин.

Текшириш усули. Хидлов нервининг ишини аниқлаш учун ҳар бир бурун тешиги орқали турли хил ҳидли моддалар (камфара мойи, керосин ва бошқалар) ҳидлатилади.

Текширилувчи ҳидлатилаётган ҳар хил моддаларни бирбиридан ажратса билиши лозим. Бунинг учун ўткир ҳидга эга бўлган моддаларни (ментол, формалин, новшадил спирти ва бошқа) ҳидлатиш ярамайди, чунки улар факат хидлов рецепторларигагина эмас, балки уч тармоқли нервнинг бурун шиллигидаги оғриқ рецепторларига ҳам таъсир этади.

Патологияси. Хид билишнинг пасайишига — гипосмия, йўқолишига — аносмия, кучайиб кетишига — гиперосмия дейилади. Гипосмия ва аносмия хидлов нерви, хидлов сўғони хидлов йўли ёки хидлов учбурчагининг заарланиши натижасида юз беради.

Агар патологик жараён хидлов анализаторининг пўстлоқ кисмини заарласа, хид галлюцинацияси пайдо бўлиши мумкин.

Катта мия пешона бўлагининг асосида ўсмалар пайдо бўлганда, кўпинча хидлов сўғони ва хидлов йўли заарланади. Шиш жойлашган томондаги бурун тешиги орқали хид билиш йўқолади. Бурун шиллик қаватининг яллигланиши натижасида (гипертрофик ринит) бурун йўллари бекилиб колади, бу ҳам хид билишнинг йўқолишига олиб келади. Шунинг учун, текшириш натижасида аниқланган аносмиянинг қандай сабаблар таъсирида пайдо бўлганлигини билиб олиш катта диагностик аҳамиятга эга.

БОШ МИЯ ПҮСТЛОГИНИНГ ФУНКЦИЯСИ ВА ПАТОЛОГИЯСИ

Бош мия пүстлоғида сезиш (тери ва проприорецептик сезги), күриш, эшитиш, ҳидлов, ихтиёрий ҳаракат ва бошқа проекцион зоналар — «марказлар» жойлашгандир. Бу зоналарда ташқи ва ички мұхитдан қабул қилинган таъсиротлар олий даражада анализ ва синтез қилинади ва бу таъсиротларга организм томонидан тегишли жавоб қайтарилади.

Бундан ташқари, сўзлаш, одам нутқини тушуниш, қабул қилинган таъсиротларга нисбатан тўғри тушунча ҳосил қилиш (таниш, билиш), ҳаёт тажрибасида ўрганилган оддий ва мураккаб ҳаракатларни бажариш хусусиятлари, яъни олий нерв фалияти каби функциялар мия пүстлоғи билан пүстлоқ остида жойлашган бошқа марказларнинг ўзаро алокаси натижасида рўй беради.

Нерв системаси организмни доимо ўзгариб турувчи ташқи мұхитта мослаштириб туради. Ташқи ва ички мұхит таъсиротлари нерв системасининг анализаторлар деб аталувчи ўзига хос тузилмалари орқали қабул қилинади.

Анализаторларнинг тузилиши. Ҳар бир анализатор уч кисмдан иборат:

1. Рецептор қисми — анализаторнинг органдары, тери ва шиллик пардаларда жойлашган периферик қисмидир. Рецепторлар киши организмидә жойланишига қараб З гурухга бўлинади:

1. Экстрорецепторлар.
2. Проприорецепторлар.
3. Интэрорецепторлар.

Экстрорецепторлар икки хил бўлади: контакт рецепторлар ва дистант (кўрув, эшитув, ҳидлов ва бошқа) рецепторлар. Рецепторларнинг асосий функцияси — ҳар хил ташқи ва ички таъсиротларни нерв импульсига айлантириб беришдан иборат. Ҳар бир сезги органдада жойлашган рецептор факат маълум бир таъсиротнигина қабул қилишга мослашган бўлади. Масалан, кўзнинг тўр қаватида жойлашган рецепторлар ёруғлик таъсиротларини, ички қулокда жойлашган Кортиев органди рецепторлари товуш таъсиротларини қабул қилишга мослашгандир. Шундай қилиб, рецепторларда бошлангич анализ ва оддий синтез жараёнлари содир бўлиб туради.

2. Ўтказгич қисми. Ҳар бир анализаторнинг ўтказгич қисми нервлардан ва ўтказувчи системадан иборат бўлиб, импульсни рецепторлардан марказга етказиб беради.

3. Марказий пүстлоқ қисми. Ҳар бир анализаторнинг пүстлоқ қисми бош мия пүстлоғининг алоҳида соҳаларида жойлашган.

Умуман, бош мия пүстлоғи анализаторлар комплексидан иборатdir. Бош мия пүстлоғида ҳар хил ташқи ва ички таъсиротларни қабул қилувчи рецепторларнинг ўзига хос анализатор зоналари жойлашган. Масалан, кўз ва қулокдаги репетторларда пайдо бўлган кўзғалишларни бош мия пүстлоғидаги ўзига хос зоналар қабул қиласи.

Анализаторларнинг периферик қисми (рецептор) таъсиrlарни нерв импульсига айлантириб берса, унинг мия пўстлоғидаги қисмida олий синтез ва анализ жараёнлари боради.

Хар бир анализатор зонаси мия пўстлоғининг маълум бир бўлакчаси билан чегараламаган, балки атрофга кенг тарқалгандир. Анализаторнинг зич жойлашган қисмларини анализатор маркази ёки ядроси дейилади. Марказдан четлашган сари, анализаторларнинг жойлашиши тарқоқ ҳолатга келиб, сийраклаша боради. Бунга анализаторнинг пўстлоқ периферияси дейилади (112-расм а, б).

Бир анализаторнинг периферияси иккинчи анализатор соҳаси билан кўшилиб кетган бўлади, шунинг учун бир анализатор соҳасининг заарланиши иккинчи бир анализатор функциясининг ҳам ўзгаришига олиб келади.

Шундай қилиб, рецепторлар ташки таъсиrotни нерв импульсига айлантириб бергандан кейин, импульс ўтказгич йўллар орқали анализатор ядросига ва унинг перифериясиiga етиб боради. Бу ерда олий анализ ва синтез жараёнлари юз беради.

ТЕРИ ВА ПРОПРИОЦЕНТИК (МУСКУЛ-БЎГИМ) СЕЗГИ СИСТЕМАСИ

Тери анализаторининг рецепторлари З хил бўлади:

- 1) оғрикли таъсиrotларни қабул қилувчи рецепторлар;
- 2) ҳарорат таъсиrotларини қабул қилувчи рецепторлар;
- 3) тактил таъсиrotларни қабул қилувчи рецепторлар.

Проприорецепторларга бўғим, пай, боғлам ва мускулларда жойлашган проприоцентик сезгини қабул қилувчи, яъни ҳаракат анализаторининг рецепторлари киради. Бўғим ва мускулларнинг ҳар хил вазияти натижасида пайдо бўлган таъсиrotлар, масалан: 1) пассив ҳаракат сезгиси; 2) гавда ёки қўл ва оёкларнинг фазодаги вазиятини билиш сезгиси; 3) вибрация сезгиси ана шу рецепторлар орқали қабул килинади.

Тери ва ҳаракат анализаторининг ўтказгич йўллари ўзига хос тузилишга эга, лекин уларнинг умумий хоссалари ҳам бор:


1) бу йўлларнинг ҳаммаси ҳам учта неврон занжиридан ташкил топган.;

2) биринчи неврон ҳужайралари марказий нерв системасидан ташкарида, ganglion spinale да жойлашган;

3) иккинчи неврон аксонлари қарама-қарши томондаги аксонлар билан кесишма ҳосил қиласди.

Тери анализаторининг (оғриқ, ҳарорат ва қисман тактил сезгиларни) ўтказгич йўли. Рецепторлар ёрдамида қабул қилинган ташки таъсиrotлар (оғриқ, ҳарорат ва тактил сезгилар) тери анализаторининг ўтказгич йўли орқали тери анализаторининг ядросига етказиб берилади.

Тери анализаторининг ўтказгич йўли учта неврон занжиридан иборат бўлиб (113-расм), биринчи нёврон ҳужайраси орқа мия туғунида (ganglion spinale) жойлашгандир. Бу ҳужайраларнинг



113-расм. Тери ва мускул-бўғим анализаторининг ўтказгич йўллари.

1 — radix spinalis posterior; 2 — орқа мия ганглияси; 3 — fasciculus spinothalamicus; 4 — fasciculus gracilis et cuneatus; 5 — nuclei gracilis et cuneatus; 6 — lemniscus medialis; 7 — n.vagus; 8 — tractus spinalis n.trigemini; 9 — n.trigemini; 10 — thalamus opticus; 11 — fasciculus thalamocorticales (Макс-Клар схемаси).

115-расм. Тана кисмларининг ортки марказий ёгатдаги проекцияси.

Чизик узунасига ҳар бир тана кисмига тегишли пўстлоқдаги проекцияси кўрсатади. 1 — оёба бармоклари; 2 — оёк панижаси; 3 — болидир; 4 — сон; 5 — тана; 6 — бўйин; 7 — бош; 8 — елка бўғими; 9 — елка; 10 — тирсак; 11 — билак; 12, 13 — кўл панижаси; 14 — V бармок; 15—IV бармок; 16 — ўрта бармок; 17 — кўрсаткич бармок; 18 — катта бармок; 19 — кўз; 20 — бурун; 21 — юз; 22 — юкори лаб; 23 — лаблар; 24 — пастки лаб; 25 — тишлар ва жаг; 26 — тил; 27 — оғиз бўшлиги; 28 — корин бўшигидаги органлар; 29 — кўрув дўнглигининг юкоридаги ички ядроси; 30 — орқадаги чётки ядро; 31 — орқадаги пастки ядро; (У. Пенфильд ва Т. Расмуссен схемаси).

ўсикчалари иккига — аксон ва дендритга бўлинади, периферик ўсикчалари (дендритлари) умуртқалараро тешикдан (foramen intervertebrale) ташқарига чиқади. Сўнгра ҳаракат илдизчалари билан бирлашиб, периферик нервларни ҳосил қиласди ҳамда теридаги ва шиллик қаватлардаги экстрорецепторларда тугалланади.

Биринчи неврон ҳужайраларининг аксонлари эса орқа илдизчани ҳосил қилишда иштирок этиб, орқа миянинг ортки

шохидаги хужайраларда тугалланади. Иккинчи неврон хужайралари ортки шохда жойлашган. Уларнинг аксонлари олдинги кул ранг битишмада (*comissura grisea anterior*) кесишиб, орка миянинг карама-қарши томонидаги ён тизимчага ўтади. Сўнгра бош мияга кўтарилиб, кўрув дўнглиги (*thalamus opticum*)-да тугалланади. Шунинг учун бу аксонларга спиноталамик тутам (*fasciculus spinothalamicus*) дейилади. Спиноталамик тутамнинг марказий нерв системасида топографик жойлашиши қўйидагича:

Спиноталамик тутам орка мия ён тизимчасининг олдинги қисмидан ўтади (114-расм). Орка миянинг пастки сегментларидан юкорига йўналувчи спиноталамик невронлар ён тизимчанинг ташки қисмida ётади. Орка миянинг юкори сегментларидан кўтарилиувчи невронлар эса ён тизимчанинг медиал қисмida жойлашган. Бунга узун ўтказгичларнинг эксцентрик жойлашиш конуни дейилади. Сўнгра спиноталамик тутам узунчок миянинг ўрта қисмидан ўтиб, кўприкда, медиал илмоқнинг (*lemniscus medialis*) ташки томонида жойлашади. Мия оёқчасида эса медиал илмоқ билан бирлашиб, қизил ядронинг дорзолатерал томонидан ўтади. Спиноталамик йўл кўрув дўнглиги ташки ядросининг пастки қисмидаги хужайраларда тугалланади.

Бу хужайралар учинчи неврон хужайралари бўлиб, уларнинг аксонлари дастлаб кўрув дўнглигидан, сўнгра ички капсула ортки оёқчасининг (*crus posterior capsulae internae*) орка томондаги учдан бир бўлагидан ўтиб, мия пўстлоғининг ортки марказий пуштасида ва унинг атрофида тугалланади. Учинчи невронни таламокортикал тутам (*fasciculus thalamocorticalis*) дейилади. Ортки марказий пушта (*gyrus postcentralis*) да тери анализаторларининг ядроси жойлашган бўлиб, шу пуштага 115-расмда кўрсатилган ҳолатда гавда проекцияси тушади.

Ҳаракат анализаторлари (бўғим-мускул сезгиси)нинг ўтказгич йўли. Мускул, пай ва бўғимларнинг ҳаракати натижасида проприорецепторларда пайдо бўлувчи қўзғалишлар проприоцептик йўл орқали ҳаракат анализаторининг ядросига етиб келади.

Бу система орқали қисман тактил сезги йўллари ҳам ўтади.

Ҳаракат анализаторининг йўли учта неврон занжиридан иборатdir. Биринчи неврон хужайралари орка миянинг тугунида (*ganglion spinale*) жойлашган бўлиб, уларнинг дендритлари периферик нервлар билан бирга мускул, пай, бўғим ва суюк проприорецепторларида тугалланади.

Биринчи неврон хужайраларининг аксонлари эса орка илдизча таркибида, орка миянинг ортки тизимчасига киради (113—114-расмларга қаралсин), сўнгра ортки тизимча орқали юкорига кўтарилиб, узунчок миянинг орка томонида жойлашган *nucleus gracilis* ва *nucleus cuneatus* хужайраларида тугалланади. Биринчи невронни ганглиобульбар йўл (*tractus gangliobulbaris*) дейилади. *Nucleus gracilis* хужайраларида тугалланувчи биринчи неврон аксонлари — (*fasciculus gracilis*) орка мия ортки тизимчасининг медиал қисмida ётади.

116-расм. Тери ва мускул-бўғим сезгилари ўтказгич йўллариниг схемаси.

1 — мускул-бўғим сезгисининг биринчи неврони; 2 — тери сезгисининг биринчи неврони; 3 — спинал тугун ҳужайралари; 4 — fasciculus gracilis; 5 — fasciculus cuneatus; 6 — спиноталамик йўл; 7 — nucleus-fasciculi cuneatus; 8 — nucleus-fasciculi gracilis; 9 — ички илмоқни ҳосил ки-
лувчи бульботаламик йўл; 10 — lemniscus medialis;
11 — fasciculi thalamocorticales.

Fasciculus gracilis-ни орқа миянинг пастки тугунларидан келувчи (гавданинг пастки қисмига ва оёқка тегишли) ганглиобульбар невронлар ҳосил қиласи.

Nucleus cuneatus ҳужайраларидан тугалланувчи биринчи неврон аксонлари эса орқа мия орткни тизим-часининг латерал қисмида жойлашган бўлиб, fasciculus cuneatus номи билан юритилади. Fasciculus cuneatus-ни орқа миянинг юкоридаги тугунларидан (гавданинг юкори қисмига ва қўлга тегишли) келувчи ганглиобульбар невронлар ҳосил қиласи.


Nucleus gracilis ва nucleus cuneatus-да иккинчи неврон ҳужайралари жойлашган бўлиб, уларнинг аксонлари ички ёйсимон толаларни (*fibrae arcuatae internae*) вужудга келтиради ва қарама-карши томондан келувчи толалар билан кесишма ҳосил қиласи. Қарама-карши томонга ўтган II неврон аксонлари йигилиб, кўприкда ички илмоқни (lemniscus medialis) ҳосил қиласи.

Lemniscus medialis мия оёқчасида спиноталамик тутам билан кўшилиб, кўрув дўнглиги вентрал ядросининг ҳужайраларида тугалланади. Иккинчи неврон бульботаламик йўл — tractus bulbothalamicus деб аталади.

Кўрув дўнглигининг вентрал ядросида учинчи неврон ҳужайралари жойлашган бўлиб, уларнинг аксонлари ички капсула орқа оёқчасининг орқа томонидаги учдан бир бўлагидан ўтади. Сўнгра бош мия пўстлорининг орткни ва олдинги марказий пуштасида, яъни харакат анализаторининг ядросида тугалланади. Учинчи неврон таламокортикал тутамлар (fasciculi thalamocorticales) деб юритилади. Тери ва харакат сезгиларининг марказий нерв системасидаги схематик тасвирини эслаб қолиш учун 116-расмга қаралсин.

Сезги системасини текшириш усуллари.
Сезгини текшириш врач ва бемордан ниҳоятда диққат ва эътиборли бўлишни талаб этади. Шунинг учун хушини йўқотган беморларда сезгини текшириш кийин.

Сезгини текширишда қуйидаги коидаларга риоя қилиш зарур.



1. Текшириш вактида беморнинг кўзлари юмук бўлиши керак, чунки беморнинг эътибори чалғиса, у текширувчининг саволларига нотўгри жавоб қайтариши мумкин.

2. Сезги тананинг симметрик қисмларида текширилади ва олинган маълумотларни қарама-қарши томон билан доимо солиштириб кўрилади.

3. Симметрик қисмларга қилинаётган таъсиротлар ҳамиша бир хил кучга эга бўлиши керак.

4. Текшириш гавданинг ҳамма қисмида олиб борилади.

5. Текшириш олиб борилаётган хонанинг ҳарорати 20°C дан кам бўлмаслиги шарт.


Тери сезги и текшириш. Терида оғриқ, ҳарорат ва тактил сезгилар текширилади.

Тактил сезгини текшириш учун текширилувчи танасининг симметрик қисмларига пахта ёки юмшоқ соч толаларини сал тегизиб, астагина юргизилади. Шундай қила туриб, бемордан ҳар икки томондаги таъсиротни баравар сезаётган ёки сезмайтганлиги сўралади.

Терининг оғриқ сезгиси оддий тўғнағич ёки игна ёрдамида текширилади. Бунинг учун гавданинг симметрик қисмларига игна санчиб кўрилади. Текширилувчи игнанинг ўткирлигини сезса, «ўткир» деб, ўткирлигини сезмаса, «ўтмас» деб жавоб бериши лозим. Санчилаётган игнанинг ўткирлиги сезилмаса оғриқ а не сезизи, кам сезилса оғриқ гипестези яси дейилади.

Ҳарорат сезгиси. Ҳарорат сезгиси Рот термостезиометри ёрдамида текширилади (117-расм). Бунинг учун бир термостезиометрга иссиқ, иккинчисига совук сув солинади. Сувларнинг ҳарорати аниқлангандан кейин, беморнинг текширилаётган тана қисмига ҳар икки термостезиометр бирин-кетин кўйилади ва текширилувчидан иссиқ термостезиометр билан совук термостезиометрнинг фарқини сезган ёки сезматанлиги сўралади. Нормал ҳолатда одам $2-3^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ҳарорат фарқини сезмаслиги мумкин. Термостезиометрлар ўртасидаги ҳарорат фарқи 3°C дан ортиқ бўлганда текширилувчи бу фарқни сезиши керак.

Агар ҳарорат сезгиси ўзгарган бўлса, беморлар $10-20^{\circ}\text{C}$ ва ундан ортиқроқ ҳарорат фарқини ҳам аниқлай олмайдилар. Масалан, агар бемор сувининг ҳарорати 45°C бўлган термостезиометрни 15°C ҳароратли сув солинган термостезиометрдан ажратса олмаса, 30°C га тенг ҳарорат фарқини аниқлай олмаган бўлади.




117-расм. Термостезиометр.




110-расм. Ҳидлов нерви.

1 — ҳидлов сүғони; 2 — ички бурун шохчалари; 3—п. *nasopalatinus*; 4, 5—*pterygopalatinum*; nn. *palatini*; 6—*ganglion*; 7—п. *maxillaris*; 8 — ҳидлов иппчалари; 9 — ҳидлов яўли.




111-расм. Ҳидлов анализаторининг ўтказгич йўли.

1 — ҳидлов ипчалари; 2 — ҳидлов сўғони; 3—*stria olfactoria medialis*; 4—*fornix*;
5—*gyrus cinguli*; 6—*corpus callosum*; 7 — қўрув дўнглиги; 8—*uncus*; 9—*stria olfactoria*;
10 — ҳидлов учбурчаги; 11 — ҳидлов йўли.




а



б


112-расм. Ҳар хил анализаторларнинг бош мия пўстлоғидаги зоналари.

а — бош миянинг ташқи юзаси; б — бош миянинг ички юзаси (қизил ранг); г — тери анализатори зонаси; сарқиқ ранг — эшиктув анализатори зонаси; ҳаво ранг — кўрув анализатори зонаси; яшил ранг — ҳидлов анализатори зонаси; нуқталар — ҳаракат анализатори зонаси (А. В. Триумфовдан).




114-расм. Тери, мускул-бўғим сенсоријалният ўтказгич йўлларнинг орқа мия бўйлаб йўналиш схемаси.

1, 2 — спиноцеребелляр (Флексир) йўли; 3 — ён (кесишган) пирамида йўли; 4 — олдинги (кесишмаган) пирамида йўли; 5 — мускул-бўғим йўли; 6 — тери сенсоријалният ўтказгич йўли; 7 — орқа мия илдизча; 8 — орқа мия ганглияси; 9 — олдинги илдизча.




140-расм. Мия пўстлоғидаги олий фаолият функциялари соҳалари (схема).

1 — мотор нутқ (гапириш) соҳаси (Брок майдони); 2 — ёзув (графния) соҳаси;
3 — сенсор-мотор соҳа; 4 — иктиёрий ҳаракат соҳаси. 5 — тери ва мускул-бўғим се-
зув соҳаси; 6 — стереогнозия соҳаси; 7 — праксис соҳаси; 8 — ўқув (лексия) соҳаси;
9 — сензор нутқ соҳаси (Вернике майдони); 10 — эшиктув гнозия соҳаси;
11 — хисоблаш соҳаси.




145-расм, а. Мия пўстлоғининг «сўзлаш» майдони.

1 — динамик афазия; 2 — афферент «кинетик» афазия; 3 — эфферент (кинетик) афазия; 4 — акустик-миестик афазия; 5 — сензор афазия; 6 — амнестик афазия (А. Р. Лурниядан). б — «Гиппокамп донраси»нинг схемаси (Лейпцец донраси). СМ — гипоталамуснинг сурғичсизмон таналари; Тп — кўрув дўнглигининг оддинги ядроши; GC — белбогсишмон эгат; S — тўсик ядролари; Hth — гипоталамус; Н — гиппокамп; R — ўрта миянинг тўр формацияси; ДМ — таламуснинг дорзомедиал ядроши.




149-р а с м. БОШ МИЯ АСОСИДАГИ АРТЕРНЯЛАР.

1—art. cerebri ant.; 2—art. communicans ant.; 3—art. carotis interna 4—art.
cerebri posterior; 5—art. cerebelli superior; 6—art. basilaris; 7—art. cerebelli
inferior anterior; 8—art. cerebelli inferior posterior; 9—art. vertebralis;
10—art. communicans posterior; 11—art. cerebrimedia.




150-расм. Бош мия артерияларининг тармоқланиш схемаси (ички юза).

1—узунчок мия; 2—мияча; 3—бош миянинг энса булаги; 4—*art. cerebri posterior*; 5—*art. cerebelli superior*; 6—*art. paracentralis*; 7—*art. praecuneus*; 8—*fornix*; 9—*septum pellucidum*; 10—*genu corporis callosi*; 11—*art. frontalis*; 12—*art. frontalis media*; 13—*art. cerebri anterior*; 14—*art. frontalis anterior*; 15—*art. commissura anterior*; 16—*art. orbitalis*; 17—*art. cerebri anterior*; 18—*art. temporalis anterior*; 19—*n. opticus*; 20—*art. temporalis media*; 21—*recessus infundibuli*; 22—*art. basilaris*; 23—*art. cerebelli inf. anterior*; 24—*art. cerebelli inf. posterior*; 25—*art. vertebralis*; 26—*art. spinalis anterior*.




151-расм. Бош мия артерияларнинг тармоқланиш схемаси (ташқи юза).

1—art. cerebri media; 2—art. orbitofrontalis; 3—art. precentralis; 4 — миянинг пешона булаги; 5—art. rolandica; 6—art. postcentralis, 7—art. parietalis inf.; 8 — бош миянинг энса булаги; 9, 17—art. temporalis posterior; 10—art. cerebri posterior; 11 — мияча; 12—art. cerebelli inf. post; 13—art. vertebralis; 14 — узунчоқ мия; 15—art. cerebelli superior; 16—art. basillaris; 18—art. temporalis media; 19—art. temporalis anterior.




а



б


152-расм. Бош мия артерияларининг юза толалари.

Бош мия артерияснинг қон билан таъминланиш зоналари: қизил рангда — бош мия ўрта артерия зонаси; сарық рангда — бош мия олдинги артерия зонаси; иўн рангда — бош мия орқа артерия зонаси; а — ташқи юза, б — ичкни юза.




153-расм. Бош мия синуслари ва веналари.

1—v. *facialis communis*; 2—v. *facialis posterior*; 3—plexus *pterygoideus*; 4—v. *facialis anterior*; 5—v. *ophthalmica inferior*; 6—v. *ophthalmica superior*; 7—art. *caroticis interna*; 8—sinus *cavernosus*; 9—sinus *sagitalis inferior*; 10—v. *cerebri magna* (Galeni); 11—sinus *sagitalis superior*; 12—sinus *rectus*; 13—confluens sinuum; 14—sinus *petrosus superior*; 15—sinus *sigmoides*; 16—v. *jugularis inferior*.



154-расм. Баш мия асоснинг синуслари ва веналари.

1—sinus rectus; 2—sinus transversus; 3—sinus sigmoideus; 4—plexus venosi vertebralis interna; 5—sinus sphenoparietalis; 6—art carotis interna; 7 — күрүв нерви; 8—infundibulum; 9—sinus petrosus inferior; 10—11—sinus occipitalis; 12—sinus sagitalis superior.



a


160-расм, а. Баш миянинг ён томондан күриниши

I—III қоринча; 2 — ён қоринчанинг пастки шохи: recessus lat. vent. IV, 4—IV қоринча; 5—fastigium; 6 — ён қоринчанинг орткى шохи; 7 — Сильвий сув Аұли; 8—recessus suprapinealis; 9 — ён қоринчанинг марказий қисми; 10 — Монро тешиги; 11 — ён қоринчанинг олдинги шохи; 12—recessus praaeopticus; 13—recessus infundibuli ventr. III;



160-расм, б. Бош миянинг олдиндан кўринниши.


1 — ён қоринчанинг пастки шохи; 2 — қоринча; 3 — ён қоринчанинг орткі шохи;
4 — ён қоринчанинг олдинги шохи; 5 — қоринчалараро тешик (Монро тешиги);
6—fissura longitudinalis cerebri.



8

160-расм, в. Бош миянинг орқадан кўриниши.

1 — эпистрофея; 2 — атлант; 3 — мияча; 4 — ён қоринчанинг пастки шохи; 5 — Сильвий сув йўли; 6, 10 — ён қоринчанинг орткі шохи. 7 — Монро тешиги; 8—9 — ён қоринчанинг олдинги шохи; 11 — ён қоринчанинг пастки шохи; 12—IV қоринча; 13 — орқа миянинг марказий качали.



162-р асм. Бош ва орқа мия пардалари.

1 — орқа миянинг арахноидеа пардаси; 2—cisterna magna; 3 — арахноидеа пардаси;
 4—sinus sigmoideus; 5—sinus transversus; 6—sinus sagitalis superior; 7 — каттиқ парда;
 8—polus occipitalis; 9—sinus rectus; 10 — мияча; 11—art. cerebelli inferior
 posterior; 12—art. vertebralis.

Тери сезгиарини текширишдан мақсад: 1) ўзгарган тери сезгиси хусусиятини аниклаш; 2) ўзгарган тери сезгиси чегарасини аниклашдир.

Харакат (мускул ва бўғим) сезгисини текшириш. Пассив харакат сезгиси. Бу сезгини текшириш учун кўзини юмб турган текшириувчининг кўл ва оёқ бўғимлари исталган томонга букилади. Нормал ҳолатда текшириувчи бўғимларининг қайси томонга букилаётганини аник ҳис қиласи ва ўз бўғимларининг маълум томонга — ўнга ёки чапга букилаётгани ҳақида аник жавоб қайтаради. Текшириш оёқ ва қўлнинг майда бўғимларидан бошланади. Агар проприоцептик сезги ўзгарган бўлса, bemor ўз бўғимларининг қайси томонга букилаётганини сеза олмайди. Бу ҳол пассив харакат сезгиси бузилганлигидан далолат беради. Пассив харакат сезгиси бузилган бўлса, унинг қайси бўғимларда бузилганлигини аниклаш зарур. Пассив харакат сезгисида чукур ўзгаришлар юз берган бўлмаса, у ҳолда ўзгаришлар факат кўл ва оёқнинг бармоқ бўғимларидагина бўлади.

Тана кисмларининг фазодаги вазиятини билиш сезгиси. Текшириувчининг бир қўли ёки оёғи маълум бир вазиятга келтирилади, сўнгра текшириувчидан ана шу вазиятни тасвирлаб бериш ҳамда иккинчі қўлини ёки оёғини шу вазиятга келтириш талаб қилинади. Нормал ҳолатда текшириувчи ўз оёғи ёки қўлининг вазиятини (гарчи кўзи юмук бўлса ҳам) тасаввур қила олади, шунинг учун иккинчи қўли ёки иккинчи оёғини ҳам осонлик билан шу вазиятга келтиради.

Агар харакат сезгиси заарланган бўлса, bemor берилган вазиятни тасаввур қила олмайди. Шу сабабли, иккинчи қўли ёки оёғини шу вазиятга келтиромайди.

Бармоқ-бурун синови. Харакат сезгиси ўзгармаган бўлса, текшириувчи 92-расмдагидек, кўзларини юмб туриб, кўрсаткич бармоғи билан бурун учини осонгина кўрсата олади. Башарти харакат сезгиси бузилган бўлса, bemor ўз гавдаси қисмларининг фазодаги вазиятини тасаввур қила олмаганлиги сабабли, бурун учини ҳам топа олмайди. Бунга бармоқ-бурун атаксияси дейилади.

Тизза-товор синови. Нормал ҳолатда текшириувчи кўзини юмб туриб, 93-расмда кўрсатилганидек, бир оёғининг товони билан иккинчи оёғининг тиззасини осонлик билан топа олади ва товонини болдири устидан панжа томонга юргизади. Харакат сезгиси ўзгарганда эса, бу синовни бажариш қийинлашади ёки тамоман мумкин бўлмайди. Бунга тизза-товор атаксияси дейилади.

Ромберг симптоми. Текшириувчи кўзини юмган ҳолда, иккала оёқ панжаларини жуфтлаштириб, тик туради. Харакат сезгиси ўзгармаган бўлса, текшириувчи қимирламай тик турса олади. Бу сезги бузилганда эса, bemor кўзини юмиши билан мувозанатни саклай олмайди, гандираклайди ёки йиқилиб тушади. Бунга статик атаксия дейилади.

Вибрация сезгиси. Вибрация сезгисини текшириш учун камер-

тондан фойдаланилади. Бунинг учун вибрациялантирилган камер тон оёқчаси терига яқин турган сүяқ ўсикларига қўйилади. Бунд текширилувчи камертон вибрациясини сезиши керак.


Вибрация сезгиси қўл ва оёқдаги ҳамда умуртқа поғонаси нинг ҳар бир умурткасидағи ўсикчаларда текширилади. Вибраци сезгиси бузилганда бемор сүяқ ўсикчаларига қўйилган камерто вибрациясини сезмайди.

Шундай қилиб, ҳаракат сезги йўллари заарланганда пайд бўлувчи ўзгаришларга атаксия дейилади. Атаксия икки хи бўлади: 1) динамик атаксия; 2) статик атаксия.

Динамик атаксия деб, бармок-бурун ва тизза-товор синое ларининг ўзгаришига айтилади. Ромберг симитомининг пайд бўлишига эса статик атаксия дейилади.

Мураккаб сезги ларни текшириш. Локализаци сезгисини текшириш. Бунинг учун терининг маълум қисмлариг пахта тегизилади ёки игна санчилади. Сўнгра текширилувчидаги игна санчилган жойни кўрсатиш сўралади. Сезги ўзгармага бўлса, текширилувчи игна санчилган жойни аниқ кўрсати беради. Сезги ўзгаргандаги эса, игна бир жойга санчилса, оғри бошқа ерда сезилади, шунинг учун бемор игна санчилган жойн кўрсатиб бера олмайди.

Дискриминация сезгисини текшириш. Дискриминация сезги сини Вебер циркули (118-расм) ёки штангенциркуль оёқчалини бир-бирига яқинлаштириш ёки узоклаштириш йўли била текширилади. Нормал ҳолатда текширилувчининг баданига циркулнинг бир-бирига яқин турган икки оёқчаси тегизилса, у иккі оёқча эмас, бир оёқча тегизилгани каби хис қиласди. Циркул оёқчалари бир-биридан узоклаштирилса, текширилувчи ҳар иккі оёқчанинг таъсирини аниқ сеза бошлайди. Сезги ўзгаргандаги эса, циркуль оёқчалари бир-биридан узокроқ масофада турганда ҳам иккала оёқчанинг тегишини бир оёқча тегаётганде хис қиласди.



118-расм. Вебер циркули.

Терига чизиладиган оддий шакллар таъсирини сезиш. Бунинг учун терининг текширилувчи қисмларига ўтмас буюм билан ҳар хил шакллар, ҳарфлар ва ракамлар чизилади. Нормал ҳолатда текширилувчи нима чизилганинг аниқ айтиб беради. Сезги ўзгаргандаги эса, бемор ўз терисига нимадир чизилаётганинг сезса-да, лекин чизиқнинг қандай шаклда эканини билолмайди.

Стереогноз. Кўзни очмай туриб, ҳар хил буюмларни ушлайди

билишга стереогноз сезгиси дейилади. Бу сезгини текшириш учун касалнинг кўлига ҳар хил буюмлар берилади. Бемор кўзини очмай туриб, буюмларнинг номини айтиб бериши керак. Стереогноз сезгисининг йўқолишига астереогнозия дейилади. Астереогнозия мия пўстлоги синтез қилиш фаолиятининг зарарланиши ёки тери ва ҳаракат сезгиларининг йўқолиши натижасида пайдо бўлади.

ТЕРИ ВА МУСКУЛ-БЎФИМ СЕЗГИЛАРИ ПАТОЛОГИЯСИ

Тери сезгиси бузилганда анестезия, гипестезия, гиперестезия, дизестезия, гиперпатия ва ҳ.к. деб аталувчи сезги ўзгаришлари пайдо бўлади. Бу хил сезги ўзгаришлари 119-расмдаги сингари белгилар билан ифодаланади.

1. Ҳар бир сезги турининг бутунлай йўқолиши а не стезия деб аталади. Оғриқ сезгисининг йўқолишига — анальгезия, ҳарорат сезгисининг йўқолишига — терапиестезия, локализация сезгисининг йўқолишига — топик а не стезия, бўғим-мускул сезгисининг йўқолишига — бати а не стезия дейилади. Агарда ҳамма сезгилар бараварига йўқолса, умумий-тотал а не стезия деб аталади.


2. Тери сезгиларининг пасайиши гипестезия деб юритилади.

3. Тери сезгиларининг кучайиб кетиши эса гиперестезия деб аталади. Бунда текшириш вақтида қилинаётган таъсиротларни текширилувчи нормадагидан кўра кучлироқ ҳис килади.

4. Қилинаётган бир таъсиротнинг бошқа хил таъсирот каби ҳис этилишига дизестезия дейилади. Масалан, тактил таъсирот оғриқ каби, совуқ таъсирот эса иссиқ каби ҳис қилинади.

5. Гиперпатия. Гиперпатияда кучсиз таъсиротлар сезилмайди. Масалан, кучсиз оғриқ таъсироти билан якка-якка таъсирланганда анестезия борга ўхшайди. Лекин таъсирот кучлироқ ва давомли бўлганда чидаб бўлмайдиган даражада кучли ва тарқалган оғриқ пайдо бўлади. Бироқ шуни эсда тутиш керакки, таъсирлантирилаётган пайтда, bemor аввалига ҳеч нарса сезмай туради. Мальум вақт ўтиши билан тўсатдан чидаб бўлмайдиган даражада кучли оғриқ пайдо бўлади ва бу оғриқнинг қандай оғриқ эканлигини bemor аник тасвирлаб бера олмайди. Оғриқ таъсирланиш жойидан тезгина атрофга тарқалиб кетади, шунинг учун текширилувчилар асосий оғриқ тананинг қайси қисмида пайдо бўлганини кўрсатиб бера олмайдилар, яъни локализация сезгиси бузилган бўлади. Ниҳоят,

Анестезия



Гипестезия



Гиперестезия



Гиперпатия



119-расм. Сезги ўзгаришларини кўрсатувчи белгилар.

гиперпатияда таъсирланиш тўхтатилган бўлса ҳам, оғриқни сезиш маълум вақтгача давом этиб туради.

А т а к с и я. Ҳаракат сезгисининг бузилиши натижасида кўл-оёқ ва танада ҳосил бўлувчи дискоординациялашган ҳаракатларга **атаксия** дейилади. Бу хил атаксия кўз юмилганда кўпаяди. Унинг мияча атаксиясидан фарқи ҳам шунда.

Тери ва ҳаракат сезгисининг ўзгаришлари тана қисмларида қўйидагича тарқалган бўлиши мумкин:

1) бир кўл ёки оёқда тери ва ҳаракат сезгилари йўқолган бўлса — моноанестезия ва моноатаксия дейилади.

2) худди шундай сезгилар икки кўл ёки икки оёқда йўқолган бўлса — параанестезия ва паратаксия деб юритилади;

3) бир кўл, оёқ ва тананинг ярим қисмида ана шу сезгилар йўқолса — гемианестезия ва гемиатаксия деб аталади.

Периферик нервлар таъсиридаги сезги йўлларининг заараланиши парестезияга ва оғриқлар пайдо бўлишига олиб қелади.

П а р е с т е з и я. Терида ҳар хил ҳиссиятлар пайдо бўлишига **парестезия** деб айтилади. Масалан, беморларда гавда қисмларининг увишиб, терида чумоли ўрмалаётгандек ёки гавданинг маълум қисми қизиётган, ёхуд совиётгандек каби ҳислар пайдо бўлади.

Оғриқлар. Марказий ва периферик нерв системалари заараланганда қўйидаги оғриқлар пайдо бўлиши мумкин:

1) маҳаллий оғриқ; 2) проекцион оғриқ; 3) иррадиациялашган оғриқ; 4) акс этган оғриқ; 5) кризлар.

Шикастланган нерв чегарасида пайдо бўлувчи оғриқка **маҳаллий оғриқ** дейилади.

Проекцион оғриқ. Заараланиш манбаи нервнинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, оғриқ периферияда сезилса, бундай оғриқка проекцион оғриқ дейилади. Масалан, *tabes dorsalis*-да патологик жараён орқа миянинг ортки илдизчаларида жойлашган бўлса ҳам, каттиқ санчиқли оғриқ периферияда — гавданинг турли қисмларида пайдо бўлади.

Проекцион оғриқка фантом оғриқлар ҳам киради. Масалан, оёғи ёки кўли ампутация қилинган bemorlar кесиб ташланган оёқларини ҳис кила бошлайдилар ва йўқ оёқнинг баримок ёки панжаларида оғриқ сезадилар. Фантом оғриқ, ампутация қилинганда кесиб ташланган нерв учидан шиш (неврома) ўса бошлаши натижасида пайдо бўлади.


Иррадиациялашган оғриқ. Периферик нервнинг бир тармоғи заараланганда унинг иккинчи тармоғи зонасида пайдо бўлувчи оғриқка иррадиациялашган оғриқ дейилади.

Масалан, пастки жағ тишлари касалланса, оғриқ юкори жағ тишларида ҳам ҳис этилиши мумкин. Бунда уч тармок нервнинг учинчи тармоғи таъсирланган бўлса, оғриқ иррадиацияланиб, унинг иккинчи тармоғи зонасида ҳам ўтади.

А к с э т т и р и л г а н оғриқ. Ички органларнинг заарал-

120-расм. Ички органлар заарланганда пайдо бўлувчи акс эттирилган оғрикларнинг теридаги соҳалари (Захарьин—Гед соҳалари).

1 — юрак D_{1-3} ; 2 — ошқозон; ошқозон ости бези — D_{6-9} ; 3 — ингичка ичаклар — D_{9-12} ; 4 — сийдик пурғаги D_{11-L_1} ; 5 — сийдик йўли L_1 ; 6 — бўйрак D_{10-L_1} ; 7 — жигар D_{7-10} ; 8 — жигар капсуласи C_4 ; бронхлар — C_5 ; 10 — ичаклар D_{11-12} ; 11 — сийдик ва жинсий органлар D_{8-12} ; 12 — бачадон $D_{10-L_1-S_1-S_4}$



ниши натижасида пайдо бўлади. Терида ҳар бир ички органга мувофиқ келадиган соҳалар бўлиб, улар Захарьин-Гед зоналари дейилади (120-расм).

Ички органлардан биронтаси заарланган бўлса, унинг интрарецепторлари таъсиrlаниб, қўзғалишни орқа мия сегментининг шу органга мувофиқ бўлган ортки шохига ўтказиб беради. Орқа миянинг ортки шохидан шу сегментнинг тери зонасига қўзғалиш келиши натижасида оғриқ ва гиперестезия пайдо бўлади. Масалан, стенокардияда чап қўлнинг ички томони ва куракда оғриқ пайдо бўлади, чунки юрак орқа миянинг Th_{1-2-3} сегментлари билан боғланган. Орқа миянинг бу сегментлари эса қўлнинг ички кисмини ва курак соҳасини нервлайди.

Кризлар. Ички орган нервларининг заарланиши шу органларда тутиб-тутиб рўй берувчи (хуруж килиб турадиган) жуда қаттиқ оғриқ (криз) пайдо бўлишига олиб келади. Криз *tabes dorsalis* га хосдир. Бу касалликда қўпинча меъда-ичак кризи пайдо бўлади. Касалнинг меъдаси соҳасида тўсатдан чида бўлмайдиган даражада кучли оғриқ пайдо бўлади. Бу оғриқ вактида қўпинча қорин мускуллари таранглашади. Лекин бундай оғриқ маълум бир вакт давом этгандан кейин бутунлай йўқолади. Бироқ, яна, муайян вакт ўтиши билан қайталаши ҳам мумкин.

Сезги ўзғаришининг турлари. Периферик ва марказий нерв системаларининг заарланиши уч хил турдаги сезги ўзғаришларини келтириб чиқаради. Булар периферик, спинал ва церебрал турдаги сезги ўзғаришларидир.

Периферик нервларнинг шикастланиши натижасида пайдо бўлувчи сезги ўзғаришларига периферик турдаги сезги ўзғаришлари дейилади. Бу тўғридаги маълумотлар периферик нерв системасининг патологияси бўлимида берилган.

Орқа миядан ўтuvchi тери ва мускул-бўғим сезги йўлларининг

заарланиши натижасида пайдо бўлувчи сезги ўзгаришлари спинал турдаги сезги ўзгаришлари деб аталади.

Бу йўлларнинг бош миядан ўтувчи қисми заарланиши натижасида юз берувчи сезги ўзгаришлари церебрал турдаги сезги ўзгаришлари деб юритилади.

Спинал турдаги сезги ўзгаришлари орқа миянинг ортки шохи, олдинги битишма ва ён тизимчасидаги спиноталамик йўлнинг заарланиши натижасида пайдо бўлади. Орқа миянинг ортки шохи ва олдинги битишмаси заарланса сегментар турдаги, ён тизимчадаги спиноталамик тракт заарланса ўтказгич турдаги сезги ўзгаришлари пайдо бўлади.

Сегментар турдаги сезги ўзгаришлари. Орқа мия сегментининг ортки шох ёки олдинги кул ранг битишмаси заарланган бўлса, бемор заарланган сегмент зонасида оғриқ ва ҳарорат таъсирини сезмайди. Тактил сезги эса унча кўп ўзгармайди. Бу таҳлитдаги сезги ўзгаришларига диссоциациялашган сезги ўзгаришлари ҳам дейилади. Бунинг сабаби шундаки, орқа миянинг ортки шохи ва олдинги кул ранг битишмаси оркали асосан оғриқ ва ҳароратни сезиши йўллари, қисман тактил сезги йўллари ҳам ўтади. Тактил сезги йўлининг асосий қисми эса орқа миянинг ортки тизимчаси оркали йўналувчи проприоцептив йўллар билан бирга давом этади. Шу сабабли ортки шох заарланганда тактил сезги унчалик ўзгармайди.

Орқа миянинг ортки шохи бир томонлама заарланса, шу томондаги заарланган сегментга тегишли тери соҳасида диссоциациялашган сезги ўзгаришлари пайдо бўлади. Масалан, орқа миянинг бир томонидаги ортки шохлари С₄-дан Т₁₀-гача заарланган бўлса 121 «А» расмда кўрсатилганидек, тананинг ўмров суюги соҳасидан бошлаб, то киндик сатҳигача бўлган яrim, томонида ва шу томондаги қўлда диссоциациялашган сезги ўзгаришлари пайдо бўлади. Орқа миянинг олдинги кул ранг битишмаси заарланган бўлса, шу сегментларга тааллукли тери соҳасининг ҳар икки томонида диссоциациялашган сезги ўзгаришлари пайдо бўлади.

Масалан, орқа миянинг олдинги кул ранг битишмаси С₄-дан Т₁₀-гача заарланган бўлса, 121 «Б» расмда кўрсатилганидек, тананинг ўмров суюги соҳасидан бошлаб, то киндик сатҳигача бўлган ҳар икки томонида ва икки қўлда диссоциациялашган сезги ўзгаришлари вужудга келади.

Сегментар турдаги сезги ўзгаришлари асосан сирингомиэлияда, гематомиэлияда (орқа мияга қон қуилиши) ҳамда орқа миянинг интрамедулляр ўсмаларида пайдо бўлади.

Ўтказгич турдаги сезги ўзгаришлари. Тери ва проприоцептик (мускул-бўғим) сезги йўлларининг орқа ёки бош мия қисмларининг заарланиши натижасида пайдо бўлади.

Проприоцептик (мускул-бўғим) сезги сининг ўтказгич турдаги патологияси. Патоло-


гик жараён орткі тизимчани заарлантирган бўлса, мускул-бўғим сезгиси ва тактил сезги ўзгаради. Бу ҳол кўпинча *tabes dorsalis*-да рўй беради. Заарланыш орқа миянинг бел ёки кўкрак қисмидаги орткі тизимчанинг бир томонида бўлса, шу тарафдаги оёқда мускул-бўғим сезгиси ва тактил сезгилар ўзгаради. Шу сатхларда орткі тизимчанинг иккى томонлама заарланса, мазкур сезгилар ҳар иккى оёқда йўқолиб, оёқ паратаксияси ва тактил парагипестезияси юз беради. Бундай кишиларнинг юриши қийинлашади, улар гандироқлаб юрадилар. Тизза-төзи атаксияси пайдо бўлади.

Агар орткі тизимчанинг бўйин қисмидаги заарланган бўлса, иккала кўл ва оёқларда мускул-бўғим сезгиси ва тактил сезги ўзгаради. Юриш атаксияси пайдо бўлиши билан бирга қўллар ҳаракатининг ўйғунилиги йўқолади. Бармоқ-бурун атаксияси вужудга келади. Патологик жараён орқа миянинг ён тизимчасини шикастласа, оғриқ ва ҳарорат сезгилари ҳамда қисман тактил сезги ўзгаради. Агар патологик жараён ён тизимчанинг бир томонлама заарлаган бўлса, қарама-қарши томонда оғриқ ва ҳарорат сезгиларининг ўтказгич турдаги ўзгаришлари пайдо бўлади. Ён тизимчадаги спиноталамик йўлнинг алоҳида шикастланниши камдан-кам учрайди. Спиноталамик йўл шикастланганда кўпинча бошқа системалар ҳам заарланади.


Орқа мия кўндаланг кесмасининг ярми заарланса, Броун-Секар синдроми ҳосил бўлади. Бунда заарланган томонда фалаж юз беради, мускул-бўғим сезгиси ва тактил сезгилар бузилади, қарама-қарши томонда эса оғриқ ва ҳарорат сезгилари ўзгаради.

Масалан, орқа мия T_{10} сегментининг чап ярми заарланса, 124-расм А дагидек, чап оёқ фалажланади ва шу томондаги оёқда мускул-бўғим сезгиси, қарама-қарши томондаги оёқда эса киндик сатҳидан бошлаб, ҳарорат ва оғриқ сезгилари йўқолади, яъни оғриқ ва ҳарорат моноанестезияси юз беради. Бу ҳол кўпинча орқа миянинг экстрамедулляр ўсмасида содир бўлади.

Агар патологик жараён орқа мияни кўндалангига қараб батамом заарлантиrsa, ўтказгич турдаги мускул-бўғим ва тери сезгиларининг ўзгаришлари ҳар иккى томонда содир бўлади.



121-расм. Сегментар турдаги сезги ўзгаришлари.



122-расм. Спинал турдаги сезги ўзгаришлари.

А-Броун—Секар синдроми — чап томонда фалак ҳамда ҳаракат сезгининг ўзгариши, ўнг томонда оғрик ва температура анестезияси; Б— T_{10} сегмент сатхидан бошланган анестезия; В- C_4 сегмент сатхидан бошланган анестезия.

123-расм.

Альтернирлашган гемигипестезия.


Масалан, орқа миянинг T_{10} сегменти кўндалангига заараланган бўлса 122-расм Б да кўрсатилганидек, киндиқ сатхидан бошлаб ҳар икки оёқда тери сезгилари (оғрик, ҳарорат ва тактил) паранемиялари ва мускул-бўғим сезгиларининг ўзгариши юз беради. Патологик жараён орқа миянинг C_4 сегментини кўндалангига заарласа, танада ва қўл-оёқларда тери ва мускул-бўғим сезгилари 122-расм В да кўрсатилган тарзда ўзгаради. Елка сатхидан бошлаб оғрик ҳамда ҳарорат ва тактил сезгилар анестезияси пайдо бўлади.

Буларнинг ҳаммаси миелит, гематомиелия ва орқа миянинг турли хил травматик заарланишларига хос ҳолатлардир.

Церебрал турдаги сезги ўзгаришлари. Патологик жараён узунчоқ миянинг бир томонини заарласа, альтернирлашган гемианестезия юз беради (123-расм). Бунда сезги ўзгаришлари патологик жараён жойлашган томондаги юзнинг ярмида ва қарама-қарши томондаги ярим танада бўлади.

Кўрув дўнглиги — thalamus opticum сезгининг ҳамма турларига доир ўтказгичлар тўпланган жойидир. Кўрув дўнглигидан асосан тери, мускул-бўғим ва кўрув анализаторларига тегишли йўллар ўтганлиги туфайли, унинг бир томонлами шикастланиши натижасида қарама-қарши томонда уч хил гемисиндром, яъни оғрик, ҳарорат ва тактил гемианестезия, гемиатаксия ва гемианопсия содир бўлади (II жуфт нервга қаранг).

Қарама-қарши ярим танада ўзига хос таламик оғрик —



124-расм. Церебрал турдаги сезги ўзгаришлари.

А — таламик гемигиперестезия, Б — капсула гемигидестезияси, В—Г—пўстлок турдаги сезги ўзгаришлари.

гемиалгия пайдо бўлади. Бу оғриқни беморлар чидаб бўлмайдиган даражадаги куйдирувчи ва музлатувчи оғриқ деб тасвирлайдилар. Таламик оғриқнинг хоссаларидан бири шуки, у харакат вақтида пасайиб, уйку олдидан зўраяди. Бундан ташқари, кўрув дўнглиги заарланганда қарама-қарши ярим танада гемигиперестезия, гемидизестезия ёки гемигиперпатия пайдо бўлиши ҳам мумкин (124-расм, А).

Ички капсуланинг заарарланиши. Ички капсула заарарланганда, у ердан ўтувчи таламокортикал тутамлар ҳам заарарланади. Шу сабабли қарама-қарши томонда гемианестезия юз беради ва мускул-бўғим сезгиси бузилади. Капсула гемианестезиясида кўл ва оёкларнинг дистал қисмларида анестезия чуқурроқ бўлади (124-расм, Б).

Бундан ташқари, ички капсуладан ўтувчи пирамида йўли заарарланганилиги учун қарама-қарши томонда капсула гемиплегияси ҳам пайдо бўлади.

Ортки марказий пуштанинг заарарланиши. Бош мия пўстлоғидаги бу соҳанинг зарарланиши ўзига хос сезги ўзгаришларига олиб келади. Ортки марказий пушта заарарланганда қарама-қарши томонда гемианестезия пайдо бўлади. Лекин патологик жараён кўпинча ортки марказий пуштанинг ҳаммасини баравар шикастлантиролмайди, аксари ҳоллarda ўнинг юқори ёки пастки қисмларигина зарарланади.

Агарда ортки марказий пуштанинг пастки қисми заарарланса, асосан қарама-қарши томондаги кўл ва юзда (124-расм, В), юқори қисми заарарланганда эса тананинг пастки қисмida ва оёқда анестезия вужудга келади (124-расм, Г).

Шундай қилиб, орткى марказий пушта заарланганда гемианестезия эмас, күпинча моноанестезия пайдо бўлади. Пўстлоқ сезги ўзгаришларида оғриқ, ҳарорат ва тактил сезги-лар чукур бузилмайди. Улар асосан қўл ва оёқнинг дистал кисмларида кўпроқ ўзгаради.

Орткى марказий пуштанинг таъсирланиши қарама-қарши томоннинг тери зоналарида хуруж билан пайдо бўлувчи парестезия ва увишишларга олиб келади. Бунда увишиш маълум бир соҳадан бошланиб, атрофга тез таркалади ва пировардида ярим танани эгаллаши мумкин. Бу ҳолатга сенсор (сезги) туридаги Жексон эпилепсияси ёки хуружи дейилади. Таъсирланиш натижасида пайдо бўлган қўзғалишнинг баъзан орқа пуштадан олдинги пуштага ўтиши сабабли юз берувчи увишишдан сўнг қарама-қарши томондаги мускулларда аввал тоник, унинг кетидан клоник тортишишлар бошланиб кетади, бундай тортишишлар умумий эпилептик хуруж билан тугалланиши мумкин.

ИХТИЁРИЙ ҲАРАКАТ СИСТЕМАСИ

Бош мия пўстлоғида ҳосил бўлган импульсларнинг ихтиёрий ҳаракат йўли орқали мускулларга етказилиши натижасида ихтиёрий ҳаракат вужудга келади. Ихтиёрий ҳаракатни бажаришда бош миянинг пўстлоқ қаватидан ташқари, экстрапирамида (*nucleus caudatus*, *nucleus lenticularis*, *nucleus ruber*, *substantia nigra*), мияча ва вестибуляр системалар ҳам иштирок этади.

Нормал ва мувофиқлашган ихтиёрий ҳаракат юқорида кўрсатилган системаларнинг тўғри ишлаши натижасидир.


Ҳаракатни мувофиқлаштирувчи импульслар ана шу система йўллари орқали орқа миянинг олдинги шохидаги ҳужайраларга, яъни охирги умумий майдонга ўтказилади. Олдинги шох ҳужайралари эса қабул қилинган импульсларни ўз аксонлари орқали мускулларга етказиб беради, натижада ихтиёрий ҳаракат содир бўлади.

Ихтиёрий ҳаракат ўтказгич йўл (*tractus cortico-muscularis*) орқали бажарилади.

Кортико-мускуляр йўл икки неврон (марказий ва периферик неврон) занжиридан ташкил топгандир. Биринчи неврон мия пўстлоғининг ҳаракат соҳасидан бошланиб, краинал ҳаракат нервларининг ядроларида ва орқа миянинг олдинги шох ҳужайраларида тугалланади.

Мия пўстлоғидан бошланиб, краинал ҳаракат нервларининг ядроларида тугалланувчи невронларни кортиконуклеар йўл (*tractus corticonuclearis*), орқа миянинг олдинги шохларидағи ҳужайраларда тугалланувчи невронларни эса кортикоспинал йўл (*tractus corticospinalis*) ёки пирамида йўли деб юритилади (125-расм).

Краинал нерв ядроларида ва орқа миянинг олдинги шохларида иккинчи неврон ҳужайралари жойлашган бўлиб, уларнинг




125-р а с м. Ихтиёрий харакатнинг ўтказгич йўли.
1 — кортикоспинал йўл; 2 — кортиконуклеар йўл; 3 — n.oculomotorius; 4 — n.trigeminus;
5 — n.facialis; 6 — n.abducens; 7 — n.vagus; 8 — n.hypoglossus; 9 — n.accessorius; 10 — decus-
satio pyramidum; 11 — fasciculus lateralis; 12 — radix spinalis anterior; 13 — fasciculus
pyramidalis ant. (Макс Клар схемаси).

аксонлари периферик харакат нервларини ҳосил қилади ва тегишли мускулларда тугалланади.

Энди биз кортикомускуляр йўлнинг марказий ва периферик нерв системасидаги йўналишини кўриб чиқамиз.

Биринчи неврон мия пўстлоғининг олдинги марказий пуштаси ва паракентрал бўлакчасининг бешинчи қаватида жойлашган гигант пирамидасимон (Бец) хужайраларидан бошланади.

Олдинги марказий пуштанинг энг юкори қисмида ва паракентрал бўлакчада, 126-расмдаги каби оёқ мускулларига тааллуқли хужайралар, сўнгра тана ва қўл мускулларига тааллуқли хужайралар соҳаси жойлашган. Олдинги марказий пуштанинг пастки қисмида эса юз, лаб, тил, ютқин ва чайнов мускулларига тааллуқли хужайралар соҳаси жойлашган. Шундай қилиб, бош миянинг харакат соҳасига гавданинг оёғи осмонга килинган вазиятдаги проекцияси тушади. Шуни айтиш керакки, гавданинг бир томонидаги харакат соҳаси қарама-карши яrim тана



126-р а с м. Тана қисмларининг олдинги марказий пуштадаги проекцияси.

1 — оёқ бармоқлари; 2 — тўлик; 3 — тизза; 4 — сон; 5 — тана; 6 — елка; 7 — тирсак; 8 — панжа ва панжа-бліплар бўғими; 10 — V, IV, III, II ва бармоқлар; 11 — бўйни; 12 — кош; 13 — кўз олмаси; 14 — юз; 15 — лаблар; 16 — жаг; 17 — тил; 18 — халқум (У. Пенфильд ва Т. Рассмусен схемаси).

мускулларининг ишини идора қилади, яъни ўнг томонда жойлашган олдинги марказий пушта тананинг чап томонидаги қўл ва оёқни, чап томондаги марказий пушта эса ўнг қўл ва оёқни ҳаракатлантиради.

Бош миянинг ҳаракат соҳасидаги хужайра аксонлари нурсимон тож (*corona radiata*) ҳосил қилиб, ички капсула (*capsula interna*) томон йўналади ва унинг орқа оёғининг олдинги учдан икки бўлагидан ғуж бўлиб ўтади. Ички капсуланинг тизза кисмидан бош ва юздаги мускулларни ҳаракатлантиришга таалуқли кортико-нуклеар невронлар ўтади (104-расмга каралсин).

Пирамида йўли ички капсуладан мия оёқчасига ўтиб, унинг асосида жойлашади. Бу ерда кортиконуклеар йўлдан кўз олмасини ҳаракатга келтирувчи нерв ядроларига борадиган (*nuclei p. oculomotorius, p. trochlearis, p. abducens*) аксонлар ажралади.

Сўнгра пирамида йўли мия оёқчасидан кўприкнинг асосига ўтади. Бир гуруҳ кортиконуклеар аксонлар йигиндиси кўприкдан орқа томонга йўналиб, уч тармоқли нервнинг ҳар икки томонидаги ҳаракат ядросида (*nucleus motorius p. trigeminii*) тугалланади. Яна бир гуруҳ аксонлар йигиндиси кўприкнинг пастики кисмida ҳар икки томондаги юз нервининг ядроларида (*nucleus p. facialis*) тугайди.

Пирамида йўли кўприкдан узунчоқ миянинг пирамидасига ўтади. Бу ерда кортиконуклеар невронлар ҳар икки томондаги сайдер ва тил-халқум нервларининг ҳаракат ядросида (*nucleus p. ambiguus*), кўшимча нерв ядросида (*nucleus p. accessorii*) ва қарама-қарши томондаги тил ости нерви ядросида (*nucleus p. hypoglossi*) тугалланади.


Шундай қилиб, кортиконуклеар невронлар мия устунида жойлашган краинал ҳаракат нервларининг ядроларида тугалланади. Кортикоспинал невронлар эса орқа мия томон йўналишда давом этади (127-расм).

Кортикоспинал невронларнинг асосий қисми узунчоқ мия билан орқа мия чегарасида кесишма ҳосил қилиб (*decussatio pyramidalium*) орқа миянинг қарама-қарши томонидаги ён тизимчаларга ўтади. Жуда оз қисми эса кесишмай, орқа миянинг олдинги тизимчалари орқали йўналади. Ён тизимчадаги пирамида йўли (*fasciculus pyramidalis lateralis*) билан олдинги тизимчадаги йўли (*fasciculus pyramidalis anterior*) орқа миянинг ҳамма сегментларига ўтиб, уларнинг олдинги шохларида тугалланади.

Орқа мия ҳар бир сегментининг олдинги шохларида катта, юлдузсимон иккинчи (периферик) неврон хужайралари жойлашган бўлиб, уларнинг аксонлари йигиндиси орқа мия олдинги илдизчасини ҳосил қиласди. Олдинги илдизчалар орқа миядаги ҳар бир сегментнинг олдинги қисмидан чиқиб, умурткалоаро тешик (*foramen intervertebrale*) орқали умуртка поғонасининг каналидан ташкарига йўналади. Бу тешикдан чиқиш олдида у орқа мия ганглиясининг дендритлари билан қўшилиб, орқа

127-р а с м. Кортикоспинал йўл схемаси.

1 — пирамидасимон ҳужайралар; 2 — ички кансула; 3 — бош мия оёқчасининг кўндаланг кесмаси; 4 — пирамида йўлиниң бош мия оёқчасининг асосидан ўтиши; 5 — пирамида йўли; 6 — кўлрикниң кўндаланг кесмаси; 7 — пирамида йўлиниң кўлрик асосидан ўтиши; 8 — узунчол миянинг кўндаланг кесмаси; 9 — узунчол мия пирамидаси; 10 — пирамида кесишмаган (кесишмаган) пирамида йўли; 11 — ён (кесишган) пирамида йўли; 12 — олинги (кесишмаган) пирамида йўли; 13—14 — орка миянинг кўндаланг кесмалари; 15 — спиномускуляр йўл.



мия нервини (*nervus spinalis*) ҳосил қиласди. Бир нечта орка мия нервларининг ўзаро кўшилиши натижасида нерв чигиллари (*plexus cervicalis*, *plexus brachialis*, *plexus lumbalis* ва *plexus sacralis*) ҳосил бўлади. Нерв чигилларидан эса периферик нервлар вужудга келади ва улар ўзига тегишли мускулларда тугалланади.

Ҳаракат системасини текшириш усуллари. Фаол ҳаракатни текшириш учун оёқ ва қўл бўғимларида мумкин бўлган ҳажмдаги ихтиёрий ҳаракатлар синаб кўрилади. Бунинг учун текширилувчидан қўл ва оёқлари билан ҳар хил фаол ҳаракатларни бажариш талаб қилинади. Бунда ҳар бир бўғимда бажариладиган ҳаракат ҳажмига эътибор бермок лозим. Қайси бўғимда ёки қайси оёқ ва қўлда фаол ҳаракат сусайгандигини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Фаол ҳаракатнинг сусайиши асосан мускулларнинг заифлашишига боғлик бўлгани учун, мускулларнинг заифлашин даражаси, яъни мускулларнинг кучи аниқланади. Бунинг учун эса беш балли система асос қилиб олинади. Фаол ҳаракатнинг йўқолиши ноль (0) билан белгиланади. Агарда фаол ҳаракат бир оз сақланиб қолган бўлса —1 балл; фаол ҳаракат ҳажми камаймаган бўлсаю, лекин қўл ёки оёқни мускулнинг қисқаришига нисбатан қарама-қарши томонга тортилганда мускул қаршилик кўрсата олмаса—2 балл; бир оз қаршилик кўрсатса— 3 балл; қаршилик кўрсатиш даражаси яхши бўлса— 4 балл; катта мус-

кул гурухларининг қаршилигини енгиш осон бўлмаса— 5 балл қўйилади. Мускулнинг кучини аниқлаш усули нисбий бўлиб, у бемор билан текширувчи врачнинг ҳар хил даражадаги жисмоний кучига боғлиқдир. Баъзи мускул гурухларида мускул кучини аниқлаш учун динамометрдан фойдаланилади.

Қўл ва оёқ мускулларининг кучини тасаввур қилиш учун қуидаги мускул гурухлари текширилади. (186, 187-бетлардаги жадвалга қаралсин).

Пассив ҳаракатни аниқлаш. Бунинг учун текширувчи bemорнинг қўл ва оёкларида ҳар бир бўғимни мумкин бўлган ҳажмда ҳаракатга келтиради. Текшириш вактида bemор қаршилик кўрсатмасдан қўл ва оёкларини бўш ҳолатда тутиши керак. Пассив ҳаракатни текшириш ҳаракатнинг ўзгаришига олиб келган сабабни аниқлашга ёрдам беради. Маълумки, ҳаракатнинг пасайиши ёки унинг йўқолиши фактат нерв системасининг шикастланишигагина эмас, шунингдек бўғим ва мускулларнинг касалланишига ҳам боғлиқдир (бўғимларнинг хроник яллиғаниши, анкилозлар, миозитлар ва хоказо). Пассив ҳаракат ёрдамида мускуллар тонуси ҳам аниқланади.

Мускул тонусини аниқлаш. Мускуллар тонуси қўл ва оёқ бўғимларини букиш ва ёзиш каби пассив ҳаракат ёрдамида аниқланади. Мускул тонуси деб, бўш ҳолатда ушлаб турилган қўл ёки оёқ мускулларида паесив ҳаракатга жавобан пайдо бўладиган қарама-қаршиликка, яъни мускулнинг таранглашишига айтилади.

Мускул тонусининг пасайишига гипотония, йўқолишига атония, ортиб кетишига гипертония дейилади.

1. Мускул тонусининг спастик ошишига мускул спастик гипертонияси дейилади.

2. Мускул тонусининг пластик ошишига мускул пластик гипертонияси дейилади.

Мускул спастик гипертонияси ихтиёрий ҳаракат йўли I-невронининг (*tractus corticospinalis*) заарланиши натижасида пайдо бўлади. Бундай тонуси ошган мускул қаттиқлашади, рельефлари кўзга аник ташланиб туради, пайлари билиниб ва ўзи жуда ҳам таранг бўлиб қолади. Бўғимларни пассив букиш ва ёзиш қийинлашади.

Бўғим ёзила бошлаганда мускулнинг қаршилиги камроқ бўлиб, охирида кучайиб кетади.

Тонуснинг ўзгариши қўл ва оёқнинг маълум бир гурух мускулларида содир бўлиши мумкин. Шунинг учун фактат мускул тонусининг хусусиятини ва унинг қай даражада эканлигинигина эмас, шунингдек унинг қайси мускулларга кўпроқ тарқалганигини ҳам аниқлаш зарур. Масалан, у пирамида йўлининг заарланиши натижасида пайдо бўлса кучлироқ бўлади. Шунинг учун бу хил bemорлар тик турганда қўли ярим букилган ҳолатда, оёғи эса ёзилган бўлади (Вернике-Мани контрактураси).

Мускулнинг пластик тонуси ошган бўлса, пассив ҳаракат

килинганды мускулни ёзиш жараёнининг бошидан охиригача унинг бир текисдаги қаршилиги сезилади. Ҳаракат тезлашган ва оша борган сари тонус ҳам ошиб боради. Бунда қўл ёки оёқ ёзилаётган вақтда кисқа ва тез ўтиб кетувчи қаршиликлар пайдо бўлади. Бунга «тишли фиддирак» феномени дейилади.

Пластик гипертонияда букувчи ҳамда ёзувчи мускулларнинг тонуси баравар ошган бўлади. Пластик тонуснинг ошишига паллидар системасининг заарarlаниши сабаб бўлади.

Ҳаракат системасини текшираётганда мускулларнинг атрофияларига алоҳида эътибор бериш керак, ҳар бир заарarlанган мускулдаги атрофия даражасини аниqlаш зарур. Мускул тортишиларига ҳам эътибор бериш лозим.

ҲАРАКАТ СИСТЕМАСИННИГ ПАТОЛОГИЯСИ

Ихтиёрий ҳаракат патологияси. Ихтиёрий ҳаракат ўтказувчи йўлининг заарarlаниши мускулларнинг кучсизланишига, ҳаракатнинг камайиши ёки йўқолишига олиб келади.

Ҳаракатнинг йўқолишига фалажланиш (paralysis) ёки плегия (plegia) дейилади. Мускулларнинг кучсизланиши натижасида ихтиёрий ҳаракатнинг камайишига парез (paresis) дейилади.

Гавданинг турли қисмлари куйидагича фалаажланиши мумкин.

1) бир қўл ёки бир оёқда ҳаракатнинг йўқолиши (моноплегия);

2) иккала қўл ёки иккала оёқда ҳаракатнинг йўқолиши (параплегия);

3) иккала қўл билан иккала оёқда ҳаракатнинг баравар йўқолиши (тетраплегия);

4) гавданинг бир томондаги ярмида ҳаракатнинг йўқолиши (гемиплегия).

Ихтиёрий ҳаракат йўли биринчи ва иккинчи невронларининг заарarlанишига караб ўзига хос икки хил фалааж пайдо бўлади.

Орқа миянинг олдинги шоҳида жойлашган периферик ҳаракат неврони заарarlанган тақдирда периферик фалааж келиб чиқади. Орқа миянинг хусусий функцияси бузилиши орқасида фалаажланган мускулларнинг тонуси пасаяди — гипотония ёки атония юз беради. Трофик марказ хисобланувчи орқа миянинг олдинги шоҳ ҳужайралари ва улар аксонларининг заарarlаниши мускул трофикасининг бузилишига — атрофияланишига олиб келади. Натижада мускуллар кичрайиб (куришиб) қолади. Шунинг учун периферик фалааж атрофик фалааж ҳам дейилади.

Периферик фалаажда фалаажланган мускулларнинг электрик қўзғалувчанлиги пасайиб, қисман ёки тўлиқ дегенерация реакцияси юз беради. Агар патологик жараён орқа миянинг олдинги шоҳида бораётган бўлиб, унинг ҳужайралари таъсирланса, мускул толаларининг — фибрилляр ёки тутамчаларининг фасцикуляр, яъни қисқа-қисқа тортишиларини — «эт учишлари» юз беради. Бирор патологик жараён натижасида орқа мия олдинги шоҳларининг қўзғалувчанлиги ошган тақдирда ҳам фасцикуляр тортишилар ҳосил бўлади.

Ихтиёрий харакат йўлининг биринчи кортикоспинал қисми зарарланса, марказий фалажга олиб келади.

Марказий фалажнинг пайдо бўлиш сабабларини ва унинг периферик фалаждан фарқини аниқлаш учун биринчи ва иккинчи невронларнинг функцияларини билиш зарур.

Биринчи неврон функцияси. Пирамида йўли асосан икки хил функцияни бажаради:

а) бош миянинг кўзғалиши натижасида пайдо бўлувчи ихтиёрий харакат импульсларини орқа миянинг олдинги шоҳига, яъни иккинчи неврон хўжайраларига етказиб беради;

б) орқа миянинг ортки илдизчасидан мускулга келиб турувчи рефлектор ва тоник таъсиротларнинг ўтишини тартибга солиб ва қисман тормозлаб туради. Демак, биринчи неврон орқа миянинг хусусий функциясини тормозлаб туради. Шу сабабли биринчи неврон зааралганда пай рефлекслари ва мускул тонуси ошиб кетиб, марказий фалаж содир бўлади.

Марказий фалажлар. Марказий фалажда мускулларнинг тонуси спастик гипертония ҳолатида бўлганлиги учун, у спастик фалаж ҳам дейилади. Кўпинча мускул тонусининг кучайиши ҳамма мускулларга баравар тарқалмайди. Қўлда асосан елка қисмини танага олиб келувчи, билакни букувчи ва пронатор мускул гуруҳларида мускул тонуси ошган бўлади. Оёқда эса болдири ёзувчи ва аддуктор мускул гуруҳларида тонус ошади. Тонуснинг бу хилдаги ошуви марказий гемиплегияга тааллуқли бўлиб, танани ўзига хос — Вернике-Мани вазиятига олиб келади. Бу вазиятда билак, кафт ва бармоқлар ярим букилган ҳолатда танага ёпишиб туради. Оёқнинг ҳамма бўғимлари ёзилган, оёқ панжаси қисман ички томонга букилган бўлади (128-расм).

Марказий фалажда орқа миянинг хусусий функциясини тормозловчи импульсларнинг мия пўстлоғидан келиши тўхталади, шу сабабли пай рефлекслари ошиб кетади, тери рефлекслари эса пасяди ёки йўқолади, чунки уларнинг рефлектор ёйлари фақат орқа мия сегментларидагина эмас, балки пирамида йўли орқали бош мия пўстлоғида ҳам бирикади.

Марказий фалажнинг учинчи асосий белгиси патологик ва ҳимоя рефлекслари пайдо бўлишидир.

Патологик рефлекслар. Нормал ҳолатда бу рефлекслар содир бўлмайди. Патологик рефлекслар жумласига куйидагилар киради.

1. Бабинский рефлекси — оёқ кафтига 129-расмдаги каби ўтмас игна билан чизилганда бош бармоқ юкорига букилиб, колган бармоқлар еллигич сингари ёзилади.

2. Оппенгейм рефлекси — агар катта болдири суягининг юкори қисмидан, 130-расмда кўрсатилганидек, бош бармоқ билан босиб туриб, бармоқ пастга қараб юргизилса, оёқ панжасининг бош бармоғи юкорига букилади.


3. Гордон рефлекси — болдири мускуллари сиқилганда оёқ панжасининг бош бармоғи юкорига букилади.

Елка ва кўл мускул гурухлари

T. №	Мускул номи	Мускулнинг вазифаси	Нерваниши	Текшириш усуллари
1	m. deltoideus	Кўлни ёлка сатхига кўлради Кўлни горизонтал сарҳиздан вертикал холатга келтиради Кўлни тана томонга торгайди	n. axillaris	Елка сатхигача кўтарниган кўл паста босилади. Юкорига кўтарилиган кўллар ташки томонга тортилади.
2	m. serratus anterior		n. thoracalis longus	Танага маҳкам ёништириб турилган кўл ташки томонга тортилади.
3	m. m. pectorales major et minor		n. thoracalis anterior	Оркага килиб турилган кўл ташки ва олдинги томонга тортилади.
4	m. latissimus dorsi	Кўлни тана орқасига торгади	n. thoracodorsalis	Тирсак бўғимидан букилган кўл ёзилади.
5	m. biceps brachii et antibrachii	Кўлни тирсак бўғимидан букилди Кўлни тирсак бўғимидан ёзилтиради	p. musculocutaneus	Тирсак бўғимидан букилган кўл букилди.
6	m. brachialis	Билак ва панжани пронация киллади	n. radialis	Пронация килинган билак супинация килинади.
7	m. m. pronator teres et quadratus	Билак ва панжани супинация киллади	n. medianus	Супинация килинган билак пронация килинади.
8	m. m. brachioradialis su- pinator longus et brevis	Билак ва панжани супинация килади	n. radialis	Букилган панжа ёзилади.
9	m. m. flexor carpi ra- dialis et ulnaris	Панжани букади	n. ulnaris	Езилган панжа букилади.
10	m. m. extensor carpi ga- radialis et ulnaris		n. radialis	Букилган бармоклар ёзилади.
11	m. m. flexor digitorum sublimus et profundus		n. medianus	Езилган бармоклар букилади.
12	m. extensor digitorum communis	Бармокларни букади	n. ulnaris	
13	m. m. interossei et lum- bricales	Бармокларни ён томонга ёзали ва асосий фалангагарни букади	n. medianus	


ОЁКНИНГ АСОСИЙ МУСКУЛ ГУРУХЛАРИ

№	Мускулнинг номи	Мускулнинг вазифаси	Нервланиши	Текширниш усулни
1	m. iliopsoas	Сонни юкорига кўтарилиб Сонни орка томонга бу- кали	n. femoralis	Кўтарилиган сон паства босчади Етган холатда паства босиб турдилган обек юкорига кўтарилади
2	m. gluteus maximus		n. gluteus inferior	Гашки томонга ёзилган соцалар бирлаштирилди Бирлаштирилган сонар ёзилади Букилган болдир ёзилади
3	m. m. glutei medius et minimus	Сонни ташки томонта ёзади	n. gluteus superius	Ёзилган болдир букила- ди
4	m. m. adductores lon- gus, brevis et magnus	Сонларни бир-бираiga бирлаштиради	n. obturatorius, n. ischi- adicus	Гаста букилган оёк пан- жаси ёзилади
5	m. m. biceps femoris, semitendinosus, et se- mimembranosus	Болдирни букали	n. ischiadicus	Юкорига букилган панжа- паства букилади
6	m. quadriceps femoris	Болдирни ёзади	n. femoralis	
7	m. m. triceps surae, ti- bialis posterior va бош- калар	Оёк панжасини паства букали	n. tibialis	
8	m. m. tibialis anterior, peroneus longus ва бошканар	Оёк панжасини юкорига букали	n. peroneus	



129-расм. Бабинский рефлексини текшириш усули.

128-расм. Церебрал гемипарезда пайдо бўлувчи Вернике—Манн вазияти.



130-расм. Оппенгейм рефлексини текшириш усули.


4. Россолимо рефлекси — текширувчи қўл бармоқларининг учи билан беморнинг оёқ панжаларига пастдан юқорига қараб астагина туртади. Бунда оёқ панжалари пастга букилиб, яна ёзилади (131-расм).

5. Бехтерев рефлекси — неврологик болғача билан оёқ панжасининг ташқи юзига 132-расмда кўрсатилган тарзда урилганда бармоқлар пастга букилиб, яна ёзилади


6. Жуковский рефлекси — неврологик болғача билан оёқ кафтининг ўрта қисмига урилса бармоқлар пастга букилиб, яна ёзилади.

7. Ҳимоя рефлекси. Бу рефлекс бир неча усул билан текширилади:


а) фалажланган оёқка игна санчилса, ёки унга иссик ё



131-р а с м. Россолимо рефлексини текшириш усули.




132-р а с м. Бехтерев рефлексини текшириш усули.



133-р а с м. Мари-Фуа усули билан химоя рефлексини текшириш усули.



134-расм. Лаб рефлексини текшириш усули.



135-расм. Оёқ панжасининг клонусини текшириш усули.

совук таъсир эттирилса, оёқ уччала бўғимидан (панжа-болдир; тизза, чаноқ-сон) ҳам букилади.

б) Мари-Фуа усули — фалажланган оёқ бармоқлари настга букилса, оёқ ўзининг уччала бўғимидан букилади (133-расм).

8. Янишевский рефлекси — беморнинг қўл кафтига буюм кўйилса, у ихтиёrsиз равишда буюмни маҳкам ушлаб олади. Бу рефлекс боз мия пешона қисмининг заарланиши натижасида хосил бўлади.

9. Лаб рефлекси — неврологик болғача билан беморнинг лабига секингина урилса, лаблар чўччаяди (134-расм). Бу рефлекс пирамида йўлининг икки томонлама заарланиши натижасида келиб чиқади.

10. Кафт-энгак ёки Маринеско-Радовичи рефлекси — беморнинг кафтига чизилганда, энгак мускули қисқаради.

11. Тизза қопқоғининг клонуси — бош ва кўрсаткич бармок билан тизза қопқоғининг юкори кисмидан ушлаган ҳолда, паст томонга силтаб босилади. Бунга жавобан тўрт бошли сон мускули ритмик ҳолда қискариб ва ёзилиб туриши натижасида тизза қопқоғи ритмик ҳаракатга келади.

12. Оёқ панжаси клонуси — беморнинг оёғини 135-расмда кўрсатилганидек, тизза бўғимидан букилган ҳолда, оёқ панжаси юқорига силтаб букилади. Бунга жавобан уч бошли болдири мускулиниңг қискариб ва ёзилиб туриши натижасида ритмик ҳаракатга келади.

Марказий фалажда мускулларнинг дегенератив атрофияланиши содир бўлмайди, шунингдек, уларнинг электрик қўзғалувчанилиги хам ўзгармаган бўлади.

Шундай килиб кортико-мускуляр йўл қайси кисмida шикастланмасин, бари бир, у фалажга олиб келади. Кортико-мускуляр йўл биринчи невронининг заарланиши марказий ёки спастик фалажни, иккинчи невроннинг заарланиши эса периферик — атрофик фалажни келтириб чиқаради.

Марказий фалаж билан периферик фалаж 179-бетдаги жадвалда берилган белгиларга кўра бир-биридан фарқланади: Фалажларнинг хусусияти аниқлангандан кейин патологик жараён нерв системасининг қайси кисмida жойлашганигини топиш керак бўлади. Бунинг учун фалаж турларини билиш талаб қилинади. Патологик жараён марказий нерв системасининг қайси кисмida жойлашганига қараб, қуйидаги турдаги фалажлар пайдо бўлиши мумкин.

1. Периферик турдаги фалажлар.
2. Спинал турдаги фалажлар.
3. Церебрал турдаги фалажлар.

Биз периферик нерв системаси патологияси бўлимида периферик турдаги фалажлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтган эдик. Энди ихтиёрий ҳаракат йўли биринчи невронининг орка мияда жойлашган кисми ва орка мия олдинги шохida жойлашган иккинчи невроннинг заарланиши натижасида пайдо бўлувчи фалажлар тўғрисида сўз юритамиз.

№	Марказий фалаж	Периферик фалаж
1	Мускул гипертонияси	Мускул гипотонияси ёки атонияси
2	Пай гиперрефлексияси	Пай гипорефлексияси ёки арефлексияси
3	Мускулларнинг дегенератив атрофияси содир бўлмайди	Мускулларнинг дегенератив атрофияси содир бўлади
4	Электрик қўзғалувчанилик ўзгарамайди	Электрик қўзғалувчанилик ўзгарили (кисман ёки тўлик дегенератив реакция)
5	Патологик рефлекслар пайдо бўлади	Патологик рефлекслар пайдо бўлмайди

Сегментар турдаги фалажлар. Орка мия олдинги шохларининг заарланиши сегментар турдаги периферик фалажликка олиб келади. Масалан, орка миянинг бел кенглигидаги олдинги шохлар бир томонлама заарланса, шу томондаги оёқ мускулларида периферик фалажланиш, яъни периферик моноплегия юз беради.

Башарти орка мия бел кенглигининг иккала томонида олдинги шохлар заарланса, у ҳолда оёқларда периферик параплегия юз беради.

Шунингдек, орка миянинг бўйин кенглигидаги олдинги шохлари бир томонлама заарланса, шу томондаги бир қўл периферик моноплегияга учрайди; заарланиш икки томонлама бўлганда эса иккала қўл периферик параплегияга дучор бўлади. Орка мия олдинги шохларининг заарланиши натижасида келиб чиқадиган фалажлар периферик нервларнинг шикастланиши натижасида келиб чиқадиган фалажлардан шу билан фарқ қиладики, бу хил фалажликда сезги ўзгармайди.

Сегментар турдаги фалажлар полиомиелитга, миелитга ва ён амиотрофик склерозга хосдир. Олдинги шохларнинг заарланиши натижасида келиб чиқкан фалажларда мускул атонияси, атрофияси, арефлексияси ва бундан ташкири, мускулларнинг фибрилляр тортишишлари ҳам кузатилиши мумкин.

Ихтиёрий харакат йўлининг орка мияда жойлашган қисмининг заарланиши спинал турдаги харакат ўзгаришларига олиб келади.

Ўтказгич турдаги спинал фалажлар. Орка мияда содир бўлувчи патологик жараённинг жойлашган ерига караб турли хил фалажланиш юз беради.

Патологик жараён орка мия ён тизимчаларини заарлаган бўлса, у ердан ўтувчи пирамида йўлларининг шикастланиши марказий фалажликларга олиб келади. Патологик жараён орка миянинг қайси қисмида жойлашганига караб ҳар хил турдаги марказий фалажлар ҳосил бўлади. Масалан, орка мия ён тизимчалигининг кўкрак қисми бир томонлама заарланса, шу томондаги оёқда марказий моноплегия юз беради. Бу ҳол кўпинча орка мияда экстрамедулляр ўсма ва жароҳатлар содир бўлган тақдирда вужудга келади.

Орка миянинг кўкрак қисми кўндалангига заарланса, ҳар икки оёқда марказий параплегия пайдо бўлади. Бу ҳол кўпинча кўндаланг миелитда (*myelitis transversa*), травмада, интрамедулляр ва экстрамедулляр ўсмаларда учрайди.

Патологик жараён орка миянинг бўйин кенглигидаги олдинги шохлар ва ён устунларни икки томонлама заарлласа аралаш тетраплегия, яъни кўлларда периферик, оёқларда эса марказий параплегия юз беради. Бу ҳол орка мия бўйин кенглигининг ўсмаси, миелит, сирингомиеля, ён амиотрофик склероз ва жароҳатларда содир бўлади. Шуни айтиб ўтиш керакки, бу хилдаги жараёнларда С₈ ва Th₁ сегмент ён шохларининг заарланғанлиги туфайли Клод-Бернар-Горнер синдроми — энофтальм, кўз ёригининг кичрайиши ва кўз корачишининг торайиши рўй беради.

Орқа миянинг бўйин қисми кўндалангига заарланса, марказий тетраплегия юз беради. Агарда патологик жараён орқа мия бўйин қисмининг ярмини заарлаган бўлса, тананинг шу томондаги ярим қисмида, шунингдек қўл ва оёқда марказий фалаж пайдо бўлади.

Церебрал турдаги фалажлар — гемиплегияялар. Патологик жараён бош миядан ўтувчи пирамида йўлларини бир томонлама заарласа, қарама-карши томонда гемиплегия содир бўлади.

Бош миянинг қайси қисми заарланганига қараб, асосан уч хил турдаги церебрал гемиплегия вужудга келади:

- 1) альтернирашган гемиплегия;
- 2) капсула гемиплегияси;
- 3) пўстлоқ гемиплегияси.

Альтернирашган гемиплегиялар. Бу хилдаги гемиплегиялар мия устуининг бир томонлама заарланиши натижасида юз беради (136-расм).

Альтернирашган гемиплегияда мия устуининг заарланган томонида краиал ҳаракат нервиярининг периферик фалажи, қарама-карши томонда эса гемиплегия ҳосил бўлади. Мия устуининг қайси қисми шикастланганига қараб, турли хилдаги альтернирашган гемиплегиялар содир бўлади. Масалан, узунчок мия бир томонлама заарланса, бу ердан ўтувчи пирамида йўлива IX—X—XI—XII краиал нервлардан бири фалажланади.

а) патологик жараён узунчок миянинг бир томонидаги пирамидасини ва тил ости нервининг (ХІ) ядросини ёки унинг илдизчасини заарласа Жексон синдроми ҳосил бўлади (136-расм, 3). Шикастланган томонда тил ости нервининг периферик фалажи, қарама-карши томонда эса гемиплегия юз беради.

б) патологик жараён узунчок миянинг бир томондаги пирамидасини, nucleus ambiguus-ни (IX—Х нервларнинг ҳаракат ядросини) ёки унинг илдизчаларини заарлантиrsa, Авелис синдроми ҳосил бўлади. Заарланган томонда юшок танглай билан овоз боғламларининг фалажи, қарама-карши томонда эса гемиплегия юз беради.


в) патологик жараён узунчок миянинг бир томонидаги пирамидасини, nucleus ambiguus ни ва қўшимча нервининг (XI) ядросини заарласа Шмидт синдроми ҳосил бўлади.

Бунда жароҳатланган томонда бульбар фалаж ва т. trapezius, т. sternocleidomastoideus ларнинг периферик фалажланиши, қарама-карши томонда эса гемиплегия содир бўлади.

г) агар патологик жараён узунчок миянинг бир томондаги пирамидасини, спиноталамик йўлни ва nucleus ambiguus билан уч тармоқли нервининг сезги ядросини заарласа, Захарченко—Валленберг синдроми ҳосил бўлади.

Заарланган томондаги юз терисида оғриқ ва ҳарорат анестезияси, бульбар фалаж, қарама-карши томонда эса гемипарез ва гемианестезия юз беради.

Агар кўпrik бир томонлама заарланса, бу ердан ўтувчи



136-р а с м. Альтернирашган гемиплегияларнинг пайдо бўлиш сабабларини кўрсатувчи схема.

1 — Вебер синдроми; 2 — Фовиль синдроми; 3 — Жексон синдроми.

пирамида йўли билан бешинчи, олтинчи ва еттинчи краниал нервлардан бири фалажланади.

а) патологик жараён кўприкнинг бир томонидаги пирамидасини ва юз нервининг ядросини заарласа, Мильярд-Гублер синдроми ҳосил бўлади. Бунинг натижасида зааррланган томонда юз нервйнинг периферик фалажи, қарама-карши томонида эса гемиплегия вужудга келади.

б) патологик жараён кўприкнинг бир томонидаги пирамидасини ва узоклаштирувчи нерв (VI) билан юз нервининг ядроси ёки илдизчасини заарласа, Фовилль синдроми ҳосил бўлади (136-расм, 2). Шикастланган томонда узоклаштирувчи ва юз нервларининг периферик фалажи, қарама-карши томонида эса гемиплегия пайдо бўлади.

Кўприкдан ўтувчи пирамида йўллари орасида тил ости нервийнинг ядросига келувчи кортиконуклеар невронлар ҳам заарар-

ланади, шу сабабли қарама-қарши томонда гемиплегия билан бир қаторда тил ости нервининг марказий фалажланиши ҳам содир бўлади.

Бош мия оёқасининг асосидан ўтувчи пирамида йўллари ва кўзни ҳаракатлантирувчи нерв ядроси ёки унинг илдизчаси заарланса, Вебер синдроми ҳосил бўлади (136-расм, 1).

Заарланган томонда кўзни ҳаракатлантирувчи нерв фалажланади, қарама-қарши томонда эса юз ва тил ости нервларининг марказий фалажи ҳамда гемиплегия юз беради.

Капсула гемиплегияси. Маълумки, пирамида йўллари ички капсула орка оёқасининг олдинги учдан икки қисми орқали ўтади. Ички капсуланинг бу қисми заарланганда қарама-қарши томонда юз ва тил ости нервларининг марказий фалажи ва гемиплегия вужудга келади. Капсула гемиплегиясида қўл кўпроқ, оёқ эса қўлга нисбатан камроқ фалажланган бўлади. Қўл билан оёқнинг дистал қисмлари проксимал қисмларига нисбатан кучлироқ фалажланади. Капсула гемиплегиясида юқорида кўрсатиб ўтилган Вернике-Манн вазияти вужудга келади (130-расмга қаралсин).

Пўстлок гемиплегияси. Олдинги марказий пушта ва унинг атрофи заарланниши натижасида пўстлок гемиплегияси содир бўлади. Олдинги марказий пуштанинг заарланиши аксари ҳолларда гемиплегияга эмас, балки қарама-қарши томондаги қўл ёки оёқнинг моноплегиясига олиб келади, чунки патологик жараён кўпинча олдинги марказий пуштанинг ҳамма қисмини эмас, балки унинг маълум билан қисмини шикастлайди. Масалан, агар олдинги марказий пуштанинг юқори қисми заарланса, асосан оёқнинг марказий пўстлок моноплегияси юз беради, пастки қисми заарланганда эса, қўлнинг марказий пўстлок моноплегияси вужудга келади.

Пўстлок моноплегияси қўйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) фалаж қўл ёки оёқларнинг дистал қисмларида кучлироқ бўлади;

2) фалажланган қўлнинг дистал қисмларидаги мускуллар бир оз атрофияланади. Бунга пўстлок атрофияси дейилади. Пўстлок атрофиясининг дегенератив атрофиялардан фарки шундаки, бунда атрофияланган мускулларнинг электрик қўзгалувчанилиги ўзгартмаган бўлади.

Патологик жараён олдинги марказий пуштани ёки пирамида йўлларини ҳар икки томонда заарлантирса, марказий тетрапарез ёки тетраплегия юз беради. Бундан ташқари, кортиконуклеар йўлларнинг ҳам икки томонлама заарланиши псевдобульбар фалажга ёки синдромга олиб келади. Бундай ҳолда ютиш акти кийинлашади, дизартрия пайдо бўлади. Шу билан бирга гипомимия, ихтиёрсиз йиғлаш ва кулиш ҳоллари юз беради (137-расм).

Бирор патологик жараён (ўсма, лептоменингит, цистицерк ва хоказо) таъсирида олдинги марказий пушта ва унинг атрофи таъсиrlанса, Жексон эпилепсияси содир бўлади. Бунда тананинг

бир томонида тоник ва клоник мускул тортишишлари хурож қилади. Патологик жараён олдинги марказий пуштанинг кайси қисмida жойлашганига караб, тоник ва клоник тортишишлар оёқ, кўл ёки юз мускулларидан бошланиб, астасекин атрофдаги мускулларга тарқала бошлайди. Бунга Жексон тутқаноғи дейилади. Бу тортишишлар тананинг ҳамма мускулларига тарқалиши ёки кўл, оёқ мускуллари билан чегараланиб қолиши ҳам мумкин.



137-р а с м. Псевдобульбар фалажда пайдо бўлувчи ихтиёrsиз йиглаш.

БОШ МИЯ ПЎСТЛОГИНИНГ ОЛИЙ ФАОЛИЯТИ, УНИНГ БУЗИЛИШИ ВА НЕЙРОПСИХОЛОГИК ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Бош мия пўстлогининг олий фаолияти праксис, гнозис, сўзлаш қобилияти, ўқиш, хотира, хисоблаш ва фикрлаш фаолиятларини ўз ичига олади. Шу фаолиятларнинг нормал ҳолатини ҳамда уларнинг ўзгаришларини аниқлашда нейропсихология усуслари катта аҳамиятга эга.

Нейропсихология — бош миянинг заарланиши орқасида келиб чиқадиган марказий нерв системаси олий фаолиятининг ўзгаришларини ва бу ўзгаришлар бош миянинг кайси қисми заарланганлиги натижасида келиб чиқканлигини психологик методлар асосида аниқлаш ва заарланиш натижасида бузилган олий психик функцияларни тиклашнинг тўғри йўлларини ўрганиш билан шугулланувчи фандир.

Бизнинг тиббиётда бу фан акад. А. Р. Лурия ва унинг шогирдларининг ишларида ўз аксини топган. Ҳозирги вактда нейропсихология усуслари неврология, нейрохирургия клиникаларининг амалий фаолиятида топик диагностика учун кенг кўлланилмоқда.

Нейропсихология фани миянинг маълум бир қисми заарланган бош мия пўстлогининг олий фаолиятини ўрганишда, кишининг руҳий фаолиятида содир бўлувчи патологик ўзгаришларни умумий тарзда таърифлаш ва шу ўзгаришлар ичдан асосий нуқсонни фарқ қила билиш ва у оркали иккиласида ўзгаришларни аниқлаш ҳамда бунинг вситасида асосий нуқсон туфайли вужудга келган симптомлар ўйинидиси (синдром)ни тушунтиришга интилишни ўз олдига асосий мақсад килиб қўяди.

Бош миянинг чап ярим шари бажарадиган функцияси жиҳатдан доминант, яъни устун ярим шардир. Агар асосий олий нерв жараёнларининг бошқариш марказлари шу ярим шарнинг пўстлоғида жойлашган бўлса, бундай кишилар «ўнақай» бўладилар, ўнг ярим шарда жойлашган бўлганда эса «чапақай» бўладилар. Ўнакайлик ва чапақайликни текшириш бош мия ярим шарларининг зааралangan томонини аниқлашда ниҳоятда катта аҳамиятта эга.

Асл ўнақай ва чапақайлардан ташқари, ўнақайлар орасида «яширин чапақайлар» ҳам учрайди. Бундай кишилар аслида чапақай бўлиб туғилганлар-у, лекин ўргатиш ва тарбия натижасида улар ўнг қўл билан ишлашга одатланиб кетган бўладилар.

Ўнақайларда «яширин чапақайлик» белгисининг борлиги бош миянинг доминант ярим шари ўнг ярим шарда жойлашганидан далолат беради.

Нейропсихологик текшириш усуллари беморнинг «чапақай» ва «ўнақайлигини» аниқлашдан бошланади, бунинг учун аввал бемордан қайси қўли билан ёзиши, овқатланаётганда кошикни қайси қўли билан ушлаши, ўтин ёрганда болтани қайси қўли билан ушлаши ва ҳоказо, яъни «ўнақайлиги» ёки «чапақайлиги» сўраб олинади. Сўнгра қўйидаги усулларда текширишга ўтилади:

а) бемордан қўл бармокларини бир-бирига чирмаштириш илтимос қилинади. Агарда bemor ўнг қўлининг бош бармоғини чап қўлининг бош бармоғи устига қўйса, демак у асл «ўнақай» дир. Бунинг акси бўлса, яъни чап қўлнинг бош бармоғи, ўнг қўлининг бош бармоғи устига қўйилса, бу ҳол беморнинг «ўнақай» бўлишидан қатъи назар, унда «чапақайлик»нинг яширин белгилари борлигидан далолат беради (138-расм, а).

б) бемордан ўзига ўнғай бўлган ҳолатни танлаб, қўлларини қовуштириш илтимос қилинади (138-расм, б): чунончи, агар bemor қўл қовуштирганида ўнг билагини чап билаги устига қўйса, бу ҳол ўнақайликдан далолат беради. Агарда bemor чап билагини ўнг билаги устига қўйса, унда «яширин чапақайлик» белгилари бор дейиш мумкин.

в) бемордан қарсак чалиш ҳаракатини бажариш сўралади. Бу усулда шу нарсага эътибор килмоқ керакки, «ўнақайлар» қарсак ҳаракатида ўнг қўлни фаол ва чап қўлни суст ҳолатда

138-расм. «Яширин чапақайлик»ни текшириш усуллари.

а — ўнақайларда ўнг қўлнинг бош бармоғи чап қўлнинг устига қўйилади, чапақайларда бунинг тескариси; б — ўнақайларда ўнг қўл чап қўлнинг устига қўйилади, чапақайларда бунинг тескариси (Наполеон вазияти).

тутадилар. «Чапақайлар»да эса бу ҳолатнинг акси бўлади. «Ўнақай» кишининг ўнг қўлини суст ҳолатда тутиши «яширин» чапақайлик белгиси борлигидан дарак беради.

Юкоридаги текшириш усуллари бажарилгандан сўнг беморнинг иккала жимжилогидаги тирноклари юзаси солиштирилади. Чап қўл жимжилогининг тирноқ юзаси, ўнг қўл жимжилогининг тирноқ юзасига нисбатан кенгрок бўлиши ҳам яширин чапақайлик белгисидир.

1. Праксис, унинг бузилиши ва текшириш усуллари. Янги туғилган болада пирамида йўлининг ривожланиши натижасида, кўзига биринчи бўлиб кўринган ҳар қандай нарсага талпиниш ва уларни олиш учун ихтиёрий ҳаракат қилиши унда шартли рефлекслар пайдо бўлганлигини кўрсатади. Бу ҳаракатларнинг қайта-қайта тақоррланиши натижасида инсон ўзининг бутун умри давомида ҳаёт учун зарур бўлган мураккаб ҳаракатларни ўзлаштириб боради. Мана шундай одат тусига кирган ихтиёрий ҳаракатлар комплексига праксия дейилади. Праксия бехосдан, эркин равишда, яъни фикрни жалб қилмасдан, айрим мақсадларни амалга оширадиган одатий ҳаракатлардир.

Масалан, кийинаётган киши кўйлак ёки костюмни кийиш учун қандай ҳаракат қилиши кераклигини ўйламайди, биринчи тумани пастки измага илмайди, сигаретани тамакили томонидан чекмайди, ёзмоқчи бўлган сўзининг биринчи ҳарфини қандай килиб бошлашни ўйламайди — бу ҳаракатларнинг ҳаммаси одатий ҳаракатлардир. Мазкур одатий ҳаракатларнинг бузилишига апраксия дейилади. Апраксияга учраган бемор ҳеч қандай, ҳатто энг оддий ҳаракатларни ҳам бироннинг ёрдамисиз бажара олмайди, масалан, кийим кийиш, тумани такиши, пойабзалнинг ишни боғлаш, ёниб турган гугуртни ўчириши учун қандай ҳаракат қилиш кераклигини билмайди. Бемор маълум бир мураккаб ҳаракатнинг баъзи элементларини бажариши мумкин, лекин бу ҳаракатлар ўринсиз ва мақсадсиз бўлади.

Апраксиянинг турлари ва текшириш усуллари,
Апраксия асосан уч турли кўринишда учрайди.

1) Идеатор апраксия. Бу ҳолатда мураккаб ҳаракатнинг ўзаро алоқаси ва ассоциацияси (ўзаро уйғунылиги) бузилади.

Бемор маълум бир мақсадни амалга оширувчи ҳаракатларнинг баъзи бир элементларини бажара олса-да, лекин бу элементларни кетма-кет бажариш режаси бузилади ва мақсад амалга ошмайди. Масалан, bemor олдига папирос чекишини мақсад килиб қўйди. Лекин бунинг учун bemor чўнтагидан папирос ва гугурт чиқарса-да, у гугурт чўпини оғзига олиб, папиросни гугурт кутичасига суртиши мумкин, ёки bemorga чой ичинг деган буйруқ берилса, у буйруқни тушуниб, чой ичмоқчи бўлади. Лекин бунинг учун олдин қандай ҳаракат қилишини эсидан чиқаради, олдин чойнакни кўтариш керакми ёки пиёланими; чойни чойнакдан пиёлага ёки пиёладан чойнакка қўйиладими, деган масалалар bemor учун ҳал килиб бўлмайдиган муаммо бўлиб қолади. Идеатор апраксиясида кўрсатилган ҳаракатни bemor қайта бажара олмайди.

2. Мотор апраксия. Бунда бемор кўрсатилган ҳаракатни ҳам қайта бажара олмайди. Бемор буйруқни тущунса ҳам бутун ҳаракатнинг айрим элементларини бажара олмайди, маъносиз ва ўринсиз ҳаракатлар билан жавоб қайтаради. Масалан, столда ётган қаламни олинг дейилса, қўлини юкорига кўтариши ёки бошқа бир ўринсиз ҳаракат килиши мумкин, лекин қўл стол устидаги қаламга бормайди, мақсад бажарилмайди.

3. Конструктив апраксия. Бунда майда бўлаклардан бутун нарса тузиш қобилияти йўқолади. Масалан, bemор айрим элементлардан илтимос қилинган бирон шаклни тузиб бериш қобилиягини йўқотади. Масалан, гугурт чўпларидан кубча ёки юлдуз шаклини ясад бера олмайди. Конструктив апраксия бош мия бурчак пуштаси (*gucus angularis*) заарланганда юз беради.

Апраксия бор ёки йўқлигини аниқлаш учун бир неча хил усууллардан фойдаланилади:

а) оптика-кинетик мураккаб ҳаракатларни аниқлаш. Бу иш қўл бармоқларининг ҳолати праксиясини текширишдан бошланади. Бунинг учун bemорга қўлнинг II ва III ёки II ва V бармоқларини ёзиб, кейин II бармоқни III бармоқ устига қўйиб кўрсатилади ва шу ҳаракатларни қайтариш илтимос қилинади (139-расм).

Апраксияда bemор керакли ҳаракатни дарҳол топа олмайди ва бармоқлари билан ҳар хил ўринсиз ҳаракатлар қилаверади, Афферент (кинетик) апраксия белгиси деб шунга айтилади. Бундай апраксия заарланган қўлнинг қарама-қарши томонидаги бош мия орқа марказий (постцентрал) пуштасининг заарланиши оқибатида келиб чиқади (140-расм, 7).

б) фазода бажариладиган ҳаракатларни текшириш усулига Хэд усули киради. Бунда врач bemор қаршисига ўтириб, ўнг қўлини кўрсаткич бармоғи билан чап кўзини кўрсатади, сўнгра чап қўлини кўрсаткич бармоғи билан ўнг кулоғини кўрсатади ва шу ҳаракатларни bemордан худди шундай тартибда такрорлашни илтимос қиласди (141-расм). Апраксияга учраган bemор қўлларини мана шу кўрсатилган ҳолатларга келтира олмайди.



Бундай вазият чап ярим шарнинг тепа ва энса қисмлари туташган жойи ёки тепа бўлагининг пастки қисми заарланиши натижасида келиб чиқади.

в) учинчи усул — реципрок координациясини текшириш. Бунда бир қўлнинг панжасини мушт килиб, иккинчи қўл панжасини ёзиб кўрсатилади (142-расм). Сўнгра панжаларнинг ҳолати кетма-кет ўзгартирилади, яъни бирини мушт, иккинчисини ёзиш ҳаракати бир неча марта такрорланади ва bemордан ҳам шу ҳаракатларни қайтариш сўралади



Апраксияда bemор бу ҳаракатларни бўлиб-бўлиб бажаради ёки иккала қўли билан бир хил ҳаракатни бажара бошлайди. Бундай ҳолат премотор системаси (айниқса қадоқсимон тананинг олдинги қисми) заарланиши натижасида келиб чиқади.

139-р а с м. Праксис ҳолатини текшириш

усули.



141-р а с м. Хед усули.



142-р а с м. Реципрок координациясини текшириш усули.

г) конструктив праксияни аниқлаш. Бұнда бемордан рақамсиз соатга қараб өткізу аниқлаш, гүгүрт чүпларидан қар хил шаклар ясаш ва ўзига таниш бўлган расмларни чизиб кўрсатиш илтимос қилинади. Апраксияда бемор рақамсиз соатга катта ва кичик милларни фикран жойлаштира олмайди, тескари ёзилган ҳарфларни тўғрилай олмайди ва уларнинг қайси бири тескари ёзилганини айтиб беролмайди (БА КК ВВ ЕЕ), геометрик шаклларни ҳам чиза олмайди.

Бундай ҳолат бош мия тепа бўлимининг пастки қисмлари заарланиши натижасида келиб чиқади.

Оғиз праксиси ни текшириш. Бунинг учун бемордан тилини чиқариш, уни юқори ва пастки лаблар устига қўйиш, чайнаш ва ҳуштак чалиш ҳаракатларини қилиб кўрсатиш сўралади. Апраксияда bemor ҳар бир ҳаракатни бошлишидан аввал узок ўйлайди ва шунга қарамасдан керакли натижага эриша олмайди, у ўринисиз ҳаракатлар қиласи ёки бир хил ҳаракатдан иккинчисига ўта олмайди. Беморда овқатни чайнаш фаолияти сақланишига қарамасдан, у шу ҳаракатни илтимосга кўра бажара олмайди. Оғиз апраксияси сенсомотор зонасининг пастки қисми заарланиши натижасида келиб чиқади (140-расм, 3, 4, 5).

2. Гнозис, унинг бузилиши ва текшириш усуллари. Бола туғилгандан кейин ўз отаси ёки онасини биринчи марта таниб олиши, сўнгра ўзига боқиб турган бир канча чехралар орасидан ўз онасини таниб олиб, кулиб қўйиши, биринчи шиқилдоқ овозини эшитиб, унга боқиши, шу шиқилдоқ овози иккинчи марта қайтарилганда ҳар томонга аланглаб, уни қидириши — кўрув ва эшитув жараёнлари шаклланаётганидан далолат беради.

Киши ўз ҳаётида юзлаб, минглаб кишилар қиёфасини ва юзлаб, минглаб буюмларни таниб олади, уларнинг номларини эслаб қолади. Шунингдек, инсон музика оҳангларини, турли хил товушларни бир-биридан фарқ қилгани ҳолда, эслаб қолади. Мана шуларга гнозия, яъни кўриш, таниш ва билиш жараёни дейилади.

Агнозиянинг қуйидаги турлари учрайди:

Тана схемаси тасвирининг бузилиши. Бу ҳолатда bemor ўз танасининг қисмларини тўғри тасаввур қилолмайди. Уларни оёқ ёки кўлларини катталашиб ёхуд кичиклашиб, боши ёки танасининг маълум қисмлари йўқ бўлиб қолгандек ёки кўшимча кўл ва оёқ пайдо бўлгандек ҳис қиласи. Тана схемаси тасвирининг бузилишига аутотопогнозия ва анозогнозия ва псевдомиелия дейилади. Бундай bemornинг руҳий касалдан фарқи шундаки, у ана шу ҳисларнинг сохта эканлигини билади.

Тана схемаси тасаввурининг бузилиши бош мия тепа қисми оралиғида жойлашган (интерпариетал) пуштасининг заарланиши натижасида келиб чиқади ва у интерпариетал синдром деб ҳам юритилади.

Астереогноз. Астереогноз бўлганда bemornинг кўзи юмуқ ҳолатда кўлига берилган нарсанинг нима эканлигини айтиб беролмайди, лекин унинг ҳажмини, қандай материалдан ясалганлигини, ташки белгиларини айтиб бериши мумкин. Шундай қилиб, астереогнозда буюмларнинг айрим белгиларини аниқлаш қобилияти сақланиб қолса-да, буюм тўғрисида умумий тушунча ҳосил бўлмайди. Астереогноз бош миянинг тепа қисмida патологик жараёнлар рўй бериши натижасида келиб чиқади (140-расм, б)

Эшитиш агнозияси. Эшитиш агнозияси деб товушларни

аниклай олиш қобилиятынинг бузилишига айтилади. Масалан, бемор овоз ёки товушлар қандай ҳайвон ёки буюмга тегишли эканини ажрата олмайди. Гарчи бемор товуш ёки овозни эшитса-да, аммо бу товуш ва овозларни бир-биридан ажратиб олиш қобилияти йўқолади. Масалан, ит увиллаши, сигир маъраши, соат чиқиллашини бир-биридан ажрата олмайди. Патологик жараён мия пўстлоғининг чакка қисмида жойлашган вактда эшитиш агнозияси юз беради (140-расм, 10).

Кўрув агнозияси ёки оптик агнозия. Оптик агнозияда бемор атрофдаги нарсаларни кўради, лекин танимайди, кайта кўрганда ҳам таний олмайди. Оптик агнозияга чеҳрани таниш агнозияси — прозопагнозия ҳам киради. Чеҳрани таниш агнозиясида бемор энг яқин одамининг (отаси, онаси, хотини ва боласининг) чехрасини ҳам таний олмайди, лекин унинг коши, кўзи қанақа рангдалигини тўғри айтиб бера олади. Бу холат бош мияда анализ жараёни сақланиб қолганига қарамасдан, синтез жараёни бузилганлиги белгисидир. Чеҳрани таниш агнозиясида бемор буюмлар ва ҳарфларни бемалол танийди, ёзиш ва ўқиш қобилияtlари ҳам сақланиб қолади.

Кўрув агнозияси бош мия пўстлоғи энса қисмининг ташки томони заарланиши натижасида келиб чиқади.

Ҳид ва таъм билиш агнозияси. Ҳидни ва таъмни ажрата билиш қобилиятынинг бузилишига ёки йўқолишига ҳид ва таъм билиш агнозияси дейилади.

Гноzисни текшириш усуллари. Оптик — гноzисни текшириш усуллари: а) оддий ва мураккаб буюмларни ҳамда уларнинг шаклларини таниш; б) қийинлаштирилган ҳолатлардаги яъни устига ноаниқ йўналишдаги чизиклар чизилган ёки устмавуст чизиб ташланган буюмларни таниш (143-расм). Бу усуллар Поппельрейтер усуллари деб аталади; в) Готтшальдт усули. Бу энг мураккаб усул ҳисобланади, чунки бунда беморнинг олдига бирданига икки максад қўйилади: биринчидан, берилган шаклни бемор кўз олдига яққол келтириши, иккинчидан, унинг устидан бармоғи билан чизиб кўрсатиши лозим. Масалан, бемордан шахмат тахтасининг ўртасида турган оқ ва кора крёстларни топиш ва кўрсаткич бармоғи билан уларнинг устидан чизиб кўрсатиш илтимос қилинади (144-расм); оқ ва пунктир билан ишланган шаклларни таниш талаб қилинади.




Агнозияда, бемор бу усулларни тўлиқ бажара олмайди. Масалан, у буюмнинг бир элементини кўриб оладиу, уни синтез қилмасдан туриб, нотўғри хulosага келади (масалан, кўзойнак расмига караб уни велосипед фидираклари деб тасвирлайди); симультан агнозиясида бемор гарчи буюмни таниб турса-да, лекин унинг деталларини синчилаб кўздан кечираётган пайтда буюмнинг шаклини бутунлай унугиб қўяди.

З. Сўзлаш қобилияти, унинг бузилиши ва текшириш усуллари. Сўзлаш бош мия пўстлоғининг энг сўнгги ва янги фаолиятларидан бири ҳисобланади, унга тегишли бўлган цитоархитектоник майдон одам миясининг пўстлоғида



учрайди. Сўзнинг келиб чиқиши факат одамгагина хос бўлган иккинчи сигнал системасини вужудга келтиради.

Одамнинг сўзи асосан икки қисмдан: мотор ва сенсор қисмлардан ташкил топган. Муайян турдаги сўзларнинг ўзаро тартибли равишда



144-расм. Готтшальд усулида текшириши.

боғланиши орқали фикр изхор қилиниши сўзнинг мотор ёки экспрессив қисмини ташкил этади. Одамнинг сўзларни эшитиб, фикр қилиш ва ҳодисалар билан боғлай олиш қобилиятига сўзнинг сенсор ёки рецептив қисми дейилади. Мураккаб сўзлаш қобилиятининг амалга оширилишида бош мия пўстлоғининг ҳамма зоналари иштирок этади.

Сўзлаш қобилиятининг бузилиши ва унинг турлари. Сўзлаш қобилиятининг бузилиши афазия деб аталади. Академик А. Р. Лурияниң таснифига кўра афазиянинг қуйидаги турлари учрайди.

Динамик афазия — чап пешона пўстлоғидаги Брок зонасининг (140-расм, 1) олд қисми заарланиши натижасида келиб чиқади (145-расм, а). Бу хил афазия рўй берган вақтда бемор ўз фикрини факат оддий гап билан тушунтиришга харакат килади, бунда асосан экспрессив нутк структураси бузилади.

Афферент «кинетик» афазия — бош мия чап ярим шари пўстлоғи постцентрал пуштасининг пастки бўлими (оперкулум Роланди) га тулашиб заарланиши натижасида келиб чиқади (145-расм, а 2 га қаралсун). Бундай афазияяга учраган беморда албатта оғиз мускуллари апраксияси содир бўлади, шу сабабдан bemор гарчи керакли сўзни билиб турса-да, бўғимларни дархол бир-бирига боғлаб талаффуз эта олмайди. Шуни айтиб ўтиш керакки, бу хил афазиянинг асосий белгиларидан бири ҳарфларни бир-бири билан, масалан, «л» ҳарфини «н» билан, «б» ҳарфини «м» билан алмаштириб юборилишидир. Бунга литерал парофазия ҳам дейилади. Бемор айрим сўзларни қий-

талиб талаффуз этишига қарамай, баъзи бир гапларни бемалол апира олади.

Эфферент «кинетик» афазия — бош мия чап ярим шари таастки пешона пуштасининг орка қисми (Брок зонаси) заарраниши натижасида келиб чиқади (145-расм, а 3 га қаралсин). Бу хил афазияга дучор бўлган бемор алоҳида ҳарфларни бир-бирига қўша олади, лекин «бўғимлар» ва «сўзларни» айта олмайди. Бундан ташқари, баъзан бемор бир сўзни автоматик равишда ҳадеб қайтараверади, бу ҳолат «персеверация» деб аталади.

Акустико-мнестик афазия — бош мия чап ярим шари ўрта чакка пуштасининг заарраниши натижасида келиб чиқади (145-расм, а 4). Бундай афазияда беморнинг жонли ва таъсирли (экспрессив) нутки сақланиб қолади, лекин унинг ҳамма гапларида парапазия, кўпроқ «вербал» парапазия учрайди (керакли сўзнинг ўрнига маъноси жиҳатидан яқин бўлган бошқа сўзни ишлатиш). Яна шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, бу хил афазияга дучор бўлган бемор бир йўла айтилган бир нечта сўзни хотирасида сақлаб коломайди.

Сенсор афазия — бош мия пўстлоғи юкори чакка пуштасининг орка қисми (Вернике зонаси) заарраниши натижасида келиб чиқади (145-расм, а 5 га қаралсин). Бундай афазия рўй берганда бемор айтилган сўз ва жумланинг маъносига тушунмайди. Берилган саволга тўғри жавоб қайтаролмайди. Бундай ҳолат эшитилган товушларни анализ ва синтез қилиш қобилияти бузилиши натижасида келиб чиқади.

Семантик афазия — бош мия пўстлоғининг тепа, чакка ва энса қисмлари ўзаро туташган жойи заарраниши натижасида келиб чиқади (145-расм, б). Бу хил афазияга учраган бемор оддий жумлаларни туза билади, аммо сўзларнинг мантиқий-грамматик муносабатларини, яъни боғланишларини тушуна олмайди.

Амнестик афазия — бош мия пўстлоғи тепа ва чакка қисмларининг ўзаро туташган жойи заарраниши натижасида рўй беради (145-расм, а, 7). Бундай афазияга дучор бўлган бемор асосан буюмларниг номларини айта олмайди. Агар беморга бирор буюмни кўрсатиб, унинг номи сўралса, у мазкур буюмниг номини айтиш ўрнига унинг нима учун ишлатилишини тушунтира бошлайди.

Сўзлаш қобилиятини текшириш усуллари. Импресив нутк.

Импресив нутқ туркумига «фонемаларни» эшитиш ва фарқ кила билиш, сўзларниг мазмунини тушуниш, оддий жумлаларниг мазмунини тушуниш ва мантиқий-грамматик структурасини тушуниш қобилиятлари киради.

Фонемани эшитиш қобилиятини текшириш усуллари:

а) дизъюнкт овозларни (ҳарфларни) такрор айтиш: «б», «р», «м», «д», «к» ва ҳоказо;

б) ўхшаш фонемаларни ажратиш: «б—п», «п—б», «п—б—п» «д—т—д»;

в) уч ҳарфли серияларни тақрор айтиш: «а—о—у», «б—п—д» ва бошқалар.

Фонемаларни фарқ қилиш қобилятигинг бузилиши сенсоғ афазияда яққолроқ намоён бўлади. Шуни айтиш керакки, бемор фонемаларни ажратадиган олмаса ҳам, лекин унда музикани ажратиш қобиляти сақланади.

Ўзларнинг мазмунини тушуниш қобилятини текшириш:

а) бемордан кўзини, тирсагини, қулоғини кўрсатиш ва бошқа оддий ҳаракатларни бажариш илтимос қилинади;

б) оддий гапнинг мазмунини беморнинг қанчалик тушуниши унга берилган саволларга қайтарган жавобига қараб аниқланади.

Сўзларнинг ва гапнинг мазмунини тушуниш қобилятигинг бузилиши акустико-мнестик афазияга хосдир. Бунинг асосий сабабларидан бири, бемор эшитган гапининг баъзи бир сўзларини хотирасида ушлай олмаслиги натижасида унинг мазмунини йўқотишидир. Бунда «сўзларнинг мазмунидан узоқлашиш» асосий симптом бўлиб, бу ҳолат bemордан бирданига бир нечта сўзни қайтариш илтимос қилинганда айниқса яққол намоён бўлади. Масалан, у қулоғи ўрнига бурнини ёки қоши ўрнига тирсагини кўрсатади.

Мантиқий-грамматик структурани тушуниш қобилятини текшириш: бунда bemордан «қалам билан тароқни кўрсатиш» ёки «қалам билан калитни» кўрсатиш илтимос қилинади. Сўнгра bemордан «отасининг укаси», «укасининг отаси», ёки «бошлиқнинг дадаси», «дадасининг бошлиғи» каби тушунчаларнинг мазмуни сўралади.

Солишириш конструктурасини текшириш: Бунда bemорга «Эргаш Лоладан баландрок», «Гули Гўзалдан баландрок». «Кимнинг бўйи қандай?» каби саволлар берилади. «Шоҳиста Барнодан қорароқ, лекин Шахнозадан оқроқ, ким энг оқ», деб сўралади.

Мантиқий-грамматик структурани тушуниш қобилятигининг ва солишириш конструктурасининг бузилиши семантик афазияга учраган bemорда рўй беради.

Экспрессив нутқ. Экспрессив нутқ туркумига: ҳарфларни артикуляция кила билиш, қайтарик нутқ, буюмлар ва ҳаракатларнинг номларини айта билиш (предикатив нутқ) қобилятилари киради.

Ҳарфларни билиш қобилятини текшириш. Бунда bemордан берилган ҳар хил ҳарфларни, масалан, «м», «б», «п» ёки «д», «н», «л», «тпру», «стру» кабиларни қайтариб айтиш илтимос қилинади. Ҳарфларни кўша билиш қобилятигинг бузилиши «кинестетик» мотор афазиясида кўпроқ учрайди.

Қайтарик нутқ — сўзларни, гапларни қайтариш қобилятини текшириш. Аввал «нон», «уй», «осмон» каби таниш сўзлар берилади, сўнгра «стрепто-

лицин», «консерватория», «арахноидэндотелиома», «хориоэпендиматит» сингари нотаниш сўзлар берилади; кейинчалик гаптарга ўтилади, масалан, «ракета учаяпти», «кор ёғаяпти» ва бошқалар. Бу қобилиятнинг бузилиши сенсор афазияда юз беради, чунки бунда беморда эшилган сўзларни анализ ва синтез қилиш қобилияти бузилган бўлади.

Қайташ қобилиятнинг бузилиши акустико-мнестик афазияда ҳам учрайди, чунки бунда бемор сўз ва жумлаларни хотирасида сақлаб кола олмайди. Унинг гапида жуда кўп «вербал» парофазия элементлари учрайди.

Буюм ва ҳаракатларнинг номларини айтиш қобилияти — бу мавжуд буюмларнинг номини айтиш, шунингдек тасвирлаб берилган йўқ буюмларнинг ҳам номларини айтиб беришдан иборат.

Ҳаракат ва ҳодисаларни номлаш: масалан, «сув тошаяпти», «ер кимирлаяпти», «музика эшилияпти» ва ҳоказо. Бу қобилиятнинг бузилиши амнестик афазияда учрайди.

4. Ёзиш қобилияти, унинг бузилиши ва текшириш усуllibари. Ёзиш қобилияти сўзлаш фаолиятининг мураккаб турига киради. Боланинг сўзлаш қобилияти автоматик равишда ривожлана боради, ёзиш қобилияти эса, анча кейинроқ, ўрганиш натижасида тараққий этади. Бола бошланғич синфларда ёзаётган сўзларининг ҳарфларини фикран, онгли равишда артикуляциялайди ва анализ қиласи. Лекин киши улғая борган сари ёзиш қобилияти ҳам автоматлашиб боради.

Ёзиш қобилиятининг сақланиши бир неча асосларга боғлик, масалан, ҳарфларни артикуляция қилиш, фонемаларни эшитиш, эшилган товушларни анализ қилиш, фонемаларни кўрув ва кўл ҳаракатлари воситасида ҳарфларга айлантириш шулар жумласига киради. Шу комплекснинг биронта звеноси ишдан чиқса, дарҳол ёзиш қобилияти бузилади. Ёзиш қобилиятининг бузилиши аграфия деб аталади.

Ёзиш фаолиятининг бузилиши топик диагностика учун катта аҳамиятга эга, чунки у бош мия чап ярим шарларининг қайси қисми заарланганлигига қараб ҳар хил кўринишда рўй беради (140-расм, 2).

Текшириш усуllibари:

а) биринчи усулда bemордан айрим ҳарфларни кўчириб ёзиш илтимос қилинади. Агар bemорда кўриш гнозияси ёки унинг ўнг кўлида эркин ҳаракат бузилган бўлса, бу ишни бажара олмайди;

б) иккинчи усулда bemордан айтилган сўзлар ёки гапларни ёзиш сўралади. Сенсор афазияга ёки акустико-мнестик афазияга учраган bemор бу топширикни бажара олмайди. Унинг анализ ва синтез қилиш қобилияти бузилганлиги сабабли bemорнинг ёзувида икки хил — вербал ва литерал парофазия учрайди, яни у ё сўзларда ҳарфларни ташлаб кетади ёки ҳарфларни алмаштириб юборади;

в) автоматик ёзиш қобилиятини текшириш учинчи усулага киради. Бунда bemордан унга жуда таниш бўлган сўзларни

ёзиш илтимос қилинади, масалан, «имзо чёкиш», «Москва», «пакта» ва ҳоказо. Кинетик, яъни эфферент афазияга учраган бемо бу илтимосни бажара олмайди. Унинг хатида ортиқча чизик лар учрайди ёки битта ҳарфни бир неча марталаб қайтараверад (персеверация) ёки ҳатнинг охирги бўғимларини жуда майда лаштириб юборади (микрография);

г) тўртинчи усулда bemордан ёзиш хоҳлаган мавзуда қисқа ҳикоя ёзиш сўралади. Бу bemор учун энг мураккаб усул, чунки бунда ёзиш қобилиягининг бир неча звенолари бир йўлга текширилишидан ташкари, ёзиш жараёнида унинг қандай фикр юритиши ҳам текширилади.

5. Ўқиш қобилияти, унинг бузилиши ва текшириш усуллари. Ўқиш қобилияти бош мия пўстлоғининг олий фаолияти кўринишларидан бири бўлиб, мия заарланганда бу фаолиятнинг бузилиши юқорида кўрсатиб ўтилган праксис, гнозис, сўздаш ва ёзиш фаолиятлари сингари топик диагностика қилинда катта аҳамиятга эга. Ўқиш қобилиятининг ёзиш қобилиятидан фарқи шундаки, бу жараён ҳарфларни кўриш ва анализ қилиндан бошланиб, ўқилган нарсанинг мазмунини тўғри тушуниш билан тугалланади, яъни ўқиш — бу сўздан фикрга томон босиб ўтиладиган йўлdir. Бунда тайёр ёзилган хатни анализ қилиш ва ҳар битта сўзни ҳамда бутун матнни тушуниш талаб этилади.

Текшириш усуллари:

а) биринчи усулда bemордан алоҳида ҳарфларни таниш ва уларни ўқиш сўралади;

б) иккинчи усулда bemордан алоҳида бўғим ва сўзларни ўқиш илтимос қилинади;

в) учинчи усулда bemордан нотўғри ёзилган сўзларни анализ қилиш илтимос қилинади;

г) тўртинчи усулда bemордан гапларни ва матнларни ўқиб чиқиши ва анализ қилиш илтимос қилинади.

Ўқиш қобилиятининг бузилиши ал ексия деб аталади. Бош мия пўстлоғининг қайси қисми заарланганлигига қараб ўқиш қобилияти ҳар хил турда бузилади (140-расм, 8).

Бош мия чарим шари чакка қисмининг тена пуштасидаги пўстлоғи заарланиши натижасида bemор ўзига нотаниш бўлган сўзларни ўқий олмайди, чунки унда сўздаги ҳарфларни анализ қилиш қобилияти бузилган бўлади. Чарим шарининг премотор зонаси пастки қисмининг заарланиши натижасида bemорнинг ўқиши мутлако бошқача турда ўзгаради, яъни bemор ҳарфларни бир-бирига тез кўшиб, равон ўқиб кета олмайди. У, албаттада, ҳар битта ҳарфни алоҳида ўкийди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бош миянинг энса қисми заарланган тақдирда сўзлаш қобилияти гарчи сакланиб қолса да, лекин кўриш қобилиятининг бузилиши натижасида ўқиш фаолияти ҳам бузилади ва бу ҳол кўрув алексиясига олиб келади. Кўрув алексияси икки турга бўлинади: литерал ва вербаль алексиялар. Литерал алексияга дучор бўлган bemор алоҳида

берилган ҳарфларни түғри ўзлаштира олмайди, масалан, «м» ҳарфини «н» деб ўқийди, ёки «к» ҳарфини «х» ёки «в» деб ўқийди. Вербал алексияда бемор ёзилган сұзни бирданига ўзлаштира олмайди ва уларни таний олмайди.

6. Ҳисоблаш қобилияти, унинг бузилиши ва текшириш усуллари. Ҳисоблаш ҳам бош мия олий фаолиятининг бир туридир. Бу қобилият асосан тепа ва энса қисмларининг туташган жойи заарланган тақдирда бузилади. Ҳисоблаш қобилиятининг бузилиши акалькулия деб атала-ди. Акалькулияда хаёлан фикрлаш бузилади. Лекин акалькулия бош миянинг бошқа қисмлари заарланиши натижасида ҳам учрайди. Масалан, чакка қисмнинг тепа ғаштаси заарланишида, яъни сенсор афазияга дучор бўлган беморда учраши мумкин. Чунки у эшитилган сонни ўзлаштира олмайди, тушунмайди, лекин шу сон ёзиб кўрсатилса, бемор мисолни дарҳол тушунади ва түғри ечади.

Бош миянинг пешона қисми заарланса, бемор ўзига ўқиб берилган масаланинг мазмунини тўла эшитиб бўлмасданоқ уни тушунар-тушунмас «импульсив» равишда миясига келган рақамларни айтиб ечишга ошикади ва бу нарса албатта керакенз, нотўғри натижаларга олиб келади.

Бош миянинг тепа ва энса қисмлари (140-расм, 11) заарланса, бемор масалани ечиш учун ўз олдига мақсадларни түғри қўя олади-ю, аммо унинг хаёлан фикрлаш ва синтез қилиш қобилияти бузилганлиги сабабли масалани түғри ва тез еча олмайди.

Текшириш усуллари:

а) биринчи усулда бемордан оддий рақамларни, оддий сонларни, кейин мураккаб сонларни ўқиши ва ёзиш илтимос килинади; сўнгра оддий мисоллар берилади;

б) иккинчи усулда мураккаб масалалар берилади.

Масалан, беморга куйидағи масалалар ўқиб берилади ва бемор уларнинг мазмунини тақрорлаганидан сўнг, шу масалани ечиш илтимос килинади: « $X+Y=A$, $X-2Y=$ ёки $X+Y-A$, $X-Y=2$; шу тенглама асосида ечиладиган рақамли масала берилади:

1. «Иккита саватда ҳаммаси бўлиб 18 дона апельсин бор. Биринчи саватдаги апельсин иккинчи саватдагидан 2 баравар кўп. Хар бир саватда неча донадан апельсин бор?»

2. $a+(a+b)+(a+b)-C=x$, шу йўл билан ёчиладиган масала берилади:

«Ўғли 15 ёшда. Отаси ўғлидан 25 ёш катта. Онаси отасидан 5 ёш кичик. Ҳаммаларининг ёшлари кўшилса нечага тенг бўлади?

7. Хотира, унинг бузилиши ва текшириш усуллари. Хотира — материални қабул қилиш, ёдда сақлаш ва керак бўлган пайтда уни яна ишлатиш жараёнларидан иборат. Бу мураккаб фаолиятда бутун бош мия иштирок этади.

Хотира икки турга: қиска ва узок вактли хотираларга бўлинади. Қиска вактли хотира — хозир гапирилган гапни ёки қиска муддат ичидаги бўлиб ўтган ходисаларни эслаб қолиш

кобилиятидир. Узок вақтли хотира — бир неча кун ёки неча киска мудда ичида бўлиб ўтган ҳодисаларни эслаб қолиш кобилиятидир. Узок вақтли хотира — бир неча кун ёки неча йиллар илгари бўлиб ўтган гап ва ҳодисаларни эслаб қолиш кобилиятидан иборат.

Аналитик хусусиятлариға кўра хотира куйидаги турларга бўлинади:

а) модаль — специфик, яъни эшитиш, кўриш ва кинетик хотиралар;

б) умумий хотира.

Хотиранинг бузилиши амнезия деб аталади. Бош мия пўстлоғининг ташқи юза қисми заарланиши натижасида модаль-специфик хотира бузилади. Бош мия устинининг айрим структуралари (Пейпец доираси) заарланиши натижасида умумий хотира бузилади (145-расм, б).


Текшириш усуллари:

а) биринчи усулда асосан узок вақтли ва қисман қиска вақтли хотиралар текширилади. Бунда бемордан шу бугун қилган ишлари ҳакида сўралади, сўнгра тарихий ракамлар, масалан, «Ўзбекистон қайси йили мустақил бўлди?», «8 март қандай кун» ва бошқалар сўралади;

б) иккинчи усул икки турга бўлинади: биринчи турда эшитилган сўзлар ва гапларни эслаб қолиш кобилияти текширилади. Бунда беморга ҳар бири 3 сўздан иборат бўлган 2 серия сўз берилади ва ундан мазкур сўзларни эслаб қолиш илтимос килинади. Сўнгра 1—2 дақиқа «бўш» қўйилган, яъни ҳамма фаолиятлардан озод қилинган ҳолда, танаффус берилгандан кейин шу сўзларни қайтариш илтимос килинади. Шундан кейин беморга бошқа 1—2 дақиқали вазифа берилади («гетероген» интерференция). Масалан, $17+31=?$, $72-19=?$, $18\times 3=?$ каби оддий арифметика мисолларини ечиш; 100 дан 7 ни айириш ва чиқкан колдикдан яна 7 ни айиришни давом эттириш ва ҳ.к. топшириклар берилади. Бундан кейин беморга оғзаки бажариладиган 1—2 минутли вазифа берилади («гомоген» интерференция), сўнгра яна шу сўзларни эслаб, айтиб бериш илтимос килинади. Масалан, турли мавзуда (касб, китоб, оила ва ҳоказо) ҳакида сухбатлашиш мумкин.

Иккинчи усулнинг иккинчи турида кўрув хотираси текширилади, бу усулда, бемордан ҳар хил буюмлар солинган расмчаларни эслаб қолиш илтимос қилинади ва уларни юкорида кўрсатилган шароитда эслаб қолиб, кейинчалик такрорлаб бериш илтимос қилинади;

в) учинчи усулда беморга қиска ҳикоя ўқиб берилади, кейин ундан шу ҳикояни сўзлаб бериш сўралади. Сўнгра шу ҳикоянинг мазмуни беморнинг хотирасида қанчалик сақланиб қолгани текширилади. Бунинг учун бемор ҳикояни айтиб берганидан кейин унга 1—2 минут танаффус берилади, танаффусдан кейин яна шу ҳикояни қайтариш илтимос қилинади. Агар бемор бу илтимосларни бажара олса, у ҳолда беморга яна иккинчи ҳикоя ўқиб бери-



146-расм. Ёд олиш чизиклари түри.

Абсциссада (I—X) тажриба сонлари ординатада — ёд олинган сўзлар сони. I — нормал ҳолатда; II — баш мия пўстлоғининг чарчаган ҳолатида; III — баш мия пешона кисми шикастланган ҳолатида.

лади, кейин бемордан биринчи ва иккинчи ҳикояни эслаб, ҳар бирини алоҳида сўзлаб бериш илтимос қилинади.

Ёд олиш жараёнини текшириш. Ёд олиш жараёнини текшириш орқали мия шикастланганлиги тўғрисида қимматли маълумотлар олиш мумкин. Бунда асосан беморнинг ёд олиш жараёнида қандай усуслардан фойдаланиши, шу жараён давомида эслаб қолинган маълумотлар ва материалнинг ҳажми қандай орта бориши, bemor ўзи йўл қўйган хатоларга нисбатан қандай муносабатда бўлишини анализ қилиш катта аҳамиятга эга.

Текшириш вақтида bemorga бир-бири билан боғлик бўлмаган 10 та сўз ўқиб берилади ва уларни bemor истаган тартибда ёдда сақлаб, айтиб бериши таклиф қилинади. Шундай тадбир 8—10 марта тақорорланади ва олинган натижалар «ёд олиш чизмаси»да белгиланади (146-расм, I).

Бош миянинг энса ва чакка бўлаклари шикастланган bemorлар таклиф қолинган сўзларни берилган тартибда эслаб колишда кам янгишадилар.

№	Талаб ки- линиши	Нати- жа	уй	Урочен	Муշук	Тун	Стол	Игна	Нон	Пахта	Ручка	Кўпприк
1	—	6	1	2	3	—	4	—	—	—	5	6
2	8	7	1	2	3	—	4	5	—	—	6	7
3	8	8	1	2	3	4	5	6	—	—	7	8
4	10	9	1	2	3	9	4	5	—	6	7	8
5	10	10	1	2	3	9	4	5	10	6	7	8

Бундай bemorларнинг ёд олиш натижалари соғлом кишиларни текшириш натижаларидан факт шу билан фарқ қиласиди, уларнинг ёд олиш эгри чизиги аста-секин ўсиб боради, лекин ёд олинган сўзлар ҳажми нормадан камроқ бўлади. Bemor кўпи билан 5—6 та сўзни эслаб қолади.

4—5 марта тақорорлашда ёд олиш чизиги энг юкори бўлади, кейинчалик эса мия пўстлоғининг чарчаши натижасида яна пасайиб боради (146-расм, II).

Пешона бўлаги заарарланган беморларда ўзгаришлар асосан ёд олиш жараёнида содир бўлади. Бундай беморларнинг кўпчилиги мияларига келган фикрни айтишаверади. Масалан, «нечта сўз берилди?» деган саволга жавобан оғизларига келган рақамни айтишаверади ва айни вақтда уларнинг юзларида ва харакатларида ҳеч қандай ғамгинлик аломатлари ёки йўл кўйган хатоларидан маъюсланиш белгилари кўринмайди. Улар ўз олдиларига шу сўзларни ёд олиш керак деган мақсадни кўймайдилар, шунинг учун бошқа нарсаларга чалғиб кетадилар. Кўпинча берилган сўзларни ёд олиш ўрнига маъноси шу сўзга ўхшаш бўлган бошқа сўзларни айтишади, масалан, «нон» ўрнига «булка», «игна» ўрнига «мих» ва хоказо; улар ёд олиб қолган сўзларнинг сони 3—4 тадан ошмайди ва шу гурух беморларнинг «ёд олиш чизифи» плато («ясси тепалик») шаклида бўлади (146-расм, III).

8. **Фикрлаш, унинг бузилиши ватекшириш усуллари.** Фикрлаш бош миянинг алоҳида, энг мураккаб фаолияти бўлиб, бунда олдинга кўйилган мақсад аввало рўй берган вазиятни анализ ва синтез қилишни талаб этади, сўнгра ўзига хос операциялар ёрдамида керакли натижага эришилади.

Бош миянинг қаери заарарланмасин, интеллектуал жараённинг нормал бориши учун зарур бўлган звенолардан биронтаси албатта бузилади, бу эса умумий фикрлаш фаолиятининг бузилишига олиб келади. Масалан, чакка ва тепа қисмларининг туташган жойи ёки тепа ва энса қисмларининг туташган жойи заарарланса, беморлар ўз олдиларига кўйилган мақсадни аниқ тушунадилар, уни ечиш учун тахминий режа ҳам туза оладилар, лекин сўзлаш қобилияти, кўрув, анализ ва синтез қилиш қобилиятлари бузилганлиги орқасида фикрлаш қобилиятлари издан чиқади.

Бош миянинг пешона қисми заарарланган такдирда бемор кераксиз импульсларни тўхтата олмайди, бу эса ўз навбатида фикрлаш фаолиятининг мураккаб бузилишига олиб келади. Бундай бемор ўз олдига мақсад қўя олмайди, гарчи кўйган такдирда ҳам уни ечишни охирига етказа олмайди, чунки керакли мақсадни кераксиз мақсаддан ажратолмайди.

Текшириш усуллари:

а) биринчи усулда бемордан ўзига берилган расмларни тасвирлаб бериш сўралади;

б) иккинчи усулда кенг мазмунли қиска ҳикоя ва масалалар ўқиб берилади, сўнгра уларнинг асосий мазмунини айтиб бериш илтимос қилинади;

в) учинчи усулда беморга бир неча мақол айтилади ва шу мақолларнинг мазмунини айтиб бериш сўралади, масалан, «илми йўқнинг кўзи йўқ», «табиатсиз киши гулзордан йироқ», «темирни қизиғида бос», «олим бўлсанг олам сеники», «кўрпрангга караб оёқ узат» ва бошқалар.

Шундай қилиб, бош мия пўстлоғининг олий фаолияти бузилиши ҳақида хулоса бериш учун ҳар бир топилган симптомнинг асосида ётган сабаблар ва унинг клиник аҳамияти тўлиқ анализ қилиниши керак. Сўнгра бир-бири билан патогенетик равишда

боғланган бир неча симптомлар йиғиндисидан ҳосил бўлган синдромлар ажратилиши лозим.

Бир беморда бир неча синдром топилиши мумкин.

Хулоса беморнинг умумий ахволи тўғрисидаги мулоҳазадан бошланади. Бунга беморнинг ҳуши, сухбат давомида ўзини тутиши, хатти-ҳаракати, юз мимикаси ва ҳоказо ҳақида фикр юритиш, беморнинг «ўнақай» ёки «чапақай»лигини кўрсатиш, праксиянинг бузилиш (апраксия) белгиларини тасвирлаш, таниш, кўриш, сезиш, эшлиши гнозияси ва тана схемасини тасаввур қилишнинг ўзгаришини (агнозия) ифодалаш, сўзлаш қобилиятининг бузилиши (афазия) турини аниқлаш, ёзиш қобилиятининг ўзгаришини (аграфия) аниқлаш, ўқиш қобилиятининг бузилганлиги (алексия) тўғрисидаги якунлар, ҳисоблаш бузилганлиги (акалькулия) даражасини аниқлаш, хотиранинг бузилганлиги (амнезия) ва унинг хили тўғрисидаги якунлар киради. Беморнинг фикр юритиш тезлигига ҳамда дикқат-эътиборини тасвирлашга алоҳида аҳамият берилади.

Шундай килиб, юкорида кўрсатилган симптомларга асосланиб, синдромлар ажратилади ва топик диагноз қўйилади.

БОШ МИЯ ФУНКЦИЯСИНИ ЭЛЕКТРОФИЗИОЛОГИК УСУЛЛАР ЕРДАМИДА ТЕКШИРИШ

Организмнинг ҳаётий фаолияти жараённада биоэлектрик токлар пайдо бўлиб туради. Мускулнинг кискариши, юракнинг ишлаши, нервлардан импульсларнинг ўтиши, нерв ҳужайраларининг кўзғалиши электр токи пайдо бўлишига олиб келади. Мана шу биоэлектрик потенциалларни ҳар хил усууллар ёрдамида ўлчаш тегишли аъзонинг, функционал ёки патологик ҳолатини баҳолашга ва шу жараёнлар динамикасини аникрок кузатишига ёрдам беради.


Лекин ҳаётий токларда таъсирот потенциаллари амплитудаси жуда кичик бўлганлиги сабабли, уларни ёзиб олиш учун кучлантиргич аппаратлар ёрдамида бир неча юз минг марта кучайтириш талаб этилади. Кучлантирилган ток осциллографга берилади, осциллограф уни коғозга ёки фотопленкага ёзади.

Хилма-хил электрофизиологик усууллар ичida электроэнцефалография усули алоҳида ўрин тутади.




ЭЛЕКТРОЭНЦЕФАЛОГРАФИЯ

Мия пўстлоғининг ҳужайраларида пайдо бўлувчи электр токларини бош терисига қўйилган электродлар ёрдамида ёзиб олишга электроэнцефалография дейилади (147-расм, а, б, в).


Ёзиб олинган чизикқа эса электроэнцефалограмма дейилади. Одатда электроэнцефалограмма бир нечта нукталарда ёзиб олинади.



a)



δ)



147-р а с м. Электроэнцефалография.

а — бош мия биотокларини ёзиб олиш усули; б — электроэнцефалограмманинг асосий ритмлари:
I — бета ритм; II — альфа ритм; III — тета ритм; IV — дельта ритм; V — чўкки ритм. в — бош мия биотокларини ёзиб олишда электродларнинг жойлашими; 5 — электрод патологик жараён (A) рўпарасида жойлашгандиги ва дельта тўлқинлар ёзилганлиги кўрсатилган.

Бош мия пўстлоғининг электрик фаоллиги қўйидаги ритмлар билан ифодаланади

1. Дельта ритм	0,5—3 тўлқин-секунд
2. Тета ритм	4—7 тўлқин-секунд
3. Альфа ритм (α)	8—13 тўлқин-секунд
4. Бета ритм (β)	14—30 тўлқин-секунд
5. Гамма ритм (γ)	40—100 тўлқин-секунд

Балогатга етган кишиларнинг бош мия пўстлоғида пайдо бўлувчи асосий ритмлар — альфа ва бета ритмларди.

Альфа ритм. Альфа ритм деб, бош миянинг асосан энса ва тепа бўлакларида, физиологик тинч ҳолатда 8—13 тўл/сек оралиғида ёзиб олинадиган тўлқинли чизикка айтилади. Альфа ритм соғлом кишиларнинг уйғоқ ҳолатида ёзиб олинадиган ритм бўлиб, ҳар хил физиологик таъсиротлар (оптик ва товуш таъсиротлари) натижасида бу ритм ўзгаради.

Альфа ритмни бош мия пўстлоғининг ҳамма қисмida ёзиб олиш мумкин, лекин у энса ва тепа бўлакларида, энг катта амплитуда билан айниқса яққол намоён бўлади. Альфа ритм доимо бир хил амплитудада ёзилавермайди. Унинг амплитудаси «0» дан 100 мкв гача ўзгариб туради. Шунинг учун альфа ритм синусоид чизигини эслатади.

Агар альфа ритмни қоронғи хонада, кўз юмилган, тинч ҳолатда, аниқ ёзила бошласа, кўз очилиши билан унинг амплитудаси пасайиб кетиши ёки бутунлай йўқолиши ҳам мумкин.

Альфа ритм амплитудасининг оптик таъсиротлар натижасида камайишига альфа ритм депрессияси дейилади. Альфа ритм депрессиясини факат ёруғлик таъсири эмас, балки товуш, оғрик

ёки силаш каби таъсиротлар ҳам келтириб чиқаради. Аклий меҳнат жараёнида ҳам альфа ритм депрессияси рўй бериб туради.

Айрим вактларда ташки таъсиротлар тугагандан сўнг, альфа ритмнинг амплитудаси ошиб кетади. Бунга экзальтациядейлади.

Бета ритм. Бёта ритм деб, бош мия пўстлоғининг пешона бўлгидан ёзиб олинадиган 14–30 тўл/сек оралиғидаги ритм чизигига айтилади. Бу ритмнинг амплитудаси 5 дан 30 мкв гача бўлади. Бета ритм ҳам депрессия беради. Лекин депрессия фақатгина ихтиёрий ҳафракатлар вактида юз беради. Алфа ритмнинг депрессияси бета ритм амплитудасининг ошувига олиб келади.

Тета ритм деб, бош мия пўстлоғининг чакка ва тена қисмларидан ёзиб олинадиган 4–7 тўл/сек оралиғидаги секин ритмга айтилади. Бу ритмнинг амплитудаси 30 дан 150 мкв гача боради. Бу ритм асосан нормал ҳолатда, бир ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларда учрайди. Катталарда уйғок ҳолатда бу ритм бўлмайди. Лекин пинакка кетиб мудрай бошлаганда бу ритм катта ёшдагиларда ҳам яккол намоён бўлади.

Ҳар хил ҳаяжонлар тета ритм пайдо бўлишига олиб келади. Бу ритм хафагарчилик, ёмон кайфият ва жаҳл чиққан пайтларда ҳам пайдо бўлади.

Дельта ритм. Дельта ритм деб, 0,5–3 тўл/сек оралиғидаги секин ритмга айтилади. Соғлом одамларнинг уйғоклик пайтида бу ритм бўлмайди. Бу ритмнинг амплитудаси 50, 500, 1000 мкв гача боради. Бу ритм нормал одамларда чукур уйқу вактида ёзиб олинади. 10 ёшгача бўлган болаларда нормал (уйғоклик) ҳолатда ҳам учрайди. Агар бу ритм катталарнинг уйғок вактида ҳам ёзилса, у бош мияда патологик жараён борлигидан дарак беради: Шундай қилиб, бош мия пўстлоғининг хужайралари асосан тўртта ритм ҳосил қилас экан. Бу ритмларнинг пайдо бўлиши жинсга боғлиқ эмас, яъни эркаклар билан хотин-кизларнинг бош мия пўстлоғи ритмлари бир-биридан фарқ қилмайди. ЭЭГ (электроэнцефалография) нинг кўриниши бўйнинг баланд-пастлигига, гавданинг вазнига, шахснинг табиати ёки темпераментига қараб ўзгармайди (148-расм).


Бу усул мутлақо зарарсиз бўлиб, бемор ҳар қандай ахволда бўлган пайтларда ҳам ёзиб олинаверса бўлади. Лекин ЭЭГ — неврологик текширувдан кейингина ёзилиши керак. Яъни ЭЭГ ни ёзишга киришишдан олдин клиник максад қўйилмоғи лозим.

ЭЭГнинг клиник аҳамияти катта. Унинг ёрдамида бош миянинг зарарланганлиги тўғрисида объектив маълумотлар олиш мумкин.

ЭЭГ ёрдамида қўйидаги масалалар ҳал қилинади:

1. Бош мияга диффуз тарқалган жараёндан (яллиғланиш) унинг маълум қисмларида жойлашган жараёнларни (ўсма, абсцесс, гематома) ажратиб олиш.

2. Бош мия ярим шарларида жойлашган жараённи миячада жойлашган жараёндан ажратиб олиш.



148-р а с м. Нормал электроэнцефалограмма.

3. Бош миянинг заарлланган (ўнг ёки чап) ярим шарини аниклаб олиш.

4. Бош миянинг ичкарисида жойлашган жараённи унинг юзасида жойлашган жараёндан ажратиб олиш.

5. Бош миянинг умумий симптомлари қай даражада эканини аниклаш.

6. Бош мияда эпилептоген соҳани топиш.

7. Кўлланилаётган турли тадбирларнинг даволаш таъсирини объектив назорат қилиш.

Шундай қилиб, ғасаб касалликлар й клиникасида ЭЭГ усу́лни қўллаш ҳар хил касалликларда, айниқса бош мия ўсмасини ва тутқаноқни барвакт аниклаб диагноз қўйишда, шунингдек ҳарбий медицина экспертизаси масалаларини ҳал қилишда катта аҳамиятга эга.

БОШ МИЯ АРТЕРИЯЛАРИ ВА БОШ МИЯДА ҚОН АЙЛАНИШИНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Бош миянинг ички уйқу артерияси (*a. carotis interna*) ва умуртқа артерияси (*a. vertebralís*) қон билан таъминлайди. Ҳиазманинг ташқи томонида ички уйқу артерияси икки тармоқقا: бош мия олдинги артерияси — *a. cerebri anterior* га ва ўрта артерияси — *a. cerebri media* га бўлинади.

Бош мия орқа артерияси *a. cerebri posterior* эса умуртқа артерияларининг қўшилишидан ҳосил бўлган базилляр артерия — *a. basilaris* нинг тармоғидир.

Бу артериялар бош мия асосида бир-бири билан анастомоз ҳосил қиласди, натижада бош мия артериал доираси *circulus arteriosus cerebri* (*Willisii*) вужудга келади (149-расм).

Хиазманинг олдида ҳар икки томондаги бош мия олдинги артерияларини бирлаштирувчи анастомоз бўлиб, унга олдинги қўшувчи артерия — *a. comunicans anterior* дейилади. Бу анастомознинг тармоқлари хиазмани ва *septum pellucidum* ни қон билан таъминлайди.

Бош мия ўрта артерияси билан бош мия орқа артериясини туташтирадиган анастомозни кўшувчи орқа артерия — a. comunicans posterior дейилади.

Шундай қилиб, бош мия артерияларининг бир-бири билан қўшилиши натижасида бош мия асосида (кўрув нерви хиазмаси, tuber cinereum, согрога mamillaria атрофига) бош мия артериал доираси — circulus arteriosus cerebri ҳосил бўлади.

Бош миянинг ҳар бир ярим шарига қоннинг баравар тақсимланишида бу артериал доира катта аҳамиятга эга.

Ички уйқу артериясидан, шунингдек a. chorioidea anterior ҳам бошланади, у corpus geniculatum laterale, nucleus caudatus нинг орқа томонини, қисман nucleus lentiformis ни, ички капсула орқа оёқчасининг орқа қисмини ва қон томир чигалларини қон билан таъминлайди.

Бош мия олдинги артерияси 9 та тармоққа бўлинади (150-расм).

Бош мия олдинги артериясининг бу тармоқлари мия пўстлоғининг юқори ва ўрта пешона пуштасини, олдинги ва ортқи марказий пушталарнинг юқори қисмини, пешона ва тепа қисмларининг fissura parietooccipitalis гача бўлган икки юзасини қон билан таъминлайди.

Шунингдек, бу тармоқлар пешона тубида жойлашган тўғри пуштани (gutus gestus) ва ҳидлов йўлини ҳам қон билан таъминлайди. Бундан ташқари, бош мия олдинги артерияси думли ядронинг бош қисмини, ички капсуланинг олдинги қисмини ва қадоксимон тананинг олдинги қисмини қон билан таъминлайди.

Бош мия ўрта артерияси бош миянинг ташки эгати бўйлаб йўналиб, 9—10 та тармоққа бўлинади (151-расм).

1. Орбита-фронтал артерия — a. orbitofrontalis. Бу артерия орбитал ва фронтал тармоқларга бўлиниб, пешонанинг учинчи пуштасини ва қисман ўрта пуштасини, оперкуляр қисмини ва орбитал юзанинг ташки томонини қон билан таъминлайди.

2. Прецентрал артерия — a. precentralis ёки a. preolandica олдинги марказий пуштанинг пастки қисмини, иккинчи ва учинчи пешона пуштасининг орқа қисмларини қон билан таъминлайди.

3. Марказий эгат артерияси — a. rolandica.

4. Постцентрал артерия — a. postcentralis — ортқи марказий пуштани ва қисман олдинги марказий пуштани қон билан таъминлайди.

5. Тепанинг пастки артерияси — a. parietalis inferior ҳамда бурчаксимон пушта артерияси — a. angularis бош миянинг тепа бўлагини қон билан таъминлайди.

6. Чакканинг ортқи артерияси — a. temporalis posterior чакка бўлагининг орқа қисмини қон билан таъминлайди.

7. Чакканинг ўрта артерияси — a. temporalis media юқори ва ўрта чакка пушталарининг ўрта қисмини қон билан таъминлайди.

8. Чакканинг олдинги артерияси a. temporalis anterior чакка бўлагининг олдинги учдан бир қисмини қон билан таъминлайди.

9. Чакка учининг артерияси — a. temporalis polaris чакка бўлагининг кутбини қон билан таъминлайди.

Мия ўрта артериясидан бош миянинг ичига қўйидаги тармоқлар киради. a. a. perforantes mediales, a. a. perforantes laterales, a. lenticulooptica, a. putamenop — capsulo — caudata. A.a. perforantes mediales globus pallidum-нинг ташки қисмини, a. perforantes lateralis эса putamen-нинг ташки қисмини қон билан таъминлайди. A. lenticulooptica кўрув дўнглигининг ички қисмини, a. putamenop—capsulo—caudata бўлса, ички капсуланинг ва думли ядронинг бош қисмини қон билан таъминлайди (152-расм, а, б, в).

Бош мия орқа артерияси тармоқланиб, мия пўстлогининг қўйидаги қисмларини қон билан таъминлайди.

Чакка пастки қисмининг олдинги, ўрта ва орқа артериялари a.a. temporalis inferior, anterior, media et posterior чакка бўлагининг пастки қисмини қон билан таъминлайди.

Тилсимон пушта артерияси — a. lingualis — тилсимон пуштани қон билан таъминлайди.

A. calcarina — fissira calcarina атрофидаги мия пўстлогини қон билан таъминлайди.

Тепа-энса артерияси a. parietooccipitalis тепа-энса чегарасини ва precuneus-ни қон билан таъминлайди.

Бош мия орқа артериясининг тармоқларидан aa. pedunculares мия оёғининг орқадаги учдан икки қисмини ва тўрт тепаликни; a.a. corporis geniculati ташки ва ички тиззасимон таналарни; a.a. chorioideae posteriores эса кизил ядрони, кора субстанцияни, субталамик танани, сўрғичсимон таналарни қон билан таъминлайди.

A. thalamoperforata кўрув дўнглигининг ички ва қисман ташки ядросини қон билан таъминлайди.

A. thalamogeniculata, nucleus semilunaris қисман pulvinar thalami-ни ва кўрув дўнглигининг ташки ядросини қон билан таъминлайди.

Базилляр артерия — a. basilaris. Бу артерия бош миянинг орқа артерияларига бўлинишидан олдин, ундан юкори мияча артерияси — a. cerebelli superior ажралади. У кўприкнинг олдинги қисмини, мия оёғидаги кизил ядрони, кора субстанцияни, ортки икки тепаликни, кўзни ҳаракатлантирувчи нерв ядросини, спино-таламик йўлни, мияча чувалчангининг тепа қисмини ва миячанинг тишсимон ядросини қон билан таъминлайди.

Базилляр артериянинг пастки қисмидан миячанинг олдинги пастки артерияси — a. cerebelli inferior anterior ажралади, у кўприкнинг ён ва орқа қисмини, мияча ярим шарларининг ён томонларини қон билан таъминлайди.

Умуртқа артерияси — a. vertebral. Умуртқа артериясидан миячанинг пастки орқа артерияси a. cerebelli inferior posterior ажралиб, миячани ва унинг чувалчангининг пастки қисмини, тўртгинашни коринчанинг қон томир чигалларини қон билан таъминлайди.

Умуртқа артериясидан, шунингдек, орқа мия артериялари:

a. spinalis anterior ва a. spinalis posterior ҳам ажралиб чиқади. Бундан ташқари, базилляр ва умуртқа артерияларидан бир нечта парамедиал ва айланасига кетган артериялар чиқади, улар күпприкни ва узунчоқ мияни қон билан таъминлайди.

Базилляр артериядан 4—6 дона парамедиал артерия чиқади, бу артерия күпприк ичиға тешиб кириб, күзни харакатлантирувчи нерв ядросининг пастки қисмини, узунасига кетган медиал тутами, текстоспинал йўлни, nuclei p. trochleari et p. abducens ни, ички илмоқнинг ўрта қисмини, күпприкнинг кўндаланг толаларини ва пирамида йўлини қон билан таъминлайди.

Базилляр артериянинг айланасига кетган тармоқчалари оливани, ички илмоқнинг ташқи қисмини, юз нерви, эшитув нерви ва уч тармоқли нервларнинг ядроларини қон билан таъминлайди.

Базилляр артериянинг ўрта қисмидан a. auditiva interna чиқади ва у миянинг пастки қисмини, ўртасини ва лабиринтни қон билан таъминлайди.

Узунчоқ мияни умуртқа артерияларидан бошланувчи орқа мия олдинги артерияси, умуртқа артериясининг тармоқлари ва қисман базилляр артерия қон билан таъминлаб туради.

БОШ МИЯ ВЕНАЛАРИ ВА СИНУСЛАРИ

Бош мия веналаридан: v.v. frontalis, precentralis, centralis, postcentralis ва occipitalis лар узунасига кетган юқори синус — sinus longitudinalis superior га қўйилади. Бу синус бош мия кутисининг diploe веналари билан ҳам бирлашади (153-154-расм).

Чакканинг олдинги ва орткі веналари кўндаланг синус — sinus transversus билан sinus petrosus superior га қўйилади.

Пастки энса венаси эса v. cerebri magna га қўйилади. Vena cerebri magna га, шунингдек кўрув дўнглигидан, пўстлоқ ости тугунларидан келувчи веналар ҳам қўйилади.

Falx cerebri нинг веналари йиғилиб, узунасига кетган пастки синус — sinus longitudinalis inferior ни ҳосил қиласди.

Vena cerebri magna ва sinus longitudinalis inferior тўғри синус — sinus rectus га қўйилади.

Sinus rectus билан sinus longitudinalis superior, protuberantia ooccipitalis interna сатҳида бирлашиб, confluens sinuum posterior ни ҳосил қиласди.

Confluens sinuum-дан ҳар икки томонга ташқи синус — sinus lateralis кетади.

V. ophthalmica, v. centralis retinae sinus sphenoparietalis-га кўшилиб sinus cavernosus-ни ҳосил қиласди.

Sinus cavernosus-дан иккита синус — sinus petrosus superior ва sinus petrosus inferior бошланади. Бу синуслар мияча венаси, кўпприк венаси ва ички қулок венаси ҳисобига ҳосил бўлади.

Sinus petrosus superior ва inferior ташқи синусга қўйилади.


Ташқи синус foramen jugulare дан чиқиб, v. jugulare inferior interna га айланади.

Шундай килиб, юқорида айтиб ўтилган ҳамма синуслар v. jugularis interna га келиб қойилади. Маълум сабабларга кўра, бу веналар орқали кон окиб чиқиши қийинлашса, бу хол бош мия қутиси ичидаги цереброспинал суюқлиги босимининг ошиб кетишига олиб келади. Лекин вена кони бош миядан фақат v. jugularis interna орқалигина чиқмайди. Бош мия синуслари бош мия қутисидаги diploe веналари ёрдамида бошнинг ташки веналари билан ҳам бирлашади. Синус системаларида кон окиши қийинлашса, вена кони қисман diploe веналари орқали бош мия қутисининг ташки веналарига қойила бошлайди.

АНГИОГРАФИЯ

Ангиография усули ёрдамида бош миянинг артериал ва вена кон томирларини, синусларини рентгенография қилиш ҳамда уларнинг қайси ҳолатда эканини аниқлаш мумкин. Бунинг учун текширилувчининг ички уйқу артерияси (a. carotis interna) га шприц ёрдамида 12–16 см³ торатраст ёки диадон деб аталувчи контраст моддалар юборилади. Контраст модда мия кон томирларидан ўтаётган пайтда мия қутиси бир неча марта кетма-кет рентгенография килинади.

Бундай рентгенограммада бош мия кон томирларини, бутун шахобчалари билан аниқ кўриш мумкин бўлади.



155-расм, а. Бош мия ангиографиясининг схемаси (контраст модда юборилгандан сўнг бош мия олдинги ва ўрта артерияларининг краниограммада олдиндан кўриниши; б — ён томондан кўриниши; в — бош мия артерияларининг ўса таъсирида юз берган дислокацияси.

Агар биш миянинг маълум бир кисмида ўсма пайдо бўлса, шу қисми таъминловчи қон томирлар ўз жойидан қўзғалган, маълум бир томонга сурилган бўлиб кўринади ёки шу қон томирларга контраст модда камроқ келади, бу манзара рентгенограммада аниқ кўриниб туради (155-расм, в).

Энцефалография, вентрикулография усулларини қўлланиш ман килинган холларда бу усулининг аҳамияти янада ошади.

Ангиография усулининг камчилиги шундан иборатки, контраст моддаси қон томирига ва бошқа тўқимларга таъсир қилиб, уларни зарарлаши мумкин. Бу усулни ҳар қандай шароитда ҳам қўлланавериш ярамайди.


Кейинги йилларда биш мияда қон айланишини аниқлаш ўйлидаги клиник текширишларда янги Электрофизиологик усул (реоэнцефалография) ни қўлланиш тавсия этилмоқда.

РЕОЭНЦЕФАЛОГРАФИЯ

Реоэнцефалография (РЭГ) деб, биш мияда қон айланишининг ҳолатини ёзиб олишга айтилади. Бу усул мия тўқимасидан ўтаётган электр токининг ўзгаришларини кайд қилишга асосланган.

Биш миядан ўтаётган ҳар бир пульс тўлқинидаги қон қаршилиги натижасида электр токи ўзгариши ва бу ўзгариш маълум бир шаклга эга бўлган қийшиқ чизик тарзида акс этади (156-расм).

Бу эгри чизик ўзининг ҳар бир фазасида бир оз ёзиқ ҳолатда юқорига кўтарила бошлайди (1) ва маълум бир даражага етгандан сўнг кўтарилиш тўхтайди. Чизик эгилиб, тепалик (2) ҳосил бўлгандан сўнг пастга туша бошлайди. Лекин шу ондаёқ олдингидан кичикрок бўлган иккинчи кўтарилиш (3) вужудга келиб, чизик яна пастга туша бошлайди (5). Бу чизик горизонтал асосга ётгандан кейин, яна сўнгги фазанинг кўтарилиш чизиги бошланади.



Юрак қисқарганидан 0,25 сек. кейин РЭГ нинг биринчи кўтарилиши бошланади ва бу нарса электр токининг ўтишига нисбатан энг кучли қаршилик пайдо бўлганини анлатади.

156-расм. Реоэнцефалограмма ва электрокардиограмма тўлкин шаклининг схемаси.
I — ЭКГ; II — РЭГ; 1 — анакротик фаза; 2 — тепалик;
3 — дикротик чўқича (зубец); 4 — тўлкин амплитудаси
(баландлиги); 5 — катакротик фаза.

157-расм. Нормал реоэнцефалограмма.

ОМ — энса бўлагидан;
ЕМ — ярим шарлардан ёзилган РЭГ; S — чап ярим шар;
D — ўнг ярим шар.

РЭГ-ни ўқишда күтариуловчи чизиқнинг оғищ бурчагини ва хосил бўлган тепалик амплитудасини (4) аниклаш катта аҳамиятга эга.

РЭГ чизиги асосан ички уйқу артериясида қон айланиши ҳолатини кўрсатади. Нормал физиологик ҳолатда пульс тўлқини икки томондаги уйқу артериясига бир вақтда, бир хил босимда тарқалади. Қон томирларининг баравар кенгайини ва бир хил шароитда веналардан қоннинг бир меъёрда оқиб чиқиши натижасида РЭГ чизиги бош миянинг иккала ярим шарида бир хил бўлиб чиқади (157-расм).

Башарти уйқу артерияси бирор сабабга кўра бир томонда торайған бўлса, шу томондаги мия ярим шарларига пульс тўлқини кечикиб келади. Бунинг натижасида РЭГ чизиги ҳар икки мия ярим шарида бир вақтда ҳосил бўлмайди ва амплитудаси ҳар хил бўлади. Артерия торайған томондаги ярим шарларга РЭГ чизиги, биринчидан кечикиб келади, иккинчидан, унинг амплитудаси ҳам камайган бўлади.

Хайвонлар устида ўтказилган текширишларда уйқу артериясини кисиб қўйиб, қоннинг оқиб ўтиши тўхтатилганда РЭГ эгри чизиги йўколади. Бош мияда қон айланишининг ҳолатини аникловчи бу янги усул катта аҳамиятга эга. Бу усул ҳаёт учун хавфли бўлган мураккаб ангиография усулининг ўрнини боса олади.

Бундан ташқари, РЭГ усули ёрдамида бош мияда қон айланishi динамикасини ҳам текшириш мумкин.

УЛЬТРАТОВУШ ДОППЛЕРОГРАФИЯСИ


Ультратовуш допплерографияси (УТДГ) Допpler эффектига асосланган. Допpler эффекти деб ҳаракатда бўлган моддалардан, чунончи, қон томир ичидаги оқиб бораётган эритроцитлардан қайтаётган ультратовуш акс-садоси пасайиб боришига айтилади.

УТДГ тери остидаги қон томирларда, шулар каторида экстракраниал қон томирларда қон оқиш тезлигини ва унинг йўналиши уни ўлчайди. Уйқу артериялари текширилаётганда юкори — гал так артериясидан ўтаётган қон оқиш тезлиги ва йўналишини текшириш катта аҳамиятга эга. Чунки бу ерда ташқи уйқу артерияси охирги тармоқлари бўлмиш бурчак артерияси бурун тепа артериялари билан анастомоз қиласи.

Коллатерал қон томирларда қон йўналиши ва оқиш тезлигини аниклашда артерияларни босиб текшириш усувлари кўлланилади.

ЭХОЭНЦЕФАЛОГРАФИЯ

Эхоэнцефалография деб, бош мияни ультратовуш нурлари ёрдамида текширишга айтилади. Ультратовуш нурлари беморнинг бошига тик ҳолатда юборилади. Калладан ўтаётган товуш нурлари ўз йўналишида ҳар хил қарама-қаршиликларга учрайди ва натижада акс-садолар ҳосил бўлади. Бош суюги билан мия чегарасида ҳосил бўлувчи қаршилик акс-садоси, мия билан



158-расм. Эхоэнцефалограмма
а — эхоэнцефалограмманинг нормал ҳолатдаги схематик тасвири: 1 — бошлангич (сүяқ) эхо; 2, 4 — мия юзасининг эхоси; 3—М — эхо (III коринча, эпифиз, гипофиз эхоси); 5 — охирги (сүяқ) эхоб; б — бош мия чакка бўлгаги ўсмасини кўрсатувчи эхозинефалограмма: 1 — бошлангич (сүяқ) эхо; 2, 4 — мия юзасининг эхоси; 3 — ўсмага нисбатан карама-карши томонга сурилган М — эхо; 5 — охирги (сүяқ) эхо.

Коринчалар ичидаги суюқлик чегарасида ҳосил бўлувчи қаршилик аксадоси ва ҳ.к. шу жумлага киради. Акс-садо сигналлари вертикал ҳолатда отилиб чиқсан чизикни ҳосил қиласди (156-расм, а). Бу акс-садо сигналлари ичida ўрта чизикдаги (III коринча, эпифиз, гипофиздан аксланганд) сигналлар катта аҳамиятга эга. Бундай ўрта чизик акс-садоси М-эхо дейлади. Нормал ҳолатда М-эхо ўрта қисмда жойлашган бўлади. М-эхо ни ўлчаш катта диагностик аҳамиятга эга.

Бош мия ўсмаси, абсцесси, туберкуломаси ва бошқаларда мия ўртасида


жойлашган учинчи коринча ва эпифиз жойидан қўзғалган, ўнг ёки чап томонга сурилган ҳолатда бўлади. Бу ҳол М-эхо нинг ҳам сурилишига олиб келади (158-расм, б).

Эхоэнцефалография бош миядаги патологик жараённи топишда катта аҳамиятга эга, организмга зарарсизлиги ва текшириш учун кам вакт кетиши туфайли бу усул невропатология ва нейрохирургиянинг асосий усуллари қаторига киради.


ГАММАЭНЦЕФАЛОГРАФИЯ (СКЕННЕР ҚИЛИШ)

Изотопли энцефалография ёки скеннер қилиш деб организмга нишонланган изотоплар юбориб, уларнинг нурланишини гаммаэнцефалограф ёрдамида ўлчаб олишга айтилади.

Нейроонкологияда индикатор сифатида йод¹³¹ изотопи ишлатилади. Скеннер қилиш асосан перпендикуляр ва ён проекцияларда ўлчанади (159-расм).



159-расм, а. Ёнлама проекцияда скеннер килиш.



159-расм, б. Скенограмма — импульсларнинг штрихли ёзуви.
Чал ярим шарнинг чакка ва тепа қисмларидаги менингиома-
нинг скенограммаси.

Скеннер килиш учун организмга радиоактив модда юборилиб, 1–2 соат ўтгандан сўнг радиоактив изотопнинг бош мияда тарқалиши (микдори) аниқланади. Скенограмма патологик жараённинг жойланиши, шакли ҳамда катта-кичилги ҳақида хабар беради (160-расм).

Скеннер килиш усули, шунингдек бош мия коринчаларининг кенгайғанлик даражасини, ликвор ўtkазувчи йўлларнинг бекил-

ган-бекилмаганлигини ва спинал жараёнларда субарахноидал оралиқда ҳосил бўладиган блокни (тўсиқни) аниқлашида ҳам қўлланилади. Бунинг учун радиоактив модда бевосита бош мия коринчаларига ёки орқа мияни пункция қилиш усули воситасида субарахноидал оралиқка юборилади.

БОШ МИЯ ҚОРИНЧАЛАРИ, ПАРДАЛАРИ, ЦЕРЕБРОСПИНАЛ СУЮКЛИК ВА УЛАРНИНГ ПАТОЛОГИЯСИ

БОШ МИЯ ҚОРИНЧАЛАРИ

Бош мияда жойлашган ва ичи цереброспинал суюклик билан тўлган коваксимон тузилмаларга мия қоринчалари дейилади.

Бош мия ичида бир-бири билан тешиклар орқали боғланган тўртта қоринча бор. Бош миянинг ҳар бир ярим шари ичида иккита ён қоринча, ярим шарлар ўртасида III қоринча ва мия устуни билан мияча оралиғида. тўртинчи қоринча жойлашган (160-расм, а, б, в).

Ён қоринчалар. Ён қоринчалар катта мия ярим шарларининг ичида (*ventriculus lateralis*) жойлашган.

Ҳар бир ён қоринча қўйидаги қисмларга бўлинади:

1. Ён қоринчанинг олдинги шохи (согни *anterior*). Бу шох катта мия пешона бўлагининг ички қисмида жойлашган бўлиб, олдинги ва устки томонда қадоқсимон танача билан, ички томонда тиник тўсикча (*septum pellucidum*) билан, пастки ва ташки томонда эса думли ядронинг боши билан чегараланади.

2. Ён қоринчанинг ўрта қисмини ва унинг ички томондаги деворини кон томирлари чигали (*plexus chorioideus*) ташкил этади (161-расм). Устки томонда қадоқсимон танача билан, ташки томонда думли ядронинг танаси билан чегараланади.


3. Ён қоринчанинг орқа шохи (*corni posterior*) миянинг энса бўлагида ётади.

Орқа шохнинг устки томонида шу шохнинг пиёзчаси (*bulbus* согни *posterioris*), остки томонида эса қуш пиҳи (*calcagavis*) жойлашган.

Ён қоринчаларни III қоринча билан туташтириб турувчи тешикка Монро тешиги (*foramen Monroi*) ёки қоринчалараро тешик (*foramen interventriculare*) дейилади.

Ён қоринчалар девори бош миянинг бошқа қоринчалари каби, ҳамма томондан эпендима ҳужайралари билан қопланган.

III қоринча. Учинчи қоринча икки кўрув дўйнининг ўртасида жойлашган юнқа ковакдан иборат бўлиб, пастки қисми бир оз кенгайгандир. Олдинги деворини олдинги мия боғлами (*comissura cerebri anterior*), орқа деворини орқа мия боғлами (*comissura cerebri posterior*) ташкил қиласди. Учинчи қоринча олдинги томонининг юкори қисмида жойлашган иккита Монро тешиги орқали ён қоринчалар билан туташади. Орқа томонида эса бош мия сув йўли (*aquaeductus cerebri Sylvii*) билан бирлашади.



161-расм. Ён коринча томирлари чигали (plexus chorioideus vent., lateralis).

1 — polus frontalis; 2, 3, 4 - corpus callosum; 5 — centrum semiovale; 6 — v. terminalis; 7 — thalamus opticus; 8 — plexus chorioideus vent. lat.; 9 — commissura hippocampi; 10 — polus occipitalis; 11 — тýpi dýplik; 12 — calcar avis; 13 — ён коринчанинг орткы шохи; 14 — trigonum collaterale; 15 — hippocampus; 16 — fornix; 17 — ён коринчанинг пастки шохи; 18 — ён коринчанинг танаси; 20 — digitations hippocampi; 21 — taenia chorioidea; 22 — polus temporalis; 23 — ён коринчанинг олдинги шохи.

Бош мия сув йўли ўрта мияда тўрт тепалик тагида жойлашган 15—20 мм узунликдаги каналдан иборат бўлиб, III коринча билан IV коринчани бирлаштириб туради.

IV коринча. IV коринчанинг тагини ромбсimon юза, тепа кисмини миянинг олдинги ва орка елканлари (*velum medullare superius et inferius*), ён кисмларини эса — миячанинг ўрта оёқчалари ташкил этади. Узунлиги 35 мм га тенг. Олдинги қисми бош мия сув йўли, орка қисми эса, ўрта тешик (*apertura medialis, s. foramen Magandie*) ва иккита ён тешиклар (*aperturae lateralis, s. foramina Luschka*) орқали бош миянинг арахноидеа ости бўшилиги билан боғланади.

Ён коринчанинг, шунингдек учинчи ва тўртинчи коринчаларнинг деворлари эпендима хужайралари билан қонланган,

куб ёки цилиндр шаклидаги бу хужайралар ёнма-ён ҳолатда бир қатор жойлашган. Эпендима хужайраларининг протоплазматик ўсикчалари бўлиб, улар субэпендима соҳасига кириб йўқолади.

Бош миянинг хориоидал чигаллари (*plexus chorioideus seu tela chorioidea*).

Бош миянинг қон томир чигаллари церебростинал суюқлик ишлаб чиқарадиган органлардир. Хориоидал чигаллар ён коринчанинг пастки шохидаги, учинчи ва тўртичинчи коринчалар ичидаги ётади.

Микроскопик текширув қон томир чигаллари майдага толачалардан тузилган эканлигини кўрсатади. Ҳар бир толача бириктирувчи тўқимадан тузилган бўлиб, қон томирга бой бўлади, хориоид танаачаларининг устки томони кубча шаклидаги хориоид эпителий хужайралари билан қопланган.

Бош миянинг хориоидал чигаллари тўртта артериал системадан тармоқлар олади.

Ички йўқу артериясидан (*a. carotis interna*) олдинги хориоидал артерия (*a. chorioidea anterior*) бошланиб, ён коринчанинг пастки шохидаги хориоидал чигалга, юкори мияча артериясидан (*a. cerebelli superior*) ўрта хориоидал артерия (*a. chorioidea media*) бошланиб, III коринча хориоидал чигалига; бош мия орка артериясидан (*a. cerebri posterior*) орка хориоидал артерия (*a. chorioidea posterior*) бошланиб, IV коринчанинг хориоидал чигалига етиб келади. IV коринча қон томир чигаллари яна миячанинг пастки орка артериясидан (*a. cerebellaris posterior anterior*) ҳам таъминланади.

Қон томир чигалларидан чиқадиган ҳамма веналар бош мия ички венаси (*v. cerebri interna*) орқали катта Гален венасига (*v. cerebri magna, Haleni*) қўйилади (153-расмга каралсин).

БОШ МИЯ ПАРДАЛАРИ


Бош ва орқа мия икки парда билан ўралган бўлади. Ташки каттиқ пардага *dura mater* ёки *pachymening*, ички юмшок пардага *leptomening* дейилади (162-расм).

Бош мия каттиқ пардаси икки қават бўлиб, ташки қавати бош миянинг сук пардаси, ички томонидагиси эса миянинг ташки пардаси вазифасини бажаради. Вена синусларида пардалар бир-биридан ажralиб туради ва уларнинг ичидан вена қони оқиб ўтади. Каттиқ парда орқа мияни ва краинал нервларнинг сукдан ташқарига чиқадиган қисмини ҳам ўраб туради. Каттиқ парданинг сагиттал равишда йўналган пардаларига *falx cerebri* ва *falx cerebelli* дейилади.

Кўндаланг йўналган пардасига мияча чодири (*tentorium cerebelli*) дейилади (163-расм).

Каттиқ парда турк эгарининг устини ҳам беркитиб туради. Унга эгар диафрагмаси (*diaphragma sellae*) дейилади.

Каттиқ парданинг ички юзасига ва вена синуслари (*sinus*



163-расм. Бош миянинг каттиқ пардаси.
 1 — fasciculus opticus; 2 — n.oculomotorius; 3 — n.trochlearis;
 4 — falk cerebri; 5 — art. carotis interna; 6 — n.abducens; 7 —
 m.trigeminus; 8 — tentorium cerebelli; 9 — n.statoacusticus.

venosus durae matris) га арахноидал пахион ўсикчалари ёпишиб туради (164-расм).


Юмшоқ парданинг тузилиши. Бош ва орқа мия юзалари икки қаватдан тузилган юмшоқ парда (leptomeninges) билан ўралган.

Юмшоқ парданинг ташки қаватига ўргимчак тўрисимон парда (agashnoidea), ички қаватига эса кон томир пардаси (pia mater) дейилади.

Кон томир пардаси бош ва орқа мия ташки юзасига ёпишиб туради ва у бош миянинг барча ёриқлари ва ариқчалари ичига кириб боради. Кон томир пардаси артериал турдаги майда кон томирларга бой бўлиб, улар миянинг ташки томонида жойлашган Кей-Ретциус воронкаси деб аталувчи тешиклар орқали бош ва орқа миянинг ичига кириб, тармоқланиб тугалланади.

Кон томир пардаси бош миядан чиқувчи краниал нервларнинг атрофини ҳам ўраб туради. Шундай қилиб, бу парданинг кон томирлари бош мия ва орқа миянинг чет қисмларини ҳамда улардан чиқадиган илдизчаларни кон билан таъминлашда иштирок этади.

Ўргимчак тўрисимон парда (agashnoidea) кон томир пардасининг ташки қисмида жойлашган бўлиб, бу икки парда ўртасида ҳосил бўлган оралиқка арахноидеа ости (cavum subarachnoidale) оралиғи дейилади (165-расм). Бу пардалар айрим жойларда бир-бирига яқин, тегар-тегмас, айрим жойларда эса бир-биридан узок тургани туфайли, субарахноидал оралиқнинг айрим қисмлари тор, айрим қисмлари кенгайган бўлади. Унинг кенгайган қисмига цистерналар дейилади.



165-расм. Бош мия юмшоқ пардаси (лептоменинг) тузилишининг схемаси.

1 — ўргимчак тўрисимон парда (*tunica arachnoidea*); 2 — ўргимчак тўрисимон пардан чиккан коллаген толалардан хосил бўлган «қолдузчалар»; 3 — ликвор суккеси ўтадиган каналлар; 4 — ўргимчак тўрисимон парданнинг ари уяси шаклида тузилиши; 5 — ликвор суккеси ўтадиган кинжаллар; 6 — кон томирлар; 7 — кон томирларни фиксация килтсан бирит трувчи тўқиманинг ўстунлари; 8 — Вирхов—Робен бўшлини; 9 — юмшоқ парда (*pia mater*). 10 — бош мия пўстлоги.

Субарахноидал оралиқда кон томирлар, бош ва орқа мия нервларининг илдизчалари жойлашган.

Ўргимчак тўрисимон парда аргирофиль ва коллаген толалардан ташкил топган юпка парда бўлиб, ташки ва ички томондан арахноэндотелий деган хужайралар билан копланган. Арахноидеа пардасида кон томир бўлмайди.

Арахноидеа пардасининг ташки кисми, бош мия қаттиқ пардаси (*dura mater*)га караган бўлади. Қаттиқ парда билан арахноидеа ўртасида торгина оралиқ хосил бўлади, унга субдурал оралиқ дейилади.

Субарахноидал оралиқнинг тузилиши ва бош мия цистерналари. Субарахноидал оралиқнинг бош мия ташки ва ички юзасида жойлашган кисмлари билан цистерналар хосил килган кисмининг тузилиши ҳар хил.

Бош миянинг ташки ва ички юзаларида арахноидеа билан кон томир пардаси бир-бирига якин тургани учун субарахноидал оралиқ бу ерда тор ва ўзига хос тузилишга эга бўлади. Субарахноидал оралиқ бу ерда ари уясисимон майда-майда ковакчалардан иборат бўлиб, бу ковакчалар бир-биридан арахноидал парда билан ажralиб туради. Цистерналарнинг ичida эса бундай ковакчалар йўқ. Бош мияда олтнта катта цистерна бор.

Бош миянинг ташки цистернаси — *cisterna lateralis*, асос ёки хиазмал цистерна — *cisterna shiasmatis*, мия оёқлариаро цистерна — *cisterna interpeduncularis*, кўндаланг цистерна — *cisterna*

ambiens, s. cerebrocerebellaris, кўприкнинг ташки цистернаси — cisterna lateralis pontis, катта цистерна — cisterna cerebri magna. (166-расм).

Ташки цистерна бош миянинг пешона, тепа ва чакка бўлаклари тулашган жойдаги ташки ариқча (Сильвий ариқчаси) устида жойлашган.

Хиазмал цистерна бош мия асосида хиазма жойлашган чукурчани ташкил қилади.

Мия оёқчалариаро цистерна — хиазмал цистернадан бир оз оркароқда, мия оёқчалари оралиғидаги кўзни ҳаракатлантирувчи нерв чикарадиган чукурчани ташкил қилади.

Кўндаланг цистерна — тўрут тепаликнинг юқори қисмида эпифиз жойлашган чукурчани ташкил қилади.

Кўприкнинг ташки цистернаси — кўприк билан узунчоқ миянинг ён томонларидағи ва мияча ярим шарлари оралиғидаги чукурчани ташкил этади.

Миячанинг катта цистернаси — мияча ярим шарларининг пастки қисмида, узунчоқ мия орқасидаги чукурчани ташкил қилади.

Илгари арахноидал парда билан қон томир пардасини алоҳида пардалар деб юритилар эди. Кейинги йилларда олиб борилган илмий ишлар бу икки парда келиб чиқиши, функцияси ва морфологик тузилишига кўра бир умумий парда эканлиги аникланди. Патологик жараёнлар рўй берган такдирда ҳам иккала парда бараварига яллиғланади. Шунинг учун бундай яллиғланиш лептоменингит дейилади.

Менингеал белгилар. Менингеал белгилар ҳар хил сабаблар таъсирида мия пардаларининг ўткир яллиғланиши натижасида пайдо бўлади. Бош оғриги, кусиши, мия кутиси ва умуртқа ногонасини перкуссия қилиш вақтида оғрик пайдо бўлиши, ташки (сезги, кўриш, эшишиш) таъсиротларини қабул қилишнинг кучайиб кетиши, бўйин мускулларининг таранглостиши, Керниг ва Брудзинский (юқори ва пастки) менингеал белгилари пайдо бўлади.

Менингеал белгиларни текшириш усуllibари

1. *Бўйин мускулларининг таранглосини аниқлаш.* Бунинг учун текширувчи чалқанчасига ётган беморнинг бошини то энгаги кўкрагига текгунча олд томонга эгади. Соғлом кишида буни ҳеч қандай қийинчиликсиз амалга оширилади. Беморнинг эса бўйин мускуллари таранглостиб, бошини олдинга эгизига йўл кўймайди ва уни зўр билан букмоқчи бўлса, беморнинг бўйнида ва орка мускулларида қаттиқ оғрик пайдо бўлади.

2. *Керниг белгисини текшириш.* Чалқанча, ётган беморнинг оёғи тизза, чаноқ-сон бўғимларидан 90° га букилади, натижада сон вертикал, болдир эса горизонтал ҳолатга киради.

Текширувчи беморнинг сонини вертикал ҳолатда қолдириб, болдирини юқорига кўтаришга ва уни ҳам вертикал ҳолатга келтиришга ҳаракат қилади, шу пайтда қаршилик ва оғрик пайдо бўлиши Керниг белгиси борлигидан далолат беради. Соғлом

кишида бу текшириш ҳеч қандай қаршиликсиз ва оғриксиз амалга оширилади.

3. Брудзинскийнинг юқори белгиси. Оёқларини узатиб, чалқанча ётган беморнинг боши олдинга эгилса, оёқларининг тизза, чаноқ-сон бўғимлари букила бошлайди.

4. Брудзинскийнинг пастки белгиси. Чалқанча ётган беморнинг қовуғи соҳасига босилганда, оёқларининг тизза, чаноқ-сон бўғимлари букила бошлайди. Брудзинскийнинг пастки симптомини қўйидаги усул билан ҳам текшириш мумкин. Чалқанча ётган беморнинг бир оёғини тизза, чаноқ-сон бўғимларидан 90° букиб туриб, болдирини вертикал ҳолатга келтириш пайтида иккинчи оёқнинг ҳам ана шу кўрсатилган бўғимлари букила бошлайди, бу эса Брудзинскийнинг пастки симптомлари борлигини кўрсатади.

Цереброспинал суюқлик (ликвор)ни текшириш усуllibари ва патологияси. Цереброспинал суюқлик, бош мия қоринчаларини, миянинг ўргимчак тўрисимон пардаси билан қон томир пардаси орасидаги субарахноидал оралиқни доимо тўлдириб туради.

Цереброспинал суюқлик асосан мия қоринчаларининг ички қисмида жойлашган қон томир чигалларида (*plexus chorioideus*) ва мия қоринчаларининг ички деворини ўраб ётган эпендимада ишланади. Ҳосил бўлган суюқлик мия қоринчаларига қўйилиб туради. Ён қоринчалардан суюқлик Монро тешиги орқали III-қоринчага тушади. III қоринчадан Сильвий сув йўли орқали, IV қоринчадан эса суюқлик Мажанду ва Люшкя тешиклари орқали субарахноидал оралиқка ўтади. Субарахноидал оралиқ доимо суюқлик билан тўлиб туради.

Шундай қилиб, субарахноидал оралиқ ва бош мия цистерналари ёрдамида бош мия билан орқа мия ҳамма томонлардан суюқлик билан ўралиб туради. Мия атрофидағи суюқлик ёстиқчаси бош мия билан орқа мияни ҳар хил таъсиротлардан сакловчи механиқ тўсиқ вазифасини ўтайди.

Цереброспинал суюқлик доимо айланиб туради. У мия қоринчаларидан субарахноидал оралиқ томонгга қараб оқади. Цереброспинал суюқлик асосан ўргимчак тўрисимон пардада сўрилади. Цереброспинал суюқлик бош ва орқа мияни ўраб турувчи арахноидеа пардаси сатҳидан сўрилиб, субдуран оралиқка қўйилади. Субдуран оралиқдан эса суюқлик мия веналарига қўйилади. Сўнгра суюқликнинг бир қисми пахион ўсимталари орқали бош мия веналарига тўғридан-тўғри қўйилади. Айрим текширувlarining кўрсатишича, цереброспинал суюқлик бош мия нервларининг периневрал оралиғи орқали лимфа системасига ҳам сўрилар экан.

Нормал ҳолатда бир кунда қанча цереброспинал суюқлик ҳосил бўлса, худди шунча суюқлик қайта сўрилиб туради. Шунинг учун субарахноидал оралиқ билан мия қоринчаларидаги цереброспинал суюқлик босими доимо бир хил сатҳда туради.

Шундай қилиб, цереброспинал суюқлик ҳосил бўладиган, соҳалар билан у сўриладиган соҳалар оралиғида суюқлик доимо секин айланиб туради.


Бу соҳаларнинг заарланиши ёки ликвор йўлларининг бекилиб қолиши цереброспинал суюқлик циркуляциясининг бузилиши натижасида пайдо бўлувчи ҳар хил синдромларга олиб келади.

Бош мия билан орка мияда ҳар хил касалликлар пайдо бўлганда цереброспинал суюқликнинг таркиби ҳам ўзгаради. Шунинг учун уни текшириш катта диагностик аҳамиятга эга бўлиб, асаб касалликлари клиникасида бу усул кенг қўлланилади. Марказий нерв системасининг баъзи бир касалликларини даволаш мақсадида ҳам цереброспинал суюқлик олинади. Цереброспинал суюқликни З хил усулда: орка мия каналини, катта цистернани ва бош миянинг ён коринчаларини пункция қилиш йўли билан олиш мумкин.

Одатда орка мия каналининг пункцияси кенг қўлланилади.

Орка мия каналини пункция қилиш усули.

Орка мия каналини пункция қилиш учун бемор ўтирган ёки ўнг ёнбоши билан ётган бўлиши керак. Биринчи ҳолда bemor стулнинг суюнчиғига қаратиб ўтқазилади. Унинг боши олдинга эгилади, натижада bemornинг умуртқа поғонаси ёй шаклида букилиб, орка томонга бўртиб чиқади. Бел пункциясини bemor ётган ҳолда қилиш учун 167 А, расмда кўрсатилганидек, у ўнг



167-расм. Орка мия каналини пункция қилиш усули.

А — ётган bemornи пункция қилиш усули. Б — Люмбал пункция вактида цереброспинал суюқликни бош мия коринчалари ва субараноидал оралиқда йўналиши.

ёнбоши билан ёткизилади. Боши олдинга эгилади, оёклари эса чанок-сон ва тизза бўғимларидан букилиб, сонлари коринга тегизиб қўйилади. Игнани умуртқа поғонасининг II-III ёки III-IV бел умуртқалари оралиғига санчилади, чунки орқа мия I бел умуртқаси соҳасида тугалланади.

Пункция қилинадиган жойни аниқлаш учун беморнинг иккала *spinae iliacaes posteriores superiores*-лари аниқланади, уларнинг устига йодли чўп билан чизилиб, ўзаро туташтирилади. Чизикнинг умуртқа поғонаси билан кесишган ери тахминан III-IV бел умуртқаларининг орткиси ўсиқлари оралиғига тўғри келади.

Қўлни чўтка билан совунлаб юваб, спирт ёки йод эритмаси билан тозаланади. Пункция қилинадиган жой аниқлангач, хлорэтил ёки 0,5 фоизли новокайн эритмаси ёрдамида пункция ўрни оғриқсизлантирилади. Чап қўлнинг бош бармоғи билан II-III, III-IV ёки IV-V бел умуртқаларининг орткиси ўсиқчалари оралиғи аниқланаб, маҳсус мандренли, стерилланган пункционигна билан пункция қилинади. Пункция килаётгандага игна беморнинг бош томонига салгина қаратиб туриб, ўрта чизикка горизонтал ҳолатда санчилади.

Игнанинг учи мия қаттиқ пардасига бориб етгач, бир оз каршилик сезилади. Мия қаттиқ пардаси тешилгандан сўнг каршилик йўқолади, шу заҳоти игнадан мандрен чиқарилиб, стерилланган пробиркага 3—6 миллилитр микдорида суюқлик олинади.

Орқа мияда рўй берадиган компрессион жараёнларда (ўсма, лептоменингит ва бошқалар) субарахноидал оралиқнинг маълум бир ерида тўсиқ—блок вужудга келиши мумкин. Натижада цереброспинал суюқликнинг субарахноидал оралиқда айланиши бузилади.

Субарахноидал оралиқда блок бор ёки йўқлигини аниқлаш, орқа мия касалликларига диагноз қўйишда муҳим аҳамиятга эга. Блокнинг бор ёки йўқлигини аниқлаш учун Квекенштедт ва Стуккей усуслари қўлланилади.

Квекенштедт усули. Цереброспинал суюқлик олинаётган пайтда бемор бўйнининг иккала ён томонидан иккала *v. jugularis* нинг устига босилади. Агар субарахноидал оралиқнинг пункция қилинаётган жойидан юқорироқ қисмида блок бўлмаса, цереброспинал суюқликнинг оқими тезлашади, акс ҳолда, яъни блок мавжуд бўлса, цереброспинал суюқликнинг оқими ўзгармаслиги, сусайиши ёки тўхтаб қолиши мумкин.

Стуккей усули. Пункционигнадан цереброспинал суюқлик оқиб турган пайтда бемор қорнининг пастки қисмига босилади. Агар блок бўлмаса, суюқликнинг оқими кучаяди, акс ҳолда, яъни блок мавжуд бўлса, оқим ўзгармайди ёки тўхтаб қолади.

Даволаш мақсадида пункция қилингандага суюқликни юқорида кўрсатилганидан кўра кўпроқ микдорда олиш мумкин.

Орқа мия канали пункциясининг амбулатория шароитида бажарилишига йўл қўймаслик керак. Пункция қилингандан кейин бемор 2 соатгача қорнини тўшакка қилиб, шундан сўнг эса 2 кун-

гача орқаси билан ёстиқсиз ётиши лозим. Каравотнинг оёқ томони бир ғишиштади.

Беморга — 1—2 кун давомида 0,5 мг дан (2—3 маҳал) уротропин бериб туриш тавсия этилади.

Агар пункция қилингандан кейин bemорда менингизм, яъни енгил менингеал симптомлар рўй берса, у ҳолда, токи менингеал белгилар йўқолгунча, унинг ўрнидан туришига рухсат этилмайди. Бир неча кун давомида bemорнинг венасига 20 миллилитрдан 40 фоизли глюкоза эритмаси юбориб туриш ва бош оғриғига карши тегишли дорилар бериб бориш лозим.

Цереброспинал суюқликнинг хусусиятлари. Цереброспинал суюқликнинг босими. Цереброспинал суюқликнинг босими ўтирган ҳолатда 200—250 мм, ётган ҳолатда 100—160 мм сув устуанинг босимига тенгdir.

Монометр бўлмаган тақдирда, суюқликнинг босими игнадан бир минутда неча томчи суюқлик оқиб чиқишига қараб аникланади. Агар унинг босими нормал ҳолатда бўлса, игнадан бир минутда 60—80 томчи суюқлик чиқади. Башарти суюқлик босими ошиб кетган бўлса, у томчи-томчи бўлиб эмас, балки тўхтовсиз оқим билан чиқади.

Цереброспинал суюқликнинг туси. Цереброспинал суюқлик нормал ҳолатда рангсиз ва тиникдир. Марказий нерв системасининг ҳар хил касалликларида (менингит, энцефалит, бош мия ва орқа мия ўスマлари ва бошқалар) суюқликнинг ранги ва тиниқлиги ўзгаради. У лойқаланган ёки қизғиши-сарик рангга кирган бўлиши мумкин.

Агар лойқаланиш ва суюқлик рангининг ўзгариши (қизил ранг) пункция вақтида периферик қоннинг тасодифий аралашганилиги билан боғлик бўлса, суюқликни микроскоп остида текшириш ёки центрифугалаш йўли билан буни аниқлаш мумкин. Агар суюқликнинг ранги периферик қоннинг тасодифий аралашиб колиши натижасида ўзгарган бўлса, центрифугалангандан кейин пробирканинг тагига қизил қон танаҷалари чўқади, унинг устидаги суюқлик эса рангсиз (тиник) бўлади.

Башарти суюқлик рангининг ўзгариши нерв системасида рўй берган патологик жараён билан боғлик бўлса, чўқма таркибидаги қизил қон танаҷаларининг шакли бузилган бўлади, чўқма устидаги суюқлик эса лойқаланган ва сарик рангда бўлади (баъзан тиник бўлиши ҳам мумкин). Нерв системасининг орқа мия ўスマси, субарахноидал оралиқка қон қўйилиши, туберкулэз ва бошқа хил менингитлар сингари касалликлар юз бериши натижасида цереброспинал суюқлик ксантохром (сарғимтир-яшил) рангда бўлиши ҳам мумкин.

Цереброспинал суюқликдаги оқсил модда. Нормал ҳолдаги цереброспинал суюқликда оқсил моддаси (альбумин ва глобулин) 0,2—0,3 фоизни ташкил этади.

Цереброспинал суюқликдаги оқсил модда. Нормал ҳолдаги цереброспинал суюқликда оқсил моддаси (альбумин ва глобулин) 0,2—0,3 фоизни ташкил этади.

Тажрибада цереброспинал суюқликдаги глобулиннинг сифат

таркиби текшириллади ва шу текшириш натижасига қараб суюқликда оксил микдорининг ошганлиги ёки нормал микдорда эканлиги аникланади. Бунинг учун қуйидаги асосий реакциялар күлланилади:

1. Нонне-Аппельт реакцияси. Пробиркада баравар микдорда (0,5—1 мл) цереброспинал суюқлик ва түйинган аммоний sulfuricі эритмаси олиниб, аралаштириллади. Агар цереброспинал суюқлик таркибидаги глобулин микдори нормал бўлса, аралашма лойқаланмайди. Бордию, глобулиннинг микдори ортиқ бўлса, аралашма лойқаланиб кетади. Лойқаланиш даражаси суст бўлса 1+, ўртача бўлса 2+, жуда кучли бўлса 3+ ёки 4+ белгиси билан кўрсатилади.

2. Панди реакцияси. Соат ойнасига карбол кислотанинг 12—15 фоизли түйинган эритмасидан 1 мл қуйилиб, унинг устига 1 томчи цереброспинал суюқлик томизилади. Суюқликда глобулин микдори нормадан ортиқ бўлса, аралашма лойқаланади. Бу реакциянинг лойқаланиш даражасини ҳам юкорида кўрсатилган белгилар билан кўрсатилади.

Реакция вактида лойқаланиши аниклаш учун соат ойнаси кора қофоз устига кўйилиши керак.

3. Цереброспинал суюқликдаги оксил моддасининг умумий микдорини аниклаш учун Робертс-Синельников усулларидан фойдаланилади. Бунинг учун бир неча пробирка олиниб, уларга текширилиши лозим бўлган ва ҳар хил даражада суюлтирилган цереброспинал суюқликдан бир хил микдорда қуйилади. Сўнгра пробиркалар ичидаги суюқликнинг устига жуда астатик билан котцентранган азот кислота қуйилади. Шундан кейин 3 минут ўтгач, пробикалардан бирида, кислота билан суюқлик ўртасида ок лойқа ҳалқача ҳосил бўлади.

Маълумки, суюқлик таркибida 0,03 фоиз оксил моддаси бўлган тақдирдагина 3 минутдан сўнг ок ҳалқача пайдо бўлади. Шунинг учун ҳалқача бўлган пробиркадаги суюқликнинг суюлтирилган даражаси 0,03 фоизга кўпайтирилса, текширилаётган суюқликдаги оксил моддасининг умумий микдори аникланган бўлади.

Ҳар хил даражада суюлтирилган нормал цереброспинал суюқлик коллоид эритмалар ёки эмульсиялар билан аралаштирилганда ана шу аралаштирилган эритмаларнинг хусусиятини ўзгартирамайди. Патологик суюқлик эса коллоид эритмаларнинг дисперслигини, рангини ўзгартиради ва эритмада чўқмалар ҳосил қиласи. Патологик цереброспинал суюқликнинг бу хусусиятларини аниклаш учун бир қанча усуллар тавсия килинган. Улардан энг тўғри натижа берадигани ва энг оддийси Таката-Ара реакциясидир.

Таката-Ара реакцияси. Бу реакцияни ўtkазиш учун баравар микдорда олинган 0,05 фоизли сулема ва 0,02 фоизли фукцин эритмаларининг аралашмасидан иборат реактив ишлатилади. Текшириладиган 1 мл суюқликка янги тайёрланган натрий

карбонатнинг (Na_2CO_3) 10 фоизли эритмасидан бир томчи томизилиб, унга 0,3 мл реактив қўшилади. Нормал церебропицелл спинал суюқлик аралашмада бинафша рангга киради.

Агар аралашманинг ранги оқариб, унинг тагида бинафша ранг чўкма хосил бўлса, бунга металюэтик туридаги реакция дейилади.

Башарти аралашма қизил рангда бўлса, менингитик турдаги реакция дейилади. Реакциянинг натижаси 12—24 соатдан кейин белгиланади. Бу реакциялардан ташқари, коллоид реакциялар ҳам бор, лекин улар тажрибада кам қўлланилади.

Цитоз. Нормал цереброспинал суюқликда 1 мм^3 ҳажмда 0 дан 5—6 донагача лимфоцитар ҳужайралар учрайди. Марказий нерв системасининг баъзи бир касалликларида суюқлик таркибида кўп микдорда ҳар хил шаклдаги ҳужайралар пайдо бўлиши мумкин. Суюқлик таркибидаги ҳужайралар сонини ва уларнинг турини (лимфоцит, моноцит, нейтрофил, эритроцит ва бошқалар) аниқлаш диагностикада катта аҳамиятга эга. Ҳужайралар сонини аниқлаш учун Фукс-Розенталь камераси қўлланилади. Бу камера-нинг ҳажми 3,2 мм^3 га teng.

Бунинг учун лейкоцитларни санашда қўлланиладиган маҳсус аралаштиргич асбобда текширилладиган суюқликдан маълум микдорда олиниб, метилвиолет бўёғи билан бўялади ва унинг 1 томчиси юқорида кўрсатилган камерага томизилиб, ҳужайралар сони микроскоп остида саналади. Ҳужайраларнинг аниқланган сони 3 га бўлинса, 1 мм^3 суюқликдаги ҳужайраларнинг сони чиқади.


Агар цереброспинал суюқлик таркибидаги ҳужайралар сони нормал микдорда бўла туриб, оқсили модда микдори ошиб кетган бўлса, бунга оқсили-хужайра диссоциацияси дейилади. Бундай ҳолат кўпинча нерв системасида ўсма ўсиши натижасида рўй беради. Бордю, ҳужайралар микдори ошиб, оқсили микдори айтарли ўзгармаса, бу ҳолатга хужайра-оқсили диссоциацияси дейилади. Бундай ҳолат марказий нерв системасининг яллиғланиши юз берганда кўпроқ учрайди.

ЦЕРЕБРОСПИНАЛ СОЮҚЛИК АЙЛАНИШИННИГ ПАТОЛОГИЯСИ


Цереброспинал суюқлик хосил бўладиган ва сўриладиган соҳалар заарланса ёки ликвор ўтадиган йўллар бекилиб қолса, мия қоринчалари ва субараҳноидал оралиқда суюқлик босими ошиб кетади ва мия қоринчалари кенгайиб қолади. Бунга гипертензион-гидроцефал синдром дейилади.

Цереброспинал суюқлик ишлаб чиқарилишининг камайиши натижасида мия қоринчалари ва субараҳноидал оралиқда суюқлик босими пасайиб кетади. Бунга гипотензив синдром дейилади.

Гипертензион-гидроцефал синдромнинг икки хил тури учрайди. 1. Суюқлик йўлларининг бекилиб қолиши натижасида пайдо бўлувчи тури, бу окклюзиян тур. 2. Суюқлик



168-р а с м. Мажанди тешиги окклюзияси (бекилиб колиши) натижасида пайдо бўлган III ва IV коринчаларнинг гидроцефалияси (кенгайиб кетиши).



169-р а с м. Ён қоринчаларнинг гидроцефалияси (кенгайиб кетиши).

йўллари бекилмасдан пайдо бўлувчи тури, бу окклиозија изтур дейилади.

Окклизион турда кўпинча бош мия сув йўли (*aquaeductus cerebri*) ва Мажанди тешиги ҳар хил сабабларга кўра (яллиғланиш, ўсма, цистецерк ва ҳ.к.) бекилиб қолади. Бунда мия коринчаларида пайдо бўлаётган цереброспинал суюқликнинг субарахноидал оралиқ томонга оқиши тўхтайди. Мия корин-

чалари ичида суюқлик түпланиб қолиши қоринчалар ичидаги босимнинг ошувига ва уларнинг кенгайиб кетишига олиб келади (168—169-расмлар). Айрим ҳолларда мия қоринчаларининг хаддан ташқари кенгайиб кетиши натижасида миянинг айрим жойлари ёрилиб кетади. Натижада суюқлик қоринчалардан субарахноидал оралиқда янги пайдо бўлган йўллар орқали ўта бошлайди. Мия қоринчаларининг ёрилиши кўпинча бош мия орқа битишмасида (comissura cerebri posterior) содир бўлиб, суюқлик кўндаланг цистернага қўйила бошлайди.

Окклюзион гидроцефалияниң симптомлари. Гипертензион-гидроцефал синдромнинг асосий белгиси каттиқ бош оғриғидир. Беморлар бамисоли бошлари ёрилиб кетаётгандай ҳис қиладилар. Бош оғриғи кўпинча бош айланиш ва қусиш билан боради. Бош оғриғи, айланиши ва қусиш вақти-вақтида хуруж билан зўрайнб туради.

Каллани ёки бутун танани мажбурий ҳолатда тутиб туриш белгиси пайдо бўлади. Бунда bemорлар доимо каллани ёнга ёки олдинга букилган ҳолатда тутадилар ёки факат бир ёнбошларида ёта оладилар. Бу ҳолат ўзгартирилса бош айланиши ва қусиш кучайиб кетади. Вакти-вақти билан кўзнинг олдини тўр босиб, майда-майда олов учқунлари кўрина бошлайди. Бунга обнубильяция дейилади. Хуруж вақтида bemорнинг ранги қизариди ёки ўчиб кетади. Нафас олиши тезлашади, тахикардия ёки брадикардия содир бўлади. Айрим вактларда, айникса бош оғриғи зўрайган пайтда bemор қисқа вақт ичида хушдан ҳам кетади. Бош мия қоринчаларида босим ошиб кетгани сабабли бош мия веналарида қон айланиши қийинлашади ва натижада кўз тубида кўрув нерви папилласи шишади, унинг вена кон томирлари кенгайиб кетади ва майда қон қуилишилар рўй беради.

Окклюзион гидроцефалияда люмбал пункция қилинса, субарахноидал оралиқда суюқлик босими унча юқори бўлмайди. Суюқлик чиқариб юборилмасдан илгари унинг босими гарчи бир оз юқори бўлса-да, кейинчалик пасайиб кетади. Okkluzion гидроцефалияда пункцияни эхтиётлик билан қилиш керак, суюқликни секинлик билан чиқариш зарур, чунки айрим вақтларда пункциядан сўнг касалнинг аҳволи оғирлашиб қолиши мумкин.

Бош суяги рентгенограмма қилинганда ҳам суюқлик босими ошганлигини кўрсатувчи белгилар пайдо бўлади.

Окклюзиясиз гидроцефалия. Okkluziasiz гидроцефалияда суюқлик босими бош мия қоринчаларида ҳам, субарахноидал оралиқда ҳам бараварига ошади. Бунда ликвор йўллари бекилмаган бўлади. Okkluziasiz гидроцефалия ҳар хил сабабларга кўра пайдо бўлади. Масалан, бош мия қоринчаларидаги қон томир чигаллари заарланиши ва суюқликнинг нормадан кўра кўпроқ ишлаб чиқарилиши (бунга гиперсекретор гидроцефалия дейилади); суюқлик нормал ҳолатда ишлаб чиқарилаётган бўлса ҳам унинг сўрилиши бузилганлиги (бунга

арезорбтив гидроцефалия дейилади) натижасида шу хил гидроцефалия юз беради.

Окклузиясиз гипертензион-гидроцефал синдромда ҳам окклузияли гидроцефалиядаги каби белгилар пайдо бўлади. Лекин пункция қилганда субарахноидал босим жуда ошган бўлади. Суюклик чиқариб ташлангандан кейин ҳам босим баландлигича тураверади, лекин беморнинг аҳволи яхшиланади. Окклузиясиз гипертензион-гидроцефал синдромда кучли бош оғриғи доимий бўлиб, хуружлар бўлмайди.

Церебрал гипотензив синдром. Бош мияда босим пасайиб кетганда церебрал гипотензия синдроми рўй беради. Бунда ҳам бош оғриғи пайдо бўлади. Лекин гипертензион синдромда бош суюгининг ичидан ташки томонга лорсиллаб, бош ёрилиб кетаётгандай ҳис қилинса, гипотензив синдромда бемор бошини ташки томондан босилаётгандай ҳис қиласи. Оғриқ кўпинча энса қисмида ва бўйиннинг орқасида бўлади.

Етган, ўтирган ҳолатларда бош оғриғининг камайиши ёки йўқолиб, тик турган ёки юраётган пайтларда зўрайиб кетиши гипотензияга хос белгилардан бири ҳисобланади. Ортостатик брадикардия ҳам пайдо бўлади. Кўнгил айниш, бош айланиш рўй беради. Бундай bemорлар ёруғликни ёқтирамайдилар. Умумий дармонсизлик, уйку босиши, кўз тинишлар авж олади. Айрим пайтларда қисқа муддатли ҳушдан кетиш ҳолатлари ҳам бўлиб туради. Бу ҳолат кўпинча бош мия коринчаларидаги кон томир чигалларининг яллиғланишдан кейин ҳосил бўлувчи склерозда содир бўлади.

Окклузияли ва окклузиясиз гидроцефалияни аниқлашда рентгенография усувлари катта аҳамиятга эга.

РЕНТГЕНОГРАФИЯ УСУЛЛАРИ

Нерв системаси касалликларини диагностика қилишда субарахноидал оралік босими, мия коринчаларининг ҳажми ва шаклини аниқлашда рентгенография усули катта, баъзан эса ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бунинг учун бош мия кутисини рентгенография, пневмоэнцефалография, вентрикулография қилиш усуllibаридан фойдаланилади. Одатда икки хил: олдинги ва ёнлами (фас ва профиль), баъзан эса бир неча хил проекцияда рентгенография қилинади (170-расм, а, б).

Бош мия кутисининг рентгенографияси. Ўсма ёки бошқа сабаблар натижасида бош мия кутиси ичидаги босимнинг узоқ вакт давомида ошиб туриши мия кутиси чокларининг ажралишига (бу ҳол болалардагина учрайди), суюк ичидаги кон томирларнинг кенгайишига, мия кутиси суюгининг тепа қисми юпқаланишига, турк эгари (*sella turcica*) деворларининг бузилишига ва ҳажмининг кенгайишига олиб келади. Баъзан мияда ўсаётган ўсма атрофида калцификатлар ҳосил бўлади.

Бош мия кутиси ичидаги босимнинг ошиб кетиши рентгено-



170-р а с м. Мия күтиси ичидаги босимнинг ошиб кетиши натижасыда бармоқ излари шаклида хосил бўлган босмаларнинг рентгенограммада кўриниши (*impressiones digitatae*).

Граммада бармоқ билан босилган излар (*impressions digitatae*) шаклида кўринади. Бундан ташқари, рентгенограммада диплонк каналлар билан қон томирларининг кенгайганигини ҳам кўриш мумкин (171-расм).

Травмалар натижасида мия күтиси ёрилиши ёки синиши мумкин. Уни рентгенограммада кўриш ва мия кутисининг қайси ерида жойлашганлигини аниқлаш қийин эмас.

Баъзи бир кишиларда мия күтиси чокларининг бутунлай битиб кетиши унинг ҳажми кичрайишига олиб келади, бу эса беморда доимий, қаттиқ бош оғригининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай холат *stenosis* дейилади ва уни мия күтиси рентгенограммасида аниқласа бўлади.

ПНЕВМОЭНЦЕФАЛОГРАФИЯ ВА ВЕНТРИКУЛОГРАФИЯ

Бош миянинг ички қисмларида жойлашган патологик жараёнлар (масалан, ўсма) нинг жойлашган ерини ва гидроцефалия бор-йўқлигини оддий рентгенография усули билан аниқлаб бўлмайди. Бунинг учун ҳар хил контраст усуллар кўлланилади.

Маълумки, ҳаво рентген нурларини яхши ўтказади, шунинг учун субарахноидал оралиққа ҳаво юборилиб, рентгенография қилиш йўли билан субарахноидал оралиқда ва мия коринчалари




171-расм. Нормал пневмоэнцефалограмма.
Олдинги проекцияда олингандан краниограммада ён
коринча олдинги шохлари билан III қоринчанинг
кўриниши.

бўшлиғида ҳавонинг қандай тарқалганлигини кўриш мумкин (172-расм а,б).

Пневмоэнцефалография ва вентрикулография усулларини маҳсус тайёрланган клиник шароитлардагина тадбик қилиш тавсия этилади. Бош миянинг маълум бир қисмида ўсма пайдо бўлиб, мия қоринчасини эзib қўйган бўлса, шундай ерларга ҳаво бормайди ёки кам боради. Пневмоэнцефалограммада эса бу ҳолат аниқ кўринади ва ўсманинг жойлашган ери тўғри аниқланади (173-расм).

Пневмоэнцефалография ёрдамида мия қоринчаларининг ҳажми тўғрисида маълумот олиш мумкин (173-расм).

Пневмоэнцефалография усули. Орқа мия канали пункцияси ёки субокципитал пункция вақтида субарахноидал оралиқка игна орқали ҳаво юборилади. Пневмоэнцефалография қилиш учун ҳавони кўпинча орқа мия канали пункцияси вақтида юборилади, чунки бу усул бир мунча хавфсизроқдир (172-расм). Бунинг учун олдин пункционигна орқали шприц билан цереброспинал суюклик олинади, сўнгра субарахноидал оралиқка шу шприц ҳажмида ҳаво юборилади. Олингандан суюкликтининг ва юборилган



172-р а с м. Нормал пневмоэнцефалограмма.
а — ортки проекцияда ён коринчалар орка шохининг кўриниши;
б — профил (ён) проекцияда олингани краннограммада ён ва III коринчаларнинг кўриниши.




173-р а с м. Мия қоринчаларининг патологик жараёнлар таъсирида ўзгариши.

ҳавонинг ҳажми 80—100 см³ дан ошмаслиги керак. Пневмоэнцефалография қилинаётган вактда ҳаво юборилгандан сўнг касалда қаттиқ бош оғриғи, кўнгил айниш, кусиш рўй беради. Бундан ташқари, юрак фаолияти ўзгаради, касалнинг ранги оқариб кетади, совук тер чиқа бошлайди. Булар тез ўтиб кетадиган вактинчалик ҳолатлардир. Лекин пневмоэнцефалография вақтида, ҳар эҳтимолга қарши тегишли дорилар (кофеин, лобелин ва бошқалар) тайёрлаб қўйилган бўлиши шарт.

Бош мияда ўсаётган ўсманинг ҳажми катта ёки у миянинг чекка қисмida ёки миячада жойлашган бўлса, пневмоэнцефалография қилиш ҳавфлидир. Чунки пункция таъсирида ёки ҳаво босими остида бош миянинг жойланиши ўзгариб, мия стволи foramen occipitale magnum га сикилиб, эзилиши мумкин, бу эса ҳаёт учун ҳавфлидир.


Вентрикулография усули. Муайян сабаблар: мия кутиси ичидаги босимнинг ҳаддан ташқари ошиб кетганилиги (масалан, ички гидроцефалия), мияда ўсаётган ўсма ҳажмининг катталашганилиги ёки умуртқа погонасида деформацион ўзгаришлар юз берганлиги натижасида пневмоэнцефалография қилиш мумкин бўлмаган такдирда вентрикулография усули қўлланилади.

Вентрикулографиянинг энцефалографиядан фарқи шундаки:



174-расм. Ён коринчанинг пункция қилиш (вентрикулография) схемаси.

1 — ён коринчанинг олдинги шохинни пункция қилиш; 2 — ён коринчанинг орттиги шохинни пункция қилиш; 3 — энса суюгининг ташки дўмбоги.



175-расм. Бош миянинг пешона бўлагидаги ўсма жойлашган томонда ён коринча олдинги шохининг пастга босилиши.

1 — ён коринча; 2 — III коринча.

бунда 20—30 см³ ҳажмдаги ҳаво тўғридан-тўғри бош мия коринчалари бўшлиғига юборилади.

Бунинг учун мия кутисида бош миянинг пункция қилинмоқчи бўлган коринчаси тўғрисидан трепанацион тешикча очилади. Бу тешикча орқали махсус пунктацион игна билан мия коринчасининг


тегишли шохчаси пункция қилиниб, унга игна орқали маълум микдорда ҳаво юборилади ва бўнинг кетидан мия кутиси рентгенография қилинади (174-расм).

Рентгенограммада бош миянинг ўсма жойлашган томонидаги қоринчаларига ҳаво бутунлай бормаганигини ёки кам боргандигини, қоринчаларнинг ҳажми бир хилда эмаслигини ёки уларнинг асимметрик жойлашганини кўриш мумкин (175-расм). Бу эса топик диагнозни аниклашни осонлаштиради.


БОШНИНГ КОМПЬЮТЕР ТОМОГРАФИЯСИ (КТ)

Маълумки, организмни ташкил қилувчи ҳар хил тўқима рентген нурларини ўзига хос микдорда ютади.

Компьютер томография бошнинг қаттиқ ва юмшоқ тўқима-



176-р а с м. Компьютер томографиянинг қўлланиши.



177-р а с м. Бош мия ҳар хил сатхининг горизонтал кесимидан олингган компьютер томография кўринишлари.

ларидан ўтаётган рентген нурларининг ютилиш миқдорини ҳисблайди. Чунки рентген нурларини қаттиқ тўқима бўлган бош суяги, юмшоқ тўқима бўлмиш мия тўқимаси ўзига хос миқдорда ютади.

Компьютер томография ўзига хос тузилган. Рентген найи бош атрофида айланиб, керак бўлган кесим соҳаларида бошни томограмма (шу кесмада рентгенограмма) қиласди. Бу ҳар хил қаттиқликка дучор бўлиб ўтаётган рентген нурлари электр сигналларга айланиб, бош миянинг шу кесмаси компьютер экранда кўринади.

Бунда бош суяги, эпидурал ва субарахноидал соҳалар, мия тўқимаси, бош мия қоринчалари, улар орасига жойлашган патологик жараёнлар яққол кўринади.


Бош мияни ҳар тарафлама кўриш учун уч хил текисликда (горизонтал, вертикал ва сагиттал) ҳар 3—12 мм орасида кесмалар килинади. Агар патологик жараённи мия тўқимасидан ажратиб олишда кийинчилик туғилса, унда венага контраст модда (уротраст, верографин ва бошқалар) юборилади, шунда патологик жараён яққолроқ кўринади. Бунда патологик жараён соҳасида контраст моддалар кўпроқ тўпланади.

Компьютер томография организмга бутунлай заарсиздир. Компьютер томография қилганда ПЭГ ва ВГ га ўрин колмайди.

ЯДРО-МАГНИТ РЕЗОНАНСИ (ЯМР)

ЯМР томографияда калла тўқималарининг ҳаётий ҳолати экранга тушрилади.

ЯМР да тўқималардаги кимёвий элементлар — водород, фосфор, карбон, калий, азот оксиген, натрий хлор, олтингугурт-



178-р а с м. Ядро-магнит резонансининг кўлланилиши.

нинг энергетик ҳолати ва зичлиги ўлчаниб қайд қилинади. Бу моддалар ичида айниқса водород протонлари ва фосфорнинг аҳамияти катта.

Водород протонлари бош миянинг кулранг ва оқ моддаларини ажратишда катта ўрин тутса, фосфор эса, фосфор метаболизмидаги иштирок этувчи аноzin трифосфат, креатинин фосфат ва бошқаларни кўрсатади.

КТга ўхшашиб ЯМР томография ҳам бир қанча кесмаларда олинади ва бош миянинг ҳамма тўқималарини яққол кўрсатади.

ЯМР усули мия ўсмалари, тарқалган склероз, кон томир касалликларида катта ташҳис аҳамиятига эга.



179-р а с м. Бош мия сагиттал кесмасидан олинган магнит резонанси томографиясининг кўриниши.



180-р а с м. Орка мия ва умуртка поғонаси сагиттал кесмасидан олинган магнит резонанси томографиясининг кўриниши.

ПОЗИТРОН-ЭМИССИОН ТОМОГРАФИЯ (ПЭТ)

ПЭТ усули қисқа вақт яшовчи изотоплар ёрдамида вужудга келади. У мияда моддалар алмашинуви жараёнида иштирок этувчи изотоп билан белгиланган дори-дармонлар — АТФ, глюкоза ва бошқалар ёрдамида ўтказилади. ПЭТ бош мия ички тузилишини кўрсатиш билан бирга организмга юборилган доридармонлар таъсирида тўқималарда бораётган биокимёвий жараёнларни кўрсатади.

ТИББИЁТ ГЕНЕТИКАСИ АСОСЛАРИ



ХРОМОСОМАНИНГ ТУЗИЛИШИ

*

ХРОМОСОМА КАСАЛЛАРИНИНГ ҚЕЛИБ ЧИҚИШИ

*

ГЕНЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

*

ИРСИЙ КАСАЛЛИҚЛАРНИНГ ҚЕЛИБ ЧИҚИШИ

*

**ИРСИЙ КАСАЛЛИҚЛАРНИНГ
НАСЛДАН НАСЛГА ЎТИШ ТУРЛАРИ**

*

ГЕНЕТИК ТЕҚШИРИШ УСУЛЛАРИ

*

**ТИББИЁТ ГЕНЕТИКАСИ КОНСУЛЬТАЦИЯСИ ВА
УНИНГ АВЛОДНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШДАГИ
АҲАМИЯТИ**

ТИББИЕТ ГЕНЕТИКАСИ АСОСЛАРИ

Ер күррасида миллиондан кўп турдаги жониворлар яшайди. Бир хил жониворлар шу қадар кичикки, уларни фақат микроскоп билан кўриш мумкин, бошқа бир хиллари гоят катта бўлади. Бир хил жониворлар бутун умри бўйи бир жойда яшайди, бошқа бир хиллари сувда ҳаёт кечиради, яна бошқа хил жониворлар ўз ҳолатларини ўзгартириб туриш — сакраш, учиш, судралиб юриш қобилиятларига эга.

Жониворларнинг ҳар бир тури насл қолдириш ва бу наслда ўзларини тўлик такрорлаш хусусиятига эга. Биз товукка неча марталаб ўрдак тухумини бостирмаийлик, ундан ҳеч қачон жўжа очиб чиқмайди.

Хўш, нега ўрдакча ўзининг ота-онаси қиёфасини, уларнинг одат, қиликларини, ҳаёт кечириш тарзларини ўзида такрорлайди, товуши ҳам ўхшаш бўйиб чиқади, нега болалар ўз ота-оналарига ўхшаш бўйиб қолишади? Жониворлар ўртасидаги фарқ ва ўхшашликка сабаб бўладиган моддий асос нима экан ва у қаерда жойлашган?

Организмларда аждодлардан ўтиб келаётган белгиларни сақлаш ва уларни наслдан-наслга ўтказиш, яъни ирсият деб аталувчи ажойиб хусусият бор.

Бундай ярим аср муқаддам ирсият билиб бўлмайдиган сирли муаммо бўйиб кўринар эди.

1900 йилнинг баҳори генетика фани вужудга келган давр деб хисобланади. Шу вактда уч ботаник Г. де Фриз (Голландия), К. Корренс (Германия) ва К. Чермак (Австрия) бир-биридан бехабар ҳолда турли объектларда ирсият қонунларини, яъни белгиларнинг наслдан-наслга ўтиш қонуниятларини кашф этди. Аслида эса бу учала ботаник чехословакиялик Грэгор Мендель томонидан 1865 йилда кашф этилган қонунларни кайта очган эдилар. Г. Мендель нўхат ўсимликлари устида олиб борган тажрибалари натижасида ана шу буюк кашфиётни очган эди.

1911 йилда Т. Морган ирсий омиллар хромосомалар билан боғлик эканлигини исботлаб берди.

40-йилларда геннинг молекуляр тузилиши ўрганиб чиқилди.

1953 йил биология фанида катта ўзгаришлар йили бўлди. Шу йили Д. Д. Уотсон ва Ф. Қрик ДНҚ ва РНҚ молекулалари шаклини аниқлаб бердилар.

Хозирги вактда генетика фани биохимия, биофизика ва бошқа

шунга ўхшаш фанлар билан ҳамкорликда тирик моддани, яъни оксилни синтез қилишга эришмоқда.

Генетика — ирсият ва ўзгарувчанлик ҳақида баҳс этувчи фан. Ҳозирги замон генетика фани эришган ютуқлар тиббиётни кўпгина янги ва муҳим далиллар билан бойитди. Одамнинг нормал ва патологик ҳолатлардаги ирсияти хусусидаги янги тасаввурлар факат илгари маълум бўлмаган ва мунозарали масалаларни илмий асосда ҳал этибгина қолмай, балки келажакда илмий тадқиқот ишлари олиб бориш учун ҳам катта имкониятлар яратиб беради. Ҳозирги вактда тиббиёт генетикасида этиология, патогенез масалаларида муҳим роль ўйнайдиган, шунингдек ирсий касалликларни ва бошқа хилма-хил касалликларни даволаш ҳамда олдини олишда катта аҳамиятга эга бўлган сামарали усуслар ишлаб чиқилди ва турли янгиликлар ихтиро қилинди.


Шундай бўлишига қарамай, генетика фани эришган ютуқлар кенг шифокорлар оммасига ҳали маълум эмас, шунинг учун ҳам бу ютуқлардан медицина амалиётида кам фойдаланилади. Генетика фани 30 йил мобайнида эътибордан четда қолиб келди ва бунинг орқасида генетика ана шу даврда бошқа фанлардан анчагина орқада қолди, аммо кейинги йилларда ирсият қонунларини медицина-генетика амалиёти билан боғлаб ўрганаётган олимлар тез кўпайиб бормоқда.

Ер юзида мавжуд бўлган жамики жониворларнинг тузилиши ҳамда ўзига ўхшаш уруғ, яъни насл қолдириши ҳужайра билан боғлиқ. Бинолар ғиштдан қурилган бўлганидек, ҳар қандай организм ҳам ҳужайралардан тузилган. Ҳар бир ҳужайра мураккаб туркумлардан — ядро, цитоплазма ва қобикдан ташкил топган. Ҳужайранинг асосий қисми бўлмиш ядро аксари унинг марказида жойлашган бўлади. Ҳозирги замон генетикаси тадқиқотларининг кўрсатишича, ирсий омилларда асосий функцияни, илгари тахмин қилинганидек цитоплазма эмас, балки ядро бошқаради. Ядронинг таркибида хромосомалар (хроматин ипчалари), ядро шираси (кариолимфа), ядроча ва ядро қобиги бор. Қуйидаги расмда ҳужайранинг электрон микроскопик тузилиши тасвир этилган (181-расм).

Хромосома (юнонча *chromo* — ранг, *soma* — танача демакдир) — бўялувчи танача бўлиб, оддий микроскоп остида кўринадиган тўқималарнинг энг нозигидир. Хромосомалар ранг берилганда бўялади ва факат ҳужайранинг бўлининш даврида (метафазада) оддий микроскоп остида кўринадиган бўлиб қолади.

Ҳайвонот ва ўсимликлар хромосомаларининг сони жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қиласи, лекин хромосомаларнинг тўплами (умумий сони) ҳар бир тур ичидан доимо бир хил бўлади. Масалан, аскаридада 2 та, дрозофила пашласида 8 та, нўхатда 14 та, бақада 22 та, калтакесакда 140 та, қисқичбақада 116 та, сигирда 38 та, гориллада 48 та, одамда 46 та ва ҳоказо хромосомалар тўплами мавжуд экани исботланган.

Хромосомалар катта-кичиклиги ва шакли жиҳатидан ҳам бир-




181-р а с м. Хужайра тузилишининг схемаси (электро микроскопда кўриниши).

биридан фарқ қилади. Одамдаги хромосомаларнинг узунлиги 1,5—10 мк. Центромераларининг (бирламчи тортмаларининг) қандай жойлашганига караб хромосомалар асосан уч хил: метацентрик, субметацентрик ва акроцентрик турда бўлади (182-расм). Метацентрик хромосомаларда центромера ўртада жойлашган ва шу туфайли унинг иккала елкаси баравар узунликда бўлади. Бу гурухга 1, 3, 19 ва 20-жуфт хромосомалар киради. Субметацентрик хромосомаларда центромера хромосоманинг бир учига яқинрок жойлашади, шунинг учун елкаларининг бири иккинчисидан қисқарок бўлади. Суб-

182-расм м. Хромосомаларнинг турлари.

1 - метацентрик хромосома; 2 - субметацентрик хромосома;
3 - акроцентрик хромосома.



метацентрик хромосомаларга 2, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 16, 17, 18-жуфтлар киради. Акроцентрик хромосома таёқча шаклида бўлиб, центромера унинг бир учида жойлашади. Бу гурухдаги 13, 14, 15-жуфт хромосомалар катта акроцентрик, 21 ва 22-жуфт хромосомалар эса кичик акроцентрик хромосомалардан ташкил топади.

Хромосомалар тўпламини чукур ўрганиш натижасида барча олий ўсимликлар ва ҳайвонларнинг жинсий ҳужайраларидан ташқари ҳамма ҳужайраларида хромосомалар жуфт бўлиши аниқланган. Бошқача қилиб айтганда, ҳужайрадаги барча хромосомалар кўш (диплоид) тўпламлардан ташкил топади. Масалан, одамдаги 46 хромосома 23 жуфт хромосомадан иборат.

Тузилиши бир хил бўлган хромосомалар гомологик хромосомалар деб аталади. Гомологик хромосомаларнинг узунлиги ва шакли бир хил, центромералари хам бир жойнинг ўзида жойлашган бўлади. Хромосомаларнинг ҳар қайси жуфти эса гомологик тузилишга эга.

Хромосомалар Денвер системаси асосида тасниф қилинади. Бу таснифга мувофиқ, ҳар бир жуфт хромосома каттадан кичикка қараб рўйхатга олинади. Одам хромосомалари шу тасниф асосида қўйидаги етти гурухга бўлинади.

А гурухга 1, 2, 3-жуфт.

В гурухга 4, 5-жуфт.

С гурухга 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12-жуфт.

Д гурухга 13, 14, 15-жуфт.


Е гурухга 16, 17, 18-жуфт.

Ғ гурухга 19, 20-жуфт.


Г гурухга 21, 22-жуфт хромосомалар киради (183-расм а, б).

Юкоридаги 22-жуфт хромосома соматик хромосомалар (автосома) дейилади. Эркак ва аёл танасидаги аутосомалар бир хил бўлади. Уларнинг фақат 23-жуфти бир-биридан фарқ қиласди. 23-жуфт хромосомалар ўсимлик ва ҳайвонларда жинсий белгиларни ифодалайди. Аёлларда жинсий хромосомалар иккита йирик X хромосомадан, (183-расм, а га қаралсин), эркакларда эса битта йирик X ва битта кичик У хромосомадан ташкил топади (183-расм, б га қаралсин).

Янги ҳужайралар эски ҳужайраларнинг бўлиниши натижасида ҳосил бўлади. Ҳужайра бўлинишидан олдин ҳар қайси хромосома ўзига ўхшаш хромосома ҳосил қиласди, бунинг натижасида хромосомалар сони икки баравар ортади. Бу жараён митоз деб аталади. Одам ва ҳайвонларнинг тана ҳужайралари митоз йўли билан бўлинади. Она ҳужайрадан иккита ёш (киз)



183-расм, а. Аёлларнинг нормал ҳолатдаги кариотипи.



183-расм, б. Эркакларнинг нормал ҳолатдаги кариотипи.


1-2 профаза; 3 - метафаза; 4 - анафаза; 5 - телофаза.

хужайра пайдо бўлади, булар ҳам ўз навбатида ўсиб ривожланади ва бўлиниш йўли билан кўпаяди.

Митоз (юононча mitosis — бўлиниш демакдир) — тўртта босқичдан: профаза, метафаза, анафаза ва телофазадан иборат (184-расм). Икки митоз ўртасида ўтадиган давр интерфаза деб аталади. Метафаза даврида хромосомалар айникса калта тортиб, йўғонлашади. Натижада узун-узун хромосомалар ихчам (ғуж) танаачаларга айланади. Шу даврда хромосомалар санаш ва шаклини аниқ кўриш мумкин.

Хар бир жонивор кўпайиш ва насл қолдириш учун ҳаракат қиласиди. Кўпайиш, насл қолдириш, авлодни-авлодга боғлаш ва зифасини жинсий хужайралар (гаметалар) бажаради.

Сперматогенез



185-расм. Мейоз, яъни гаметалар ҳосил бўлиш схемаси.











Жинсий ҳужайралар — гаметалар (юонча *gatot* — уйланиш, яъни никоҳ демакдир) ҳосил бўлиш жараёни мейоз деб аталади. Мейозда ҳужайра икки марта кетма-кет бўлинади (185-расм). Ҳужайранинг биринчи бўлиниси натижасида хромосомалар сони икки баравар камаяди (редукцион бўлиниш). Хромосомаларнинг бундай микдори гаплоид тўплам деб аталади. Шундан кейин мейознинг иккинчи бўлиниси бошланади. Бу вактда хромосомаларнинг диплоид тўплами қайта тикланади, яъни редупликация юз беради.

Мейоз натижасида ҳосил бўлган тўртта ҳужайранинг ҳар биридан эркакларда сперматозоид ҳосил бўлади, аёлларда эса фақат битта тухум ҳужайра вужудга келади, қолганлари яшашга нокобил бўлган йўналтирувчи тағачаларга айланади. Жинсий алоқа вақтида эркаклардан чиқадиган уруғ суюклигида 200 мингга яқин сперматозоид бўлади. Аёлларда ҳар ойда битта тухум ҳужайра етилади. Сперматозоид билан тухумнинг қўшилиши натижасида битта уруғланган тухум ҳужайра ҳосил бўлади. Уруғланган тухум ҳужайра зигота деб аталади (юонча *ziosis* — жуфт бўлиб қўшилган, бўйинтурук билан бириккан). Уруғланиш натижасида зиготага отадан ҳам, онадан ҳам бир хил микдорда (23 тадан) хромосома ўтади. Шу сабабли янги организм икки ёқлама ирсий белгиларга эга бўлади.


Хулоса қилиб айтганда, митоз ва мейоз жараёнида хромосомалар ўз-ўзини мукаммал (хатосиз) тиклади, тенг микдордаги ёш (қиз) ҳужайраларга тақсимланади. Хромосомалар сонининг бир хил, тузилишининг эса ўзига ҳос ва мураккаб бўлиши улар бажарадиган функцияларнинг мухимлигига боғлик. Ирсий белги хусусиятларининг наслдан-наслга ўтишида хромосомаларнинг аҳамияти фоят катта.

Башарти хромосомаларнинг тақсимланиш жараёнида тақсимланувчи ҳужайралар ўртасида хатолик рўй берса, баъзи ҳужайраларда ирсий (генетик) материал кўпайиб, бошка ҳужайралар-

Овогенез



186-расм. Нормал ва патологик мейоз схемаси.
Аёл жинсий хромосомаларининг нормал мейози (*а*), эркак жинсий хромосомаларининг нормал мейози (*б*).
Мейоз жараёнда жинсий хромосомаларнинг бир-бираидан ажралмаслиги натижасида уларнинг нормал тақсимланишининг бузилиши, аёлда (*в*, *г*, *е*) ва эркакда (*ж*, *з*, *и*, *к*).




187-расм. Трисомия -- X синдроми

а -- трисомия -- X (XXX) синдромига учраган аёлнинг карниотипи; б - трисомия -- X синдромига учраган аёлнинг фенотипи

да эса камайиб кетади. Бундай ҳодиса хромосома аберрацияси деб юритилади. Битта хромосома етишмаса, моносомия, битта хромосома ортиб кетса, трисомия, бир парча хромосоманинг йўқолишига делеция дейилади. Бутун ёки бир парча хромосоманинг гомологик бўлмаган бошка хромосомага ўтиши транслокация деб аталади. Хромосома аберрациясининг сабаби ҳали тўла ўрганилмаган. Аутосомаларда ҳам, жинсий хромосомаларда ҳам хромосома аберрацияси рўй бериши мумкин. Патологик ўзгаришлар (аберрация) факат жинсий хромосомаларда содир бўлса, бундай организмда ҳар хил жинсий нуксонлар (аномалиялар) келиб чиқади.

Аввало аёллар билан эркакларнинг жинсий хромосомалари муносабатида нормал ҳолатда борадиган мейоз схемасини кўриб чиқамиз (186-расм а, б-да кўрсатилган). Аёлларнинг тухум ҳужайрасида факат битта жинсий X хромосома, эркакларда эса сперматозоидларнинг 50% ида жинсий X-хромосома, колган 50% ида жинсий у-хромосома бўлади.




188-расм. Клейнфельтер синдроми.

а — Клейнфельтер синдромига (XXY) учраган эркакнинг кариотипи; б — Клейнфельтер синдромига учраган эркакнинг фенотипи.

Гаметаларда жинсий хромосома аберрацияларининг қуидагича турлари учраши мумкин (186-расм, в, г, д, е, ж, з, и, к). Шундай килиб, мейоз даврида X; O; XX; XXXX комбинацияли тухум хужайралар ва X; Y; O; XY; XX; XXY; XXYY комбинациялар сперматозоидлар ҳосил бўлиши мумкин.

Иккита X (XX) жинсий хромосомали тухум хужайра нормал X жинсий хромосомали сперматозоид билан қўшилса, трисомия X(XXX) синдроми пайдо бўлади (187-расм, а, б); агар шу тухум хужайра Y жинсий хромосомали сперматозоид билан қўшилган бўлса, Клейнфельтер (XXY) синдроми вужудга келади (188-расм а, б). Клейнфельтер синдроми факат XXYY комбинациялар вақтида эмас, балки XXYY, XXXY ёхуд XYYY варианtlарда ҳам пайдо бўлади.

Агар нормал тухум хужайра жинсий хромосомаси йўқ сперматозоид билан қўшилса ёки бунинг акси бўлса, Шерешевский-Тернер (XO) синдроми ривожланади. (189-расм, а, б).



189-расм. Шерешевский—Тернер синдроми.


а—Шерешевский—Тернер синдромига (ХО) учраган аёлнинг кариотипи; б—Шерешевский—Тернер синдромига учраган аёлнинг фенотипи.

Хромосома аберрацияларининг аутосомалар системасида, яъни 21-жуфтликда ортиши Даун касалигига учрайди (190-расм а, б). 13—15-гурухда (191-расм а, б, в) ёки 17—18-жуфт хромосомаларда (192-расм а, б, в) учрайдиган трисомия скелетнинг оғир аномалияси, микроцефалия, микрофтальмия, тиртиқ лаб, кемтик оғиз, ҳар хил нуксон ва ҳоказолар содир бўлишига сабаб бўлади.

4—5-гуруҳдаги хромосомаларнинг таксимланишида делеция юз берса, яъни қисқа елканинг бир қисми йўколса, «мушукчиникириғи» деб аталувчи синдром вужудга келади (193-расм а, б).

Йирик хромосомаларда юз берадиган трисомия ёки моносомия ходисалари одатда бола ташлаш билан тугайди.

Хромосомаларнинг нотўғри таксимланишини митоз вақтида ҳам кўриш мумкин. Битта қиз ҳужайрага 45, иккинчисига эса 47 хромосома тўғри келиши ёки 92 хромосоманинг ҳаммаси



190-расм. Даун касаллиги.


а — Даун касаллигига учраган боланинг карнотипи; б — Даун касаллигига учраган боланинг фенотипи.

битта хужайрага тушиб қолиши мумкин. Бу жараён мозаичизм деб аталади.

Хромосомалар нималардан таркиб топади? Агар хромосомаларни электрон микроскоп орқали кўздан кечирсақ, тугунлар, дисклар, чизиклар, яъни айрим-айрим генлар тизмасини кўрамиз (194-расм). Ҳар бир хромосома ўзининг катта-кичиклигига қараб, юзлаб ва ҳатто минглаб генлардан иборат бўлади.


Генлар. Генларнинг аҳамиятини тушуниб олмок учун организми айни вактнинг ўзида катта иш бажаётган фабрикага таққослаб кўрамиз. Бир гуруҳ ишчилар машина ғилдирагини, бошқалари — моторни, учинчилари машина сиртини бўяш ишини, яъни бир кишининг аниқ кўрсатмасига мувофиқ айрим операцияларни бажаради. Организм фабрикасида эса бу кўрсатмаларни генлар бажаради. Айрим генлар кўзнинг рангини, бошқалари эса буруннинг шаклини, учинчилари юзнинг бичимини белгилайди -ва ҳоказо (195-расм). Лекин ҳамма генлар фаол ҳолатда бўлавермайди. Кўз рангини белгилайдиган генлар жигар хужайраларида, суякларнинг ўсишини белгилайдиган генлар эса юрак хужайраларида фаол бўлмайди.


Генлар ҳам хромосомалар сингари жуфт-жуфт бўлади. Ҳар бир жуфт гендан бири отадан, бошқа бири онадан ўтган бўлади. Жуфт генлар бир хил белгини ифодаласа гомозиго-



191-расм. Д-трисомия синдроми.


а. Д-трисомия синдромига учраган боланинг кариотипи; б—Д-трисомия синдромига учраган болаларнинг панжа ва бармок аномалиялари.





192-расм. Е-трисомия синдроми.

а — Е-трисомия синдромига учраган боланинг кариотипи; б — Е-трисомия синдромига учраган боланинг фенотипи; в — Е-трисомия синдромига учраган боланинг аёқ пайжаси аномалияси.




193-расм. «Мушук чинқириғи» синдроми.

а — «Мушук чинқириғи» синдромига учраган боланинг кариотипи; б — «мушук чинқириғи» синдромига учраган боланинг фенотипи.



194-р а с м. Хромосомаларда генларнинг жойлашиш схемаси.



195-р а с м. Генларнинг айрим фенотип белгиларни ифодалаши (схемада генла мунчок шаклида тасвирланган).



196-р а с м. Бир тухумдан ривожланган эгизаклар.

тал и, турли белгиларни ифодаласа гетерозиготали организм дейилади. Турли кўринишларни намоён қиладиган жуфт генлар аллелар деб аталади. Масалан, агар она кўк кўз ва ота қўй кўз бўлса, туғиладиган бола факат қўй кўзли бўлади, чунки болага ўтган икки хил (қарама-қарши) генлар аллель бўлгани сабабли кўк кўзлик белгиси рецессив (recessus — чекиниш), қўй кўзлик белгиси эса доминант (dominans — устун туриш) белгилардир. Одамдаги баъзи бир белгиларнинг наследан-наслуга ўтиши 270-бетдаги жадвалда келтирилган.

Одамдаги баъзи бир белгиларнинг наследан-наслуга ўтиш турлари

Доминант тур

Рецессив тур

1. Кора соч	Малла соч
2. Жингалак соч	Тўғри соч
3. Сертуклик	Камтуклик
4. Сочнинг барвакт тўкилиб кетиши	Сочнинг ўрмал тўкилиши
5. Оқ соч тутами	Сочнинг бир хил рангда бўлиши
6. Танада оқ ва кора дөглар пайдо бўлиши	Тана рапгининг тозалиги (нуқсонизлиги)
7. Тери, соч ва кўзнинг нормал лигментацияси	Альбинизм
8. Қора тери	Оқ тери
9. Кўк кўз	Кўк кўз, кулранг кўз
10. Қулоқ солинчогининг ёпишиб турмаслиги	Қулоқ солинчогининг ёпишиб туриши (кўшкулоқлик)
11. Калин лаб	Юпқа лаб
12. Йирик кўзлик	Майда кўзлик
13. Узун киприк	Калта киприк
14. Кенг бурун тешиги	Тор бурун тешиги
15. Қирра (қашшари қирра ва баланд бурун.	Ичук (қашшари наст) бурун
16. «Римча» бурун	Тўғри бурун
17. Қалта бўй	Баланд бўй
18. Фенилтиомочевина таъмини билиш қабилияти	«Фенилтиомочевина таъмини билмаслик
19. А, В, ва АВ кон группалари	Коннинг О группада бўлиши
20. Коннинг мусбат резус омили	Коннинг маийр резус омиллари

Организмнинг жами генлари йигиндиси унинг генотипини ташкил қилади. Генотипнинг ташки қиёфаси, яъни тери ва соч ранги, гавда тузилиши, ақлий фаолияти, кон группаси ва бошқа белгилари фенотип деб аталади. Фенотипнинг хусусиятлари генотипга ва ташки муҳит шаронтларига боғлик бўлади.

Организмга наследан ўтган кўпгина белгилар, масалан, кон группаси, қулоқ, бурун, бош ва бошқа органларнинг шакли одамнинг бутун ҳаётида ўзгармай қолади. Лекин истеъод, ижодий қобилият, феъл-атвор ва бошқа шу каби сифатлар наследан ўтиши билан бир каторда атроф-муҳитга ҳам боғлиқдир. Муҳитнинг таъсири ва наследан ўтган белгиларнинг намоён бўлиши-

ни эгизак туғилған қызлар мисолида күрсатиш мүмкін (196-расм). Қызлар ота-онадан бир хил хромосомалар олишган ва бир хил шароитда яшаб ўсишган, шунинг учун улар бир-бирига худди бир олманинг икки ярмидек ўхашаш бўлиб қолишган. Ҳар хил шароитда тарбия олган бошқа эгизаклар эса ота-оналаридан бир хилда хромосомалар олган бўлишларига қарамай, яшаш шароитининг ҳар хиллиги орқасида уларнинг ташки кўринишларида ўхашашлик анчагина йўқолиши мумжин.

Химиявий жиҳатдан қараганда, генлар асосан нулеотид (нуклеин кислота) дан тузилган. Ирсий белгиларнинг наслдан-наслга ўтишида нуклеин кислоталар ниҳоятда муҳим ўрин тутади.

Нуклеотидлар ўз навбатида учта молекуладан: фосфат кислота, қанд ва азотли асосдан ташкил топган (197-расм, а).

Азотли асоснинг тўрт тури аниқланган: булар иккита пурин — аденин ва гуанин ҳамда иккита пирамидин — тимин ва цитозиндан иборат.

Фосфат кислота ҳамиша бир хил ҳолатда учрайди, қанд эса икки турдан: дезоксирибоза ва рибозадан иборат бўлади. Бу икки турдаги қанд бир нуклеотид кислота молекуласининг ўзида ҳеч қачон бир вактда учрамайди. Икки турдаги қандга нуклеотид кислотанинг икки тури — дезоксирибонуклеин кислота — ДНК (197-расм, б) ва рибонуклеин кислота РНК (197-расм, в) тўғри келади.


ДНКнинг тузилишида ҳаммаси бўлиб тўрт хил нуклеотид (азотли асос) — аденин, гуанин, тимин ва цитозин иштирок этади. РНКда эса тиминнинг ўрнини урацил эгаллайди (198-расм, а, б).

ДНК асоған хужайра ядрасида, РНК кўпроқ цитоплазмада бўлади. ДНК молекуласи кўш занжирдан тузилади ва худди айланма зинага ўхашаш шаклда кўринади. Зинанинг ташки кисми фосфат кислота билан қанддан ташкил топади, азот асослари эса спирал ичида, зинанинг пиллапоялари шаклида ўрин олади. Бир занжирдаги азотли асослар иккинчи занжирдаги асослар билан водород боғлари ёрдамида бирикади.

Адениннинг рўпарасида факат иккинчи занжирдаги тимин бўлади, гуаниннинг рўпарасида эса цитозин жойлашади ва бунинг аксича бўлади. Шундай қилиб, А-Т, Т-А, Г-Ц ва Ц-Г билан жуфтлашган бўлади. ДНК қарама-қарши занжирларининг бир-бири билан комплементар тарзда тўлдирилиши 199-а, б, схемаларда тасвирланган.


ДНК занжирига 20000га яқин нуклеотид кириши мумкин. Улар эфир боғлари орқали бир-бири билан боғланади. Нуклеотидлар дастлабки занжирда қандай тартиб билан жойлашган бўлса, янги ҳосил бўлган занжирларда ҳам ўша тартибда ўрин олади. ДНК икки ҳисса ортиши туфайли, унинг доимий микдори сақланиб колади ва янги ҳосил бўлган ёш ҳужайралар баб-баравар микдорда ДНК олади (200-расм, а, б)

Хужайра оқсилларининг синтезида ДНК асосий вазифани ўтайди. Оқсиллар аминокислоталардан тузилган. Оқсил таркибида 20 хил аминокислота бўлиб, улар куйидагилардир: аланин,




164-расм. Бош миянинг пардаси, вена синуслари ва пахион ўсиқчалари схемаси.)

1 — бош мия артерияси; 2 — бош мия венаси; 3 — ён лакуналари; 4 — пахион ўсимталари; 5—v. emissaria; 6—v. temporalis superficialis; 7 — вена анастомозлари; 8 — диплое (сүяк ичидаги) веналари; 9 — диплое; 10 — қаттиқ парда; 11—fasciculi arachnoidales; 12 — вирхов — Робен бўшлиғи; 13—lamina limitans glial perivascularis; 14 — субарахноидал бўшилик; 15 — көн томир пардаси; 16 — арахноидез пардаси; 17—falx cerebri; 18—sinus sagitalis superior; 19 — бош мия пўстлоги.




166-расм. Бош мия цистерналари.

1—cisterna cerebellomedullaris; 2—cisterna pontis; 3—cisterna interpeduncula ris;
4—art. basillaris; 5—III қоринча; 6—cisterna chiasmatis; 7—cisterna corporis callosi;
8—Монро тәшиги; 9—corpus callosum; 10—sinus sagitalis superior; 11—falx cerebri;
12—cisterna cerebri-cere bellaris; 13—мияча; 14—IV қоринча; 15—апертурас
medialis ventriculi IV.




184-р асм. Ҳужайраларнинг митоз йўли билан бўлиниш (кўпайиш) схемаси.

197



198




197-расм. Нуклеотидларнинг тузилиш схемаси (шартли равишида).


А — нуклеотиднинг тузилиш схемаси; Б — ДНКнинг тузилиш схемаси; В — РНКнинг тузилиш схемаси.

198-расм. Нуклеотидларнинг турлари.

а — ДНК нинг тўрт хил тури (азотли асослари), б—РНК нинг тўрт хил тури (азотли асослари).



а



б




в

199-расм. ДНК молекуласининг тузилиш схемаси.

ДНК молекуласининг бир қисми ёйилган шаклда кўрсатилган (а), молекула зинка хўрнишиданаги иккита занжирдан иборат (б); ДНК молекуласининг сферик модели (в).






а




б

200-расм. ДНК молекуласининг икки ҳисса ортиш (репликация) схемалари (а, б).




201-расм. Аминокислоталарнинг тузилиш схемаси.

а — тўртта аминокислота турли шаклда кўрсатилган.



202-расм. Оқсилнинг рибосомада синтезланиш схемаси.

А — рибосома; Б — информацион РНК; В — транспорт РНК; Г — оқсили.



201-р а с м (давоми)

б) аминокислоталардан полипептид занжири ҳосил бўлиш схемаси.

фенилаланин, валин, глицин, лейцин, изолейцин, аспарагин кислота, аспаргин, глутамин кислота, глутамин, серин, треонин, лизин, аргинин, гистидин, тирозин, триптофан, цистеин, метионин, валин.

Оқсилдаги аминокислоталар ҳам нуклеотидларнинг жойлашиш тартиби сингари ўзига хос изчиликда жойлашади (201-расм, а, б).

Турли хил оқсиллар ўзидағи аминокислоталарнинг таркиби жиҳатидан ҳам, шунингдек аминокислоталарнинг занжирда жойлашиш тартиби жиҳатидан ҳам ўзаро фарқ қиласы.

ДНК да бир-бирига эргашиб келадиган ҳар уч хил азотли асос, яъни триплетлар (учниклар) маълум бир ахборотни ташинб юради. Масалан, Г-А-Т триплети аспарагин кислотанинг, Г-Ц-Т триплети аланин аминбикислотанинг жойлашув тартибини ифодалайди ва ҳоказо.

Шундай қилиб, азотли асослар (нуклеотидлар)нинг изчиллиги аминокислоталарнинг жойлашиш тартиби ҳақидаги ахборотни ўзида акс эттиради.

Оқсил модда жуда катта тезликда синтезланади. Масалан 146 аминокислотадан иборат оқсил модда ҳосил қилиш учун чорак секунд вакт кетади, холос.

Борди-ю азотли асосларнинг ДНК даги жойлашиш тартиби ўзгарса, яъни битта асос йўқолса ёки ўрни алмашса, янги триплетлар вужудга келади. Натижада аминокислоталар изчиллиги бузилади ва бу ҳол оқсил модданинг нотўғри синтезланишига олиб келади.

Демак, аминокислоталарнинг тартиби ДНК коди билан бошкарилади ва оқсиллар уч хил РНҚ: информацион РНҚ — n-РНҚ, транспорт (ташувчи) РНҚ — т-РНҚ ва рибосома РНҚ — р-РНҚ ёрдамида синтезланади (202-расм).

Нуклеотид кислота изчиллигининг ўзгариши мутация (mutatio) деб аталади. Мутациянинг организмга таъсири натижасида унинг белгиларида ўзгариш пайдо қиласи.

Аввало, ДНКнинг ўзгариши оқсил модда аминокислоталари изчиллигининг ўзгаришига олиб келади. Масалан, гемоглобин молекуласи оқсилининг таркиби жуда яхши ўрганилган. У 300 аминокислотадан иборат. Шулардан бири бўлган глутамин кислота валин билан алмашинса, ярим ой шаклидаги (ўроқсимон) ҳужайрали анемия (камқонлик касаллиги) ривожланади. Глутамин кислота манфий зарядли бўлади. Глутамин кислота туфайли кислородсизланган гемоглобин молекулалари бир-биридан итарилади, глутамин кислотанинг ўрнини эгаллаган валин эса нейтрал, яъни зарядсизdir. Гемоглобиннинг ўзгарган молекулалари бир-бирини итариш хусусиятини йўқотади ва натижада кристаллга ўхшаш структура ҳосил қиласи. Эритроцитлар ўроксимон шаклга киради, анемия ривожланади.

Шундай қилиб, ДНКнинг ўзгариши — мутация, оқсилнинг ўзгариши эса мутациянинг бирламчи намоён бўлишидир; гемоглобин молекулаларининг чирмашиб қолиши мутациянинг иккиласи эфекти ҳисобланади, организмнинг анемиядан нобуд бўлиши эса мутация таъсирининг охири, тугалланувчи босқичидир.

Хозирги вактда икки хил мутация исбот этилган. Баъзи ҳолларда бу ўзгариш жинсий ҳужайраларнинг хромосомалари сонига таъсир этади, яъни хромосома аберрациялари юз беради, бошка ҳолларда эса хромосоманинг алоҳида ген структураси ўзгариши ва бунда генли ёки нуктали мутация ҳосил бўлади.

Нобуд қилувчи мутациялар организмнинг яшаш қобилиятини кескин пасайтиради. Шу туфайли одамларда амавротик идиотия, миопатия, Гентингтон хореяси, лейкодистрофия ва ҳоказо касалликлар юз беради.

Ирсий ќасалликларга олиб борадиган ген мутациялари ва хромосома аберрацияларининг келиб чиқишига асосан рентген нурлари, ионлаштирувчи радиация, ҳарорат таъсири, турли-ту-

ман химиявий (масалан, фосфорорганик ва хлорорганик моддалар) ва физик омиллар сабаб бўлади.

Химиявий бирикмалардан иприт, формальдегид, хлоралъгидрат, ацетофенон, теобромин, уроўнепин, кофеин, папаверин, уретан, симобнинг органик бирикмалари таъсирида ўсимликлар ва бир қатор ҳайвонларда мутациялар вужудга келиши тажрибада аниқланган.

Табиатда организмга зиён етказадиган мутациялардан ташқари, фойдали мутациялар ҳам учраб туради. Масалан, селекционерлар ўсимликларнинг совуқка ва турли касалликларга чидамли бўлишига, хосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилашга, шунингдек ҳайвонот зотларини яхшилашга ёрдам берадиган мутацияларни кашф этганлар.

ГЕНЕТИК ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ


Ирсий касалликларни ўрганиш, даволаш ва олдини олишда генетик текшириш усуллари муҳим аҳамиятга эга.

Классик генетик текширув усулларига қуйидагилар киради:

1) генеологик анализ — шажара тузиш; 2) статистик маълумотлар йиғиш; 3) эгизакларни текшириш; 4) цитологик (жинсий хроматинни) текшириш; 5) дерматоглификани текшириш; 6) биохимик текшириш; 7) электрофизиологик текшириш (ЭЭГ, ЭМГ, РЭГ, электродиагностика) ва бошқалар.

Генеологик текшириш усули. Генеологик текшириш усули ирсий маълумотлар йиғиш ва шажара тузишга асосланади. Ирсий маълумотлар йиғиш маҳоратни ва пухта ишлашни талаб килади. Бунда оиласининг ҳар бир аъзосини врач текшириши зарур, чунки анамnez йиғиш вактида бемор касалликнинг асл келиб чиқиши манбаларини ва қариндош-урӯларида қандай касаллик аломатлари борлигини аниқ айтиб беролмаслиги мумкин. Шунинг учун соғлом ва касал оила аъзолари баб-баравар синчиклаб текширилади.


Шажара тузиш жараёнида ҳамма учун умумий бўлган шартли белгилардан фойдаланилади. Бунда доиралар аёлларни, квадратлар эркакларни ифодалайди. Жинсий белгиси аниқланмаган оила аъзоси учбурчак билан ифодаланади. Ўлик туғилган болалар кичкина квадратча ёки доирача билан, чала тушган болалар эса — ярим доирача билан белгиланади. Кисқа горизонтал чизик медицина абортини ифодалайди. Доира билан квадратни горизонтал равишда бирлаштирган чизик — никоҳ алоқасини билдиради. Башарти эр-хотин яқин қариндош бўлса, улар иккита горизонтал чизик билан бирлаштирилади. Ака-укалар ва опасингиллар сиблар деб аталади. Сиблар умумий горизонтал чизик билан туташтирилади. Шажара схемаси тузилаётган, яъни текширилаётган бемор пробанд деб аталади. Пробанд кўш квадрат ёки қўш доира билан ифодаланади. Шажара тузиш билан муфассал танишиш учун 203-расм, а, б га каралсин.



a)

203-расм, а. Шажара тузилишининг шартли белгилари ва схемаси.

а — 1 — эркак; 2 — аёл; 3 — эр хотин; 4 — тасодифий жинсий алокса; 5 — икки марта уйланиш; 6 — сибслар; 7 — бир тухумдан ривожланган эгизаклар; 8 — икки хил тухумдан ривожланган эгизаклар; 9 — жинсий белгиларни аникланмаган оила аъзоси; 10 — ўлник туғилган болалар; 11 — чала тушган бола; 12 — про-банд-шажара схемасини тузиш учун тезлаштирилаётган бемор; 13 — касалликнинг кўзга ташланмайдиган (абортив) белгилари; 14 — сиртдан караганда соглом, лекин генетик жиҳатдан патологик гента эга бўлган оила аъзоси; 15 — текширилмаган белгилар; 16 — маҳрух бўлиб туғилган бола; 17 — илк чакалоқлик даврида ўлган бола; 18 — илк болалик даврида ўлган бола; 19 — медицина abortи.



203-расм, б. Шажара тузилишининг схемаси.

Хар бир авлод рим рақами, оила аъзолари эса араб рақами билан белгиланади.

Генеологик анализ биринчидан, касалликнинг ирсий ёки ирсий эмаслигини, иккинчидан, унинг авлоддан-авлодга қандай йўл билан ўтишини кўрсатади. Агар оиласнинг бир неча аъзосида бир хил касаллик учраса, бу ҳол касалликнинг ирсийлигидан далолат беради.


Ирсий белгилар ва касалликлар авлоддан-авлодга асосан қуйидаги турлар воситасида ўтади: аутосом-доминант, аутосом-рецессив ва жинсга боғлик (чирмашган) тур.

Доминант турдаги ирсиятда патологик ген аутосомалардан биттасида жойлашади, касаллик ота ёки онадан ўтади ва у кизларда ҳам, ўғил болаларда ҳам бир хил ривожланади. Оиладаги болаларнинг деярли 50% и шу касаллик билан оғриши мумкин.

Миоплегия касаллигининг авлоддан-авлодга доминант турда ўтишини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин (204-расм).

Қуйида келтирилган шажара схемасида миоплегияга дучор бўлган оила аъзолари кора ранг билан, пробанд эса (клиникада текширилган ва даволанган касал) кўш квадрат билан белгиланган. Генеологик анализ миоплегия касаллиги мазкур оиласда авлоддан-авлодга муттасил ўтиб келаётганини кўрсатади. Касалликнинг иккала жинсда ҳам учраши патологик геннинг факат аутосомада жойлашганини кўрсатади.

Гентингтон хореяси, Штрюмпель параплегияси, Пьер-Мари атаксияси, неврал амиотрофия, катталарда учрайдиган орқа мия амиотрофияси, Русси-Леви синдроми, гипертрофик неврит, катталарга хос бўлган оиласвий орқа мия амиотрофияси, Ландзузи-Дежерин миопатияси, курак-перонеал амиотрофия, Томсен миотонияси, дисталь турдаги Веландер миопатияси, миоплегия, Эйленбург парамиотонияси, атрофиялашган миотония, тубероз склероз, Гиппель-Линдау касаллиги, акроцефалодакти-



204-расм. Миоплегия касаллигига учраган оила шажараси.

лия, туғма птоз, Реклингаузен касаллиги, туғма алексия, эшитүв нервининг туғма атрофияси ва бошқа касалликлар авлоддан-авлодда доминант турда ўтади.

Рецессив турдаги ирсиятда ота ҳам, она ҳам фенотип жиҳатдан соғлом бўлади, аммо ўзида гетерозиготали патологик ген сақлайди. Агар бундай генлар гомозигота ҳолатида бўлса, про-бандда ва унинг укаларида ҳамда сингилларида касалликни келтириб чиқаради.

Фенотип жиҳатидан соғлом бўлган сибсларнинг $\frac{2}{3}$ қисми худди ўз ота-оналари каби гетерозигота ҳолидаги патологик генга эга бўлади.


Беморларнинг ота-онаси яқин қариндош бўлган тақдирда рецессив касалликларнинг келиб чиқиши кўпаяди.

205-расмда Эрб миопатиясининг шажараси келтирилган. Бу авлодда 11 та фарзанддан 5 таси бир хил касалликка йўлиқ-қанлиги касалликнинг ирсий эканлигини кўрсатади. Касаллик қизларда ҳам, ўғил болаларда ҳам бор. Бунда ҳам патологик ген аутосомада жойлашган бўлади.


Туғма энзимопатиялар, амавротик идиотия, Ниман-Пик касаллиги, Фридрейхнинг оиласвий атаксияси, Вердинг-Гоффман оиласвий амийтрофияси, ихтиоз ва спастик фалажлар билан боғлиқ бўлган аклэзизлик касаллиги, Вольфарт-Кугельберг-Веландер псевдомиопатияси, Лауренс-Мун-Бидл синдроми, миячанинг туғма атрофияси, Луи-Бар синдроми, Маринеско-Шегрен синдроми, Моркию синдроми, гаргоилизм, альбинизм, Рефсум касаллиги, торзион дистония, Галлеворден-Шпатц касаллиги ва ҳоказолар рецессив турда наследан-наследга ўтади.

Учинчи турда, яъни жинсга боғлиқ рецессив тур натижасида вужудга келган ирсий касалликларнинг наследан-наследга ўтишида патологик ген X-жинсий хромосомада жойлашган бўлади. Бу касаллик эркакларда кўпроқ, хотин-қизларда эса камдан-кам учрайди.

Жинсга чирмашган рецессив турдаги касалликнинг наследан-наследга ўтишига Дюшенн миопатияси мисол бўла олади (206-расм). Сиртдан Караганда соғлом қўринган она миопатиянинг



205-р а с м. ЭРБ миопатиясига учраган оила шажараси.



206-р а с м. Дюшенн миопатиясига учраган оила шажараси.

сабаби бўлмиш патологик генга эга бўлади. Миопатия гени жинсий X-хромосоманинг биттасида жойлашган бўлади. Бу оиласда ўғил болаларнинг ярмиси касал бўлиб, кизларнинг ярмиси эса патологик генни ташувчи бўлиб туғилади.

Одамда жинсга боғлиқ бўлган 60 дан ортиқ касаллик аниқланган. Дюшенн миопатияси, Келицеус-Мерцбахер касаллиги, гемофилия, кўрув нервлари атрофияси, дальтонизм ва бошқалар шулар жумласига киради (264-бетдаги жадвалга қаралсин).

Генетик маълумотларнинг статистик анализи. Клиникада олинган маълумотларни статистик ишлаб чиқиш генетик анализнинг иккинчи босқичи ҳисобланади. Статистик анализ олинган маълумотлар билан мутант геннинг ажралишида (парчаланишида) назарий жиҳатдан кутиладиган миқдорни, яъни боланинг касаллик билан туғилиши эҳтимолини аниқлаб беради.

**Одамдаги бәзги касалларнинг наслдан-наслга
үтиш турлари**

Аутосом-доминант түр	Аутосом-рецессив түр	Х-жинсий хромосомага чирмашкан түр
1. Аллергия (бронхиал астмага мойиллик)	1. Альбинизм	1. Гемофилия
2. Астигматизм (дауа р) ¹	2. Галактоземия	2. Тұғма нистагм
3. Яқындан күрувчанлик	3. Псориаз	3. Норри синдроми
4. Узоқдан күрувчанлик	4. Фейилкетоурия	4. Ретинонізис
5. Бод (подагра)	5. Фруктозурия	5. Мегалокорнеа
6. Маймөк товоңлик	6. Қанд касаллиги	6. Микрокорнеа
7. Тұғма катаракта қолиши	7. Түр парда глиомаси	7. Агаммаглобулинемия (Брутон касаллиги)
8. Тиши эмалининг йүй-хитиоз	8. Кар-соковлик	8. Фосфат диабети
10. Аниридиа	9. Пигментар ксеродерма	9. Шабқүрлик
11. Полидактилия	10. Амавротик идиотия	10. Тұғма птоз
12. Синдактилия	11. Порфирия	11. Оиласвий пигмент невуси
13. Брахидаактилия	12. Пентозурия	12. Мукополисахаридозлар
14. Күп камерали бүй-рак	13. Гликогенозлар	13. Лейкодистрофиялар (ч. ва р.) ³
15. Авж олган мускул атрофияси (Ландузи—Джерин миопатияси)	14. Алькоитонурия	14. Альпорт синдроми
16. Марфан касаллиги	15. Гепато-лентикуляр дегенерация	15. Дальтонизм
17. Миотония	16. Афибриногемия	16. Күрүв нервларининг Лебер атрофияси
18. Ретинобластома	17. Үроқсимон анемия	17. Ангидроз (ч. ва р.) ³
19. Гентингтон хореяси	18. Үрта денгиз анемияси	18. Ангиокератома
20. Штрюмпель параплегияси	19. Луи—Бар синдроми	19. Кортико-менингеал диффуз ангиоматоз
21. Пьер—Мари атаксияси	20. Липофосфатазия	20. Хориодермия (ч. ва р.) ³
22. Невраль амиотрофия	21. Гомоцистинурия	21. Тестикуляр феминизация синдроми (ч. ва р.) ³
23. Катталарда учрай-диган орқа мия атрофияси	22. Аблефария	22. Дюшени миопатияси
24. Русси—Леви синдроми	23. Шизофрения (р. ва д) ²	23. Пелицеус—Мерцбахер касаллиги
25. Гипертрофик неврит	24. Анофтальмия (р. ва д) ²	24. Фолликуляр кератоз
26. Катталарга хос бүлгән оиласвий орқа мия амиотрофияси	25. Тұғма энзимопатиялар	25. Фабри касаллиги (ангиокератома)
27. Курак-перонеал амиотрофияси	26. Ниман—Пик касаллиги	26. Тұғма дискератоз
	27. Фридрейх оиласвий атаксияси	27. Найхан синдроми (гиперурикемия)
	28. Вердниг—Гоффман оиласвий амиотрофияси	28. Ольбрайт остеодистрофияси
	29. Ихтиоз ва спастик фалажлар билан бөгликтүрк ақлизилк	29. Шпиглер—Брук ўсталари
	30. Вольфарт—Күгельберг—Веландер псевдомиопатияси	
	31. Лауренс—Мун—Бидл синдроми	
	32. Миячанинг тұғма атрофияси	

Аутосом-доминант түр	Аутосом-рецессив түр	Х-жинсий хромосомага чирмаштан түр
28. Диастал турдаги Веландер миопатияси	33. Луи—Бар синдроми	1. Доминант ва рецессив.
29. Эйленбург парамиотонияси	34. Маринеско—Шегрен синдроми	2 Рецессив ва доминант.
30. Атрофиялашган миотония	35. Моркио синдроми	3 Жинс билан чирмаштан ва аутосом-рецессив
31. Гиппель—Линдау касаллиги	36. Гарголизм	
32. Тубероз склероз	37. Рефсум касаллиги	
33. Акроцефалодактилия	38. Торзион дистония	
34. Туғма птоз	39. Галлеворден Шпатц касаллиги	
35. Реклингаузен касаллиги	40. Иордан лейкоцит-лар аномалияси	
36. Туғма алексия	41. Лепречеаунизм	
37. Эшият өрвенинг туғма атрофияси	42. Миоклонус-тутканок	
38. Аксенфельд синдроми	43. Мармар касаллиги	
39. Глазматик липодоз (д. ва р) ¹	44. Пойкилосклеродермия	
40. Мигрен (д. ва р) ¹	45. Эластик псевдо-ксантома	
41. Зиёнсиз нейропения	46. Туғма ретинопатия	
42. Овалоцитоз	47. Робен синдроми	
43. Гамсторп касаллиги (такрорланиб турувчи оиласыв гипокалиемик фалаж)	48. Цитруллинурия	
44. Вестфаль касаллиги (такрорланиб турувчи оиласыв гипокалиемик фалаж)	49. Экто-мезодермал дисплазия	
45. Пик касаллиги	50. Туғма пойкилодермия	
46. Спастик псевдо-склероз	51. Эрб миопатияси	
47. Штург—Вебер ангиоматози (д. ва р) ¹		
48. Мелькерсон синдроми		

Эгизакларни текшириш усули. Ирсий касалликларнинг генетик омиллари ёки ташқи муҳит таъсири орқали келиб чиқиши аниқланган.

Алоҳида генларнинг намоён бўлиши ташқи муҳит шароити таъсирига қанчалик боғлиқ эканлигини бир тухумдан ривожланган эгизакларни текшириш усули ёрдамида айниқса батафсил ўрганиш мумкин.

Бир хил эгизаклар бир тухумдан, бошқалари эса икки хил тухумдан ривожланади. Бир тухумдан келиб чиққан эгизаклар ҳамиша бир жинс ва бир хил генотипли бўлади.

Иккита жинсий ҳужайрадан ўсган эгизаклар бир хил ёки ҳар хил жинсли бўлиши мумкин. Опа-сингиллар ва ака-укалар бир-биридан қандай фарқ қилса, бундай эгизаклар ҳам бир-

биридан шундай ажралиб туради. Генетик таъсирот натижасида келиб чиқкан касалликлар эгизакнинг иккаласида ҳам баравар ривожланади.

Цитологик текшириш усули. Жинсий хромосомалар аномалиясини ўрганишда жинсий хроматинни текшириш усулидан фойдаланилади.

Тана ҳужайралари бўлинишининг интерфазасида, яъни уларнинг биринчи марта бўлиниши билан иккинчи марта бўлиниши орасидаги даврда хромосомалар фаол ҳолатда бўлиб, ҳужайранинг бўлинишига тайёргарлик кўради. Лекин бу пайтда хромосомалар микроскоп орқали кўринмайди. Аёлларнинг интерфазадаги ядросида жинсий X-хромосоманинг биттаси фаол, иккинчиси суст ҳолатда бўлади. Суст ҳолатдаги жинсий хромосома кора доғ шаклида кўринади. Бу кора доғ жинсий хроматин деб аталади. Эркакларда жинсий X-хромосома битта бўлганлиги туфайли, у доимо фаол ҳолатда бўлиб, ҳеч қачон жинсий хроматин шаклида кўринмайди. Шундай қилиб, жинсий хроматиннинг тана ҳужайралари ядросида бўлиши фақат аёлларгагина хосdir.

Жинсий хроматин асосан лунжнинг шиллик эпителий қаватида текширилади, лекин уни тери ҳужайралари, ҳомила суюклиги, оқ кон таначалари (нейтрофил лейкоцитлар) ёки ташки жинсий органлар шиллик пардаларининг эпителий қавати ҳужайраларида ҳам кўриш мумкин.

Жинсий хроматин қуйидаги усулда текширилади: одам лунжнинг шиллик қаватидан озрок сидириб олиниб, буюм ойнасига суртилади ва 10 минут давомида фиксаторда сакланади. Сўнгра оцето-орсеин бўёғи билан бўялади. Препаратлар оддий микроскопда текширилади. Жинсий хроматин одам лунжи шиллик қаватининг эпителий ҳужайраси ядросида жойлашади. Мазкур хроматин ҳужайра ядрои қобиғига ёпишган ҳолда учрайди ва кўриниши доира, овал ёки учбуручак шаклларда бўлади (207-расм).

Жинсий хроматин бор-йўқлигига қараб, жинсий хромосомалар аберрациясини (аномалиясини) аниқлаш мумкин. Масалан, Шерешевский-Тернер синдромида (ХО) бемор аёлнинг эпителий ҳужайралари ядросида жинсий хроматин бўлмайди.

Трисомия-X синдромида (XXX) иккитадан жинсий хроматин учрайди (208-расм). Эркакларда учрайдиган Клейнфельтер синдромида (XXY) жинсий хроматин пайдо бўлади.

Беморнинг ташки белгиларига қараб унинг қайси жинсга мансублигини аниқлаш қийин бўлган ҳолларда уни лунжнинг шиллик қаватидаги эпителий ҳужайралари ядроисига қараб жинси аниқланади.

Дерматоглификани текшириш усули. Дерматоглифика кафт ва бармоқлар терисининг нақшини (изларини) текширадиган фан. Тери нақшини ўрганиш хромосома касалликларига диагноз қўйишда айниқса муҳим ўрин тутади.

Кафт ва бармоқлар нақшини (изларини) текшириш учун



207-расм. Аёл кишининг оғиз бўшлиғидан олинган шиллик парда хужайрасидаги хроматиннинг мусбат ядроси.



208-расм. Трисомия — X синдромидаги кўш хроматин.



209-расм. Кўл-бармок изларининг шакли.
а — ёй, б — илгак; в — доира.

босмахона бўёғи ишлатилади. Кичкина резинка ғўлача ёрдамида ойна пластинка устига бўёқ суртилади, сўнгра беморнинг кафти ойнага босилади. Қора бўёқ суртилган кафт ва бармоқларнинг нақши (тасвири) коғозга тушириб олинади.

Бармоқлардаги барча чизик уч асосий турда — илгак, ёй ва доира шаклида бўлади (209-расм, а, б, в). Қўл бармоқларнинг шакли ҳеч қачон икки одамда бир-бирига ўхшаган бўлмайди. Одамларда ёй шаклидаги нақш 6% ни, илгаксимон нақш 62%, доира шаклидагиси эса 32% ни ташкил қиласди.

Дерматоглификанинг ўзгариши аутосома ва жинсий хромосомалар аберрацияси натижасида келиб чиккан касалликларда учрайди. Шерешевский-Тернер синдромида доира шаклидаги нақш, Клайнфельтер синдромида эса илгак ва ёй шаклидаги нақшлар нормадан кўпроқ учрайди.

Баъзи бир хромосома касалликларида аҳён-аҳёнда соғлом одамлар кафтининг бир ёки икки томонида чуқур кўндаланг эгат (чизик) бўлиши мумкин. Бундай эгат Даун касаллигига айниқса кўп учрайди (210-расм, а, б).

Биохимик текшириш усули. Биохимик тадқикот усулларидан бир қатор ирсий касалликларнинг наслдан-наслга ўтиш механизмини ва патогенезини аниқлаш учун, шунингдек патологик генни таниб юрувчи гетерозиготани аниқлаш учун фойдаланилади. Ирсий касалликлари бор бўлган оиласаларга медицина-генетика маслаҳати беришда бу айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Мускул дистрофияларининг ilk турлари билан касалланган беморлар якин қариндошларининг кон зардобидаги ферментлар даражасини текшириш кенг қўлланилади. Бунда альдолаза, лактатдегидрогеназа (ЛДГ), креатинфосфокиназа (КФК), фосфогексозимераза ва бошқалар сингари ферментлар текширилади. Мускул дистрофияларида мускул ферментларининг фаоллиги ошибб кетади. Неврал амиотрофияда эса ушбу ферментларнинг кон зардобидаги фаоллиги ортмайди.

Бундан ташқари, онада ва шунингдек миопатияга (Дюшенн турига) учраган bemорларда қатор аминокислоталарнинг сийдик билан бирга ажралиши қоғозли хроматография усули ёрдамида аниқланади.

Қонни ивитувчи ва унинг ивишига қарши системаларни, липид алмашинувини текшириш бош миядаги тромботик ва геморрагик жараёнларга мойил бўлган кон томир касалликларини, шунингдек церебрал атеросклерозни аниқлашга имкон беради.

Хозирги вактда фенилкетонурияning биохимик диагностика усули ишлаб чиқилган. Бу текширувлар натижасида пробандда ва патологик генни гетерозиготали ташувчиларда (ота-оналарда, сибларда ва болаларда) фенилаланиннинг қондаги микдори ортиши кузатилади.

Беморларда, ота-оналарда, ака-укалар ва уларнинг яқин қариндошларида оксил, минерал, ёғ, углевод алмашинуви ва



210-р ас м. Кафтнинг кўндаланг эъзати:
а) истатив кўринини; б) позитив кўринини.

моддалар алмашинувининг бошқа турларий ҳам текширилади.

Биохимик текширувлар ирсий касалликларни аниқлашга ва шу касалликларнинг келиб чиқиш эҳтимоли бўлган тақдирда барвақт диагноз қўйишга ва олдини олишга ёрдам беради.

МЕДИЦИНА-ГЕНЕТИКА КОНСУЛЬТАЦИЯЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ирсий касалликларга диагноз қўйиш, яъни касалликни аниқлаш медицина-генетика маслаҳатининг вазифасига киради. Бундан ташқари, касалланган онла аъзосидаги у ёки бу патологиянинг қандай генетик омилларга боғлиқ эканлигини билиш ёки эмпирик хатарга баҳо бериш учун етарли маълумотларга эга бўлиш лозим. Бироқ врач касаллик хавфига баҳо бериши билангина қаноатланмасдан бор вазиятни батафсил изоҳлаб бериши ва беморларга ҳамдард ҳамда кўмакдош бўлиши лозим.

Врачнинг бемор билан бўладиган ҳар қандай мулоқотидаги каби, генетик врач ҳам мазкур касалликнинг тафсилотларидан бўлак тафсилотларни ҳам тинглашга тайёр бўлиши лозим. У фақат ўз олдига қўйилган саволларга жавоб берибгина колмай, бошқа саволларни ҳам пайқаб олиши керак. Генетик маслаҳат сўраб мурожаат қилган бемор билан кўпинча даволовчи врач ва генетик консультант шуғулланади.

Бирор фожија юз беришини кутиш учун ҳеч қандай сабаблари бўлмаган ота-онанинг оғир аномалияларга учраган бола туғилганда қай ахволга тушишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундай бола туғилган тақдирда авваламбор буни ота-онага, айниқса бебаҳт онага қачон ва қай тарзда маълум қилиш масаласини ҳал қилишга тўғри келади. Одатда бу баҳтсизликни

аввал отага маълум қилиш ва унга буни ўз хотининг қачон ва қай тахлитда айтиши лозимлиги тўғрисида маслаҳат берилиши керак. Токи текшириш поёнига етказилмагунча, касалликка диагноз қўйиб бўлмайдиган ҳолларда ҳам врачнинг шубҳалари биринчи бўлиб отага маълум қилиниши керак. Масалан, кистозли фиброз ёки Даун синдроми бор деб шубҳа қилинганда худди шундай бўлади. Бундай вазиятларда ота билан врач, онанинг манфаатларини кўзлаб, ахвол тўла аниклангунча ҳамма нарсани сир тутиш тўғрисида келишиб олишлари керак. Диагноз аниклангандан кейин ота ва она билан бир вактда сухбатлашиш лозим. Уларга икки нарсани — уларнинг «омади келмагани» ва бундай баҳтсизлик ёлғиз улардагина эмас, деган фикрни дарҳол сингдириш фойдалидир. Ҳомиладорликнинг еттидан бир қисми бола тушиши билан тугалланиши ва янги чақалоқларнинг йигирма бешдан бир қисми бирор жиддий аномалия билан туғилиши маълум қилинганда, ота-оналар, одатда, бир оз ўзларини босиб олишади. Консультация бераётганда фақат психотерапевтик мақсадларни кўзлаб, юз берган ҳодисани қандайдир генетик ёки биологик тасодиф деб тушунтиришга ҳаракат қилиш лозим; бундай изоҳ ота-она учун жуда маъқул бўлиб тушади, чунки уларнинг бирор ҳақиқатга ўхшашиб сабаб томони эҳтиёжини кондиради.

«Генетик» ва «ирсий» деган сўзларни эҳтиёткорлик билан ишлатиш керак. Наслдан ўтган касаллик деган фикрни одамлар кўпинча оила устига тушган қандайдир «тавқи лаънат» деб тушунадилар, бу эса эр билан хотининг ва қариндош-урӯғларнинг бир-бирларини ўринсиз ва беҳуда айблашларига сабаб бўлиши мумкин. Башарти беморларнинг қариндош-урӯғларини текшириб кўриш зарур бўлса ёки шундай истак туғилса, бу ишни беморларнинг розилигисиз қилмаслик керак, чунки аксари ҳолларда уларнинг ўзлари қариндош-урӯғлари билан гаплашиб кўришини афзал деб биладилар.

Мазкур касаллик ота-онанинг қайси бири орқали ўтган бўлиши мумкин эканлигини кўрсатиб бермаган маъқул, чунки бу ҳол эр-хотин ўртасида жанжал чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Худди шу сабабларга кўра, биз юз берган ҳодисани изоҳлаганимизда факат онанинг ёши тўғрисида эмас, балки ота-оналарнинг ёшлари тўғрисида гапиришимиз афзалроқдир. Агар рецессив генга боғлиқ аномалияли бола туғилганлиги хусусида маслаҳат сўраб мурожаат қилган кишиларга ҳаммамизды ҳам зарарли рецессив генлар борлиги, бундай генларнинг сони жуда кўп ва шу сабабли эр билан хотинда бир хил зарарли геннинг айни бир вактда мавжуд бўлишига фақат баҳтсиз тасодиф деб қараш лозим экани тушунтирилса, улар бундай изоҳни ҳеч қандай эътироэсиз қабул қиласидилар.

Агар оилада ирсий касаллик бор бўлса, турмуш куришдан олдин, албатта, генетик врачдан маслаҳат олиш лозим, бирок кўпинча оилада касал бола пайдо бўлгандан кейингина врач консультациясига мурожаат килинади. Генетик врач олдида тўрт


асосий масала туради: Касалликнинг хусусияти қандай (диагноз)? Касаллик қандай ривожланиб боради (прогноз)?, Қандай тадбир кўриш мумкин (даволаш) ва олдини олиш (профилактика)? Медицина генетикасидаги прогнозлар оддий медицина прогнозларидан бирмунча фарқ қиласди. Бунда қандай ҳодиса рўй бериши мумкин деган савол кўпинчада маслаҳат сўраб мурожаат қилган шахсга эмас, балки ҳали туғилмаган болага тааллукли бўлади. Агар оиласда битта бола ирсий нуксон билан туғилса, бундан кейин туғиладиган болаларнинг аҳволи қандай бўлар экан деган масала ота-оналарни ташвишга солади. Ирсиятнинг аутосом-рецессив турида кейинчалик туғиладиган ҳар қайси боланинг касалланиши (зарарланиши) эҳтимоли 1:4; аутосом-доминант турида эса 1:2; чирмашган X-хромосома билан боғлик касалликларда 1:4 га teng.

Ўзимиз олиб борган қўйидаги икки кузатишни мисол тариқасида келтириб ўтмоқчимиз.


Бир-бирига амакивачча бўлган С. исмли йигит билан Д. ва Г. исмли опа-сингиллар генетик врачага мурожаат килиб болаларимиз касалланмасмикан ва яна бола кўришимиз мумкинми, деб маслаҳат сўрашди (211-расм).

Анамнез йиғиш, оила аъзоларини текшириш ва оиласнинг шажарасини тузиш шуни кўрсатадики, мазкур оиласда Гентингтон хореяси деб аталувчи оғир касаллик бор. Бу касаллик доминант турида наслдан-наслга ўтади, яъни шу касалнинг отаси ёки онасида Гентингтон хореяси бор. Касаллик одатда 30—35 ёшда авж олувчи деменция ва хореоатетоз гиперкинезлар тарзида намоён бўлади.

Генетикнинг маслаҳати (жавоби):— Д. исмли опасининг болалари учун Гентингтон хореяси билан касалланиш хавфи



211-расм. Гентингтон хореясига учраган оиласнинг шажараси.



212-расм м. Фридрейх атаксиясига учраган оиласининг шажараси.

Ш — пробанд, А — пробанднинг онаси, М — пробанднинг отаси.

ҳаммадан кўпроқдир, чунки унинг ўзи шу касаллик билан оғриган. Унинг ҳар бир қизи учун касалланиш хавфи 100% дан 50% ни ташкил қилади.

Унинг синглиси Г. ўғлиниң прогнози бирмунча яхшироқ, лекин унда ҳам касалланишнинг жиддий хавфи бор, чунки унинг бувиси Р. Гентингтон хореяси билан касалланган. Буйдай шароитда Р. нинг қизи Г. га патологик ген ўтган бўлиши мумкин, аммо у эндиғина 20 ёшга кирган. Шу сабабли келажакда касалланадими-йўқми, буни олдиндан айтиш қийин. Агар унда патологик ген бўлмаса, унинг ўғли мутлақо соғлом бўлади, башарти унга патологик ген ўтган бўлса, у холда унинг ўғлининг гетерозиготали бўлиш экстимоли 50% нинг ярмисини, яъни 25% ни ташкил қилади.

С. фарзандларининг прогнози мутлақо хавф-хатарсиздир. Чунки болаларнинг отаси соғлом ва унинг ота-онаси ҳам соғлом. Оиласиниг бу шохобчасида келгусида Гентингтон хореяси намоён бўлмайди, деб хисоблаш мумкин.

Д. билан Г. нинг оиласига ахволни батафсил тушунтириш ва Д. нинг оиласига бундан буён бола кўришни таъқиқлаш, Г.нинг оиласига эса бола кўришдан сакланиб туришни маслаҳат бериш лозим.

Ш. исмли бемор ҳозир 10 ёшда, 6 ёшлик ҷоғидан бошлаб унда Фридрейх касаллигининг аломатлари кўрина бошлаган (атаксия, товонлар деформацияси, кифосколиоз ва бошқалар) ва бу аломатлар аста-секин авж олмоқда. Пробанднинг ота-онаси ёш ва соғлом (212-расм).

Ота ва она бу қандай касаллик эканини ва уларнинг бундан

кейинги фарзандлари ҳам шундай касалликка учраш-учрамаслигини билишни хохлайдилар.

Маслаҳат. Шажара схемасининг кўрсатишича, бу касаллик рецессив турда наслдан-наслга ўтади. Бу авлоднинг рецессив гени доминант гендан шу билан фарқ қиласиди, тики А. ва М. исмли икки гетерозигота ўртасидаги никоҳ гомозиготали бола Ш. нинг туғилишига олиб келгунча, мазкур рецессив ген наслдан-наслга яширин суратда ўтиб келган. Боланинг отаси билан онаси амакиавачча. Иккаласига ҳам бир манбадан патологик ген ўтган. Шу туфайли уларнинг ҳар бир боласи тухум ҳужайра орқали ҳам, шунингдек сперматозоид орқали ҳам патологик генга эга бўлиши мумкин. Бинобарин, ҳар бир навбатдаги боланинг касалланиш эҳтимоли 1:4 нисбатга тенг бўлади.

Бу оиласда бундан кейинги бола кўриш масаласи ота-онанинг ўзига ҳавола қилиниши керак.

Генетик консультация беришда шуни назарда тутиш керакки, кўпгина ирсий касалликларда аввал бола мутлақо нормал туғилади ва факат ҳафталар, ойлар, йиллар ёки ҳатто ўн йиллар ўтгандан кейингина геннинг заарли таъсири намоён бўла бошлайди. Кўпинча ихтисослашган органлар ёки тўқималар вактидан бурун дегенерацияга учрайди. Бундай аномалияларнинг катта қисми ихтиёрий мускулларни ёки марказий нерв системасини ўз ичига олади. Бундай ҳодиса мускул дистрофияларида, Гентингтон хореясида, Пик касаллигига, шунингдек нерв системаси ва кўзнинг бошқа кўпгина дегенератив заарланишларида ҳам қайд қилинган.

Гистологик маълумотларнинг кўрсатишича, бундай беморларда ихтисослашган ҳужайралар нормал ҳолатдагига нисбатан анча тез ҳалок бўлиб кетади. Масалан, Пик касаллигига бошмия пўстлоғининг пепиона бўлагидаги нейронлар сони кескин камайган, уларнинг ўрнини астроцитлар эгаллаган бўлади. Натижада пўстлоқ аста-секин атрофиялана бошлайди. Кейинроқ юз берган орқа мия-мияча атаксияларида ҳам шунга ўхаш ўзгаришлар кузатилади; ўрта миянинг тегишли бўлимларида ҳамда мазкур бўлимларнинг ҳужайраларига йўналган толаларда дегенератив ўзгаришларни учратиш мумкин. Бироқ ҳужайраларнинг анчагина — 25% га кадар ва ундан ҳам кўпроқ қисми емирилгандан кейингина даастлабки симптомлар пайдо бўлади, шу важдан беморлар емирилган ҳужайраларнинг салмоғи охириги миқдорга етгандан кейингина врачга мурожаат қиласидар.

Генетик консультациялар кўпинча ҳавфни кучайтириб юбор-масдан, одамларни тинчтишиб хотиржам қиласидар. Одатда медицина-генетика консультацияларига мурожаат қиласидан шахслар аслида унча хатарли бўлмаган касалликни жуда ҳам ҳавфли деб ўйладилар. Ирсиятнинг аутосом-рецессив турида наслдан-наслга ўтадиган касалликка дучор бўлган кишилар, агар хотинлари кон-қариндош бўлмаса, бу касаллик болалар учун унча ҳавфли эмаслигини билиб қўйишлари фойдалидир.

Оиласда навбатдаги бола туғилиши тўғрисидаги масалани ҳал

килиш учун биринчи боладаги касаллик қай даражада оғиғ эканлигини ўйлаб кўриш керак. Масалан, синдактилия, полидактилия, скелетнинг майда аномалияларида, гарчи нуқсоннини кейинги наслга ўтиш хавфи катта бўлса ҳам оиласда кейинги бола туғилиши учун зарарли эмас.

Ирсий касалликларни даволаш, биринчи қарашда гўё мумкин эмасдек кўринса ҳам, бу ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо ҳисобланмайди. Наслдан-наслга ўтадиган касалликларни ҳозирча батамом даволаб юбориш мумкин эмаслиги ўз-ўзидан равшан.

Ирсий касалликлар терапиясининг бир неча тuri мавжуд. 1. Бемор овқатидан баъзи компонентларни чиқариб юбориш, масалан, галактоземия ва фенилкетонурия касалликларида галактоза, фенилкетонуриядаги эса фенилаланин алмашинуви бузилган бўлади, шунинг учун организмда бу моддаларнинг тўпланиши патологик белгиларнинг ривожланишига олиб келади. Бунда галактоза ва фенилаланинни рациондан чиқариб ташлаб, қайтариб бўлмайдиган ўзгаришларнинг олдини олиш мумкин.

Баъзи касалликларда овқатга айрим компонентларни қўшиш зарур. Бемор овқатига уроцил ва цитозин керакли микдорда қўшилса, ортоқоацидурия касаллигининг белгиларини йўқотиб юбориш мумкин бўлади. Баъзи касалликларни даволаш ва уларнинг олдини олиш учун айрим дори-дармонларни истеъмолдан чиқариб ташлаш керак. Масалан, эритроцитларида глюкоза-6 фосфатидрогеназа етишмаган bemорлар безгакка қарши ва бошқа баъзи препаратларни қабул қилса, гемолитик касаллик вужудга келади.

Баъзи ҳолларда организмда етишмайдиган фермент ва гормонлар ўрнини четдан тўлдириб турниш талаб этилади. Гемофилия касаллигида антигемофилик глобулин ва қалконсимон без гормонининг синтезланишидаги баъзи ирсий бузилишлар вақтида қалконсимон без гормонини юбориш бунга мисол бўла олади.

Ирсий сфероцитоз касаллигида асосий клиник белги — анемиянинг ривожланишини хирургия, яъни талоқни олиб ташлаш йўли билан бартараф қилинади.

Шундай қилиб, тиббиёт генетикаси фани бутун тирик мавжудотнинг жисмоний ва асабий хусусиятларини ўзида мужассам қилиб, бу белгиларни наслдан-наслга ўтказиш қонуниятларини ўрганибгина қолмай, оғир ногиронликка олиб келадиган ирсий хасталикларнинг олдини олиш чораларини ҳам белгилайди.

Ирсиятнинг асосий қонуниятларини яхши ўзлаштирумасдан туриб, ҳар хил ирсий касалликлар сирини ўрганиб бўлмайди. Ирсият фани ўзининг минг йиллик тарихига эга. Буюк аллома Ибн Сино ҳам ўзи ўтказган тадқиқотлар асосида ирсиятга оид фикрларни ёзиб қолдирган. «Агар одам бақувват ва соғлом бўлиб, ҳар хил насл касалликларидан холи бўлса, унинг авлоди ҳам соғлом бўлади», деб хулоса чиқарган.

Ҳақиқатан ҳам ирсият шундай улкан кучга эга. Унинг қонуниятлари асосида акл бовар қилмайдиган мўъжизалар рўй

Беради. Агар генетика фанига асосланган қонуниятлар бўлмасданда эди, покдомонлик бобида тенги йўқ Англия қироличасининг қора танли бола туғилиши, унга ва қироллар авлодига канчалар иснод келтириши турган гап эди. Чунки қора танли бола туғилишида қиролича айбдор бўлмасдан, балки авлодида ўтган қора танли буваси сабабчи эди. Ха, бу табиат қонуни. Ҳар бир организм авлодлардан ўтиб келәётган белгиларни саклаб ва уларнинг маълум бир микдорини наслдан-наслга ўтказади. Нафакат юз тузилиши, соч, кош-кўзнинг ранги, қоматнинг паст-баландлиги, балки ички аъзоларнинг тузилиши, моддалар алмашинуви, маълум бир касбга бўлган қобилият, иқтидор каби белгилар ҳам наслдан-наслга ўтади.

Авлодларга хос бўлган олий фазилатлар ҳам авлоддан-авлодга ўтади. Мирзо Бобурдаги шоирлик иқтидори фақатгина унинг фарзандлари Комрон мирзо ва Гулбаданбегимдагина намоён бўлмасдан, тўртинчи авлоди бўлмиш, тенги йўқ ғазаллар соҳибаси Зебунисода қайтарилиши фикримизнинг далилидир.

Бахта карши, ҳар хил нуқсонлар ва ирсий касаллик белгилари ҳам наслдан-наслга ўтиб, оғир мусибатларга олиб келади. Бу нафакат бемор тақдирини, балки бутун бир келажак авлод тақдирини белгилайди. Тутқаноқ, миопатия, гемофилия, дальтонизм, Томсон касаллиги, Гентингтон касаллиги ва бошқалар шу касалликлар жумласига киради.

Бу касалликларнинг ирсий структураси, клиник манзараси, наслдан-наслга ўтиш турларини ўрганиш канчалик катта ахамиятга эга бўлса, уларнинг олдини олувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш эса ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ирсий касалликларнинг олдини олишда анча муваффақиятларга эришилди. Бу ҳам бўлса тиббиёт амалиётида кўлгина ривожланган давлатларда тиббий генетик маслаҳатхоналар ишининг яхши йўлга куйилгани натижасидир. Бундай маслаҳатхоналар айниқса АҚШда кенг ривожланиб, авлодни тозалаш бобида яхши натижаларга эришилмоқда.

Ирсий касалликлар манзараси кўп бўлганлиги сабабли тўғри ташхис кўйиш анча мушкул. Лекин беморни ва унинг энг камидаги уч авлодини тиббий нуқтаи назардан чукур ўрганиб чиқиш тўғри ташхис кўйишга ёрдам беради. Бунда келин-куёв орасидаги кариндош-уруғчилик, чала ёки ўлик бола туғиш, монозиготалик, эгизакларнинг саломатлигини назорат қилиш каби омилларга алоҳида эътибор бериш лозим.

Агар ирсий касалликларга олиб келувчи хатар енгил бўлса, унда келин-куёвларга фарзанд кўришга рухсат берилиб, доимо шифокор назоратида бўлишлари тавсия этилади.

Фарзанд кўришни истаган ирсий касаллик хатари кучли бўлган оиласаларга фақатгина ўзга соғлом жуфт орқали бу ниятга этишлари мумкинлиги тушунтирилади. Ёки бола асраб олиш маслаҳат берилади. Бу билан қанчадан-қанча ногирон болаларнинг туғилиши олди олинади.



ДИАГНОЗ УСУЛЛАРИ ВА КАСАЛЛИК ТАРИХИ НИ НГ СХЕМАСИ

КАСАЛЛИК ТАРИХИ НИ НГ СХЕМАСИ

*

КАСАЛЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ АНАМНЕЗИНИ
КАНДАЙ ЙИФИШ КЕРАҚ?

*

ХАЕТ АНАМНЕЗИДА НИМАГА ЭЪТИБОР БЕРИШ
КЕРАҚ?

*

НЕРВ СИСТЕМАСИ НИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

*

ХУЛОСА(РЕЗЮМЕ)НИ НГ ТАХМИНИЙ ТУЗИЛИШИ

*

ДАСТЛАБКИ, ТОПИК ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ
ДИАГНОЗЛАР ҚЎИШ

ДИАГНОЗ УСУЛЛАРИ ВА ҚАСАЛЛИК ТАРИХИНИНГ СХЕМАСИ

Диагноз деб, беморнинг қандай касаллик билан оғри-
ғанлитини аниқлашга айтилади. Диагнозни тўғри кўя билиш
беморни тўғри даволашнинг гаровидир.

Педагогик нуқтаи назардан эса, bemорни мукаммал текшира
билиш ва унга тўғри диагноз кўйиш йил бўйи ўтилган назарий
ва амалий материалларнинг қай даражада ўзлаштирилганлигини
кўрсатади.

Диагностикани 2 хил усулда олиб бориш мумкин: I усулда
врач bemорни текшириб, ундаги касалликнинг асосий белгилари-
дан бир нечтасини топади. Шу белгилар изидан бориб, кўшимча
текширишлар ёрдамида заарланган орган ёки системани ани-
лайди ва узил-кесил диагноз қўяди.

Амбулатория шароитида бу усул кўп қўлланилса-да, уни
тўғри усул деб хисоблаб бўлмайди. Чунки бундай йўл билан
кўйилган диагноз тўлиқ бўлмайди ва кўпинча диагностик хато-
ларга олиб келади.

II усул мураккаброқ, лекин тўғри ва мукаммаллашган усул-
дир. Бу усулни қўлланиш туфайли фақат касаллик диагнозини
кўйиш билангина чекланиб қолмай, шунингдек, bemорнинг
умумий ахволи тўғрисида тўлиқ маълумотга ҳам эга бўлинади.
Бу эса bemорни даволашда катта аҳамияга эга. II усул кўйида
келтириладиган касаллик тарихи схемаси асосида олиб борилади.

ҚАСАЛЛИК ТАРИХИНИНГ СХЕМАСИ

1. Беморнинг фамилияси, исми ва отасининг исми.
2. Ёши.
3. Жинси.
4. Миллати.
5. Турар жойи.
6. Ишлаш жойи.
7. Қасби.
8. Қасалхонага келган куни ва соати.
9. Қасалхонадан чиқсан куни.

Беморнинг асосий шикоятлари. Беморнинг ўз касаллиги тўғ-
рисидаги шикоятларини аниқлаш катта диагностик аҳамиятга
эга. Беморнинг шикоятлари текширувчи врач учун унинг касал-
лиги тўғрисида дастлабки маълумотлар бўлиб, у bemорнинг

анамнезини тўплашга ва объектив текширишларга йўл очиб беради.

Беморнинг шикоятларини тўплаш тахминан қуидаги тартибда олиб борилади:

Бемордан ўз касаллиги тўғрисидаги ҳамма шикоятларини гапириб бериш сўралади. У ўз шикоятларини гапириб бўлгандан кейин, текширувчи врач ҳамма шикоятлар ичидан асосийларини фикран ажратиб, уларни қўшимча саволлар ёрдамида янада аниқроқ ёрита бошлайди. Чунки bemorning шикоятлари қўпинча врач учун кониқарли бўлмайди. Масалан, bemor ўзининг маълум бир жойи қаттиқ оғриётгани тўғрисида шикоят қиласди. Бунинг ўзи врачни баъзан кониқтирмаслиги мумкин. Унга ана шу оғриқ тўғрисида қўшимча маълумотлар ҳам керак бўлади. Бу маълумотларни эса қўшимча саволлар ёрдамида тўплайди. Биринчидан, оғриқ бор жой, оғриқнинг қандай пайларда пайдо бўлиши ёки кучайиши, қанча вакт давом этиши, унинг хусусияти (санчувчи, кесувчи, куйдирувчи, ўқтин-ўқтин пайдо бўладиган ёки тўхтовсиз давом этадиганлиги ва ҳоказолар) аниқлангандан кейингина, бу шикоятлар муайян кийматга эга бўлади.

Беморнинг шикоятлари касаллик тарихига қуидаги тартибда кайд қилинади: биринчи навбатда унинг диагноз қўйишда асосий далиллардан бири бўлиб қолиши мумкин бўлган энг муҳим шикоятлари, сўнгра иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлганлари ва ниҳоят қолган шикоятлари ёзилади.

КАСАЛЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ АНАМНЕЗИ — ANAMNESIS MORBI

Анамнезнинг асл маъноси эсламоқ демакдир. Демак, текширилаётган bemor ўзида касаллик қандай пайдо бўлганини, врачга учрагунга қадар унинг қандай давом этганини эслаб, мукаммал айтиб бериши керак.

Агарда bemorning ахволи оғир бўлса, касаллик анамнези bemorning касалини яқиндан билувчи кишилар ёрдамида тўпланади.

Беморга биринчи ёрдам кўрсатган медицина ходимларининг маълумотлари ва улар берган хужжатлар касаллик анамнезига материал бўлиб киради. Анамнез диагностик жараённинг биринчи босқичи бўлганлиги учун, уни тўлиқ тўплаш катта аҳамиятга эга. Bemorning шу касаллик билан боғлик бўлган ҳамма субъектив ва объектив белгилари хронологик равища тўпланади. Касаллик анамнезини фаол ҳолда тўплаш лозим, чунки bemor айтатётган ҳамма гапларни пассив равища ёзиб олиш, тўпланаётган маълумотларнинг тарқоқ ва қимматсиз бўлиб қолишига олиб келиши мумкин. Негаки, bemorлар қўпинча касалликнинг унча қимматга эга бўлмаган белгиларини, ўзларининг қандай даволаш муассасаларида бўлганлариди тўғрисида мўкаммал гапириб, врачга керак бўлган маълумотларни айтмасликлари мумкин. Шунинг учун анамнез тўпланаётган врач

беморга мулойимлик билан қүшимча саволлар бериб, асосий маълумотларни билиб олишга ҳаракат қилиши керак.

Муҳим маълумотлардан бири касалликнинг қандай бошланганлигидир. Тўсатдан бошландими ёки секин-аста пайдо бўлувчи симптомлар билан бошландими (бош оғриғи, бош айланиши, кўнгил айнаши ва кусиш). Шу белгилар ўз-ўзидан пайдо бўлдими ёки бошқа касаллик нтижасидами?

Айрим симптомлар тўғрисидаги маълумотларнинг батафсиллиги касалликни аниқлашда катта аҳамиятга эга. Масалан, бош оғриётган бўлса, қачондан бери оғрийди, хуруж билан оғрийдиган бўлса, куннинг қайси пайтида хуруж пайдо бўлади, қанча давом этади? Оғриқ бошнинг қайси қисмида жойлашган? Бош оғриётган пайтда bemorning умумий аҳволи қандай бўлади?

Анамнез тўпланашётганда муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлардан: касаллик кучайиб бораётими, тўхтаганми ёки тузала бошлаганлигини аниклаб олиш зарур.

Яхши тўпланган касаллик анамнези шу касалликнинг пайдо бўлишини, айрим ҳолларда эса унинг сабабларини ва қандай ривожланганлигини аниқ кўрсатиб беради. Тўғри тўпланган анамнез диагноз қўйишда врачга тўғри йўлланма беради ва уни тўғри изоҳлаш нтижасида касаллик тўғрисида ҳар хил тахминий диагностик фикрлар пайдо бўла бошлади.

Шундай қилиб, касаллик анамнезида касалликнинг бориши тўғрисида қанчалик кўп белги ва маълумотлар аниқланган бўлса, тахмин қилинаётган диагноз шунчалик ҳақиқатга яқин бўлади.

БЕМОРНИНГ ҲАЕТ АНАМНЕЗИ – ANAMNESIS VITAE

Беморнинг эмбрионал давридаги ривожланиши. Ҳомиладорликнинг биринчи ёки иккинчи ярмидаги токсикози; ҳомиладорлик даврида онанинг қечирган касалларни ва истеъмол қилган дори-дармонлари; ҳомиланинг ҳаракати; бола тушиши аломатлари.

Беморнинг туғилиши ва чақалоқлик даври. Бемор нечанчи ҳомиладорликдан туғилган? Бола туғилиши тўғрисидаги маълумотлар; ўз вақтида туғилганми, осон ёки кийинчилик билан туғилганми? Хирургик усуслар қўлланилганми-йўқми? Бола туғилган заҳоти йиғлаганми ёки йиғламаганми, цианоз бўлганми, сарғайганми, яхши эмганми?

Беморнинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингилларининг қон группаси ва резус омили. Беморнинг онаси неча марта медицина aborti қилдирган, боласи тушган ёки ўлиқ тукқан?

Ака-укалари ва опа-сингилларининг барвакт ўлими юз берганми? Бемор туғилганда ота-онанинг ёши нечада бўлган?

Илк болалик ёши даги ривожланishi. Вазнининг ошиши. Тиши чиқкан вакти. Бошини тутиши, ўтира бошлаган, юра бошлаган ва гапира бошлаган даври. Тунги сийдик тутолмаслик ҳоллари бўлганми? Шайтонлаганми?

Мактаб ёшидаги даври. Неча ёшдан ўқий бошлаган? Ўқишни қандай ўзлаштирган? Ўрта мактабни ёки қандай ўқув юртларини тамомлаган? Иккиласми жинсий белгиларнинг пайдо бўлиши.

Муддатидан илгари — 12 ёшгача жинсий етилиш бўлганми? 15 ёшдан кейин жинсий етилиши қандай кечган? Қизларда кўкрак безининг ривожланиши, ҳайз кўришнинг муентазамлиги ва давомийлиги. Жинсий жиҳатдан суст ривожланиши. Уруғдонларнинг катта-кичиклиги. Гавдасининг аёллар ёки эркакларга хос тоифадаги мўйлар билан қопланиши.

Беморнинг вояга ва балоғатга етган даври. Мехнат даври анамнези (қандай вазифада, қандай касбда ишлаган, иш даврида зарарли моддалар билан алоқада бўлганми? Оилавий ахволи. Жинсий ҳаёти неча ёшдан бошлаган? Неча марта хомиладор бўлган? Нечта бола туккан? Ҳозирги вактда шулардан нечтаси бор? Нечтаси ўлган, неча ёшда, қандай сабаблар билан? Ҳозирги вактда ўзгаришлар борми?

Неча марта аборт қилдирган, неча марта бола тушган? Неча марта ўлик түккан? Қандай касаллик билан оғриган? Ҳозирги вактдаги ижтимоий-маишӣ шароити (уй-жой шароити оиланинг даромади). Овқатланиш режими ва сифати.

Бемор тана тузилишининг маълум ҳусусиятлари ва нуқсонлари. Бошнинг деформациялари (микроцефалия, краниостеноз, скароцефалия, гидроцефалия, платибазия). Танглайнинг тузилиши (чуқур танглай). Нуқсонли кулок супраси. Тиртик лаб билан туғилганми? Синдактилия, полидактилия, брахиодактилия, симфалангия, кафтнинг кўндаланг эгати. Қўшимча эмчаклар. Ҳаддан ташқари калта ёки узун қўл-оёқлар. Паст ёки баланд бўйлик.

Умуртка поғонасининг ва скелетининг ўзгаришлари ва ҳоказо жисмоний камчиликлар.

Беморнинг ҳаёти давомида бошдан кечирган асабий кечинмалари.

Зарарли одатлари; алкоголь истеъмоли қилиш, тамаки чекиш, наша чекиш.

Оилада наслий-конституционал касалликлар бўлганми? Асабий, руҳий ва моддалар алмашинуви касалликлари, сил, захм, алкоголизм кабилар борми? Оила аъзоларидан кимлар, қандай сабаблар билан вафот этган?

**Беморнинг касалхонага келган вақтдағи аҳволи —
status praesens.**

1. Умумий аҳволи.
2. Беморнинг ҳуши.
3. Гавда тузилиши (конституцияси)
4. Бош суюгининг тузилиши:
 - а) шакли. . . .
 - б) айланаси
 - в) пальпация ва перкуссияда оғриқ борми, қаерида?
5. Умуртқа поғонасининг белгилари:

а) шакли.

б) лордоз.

в) кифоз.

Харакати: ўнг томонга,

чап томонга,

орка томонга,

олдинги томонга

д) юклаш белгиси (оғрик қаерда пайдо бўлгани аниқланади)

е) умуртқа ўсиқлари перкуссияси

6. Кўл ва оёқ суяклари ва бўғимлари.

7. Тери.

8. Шиллик қаватлар.

10. Лимфа тугунлари.

Нафас олиш системаси

Шикоятлари.

Бир минутдаги нафас олиш сони.

Нафас олиш тури.

Нафас олиш ритми. Ҳарсиллаш.

Нафас сикилиши. Йўтал хусусияти.

Балғам (микдори, ранги, ҳиди ва х. к.).

Қўкрак қафасининг тузилиши:

Перкуссия, ўпка топографияси. Ўпка экскурсияси.

Аускультация.

Юрак-қон томир системаси

Шикоятлари.

Перкуссия (юрак чегараларини аниқлаш)

Ўнг томонда.

Чап томонда.

Юкори томонда. . .

Аускультация: юрак учida. . . .

 ўпка артериясида.

 аортада.

Пульс: тезлиги, ритми, тўлиқлиги, кучи.

Кўл ва оёқдаги артерияларнинг пульсацияси. . . .

Артериал кон босими: ўнг қўлда. . .

 чап қўлда.

Овқат ҳазм қилиш системаси

Шикоятлари, иштаҳаси, ютиши, лаблари, милклари, тишлари, тили.

Корин шакли, уни пайпаслаб кўриш.

Нажас хусусияти (микдори, тезлиги ва х.к.).

Жигар (топографияси, пайпаслаб кўриш).

Талок (пайпаслаб кўриш).

Сийдик ва жинсий системаси

Шикоятлари.

Сийиши.

Пастернацкий белгиси.

Моддалар алмашинувининг ўзгариши.

Ички секреция безлари.

Лаборатория анализлари

1. Коннинг умумий анализи.

2. Сийдик анализи.

3. Цереброспинал суюқлик анализи: микдори, ранги, тиниклиги, босими, цитоз, оқсил микдори, Панди реакцияси, Ноннен-Аппельт реакцияси, Таката-Ара реакцияси.

Квекенштедт синови.

Стукней синови.

Биохимиявий анализлар.

Рентгенографик ва рентгеноскопик текширишлар:

1) Бош саягининг рентгенографияси — краниография;

2) Умуртқа поғонасининг рентгенографияси — спондило-графия; "

3) Кўкрак кафасининг рентгеноскопияси ва б. к.

НЕРВ СИСТЕМАСИНИ ТЕКШИРИШ

I — Краниал нервлар

I жуфт. Ҳидлов нерви — p. olfactorius.

Ҳар хил ҳидларни (камфора мойи, керосин, ва бошқа моддаларнинг ҳидларини) ўнг ва чап бурун тешиклари орқали алоҳида-алоҳида сеза олиш қобилиятини аниқлаш.

II жуфт. Кўрув нерви — p. opticus.

1. Кўрув ўткирлиги: ўнг томонда, v. o. d.— чап томонда v. o. s.

2. Кўрув майдони: ўнг томонда, чап томонда.

3. Ранг айришни Рабкин жадвали ёрдамида ҳар бир кўзда алоҳида-алоҳида текшириш.

4. Кўз олмасининг туби.

III жуфт. Кўз олмасини ҳаракатлантирувчи нерв — p. oculomotorius.

IV жуфт. Фалтак нерви — p. trochlearis.

VI жуфт. Узоклаштирувчи нерв — p. abducens.

1) птоз;

2) диплопия;

3) страбизм;

4) нистагм;

5) кўз олмасининг юқорига, пастга, ўнг ва чап томонларга ҳаракатланиши;

6) кўз қорачиғининг: а) катталиги; б) шакли; в) қорачик рефлекслари:

- а) корачикнинг ёруғликка тўғри рефлекси;
- б) корачикнинг ёруғликка ҳамкор рефлекси;
- в) корачикнинг конвергенцияга жавоб рефлекси;
- г) корачикнинг аккомодация рефлекси.

V жуфт. Уч тармоқли нерв — n. trigeminus.

1) сезувчи қисми:

- а) беморнинг шикоятлари;
- б) уч тармоқли нерв шохчаларининг бош суюкларидан чиқиши ерларини (Валле нукталарини) босиб кўриб, уларнинг оғриш-оғримаслигини аниқлаш;
- в) юзда ва бошнинг олдинги сочли қисмida оғриқ, ҳарорат ва тактил сезгила;
- г) тилнинг олдинги учдан икки қисмida таъм билиш; ўнг томонда; чап томонда;

2) ҳаракат қисми:

- а) пастки жағ ҳаракатининг ҳажми;
- б) чайнов ва чакка мускулларининг таранглиги ва кучи;
- в) девиация;
- г) тризм.

VII жуфт. Юз нерви — n. facialis

1. Юздаги ажинларнинг симметриклиги.

2. Кўз ёруғининг катталиги (ўнг ва чап томонда);

3. Мимик синовлар:

- а) пешонани тириштириш;
- б) қошни чимириш;
- в) кўзни чирт юмиш;
- б) тишни тиржайтириш;
- г) лунжни ҳаво билан тўлдириш;
- д) гиперкинезлар;
- е) мимикаси (гипомимия, амимия).

VIII жуфт. Эшитув нерви — n. statoacusticus.

1. Шикоятлари.

2. Эшитув ўткирлигини текшириш (ўнг томонда, чап томонда).

3. Қамертонал теқширишлар:

- а) Вебер тажрибаси;
- б) Ринне тажрибаси: ўнг қулокда;
чап қулокда.

2) вестибуляр нерв:

- бош айланиши;
- кўнгил айниши;
- кусиш;
- нистагм.

Ромберг симптоми

IX жуфт. Тил-ҳалқум нерви — n. glossopharyngeus.

X жуфт. Сайёр нерв — n. vagus.

овоз чиқиши;

афония;
манкаланиш;
ютилган овкатнинг бурундан қайтиб тушиши;
қалқиб кетиш;
юмшоқ танглайнинг симметриклиги:

- а) ҳаракатсиз турган пайтида;
б) фонация вактида;
тилчанинг жойлашиши;
гиннинг орткىи учдан бир бўлагида таъм билиш:
ўнг томонда, чап томонда.

XI жуфт. Қүшимча нерв—п. accessorius.

Бошни харакатлантириш: ўнг томонга, чап томонга, орка
тomonга;
елкани күтариш;
ўнг томонга, чап томонга,
m. sternocleidomastoideus кучи
m. trapezius кучи.

XII жуфт. Тил ости нерви—п. hypoglossus

тилнинг оғиз ичидаги ва ташқарига чиқарилган вақтдаги холати;

тилнинг атрофияланиши;

үнг томонда,
чап томонда

фибрилляр тортишишлар:

дизартрия;

анартрия:

II Ҳаракат системаси

1. Елка камари ва қўллар:

- а) фаол ҳаракатлар (хар бир бўғимда алоҳида текширилади),
 - б) пассив ҳаракатлар (хар бир бўғимда алоҳида текширилади),
 - в) мускуллар тонуси,
 - г) анкилоз ва контрактура (қайси бўғимларда),
 - д) фибрилляр, фасцикуляр тортишишлар (қайси мускулларда),
 - е) мускул атрофияси (қандай мускулларда).
 - ж) мускулларнинг электрик қўзғалувчанилиги,
 - з) гиперкинезлар (қаерда ва қандай). баҳолаш

Мускулларнинг кучи:

1. m. deltoideus
 2. m. serratus anterior
 3. m. m. pectorales major et minor
 4. m. latissimus dorsi
 5. m. m. biceps brachii et brachioradialis
 6. m. triceps brachii
 7. m. m. pronator teres et quadratus
 8. m. m. supinatores longus, brevis et brachioradialis
 9. m. m. flexores carpi radialis et ulnaris
 10. m. m. extensores carpi radialis et ulnaris

11. m. m. flexores digitorum sublimus et profundus
12. m. extensor digitorum communis
13. m. m. interossei et lumbricales

2. Чаноқ камари ва оёклар

Чаноқ камари ва оёклар:

- а) фаол ҳаракатлар (хар бир бўғимда алоҳида текширилади);
- б) мускуллар тонуси (хар бир бўғимда алоҳида текширилади);
- г) анкилоз ва контрактура (кайси бўғимларда);
- д) фибрилляр ва фасцикуляр тортишишлар (кайси мускулларда);
- е) мускул атрофияси (кандай мускулларда);
- ж) мускулларнинг электрик қўзғалувчанлиги;
- з) гиперкинезлар;
- и) мускулларнинг кучи:

баҳолаш

ўнг

чап

1. m.iliopsoas
2. m.gluteus maximus
3. m.m. gluteus medius et minimus
4. m.m. adductores longus et magnus
5. m.m. biceps femoris, semitendinosus et semimembranosus
6. m. quadriceps femoris
7. m.m. triceps surae, tibialis posterior ва бошқалар
8. m.m. tibialis anterior, peroneus longus ва бошқалар

Ҳаракат координацияси

- 1) бармоқ-бурун синови: ўнг томонда,
чап томонда,
- 2) тизза-товор синови: ўнг томонда,
чап томонда,
- 3) дисметрияни синаш: ўнг томонда.
чап томонда,
- 4) адиадоҳокинезни синаш: ўнг томонда,
чап томонда,
- 5) қарама-қарши тортилиш симптоми: ўнг томонда,
чап томонда
- 6) скандирлашган нутқ,
- 7) Ромберг симптоми,
- 8) юриш

III. Сезги системаси

1. Беморнинг шикоятларии:
(оғриқ ва парестезияларнинг хусусиятини, оғриқларнинг хуруж билан тутишини, давомлилиги ва бошқаларни аниқлаш):
- 2) нерв устунларини пайпаслаб кўриш (қўл, оёқ ва танада)
- 3) Лассег симптоми: ўнг томонда
чап томонда
- 4) Вассерман симптоми: ўнг томонда,
чап томонда,

- 5) Нери симптоми;
- 6) ўтириш симптоми;
- 7) тери сезгисини текшириш:
 - а) оғриқ сезгиси;
 - б) температура сезгиси;
 - в) тактил сезги;
 - 8) мускул-бўғим сезгиси;
 - а) пассив ҳаракат сезгиси (кўл ва оёқнинг ҳар бир бўғимида текширилади);
 - б) тана қисмларининг фазодаги вазиятини билиш сезгиси;
 - в) вибрация сезгиси (кўл, оёқ суюкларида ва умуртка ўсиқларида).
 - 9) мураккаб сезги — кўлда, оёқда;
 - а) локализация сезгиси;
 - б) дискриминация сезгиси,
 - в) терига чизилган оддий шакллар таъсиротини сезиш.

IV. Менингеал белгилар

- 1) бўйин қотиши белгиси;
- 2) Керниг симптоми: ўнгда; чапда.
- 3) Брудзинский симптоми;
- 4) Данциг-Кунаков симптоми;
- 5) умумий гипералгезия.

РЕФЛЕКСЛАР

1. Пай рефлекслари.

- а) бицепс рефлекси;
- б) трицепс рефлекси;
- в) пателляр рефлекс;
- г) Ахилл рефлекси;
- 2) билак периостал рефлекси;
- 3) Майер (бўғим) рефлекси.

ўнг чап

2. Тери рефлекслари

- а) корин рефлекслари:
юкори,
ўрта,
пастки.
- б) Кремастер рефлекси;
- в) оёқ кафти рефлекси.

3. Патологик рефлекслар

- а) Бабинский рефлекси,
- б) Оппенгейм рефлекси;
- в) Бехтерев рефлекси;
- г) Россолимо рефлекси;
- д) химоя рефлекси;

ўнг чап

- е) лаб рефлекси;
- ж) Янишевский рефлекси;
- з) Маринеско-Родовичи симптоми;
- и) тизза қопқоғининг клонуси;
- к) оёқ панжасининг клонуси.

V. Чаноқ органлари

- а) сийдик тутилиши;
- б) сийдик тутолмаслик;
- в) ич келишининг қийинлашуви (қабзият);
- г) ич келишини тутиб туролмаслик.

Вегетатив нерв системаси

Эритема;
акроцианоз;
тери харорати;
маҳаллий дермографизм;
рефлектор дермографизм;
невроген шишиш;
трофик яралар, узоқ ётишдан келиб чиқкан яралар;
артропатия;
тер ажралиши;
сўлак ажралиши;
пиломотор реакция.

НЕЙРОПСИХОЛОГИК ТЕКШИРИШ

Ўнақай. Чапақай. Яширин чапакайлик (тагига чизиб қўйинг).

Усу́ллар

I. Дастлабки сұхбат.

II. Праксис.

Текшириш натижаси

1. Беморнинг хуши қандай?
2. Ўз ҳолатини, турган жойини ва вактни тахминий аниклаши.
3. Текширишга ва ўз касаллигига бўлган муносабати.
4. Эмоционал ҳолати.
5. Галлюцинациялар.
1. Ҳаракат ҳолати праксиси:
 - а) кўлнинг II ва III ёки II ва V бармоқларини ёзиш;
 - б) кўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари билан доира ясад кўрсатиш.
2. Кўрсатма ва буйруқ асосида бажариладиган ҳаракатлар:

3. Реципрок координацияси.
4. Конструктив праксис.
5. Оғиз.

- III. Эшитиш координацияси ни текшириш.
1. Товушларни эшитиш ва уларни аниклаш.
2. Эшитилган товушларни чертиб күрсатиш.

а) Хэд усули: нусхага қараб бажариш—врачнинг харакатларини кайтариш: ўнг қўлининг кўрсаткич бармоги билан чап қўзини кўрсатади, сўнгра чап қўлининг кўрсаткич бармоги билан ўнг қулоғини кўрсатади; оғзаки йўл-йўрик асосида бажариш: чап қўлингиз билан ўнг қулоғингизни кўрсатинг ва хоказо.

Иккала қўлни олдига кўйиб, бир қўлнинг панжасини муштум қилиш, иккинчи қўлнинг панжасини ёзиш ва шу харакатларни бирин-кетин бир неча маротаба такрорлаш.

- а) ракамсиз соатга қараб вақтни аниклаш;
- б) географик картадан сўралган шахарларни, денгиз ёки океанларни ва х. к. кўрсатиш;
- б) гугурт чўпларидан шакллар ясад бериш.
- а) тилни чиқариш, уни юкори ва пастки лабларнинг устига кўйиш;
- б) нусха ва оғзаки йўл-йўрик асосида хуштак чалиш ва чайнаш харакатларини кўрсатиш.
- а) врач кўрсаткич бармоги билан столга икки ва уч марта чертади, сўнгра бир неча марта 2 тадан чертади, кейин 3 марта секин ва 2 марта қаттиқ, чертади. Бемордан неча марта ва қанақа товушларни эшитгани сўралади.
- а) нусха орқали: врач 2, 2: 3 марта ва 2 марта қаттиқ, 3 марта секин чертиб кўрсатади, сўнгра bemor бу ритмларни такрорлайди;

IV. Гнозис. Буюмларни ва уларнинг шаклларини танишни текшириш.
Таниш.

V. Сўзлаш қобилиятини текшириш.

Импресив нутк.

1. Фонемаларни эшлиши.
2. Сўзларнинг мазмунини тушуниш.
3. Оддий гапларнинг мазмунини тушуниш.
4. Мантикий-грамматик структурани тушуниш.

Экспрессив нутк.

1. Харфларни артикуляция килиш қобилияти.
2. Такрорий нутк.

- б) оғзаки йўл-йўриқ орқали «иккитадан чertинг», «уч марта секин ва икки марта қаттиқ чertинг».
- а) ҳар хил шаклларни;
- б) устма-уст чизилган буюмларни таниш (Поппельрейтер усули);
- в) устига ноаний ўналишдаги чизиклар чизилган буюмларни;
- г) реалистик шаклларни;
- д) силуэт шаклларни.

- а) дизъюнкт, яъни ҳар хил ҳарфларни такрорлаш: б, р, м, д, к;
- б) ўхшаш фонемаларни ажратиш: б-п, п-б, д-т-д;
- в) З-серияли ҳарфларни қайтариш: а-о-у, б-п-и.
- а) врач илтимос қилган буюмларни кўрсатиш;
- б) «кўз, қулок, бурунни» кўрсатинг, «товонингизни, тирсағингизни» кўрсатинг ва х. к.
- а) ҳар хил саволларга жавоб қайтариш.
- а) «қалам билан тароқни», «қалит билан қаламни» кўрсатинг;
- б) «отасининг укаси», «укасининг отаси», «бошлиқнинг дадаси», «дадасининг бошлиғи» — тушунчаларининг мазмунини айтиб берини.

- а) дюзъюнкт ҳарфларни такрорлаш: б-р-н, н-с-п;
- б) ўхшаш артикулемаларни такрорлаш: б-м, л-д ва х. к.
- а) сўзларни, сўзлар гурухини ва гапларни такрорлаш:

3. Номларни айтиш

- а) кўрсатилган буюмларнинг номини айтиш;
- б) кўз олдида йўқ буюмларни врач тасвирилагандан сўнг, уларнинг номини айтиб бериш.

Сўзлаш ва ўқиш қобилиятланини текшириш.

1. Ёзиш.

- а) харф ва сўзларни кўчириб ёзиш;
- б) айтиб турилган гапларни ёзиш;
- в) автоматик ёзиш;
- г) қисқа ҳикоя ёзиш.

2. Ўқиш.

- а) алоҳида харф ва бўғимларни таниш ва ўқиш;
- б) сўзларни ўқиш;
- в) нотўғри ёзилган сўзларни ўқиш ва уларни анализ қилиш;
- г) гаплар ва текстларни ўқиш.

3. Алоҳида сўз ва сўзлар сериясини, гапни:

- а) бевосита қайтариш;
- б) 1—2 минут жим тургандан сўнг қайтариш;
- в) 1—2 минутлик «гетероген» интерференциядан кейин қайтариш: шу танаффус пайтида оддий арифметик мисоллар берилади.

- г) 1—2 минутлик «гомоген» интерференциядан, яъни шу танаффус пайтида касб, китоб, оила ҳақида сухбатлашгандан кейин такрорлаш.

4. Битта ҳикоя ўқиб берилади ва bemорлардан уни юкорида кўрсатилган а, б, в, г шароитларда эслаб, такрорлаб бериш сўралади.

VII. Хотирани текшириш.

1. Узок вақт хотираси.

2. Қисқа вақт хотираси.

3. Кўриш стимулларини (расмчаларни) эслаб қолиш, сўнгра уларни шу тўрт шароитда такрорлаш.
4. Ҳаракат стимулларини эслаб қолиш, сўнгра уларни шу тўрт шароитда такрорлаш.

IX. Ҳисоблаш қобилиятини текшириш.

X. Фикрлаш

кобилиятини текшириш.

1. Мураккаб расмларнинг мазмунини тушуниш.

2. Текстларнинг мазмунини тушуниш.

3. Маколларнинг мазмунини тушуниш.

3. Кўриш стимулларини (расмчаларни) эслаб қолиш, сўнгра уларни шу тўрт шароитда такрорлаш.
 4. Ҳаракат стимулларини эслаб қолиш, сўнгра уларни шу тўрт шароитда такрорлаш.
- a) оддий мисолларни ечиш (31—7; 51—17);
 - b) 100 дан 7 ни ёки 3 ни такрорланайтира бориш: 100—7—93—7—86—7—79 ва ҳ.к.
 - b) оддий ва мураккаб масалаларни ечиш.
 - a) берилан расмнинг деталларини синтез қилиш.
 - b) расмнинг маъзмунига баҳо бериш.
 - a) беморга қисқа ҳикоя ўқиб берилади, сўнгра унинг мазмунини сўзлаб бериш ва асосий маъноси-ни айтиб бериш сўралади.
 - a) метафоралар: «Кўли гул», «Тош юрак» ва ҳ. к.
 - b) маколлар: «темирни қизигида бос», «табиатсиз киши гулзордан йирок» ва бошқалар

ХУЛОСА (РЕЗЮМЕ)

Касаллик тарихининг хulosса қисмида тўпланган барча анамнестик ва объектив маълумотлар системага солинади. Лекин системага солинувчи материаллар етарли даражада қимматли ва сифатли бўлмоги лозим.

Анамнестик ва объектив маълумотлар тўла-тўкис тўпланмаган бўлса, чиқарилган хulosса ҳам қимматсиз бўлиб, ундан диагностик натижа чиқариш мумкин бўлмайди.

Хulosса тузиш учун синчилаб тўпланган маълумотлар яхшилаб ўрганиб чиқилади ва касаллик тарихининг ҳар бир бўлими тўғрисида кисқача хulosалар тузилади.

Хулосанинг тахминий тузилиши. Хulosса (резюме) тузиш bemornинг ёши, жинси ва касбини кўрсатиш билан бошланниб, касаллик анамнези тўғрисида кисқача хulosса чиқариш билан якунланади.

Ҳаёт анамнезидан шу касалликнинг пайдо бўлиш заминида ётган умумий сабабларни (жисмоний, рухий, ақлий ўсиш, қандай касалликлар билан оғригани, ташки шароити, режими, қариндош ва қўшиларининг, эри ёки хотинининг соғлиғи, ирсий омиллар, алкоголизм ва бошқалар) кўрсатилади.

Авлоддаги ирсий белгилар мумкин қадар ҳамма оила аъзоларида текширилади.

Пробанд касаллигининг ота-онасида, сибларда ва яқин кон-қариндошларида акс этиши аниқланади.

Мазкур касалликнинг наслдан-наслга қандай йўл билан ўтиши белгиланади (аутосом-доминант, аутосом-рецессив ёки жинсий хромосомага боғланган ҳолда ўтиши).

Оида аъзоларидан кимлар, қандай сабаблар билан вафот этгандиги тасвирланади.

Авлодда рухий касалликлар, тутқанок, мигрен, геморрагик ёки ишемик инсультлар, авж олган мускул дистрофиялари, Гентингтон хореяси, мияча атаксияси, хромосома касалликлари, моддалар алмашинуви касалликлари, кон касаллиги, қандли диабет, факаматозлар, ревматизм ва бошқалар бор-йўклиги қайд. килинади.

Сўнгра умумий ахволи, касалланган ички органлари ва ички секреция безлари тўғрисида маълумотлар берилади.

Ниҳоят, лаборатория ва рентгенология маълумотларининг натижаси кўрсатилади. Шундан кейин нерв системасини текшириш натижасида аниқланган маълумотлар берилади.

Нерв системаси ҳакида хулоса тузиш ўзига хос йўллар билан олиб борилади.

Хулоса тузиш учун касаллик тарихини тўплаш даврида аникланган белгилар хронологик равишда кўчириб кўйила қолмайди. Маълумки, ҳар бир белги (симптом) маълум бир синдромнинг бир қисмидир.

Шунинг учун бир-бири билан патогенетик равишда боғланган белгиларни синдромларга айлантириб хулоса тузилади.

Синдромлар тузилгандагина беморни тушуниш, унга топик ва нозологик диагноз кўйиш осонлашади. Нерв системаси ҳакида тахминан кўйидаги тартибда хулоса тузилади.

1. Краниал нервларни текшириш натижалари. Бу бўлимда асосан ўзгарилган краниал нервлар тўғрисида умумлаштирилган тушунча берилади.

2. Ҳаракат системаси тўғрисида кичик хулоса. Бунда ўзгарилган ихтиёрий ҳаракат (парез ёки плегия)лар синдромларга (масалан, гемиплегия ва ҳ.к.) айлантириб тушунтириллади. Шу билан бирга, фалажланган мускулларнинг тонуси, трофикаси, электрик кўзғалувчанлиги, фибрилляр ва фасцикуляр тортишишлари, контрактура ва анкилозлари ҳамда патологик рефлекслари тўғрисидаги маълумотлар ёзилади. Шунингдек, пайдо бўлган гиперкинезлар ҳам тасвирланади.

3. Ҳаракат координацияси тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиш.

4. Менингеал симптомларни кўрсатиш.

5. Сезги системасига оид якунлар.

Бу якунда оғриқлар хусусиятини, ўрнини, нерв стволларини, тортишиш белгиларини тасвирлагандан сўнг, ўзгарилган тери ва мускул-бўғим сезгиларининг синдромлари (гемианестезия, паранестезия ва ҳ. к.) баён қилинади.

6. Вегетатив нерв системаси ва тос органлари тўғрисида маълумотлар берилади.

Ниҳоят, олий нерв фаолияти, рухий ва ақлний ҳолатларга қисқача хулоса бериш билан хулоса тугалланади.

Хулоса кандай схемада тузилган бўлмасин, у анамнестик ва объектив маълумотларни умумлаштирган ҳамда текширувчи врачнинг ўз фикрини бир жойга тўплаб, маълум бир диагноз кўйишига ёрдам берадиган бўлмоғи керак.

Хулоса тузилиб бўлгандан кейин дастлабки нозологик диагноз кўйилади.

ДАСТЛАБКИ НОЗОЛОГИК ДИАГНОЗ

Дастлабки нозологик диагнозни бемор тўғрисидаги анамнестик маълумотларга, унинг симптомотологиясига, лаборатория, рентгенологик ва бошқа текширишлар якунларига асосланиб кўйилади.

Бу маълумотларга ўз аҳамиятига кўра баҳо берилиб, уларнинг келиб чиқиши ва динамикаси устида фикр юритилади. Беморни

текшириш даврида патологик белгилар орасидаги тахмин қилинётган касалликка доир асосий белгилар ёрдамида дастлабки нозологик диагнози исботланади. Шундай қилиб, анамнестик ва объектив текширишлар натижасида түппланган ва хulosы қилинган белгилар ичида шу касалликка хос бўлган белгилар — асосий далиллар ажратиб олинади.

Бу асосий далиллар лаборатория, серологик, рентгенологик ва бошқа маълумотлар ёрдамида тасдиқланади. Шу билан бирга, агар имкони бўлса, тахмин қилинаётган касалликнинг сабаби (этиологияси) ҳам исботланади.

Асосий ва бошқа белгилар ёрдамида аниқланган касалликнинг тури ва унинг қайси даврда ёхуд фазада эканлиги аниқланади.

Асосий касаллик дастлабки диагнозда исботлангандан сўнг, нерв системасининг зааралланган кисми аниқланади, яъни топик диагноз қўйилади.

Топик диагноз. Топик диагноз ёрдамида нерв системасининг қайси кисмida патологик жараён жойлашганлиги аниқланади.

Маълумки, ҳар бир аниқланган белги марказий ва периферик нерв системасининг маълум бир кисмida функционал ёки анатомик бузилишлар борлигини кўрсатади.

Масалан, орқа миядаги муайян сегментларнинг орткى шохи ёки олдинги битишмаларининг заараланиши терининг муайян соҳаларида диссоциациялашган сезги ўзгаришларига олиб келади.

Демак, бемор терисининг маълум бир соҳасида диссоциациялашган сезги ўзгаришлари топилса, шу соҳага тегишли орқа мия сегментининг орткى ёки олдинги битишмалари зааралланлиги тўғрисида фикр юритилади. Топик диагноз қўйилгандан сўнг дифференциал (қиёсий) диагноз қўйишга ўтилади.

Дифференциал (қиёсий) диагноз. Текширилаётган bemornining ахволи тўғрисида хulosы тузиб, унга дастлабки ва топик диагнозлар қўйилгандан кейин ҳам текширувчи врач худди шундай белгиларга эга бўлган бошқа касалликлар бўлиши мумкинлигини инкор эта олмайди.

Шу сабабли тахмин қилинган бошқа касалликлар асосий белгилар билан бирма-бир қиёслаб чиқилади. Бунда ана шу касалликлар учун умумий бўлган белгилар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бошқа маълумотларнинг хаммаси бирма-бир қиёсланади. Башарти шу қиёсланаётган касаллик инкор этилмоқчи бўлса, унинг қандай белгилари ўхшамаслиги тўлиқ далиллар асосида исботлаб берилниши керак. Ниҳоят, охирги нозологик диагноз қўйилади. Охирги диагнозни топик, дастлабки ва қиёсий диагнозлар асосида қўйилади. Яъни зааралланган жой ва зааралланган жараённинг сабаби аниқ кўрсатилади.

Ана шулардан кейингина даволаш усули ва касаллик прогнози кўрсатилади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи нашрига сўз боши	5
Кириш	6
Неврология тарихи	11
Кадимги замон неврологияси	11
Кадимги Миср неврологияси	11
Кадимги Хиндистон неврологияси	11
Кадимги Хитой неврологияси	12
Кадимги Тибет неврологияси	13
Кадимги юнон неврологияси	13
Рим империяси неврологияси	15
Ўрта аср неврологияси	18
Араб тилига оид неврология	18
Абу Али ибн Сино неврологияси	21
Россия неврологияси	26
Ўзбекистон неврологияси	28
Нерв тўқимаси	35
Невронлар	35
Нерв толасининг тузилиши	40
Невронларнинг асосий физиологик хусусиятлари	41
Синапсларнинг тузилиши	43
Невроглия	44
Орка мия	47
Орка миянинг хусусий аппарати	50
Орка миянинг рефлектор фаолияти	51
Орка миянинг тоник фаолияти	56
Орка миянинг трофиқ фаолияти	57
Нерв ва мускулларнинг электр қўзғалувчанлиги	58
Орқа мия оқ моддаси (ўтказгич аппарати)нинг тузилиши	63
Орка мия пардалари	66
Орка мия артериялари	66
Үмуртқа погонасининг рентгенограммаси	67
Периферик нерв системасининг патологияси	69
Спинал нерв, ортки ва олдинги илдизчалар патологияси	69
Нервларни пайнаслаб кўриш ва тортиб текшириш усууллари	76
Бош мия	79
Узунчок мия	79
Ядролари узунчок мияда жойлашган краниал нервлар	83
Кўприк	88
Ядролари кўприкда жойлашган краниал нервлар	90
Текшириш усууллари	92
Ўрта мия	103
Ядролари ўрта мияда жойлашган краниал нервлар	105
Кўзни харакатлантирувчи нервларни текшириш усууллари	110
Оралиқ мия	111
Қўрув дўнглиги	111
Қўрув нервининг заарланиши, кўз олмаси тубининг патологияси	116
Гипоталамик соҳа ва вегетатив нерв системаси	119
Гипоталамик соҳа. Тузилиши, функцияси ва заарланиши	120
Гипоталамик синдромлар	122
Фармакологик текширишлар	133
Бош мия тўр формацияси	134
Тур формациясининг юкори йўналувчи фаоллаштирувчи таъсиroti	136
Миҷча	137
Харакат мувофиқлиги	138

Харакат мувофиқлигини текшириш усуллари ва патологияси	140
Пўстлок ости марказий тугунлари	143
Экстрапирамида системасининг йўли.	144
Катта мия.	149
Бош мия пўстлогининг функцияси ва патологияси.	155
Тери ва проприоцептик (мускул-бўғим) сезги системаси.	156
Тери ва мускул-бўғим сезгилари патологияси	163
Ихтиёрий харакат системаси	170
Харакат системасининг патологияси.	175
Бош мия пўстлогининг олий фаолиги, унинг бузилиши ва нейропсихологик текшириш усуллари.	187
Бош мия функциясини электрофизиологик усуллар ёрдамида текшириш.	203
Электроэнцефалография.	203
Бош мия артериялари ва бош мияда кон айланишини текшириш усуллари.	207
Бош мия нервлари ва синуслари.	210
Ангиография.	211
Реоэнцефалография.	212
Ультратовуш доплерографияси.	213
Эхоэнцефалография.	213
Гаммаэнцефалография (скеннер қилиш)	214
Бош мия коринчалари, пардалари, цереброспинал суюклик ва уларнинг патологияси	216
Бош мия коринчалари.	216
Бош мия пардалари.	218
Цереброспинал суюклик айланишининг патологияси.	227
Рентгенография усуллари.	230
Пневмоэнцефалография ва вентрикулография.	231
Бошнинг компьютер томографияси (КТ).	236
Ядер-магнит резонанси (ЯМР).	237
Позитрон-эмиссион томография (ПЭТ).	239
Тиббиёт генетикаси асослари.	241
Генетик текшириш усуллари.	259
Медицина-генетика консультацияларининг вазифалари	269
Диагноз усуллари ва касаллик тарихининг схемаси.	277
Касаллик тарихининг схемаси.	277
Касалликнинг ривожланиш анамнези	278
Беморнинг ҳаёт анамнези	279
Нерв системасини текшириш	282
Рефлекслар	286
Нейропсихологик текшириш.	287
Хулоса (резюме).	292
Дастлабки нозологик диагноз.	293